

А3
КС

841591A
K59

В

An illustration for a book cover. In the upper left, a man with dark hair and a mustache, wearing a red tunic, looks forward. To his right, a woman in a blue headscarf and a white patterned blouse looks slightly to the right. Behind her, a young boy with a serious expression looks forward. In the background, a dark horse is visible. In the lower left, a sword with a highly decorated hilt and a long blade stands upright in an open wooden chest. The background is a dark, rocky landscape under a dim sky.


СИРЛИ ПИЧОҚ ИЗИДАН

Саргузашт
қисса

Азамат ҚОРЖОВОВ

СИРЛИ ПИЧОҚ, ИЗИДАН

Қисса
(Қайта нашр)



Тошкент
«JOD-PRESS»
201

УЎК: 821.512.133-3

КБК:84 (5Ў)7

Қ-59

Қоржовов, Азамат.

Сирли пичоқ изидан: (қисса)/А.Қоржовов.— Қайта нашр
—Т.: Ijod-Press, 2016. 232 б.

УЎК: 821.512.133-3

КБК:84 (5Ў)7

Абдурахим исмли отбоқар мўлтонининг уйида қутилмаганда сирли қотиллик юз беради. Воқеа сабабчиларининг изидан тушиши асносида Абдурахим ўз хотини, уйдаги эски сандиқдан топилган аждодлар пичоғи, кейинчалик ҳаттоки марҳум отаси ҳақида ҳам ғаройиб далилларга дуч кела бошлайди...

Бир неча саргузашт китоблар муаллифи Азамат Қоржововнинг ушбу қиссаси матбуотда «Лулилар салтанати» номи билан чоп этилган. Асарда умумий ном билан «Марказий Осиё лулилари» деб аталадиган, аслида ўзларини лули деб ҳисобламайдиган мўлтонилар, жўғилар ҳаётида рўй берган воқеалар, ҳиндистони лули, афғони лули ёки қора лули қавмларининг биридан чиққан жиноятчиларнинг пул учун қабих ишларга қўл ургани тасвирланган. Инсон қайси миллат, қайси мазҳаб, қайси қавмдан бўлмасин, у инсон эканлиги бадий тимсолларда кўрсатиб берилган.

Тақризчи:

Баҳодир АБДУРАЗЗОҚ— Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
аъзоси, ёзувчи

Абдурахмон ЖўРА — шоир

ISBN 978-9943-994-15-7

Abdulla Qodiriy nomidagi

viloyat AKM

INV № 168535-2019

© «DIZAYN-PRESS» нашриёти, 2013

© «IJOD-PRESS» нашриёти, 2016

I ҚИСМ

МУҚАДДИМА

Кунларнинг бирида шифокор дўстимнинг хонасига мўраласам, етмиш ёшлардаги лўли чол ўтирган экан. Беморнинг кетишини йўлакда кута бошладим. Орадан ярим соат ўтди, сочлари жингалак, қотмадан келган лўли йигит чолни етаклаб чиқди. Иккови ҳам ҳолдан тойган, офтобда қорайган, ғамдан адойи тамом бўлган бечора одамларни эслатарди. Дўстим телефон тугмачаларини босди ва менга кўзи тушиб:

— Эндигина кўнғироқ қилаётгандим, шу ерда экансиз-ку,— деди.— Мўлтони бобо билан таништирмоқчи эдим. Суҳбатлашсангиз, балки қизиқ нарса ёзармидингиз. Ана, кетаяпти, чақирайми?

— Қўяверинг, ўзи зўрға юрган бўлса.

— Ошқозони ишдан чиққан, — дўстим мени хонасига бошлади.— Резина ичакни алмаштирдим. Гапи ёлғонми, ростми, бир қариндоши Москвада шайка тузганмиш, яна бири миллиардер экан, лекин қаерда яшашини айтмади. Менимча, ўзи ҳам билмайди, Италиядами, Швейцариядами.

— Вой-бўй, катта дарахтнинг япроғи экан-ку.

— Нимасини айтасиз. Лекин гапларига тўлиқ ишониб бўлмайди, мияси суйилиб қолган. Бундай олиб қараганда, лўлилар қизиқ халқ. «Нега тиланчилик қиласизлар? Ишласанглар бўлмайдими? деб сўрадим. «Ота мерос-да, ота мерос» дейди.

— Ҳамма халқ бир хил эмас, бир хиллик халқ эмас, — дедим.

— Бу нима? Мақолми?

— Тиланчилик фақат лўлиларга хос эмас. Қайси халқда тиланчи йўқ? Бундай олиб қараганда, лўлилар турфа хил қавмлардан иборат: мўлтонилар, жўтилар, мазанглар,

товоқтарошлар, мўғоти ҳиндилар, афғони лўлилар, қўра лўлилар. Тиланчиликни урф қилганлари ҳам бор, Москвада ўқиб, диссертация ёқлаб, олим бўлганлари ҳам йўқ эмас. Ҳатто Москва остонасидаги жангларда лўли жангчилар фашистларга қарши курашиб, ҳалок бўлишган. Гитлер босиб олса, биринчи ўринда лўлиларни қириб ташлашни режалаштирган экан. Фашизм, бу — миллатчилик дегани-да, ахир.

— Лекин барибир тиланчиликни ташламаган лўлилар ҳам кўп, кўриб турибсиз-ку.

Ундан-бундан эшитган мишмишлар ҳақида гаплашиб ўтирдик, бироздан сўнг мавзу ўзгариб, лўлилар ёдимиздан кўтарилиб кетди. Тушлик вақти бўлгач, шифохона дарвозаси ёнидаги ошхонага кираётгандик, бола кўтарган лўли хотин қўл чўзди:

— Худо йўлига хайр қилинг. Илойим, беморларга шифо берсин.

— Бугун фақат сизларга яхшилик қилинадиган кунми дейман, — деди дўстим ва чўнтагидан икки юз сўмлик чиқариб узатди. — Ушланг, бобонгиз берган пул!

Хотин дуо қилиб, дарров нари кетмоқчи эди, ундан сўрадим:

— Кечирасиз, сиз лўлимисиз?

Дўстим кулиб, «Кўрмаяпсизми?» деб лўли хотиннинг ўрнига жавоб берди.

— Йўқ, мен лўли эмасман, — деди тиланчи. — Биз мўлтонимиз. Лўлилар бошқа одамлар, биз бошқа.

У кетди. Ўттиз иккита тиши ҳам тилла эканлиги эйтиборимни тортди. Бунча тиллага эга бўлиш учун кўп пул талаб қилинарди, албатта. Ахир, тиш шифокоридан садақага тилла олиб бўлмайдик-ку.

Биз ошхона бурчидаги столни банд этиб, суҳбатни яна лўлилар мавзусига бурдик.

— Олимлар уларнинг ҳаммасини «лўли» деган бир ном билан атасалар-да, аслида битта миллат эмас, — дедим мен. — Уларнинг миллати бошқа-бошқа.

— Булар Амир Темур даврида қул қилиб олиб келинган, дейишади, шундайми? — сўради дўстим. — Ҳиндистондагими, Покистондагими Мўлтон деган жойнинг қадимги халқи экан.

— Қул қилинганини билмадим, кўпчилиги Покистондаги Мўлтондан келгани рост. Ҳиндистонликлар ҳам камчилик эмас. Қайси бирлари тўғри Ҳиндистондан, қайси бирлари Покистону Афғонистондан турли даврларда кўчиб келишган. Шунинг учун асли ватанлари қаеру қачон келишганини кўп чалкаштиришади. Масалан, бир гуруҳи, эрамиздан аввалги асрларда Ҳиндистондан келган бўлса, бошқа бирлари юз-юз эллик йил бурун Афғонистондан ўтишган. Давлат чегараларида ҳужжат сўрашмаган, машриқдан мағрибгача юраверишган.

— Ўзим ҳам шундай, деб ўйлагандим.

— Булар ҳақида нималар дейилмаган, эҳ-ҳе! Мўлтонига уйлансанг, етти пуштинг куйиб кетармиш, улар майитни уй тўрига кўмармиш. Э, дўстим, бундай гапларнинг бари уйдирма. Улар жуда айёр халқ. Қадим замонларда олис ўлкаларга, яъни биз томонларга келаётиб, бошқалардан ўзларини ҳимоя қилиш учун ҳар хил ривоятларни тўқиб чиқаришган бўлиши мумкин. Бу — менинг шахсий фикрим.

Ҳаял ўтмай лўлилар мавзуси иккинчи бор унутилди. Биз ўз ташвишимиздан узоқ суҳбатлашдик, ярим кило келадиған жиззах сомса едик, сомсадан чиққан қўй суякларини кемирдик, пиво симириб, сигарет тутатдик, хуллас, дўстона еб-ичиб ўтирдик.

Бир неча кундан сўнг мени машҳур бир ношир чақиртириб, шундай деди:

— Эшитишимча, буюртма асосида асар ёзармишсиз. Менда бир режа бор. Бошидан айтиб қўяй, бугун сизга ўхшаганларнинг бозори чаққон; буни тўғри маънода тушунинг.

— Аслини олганда, ҳеч қачон буюртма ёзмаганман, — деб жавоб бердим.

— Бе, қўйсангиз-чи, кимлигингиз пешонангизга ёзиб қўйилган-ку! — кулди ношир. — Мен биттаман, сиз — «сарик ёзувчи»лар эса тўққиз юзта! Ҳайронман, адабий танқидчилар қаёқда? Нега бир оғиз танқид қилишмайди?

— Нега деганда, танқид қилишга илинмаймиз ҳам! Ҳатто, халтура даражасига етишимизга ҳам анча бормиш. Шунақа гаплар! Ҳақорат ёғдириш учун чақиртирдингизми?

— Бўлмаса-чи! Буюртма бўйича ёзмайман, илҳом келгандагина қалам қитирлатадиганларданман, деб мақтанманг-да.

— Буюртма икки хил бўлади: ёзувчининг кўнглида бори ва кўнглида йўғи. Агар кўнглида пишиб юрган мавзу бўлса, бу буюртмага кирмайди. Мен ўттизтача мавзуни кўнглимда пишитиб юраман, газеталар буюртма берганида шулардан бири бўлиб чиқади. Ўша куниеқ ёзишга киришишимнинг сири шу.

— Унда ҳозир илтимос қиладиганимни бугуноқ ёзолмайсиз.

— Нега бунчалик ишонч билан гапиряпсиз?

— Билиб сўрайсиз-а? Менга шундай қисса керакки, бошқалар ёзмаган мавзуда бўлсин. Кимлар ҳақида денг? Хаёлингизга ҳам келмаган.

— Худойим, ўзинг асра, пластик операция ёрдамида аёлга айланган эркакларнинг кечмишларими? Тўғри, бу ҳақда ёзолмайман! Истасангиз, отиб ташланг!

— «Берди»сини айтгунча уриб ўлдирманг-да. Менга мўлтонилар ҳақида қисса зарур. Мўлтони ҳамма жойда бор, Европада ҳам, Осиёда ҳам! Лўли, жўғи, мазанг, циган. Хуллас, ёзасизми? Лекин даҳшат бўлсин!

— Ростдан бозорим чаққонга ўхшайди, — мамнун кулимсирадим мен.

Шу тариқа дўстимнинг шифохонасида учратганим мўлтони чолни ахтариб, олис туманга йўл олдим. Бу халқни болалигимдан биламан: урф-одат тақозоси билан қишлоқлар оралаб тиланчилик қилишади, эркаклари кўли гул уста, қора меҳнатдан қочмай ишлайверади — меҳнаткаш; баъзилари жуда бойиб кетишган. Ички

никоҳга муккасидан кетишганидан, бегонага қиз беришмайди. Бироқ ораларида шундайлари борки, илоҳиётни ишга солиб, «иссиқ-совуқ» илми ила боша халқлардан ҳам хотин олишган (демак, айримлари жодугарликдан ҳам хабардор). Илон боқувчилари ҳам йўқ эмас, ҳунармандлари ҳам. Европадаги уруғдошлари эса отга кўпроқ қизиқишади.

Ўша кунийёқ шифохонага бордим. Мўлтони чолнинг ўғли йиғлаб ўтирарди. Ташрифимни кутмаган дўстим хитоб қилиб юборди:

— Э-э, ўрто-о-қ, бормисиз?! Айни жаноза устига келдингиз-да! Бобомиз «капут» бўлди.

Афсуски, олам-жаҳон тарихини биладиган лўли чол вафот этган эди.

— Нега хурсанд бўлаяпсиз? — ҳайратландим мен.

— Хурсанд бўлганим йўқ, қизиқмисиз! — кучоқ очиб кўришди дўстим. — Келинг, ўтиринг. Бу — Ақобир, ўша бобомизнинг ўғли. Хаёлимда беморим менинг айбим билан ўладигандек туюлаверди, ҳатто кеча тунда ўз-ўзидан уйғониб кетдим. Резина ичакни алмаштираётганимда фалокат босиб, ўлиб қолиши ҳам мумкин эди-да. Охири марта келганида ҳам шунақа ҳис ўтди мендан. Хуллас, ҳозир Ақобир айтаяптики, отасини ўлдириб кетишибди! Айнан кеча, уйқум қочган ярим тунда! Бу — даҳшатли воқеа, дўстим! Мана, ўзидан эшитинг. Илтимос, Ақобиржон, оғир бўлсаям, юз берган воқеани сўзлаб беринг. Дўстим изқуварликдан ҳам хабардор, зўр одам, албатта фойдаси тегади. Ҳеч кимнинг ақли бовар қилмайдиган сирли қотилликнинг калитини, эҳтимол, топиб берар.

Лўли йигит қизарган кўзларини артиб, менга хавотир билан қараб қўйди, бош эгиб шундай деди:

— Кўп гапиролмайман, акалар. Билганим шуки, отам лўли халқи ҳақида уч дафтарни тўлдириб, қалин-қалин бир нималар ёзган. Шуларни ҳеч ким тополмайдиган жойга яширган. Чеккадаги хонада ётарди. Деразаси

очиқ эди. Тонгда туриб, «ота, тузукмисиз?» деб сўрай десам, тўшақда отам эмас, каттакон илон ётибди... боши кееилган...

— Бу эртақми? — дўстимга ишонқирамай қарадим.

— Аввал эшитинг, кейин савол берасиз, — деди дўстим оқ халати чўнтагига қўлини чуқурроқ ботириб. — Гапираверинг, Ақобир, қулоғимиз сизда.

— Эс-хушимни йўқотиб қўйдим... Дераза рахига бир парча оқ латта илиниб ётибди. Кундузи дўхтир ака ярани боғлаганда ишлатган дока эди, лекин қони қотмаган. Деразадан сакраб тушдим. Картошкапоянинг пайҳон қилингани кўзга шундоққина ташланиб турарди. Томорқага мол-ҳол ўтмасин деб, тупроқ қўча четига толнинг шохидан йўта қилгандим, ўша ҳам синган. Отам бечорани қандайдир махлуқ уйдан судраб чиққанми, астаффируллоҳ... — Йигит йиғлаб, дам менга, дам шифокор дўстимга жавдираб қаради. — ... Жонимни ҳовучлаб, издан чопавердим. Кўчанинг нарғида сувсиз шўрхок, янтоқзор бор, ундан ҳам ўтдим. Бир вақтлар зовур суви тепалик-биқинидан-оқиб-ўтиб; жарлик бўп кетган. Жарликка сирғалиб тушиб, «отамлаб» боравердим. Тўппа-тўғри қўлга кетаяпман, судралган издан... Хотин қўли деб эшитганмисиз? Бизнинг қишлоқнинг яқинида... Қирғоққа бориб, қотиб қолдим! Отам қўлда сузиб юрарди...

— Сузиб юрарди? — кўз олдимга пўкакдай қалқиб турган мурда келди.

Ақобир муштини пешонасига тираб, ҳиқ-ҳиқ йиғлар, елкаси машғум воқеа келтирган ҳислардан титрар эди. Дўстим менга кўзларини олайтириб, қўлини томоғига арра қилди, юзига фотиҳа тортди. Бечора ўғил сув юзасида отасининг ўлигини кўрганида қанчалар аянчли ҳолга тушганини тасаввур қилиб, янада раҳмим келди, дўстим эса лўли чолнинг ўлимида айбдор эмаслигидан ҳамон хурсанд эди.

— Мен турган қирғоқ бўйлари анча саёз, акалар. Шунинг учун отамнинг ёнигача чошиб бордим. Гавдасини чалқанча

олиб... Қарасам... — Мўлтони йигит йигидан ўзини тиёлмай, бирпас гапиролмай қолди.— ...қарасам, томоғи кесилган... Ким қилган бундай ваҳшийликни?! Инсон зоти ҳам шунчалар ёвуз бўладими?! Етмишдан ошган касал чол бўлса, етти йилдан бери уйдан чиқмаган, фақат шу касалхонага олиб келиб турардим... Кимнинг қасди бор экан, бошимиз қотган, акалар, бошимиз қотган...

— Милиция ходимлари бирон из аниқлашдимиз?

— Деразадан бошлаб то кўлгача икки жуфт эшак туёқларининг изи...

— Эшак? Икки жуфт эшак демоқчимисиз?

— Жами тўртта туёқ изи бор экан. Мелисалар айтишдики, икки киши кўчадан томорқамизга ўтишдан аввал оёқларига эшак туёқларидан ясалган махсус пойабзал кийиб олган, шунинг учун икки жуфт деяпман. Шўрхоқда бир жуфт туёқ изи ёнма-ён тушган, ҳатто илгарилаб ҳам кетган. Агар чиндан ҳам эшаксифат махлуқ бўлганида орқа оёқлари доим орқада юриш керак-ку. Қотиллар изларини яшириш учун ҳийла ишлатгани ёш болага ҳам маълум. Эрталабдан бери терговчилар ҳаммаёқни остин-устун қилиб, аниқлашмоқчи бўлишяпти, аммо-лекин, акалар, қишлоғимизнинг энг қари чоллари «тополмайсан, отанг бировнинг ҳақин еб худонинг ғазабига учраган», дейишди.

— Сабабини сўрадингизми? — Лўли йигитнинг елкасига қўл ташладим.— Кимнинг ҳақини еган экан?

— Отам кимнинг ҳақини ерди, ака?! Лўли халқининг сирларини дафтарига ёзган эмиш.

— Дафтар ҳақида қишлоқдагилар билишар экан-да?

— Фақат битта одамга айтган. У ҳам бизнинг қишлоқдан эмас. Лўли халқи тарихидан ҳам, минг йил аввалги сирларидан ҳам анча-мунча хабардор, кўзи ожиз, камгап чол. У киши отамдан аввал вафот этиб кетди. Отам ҳеч кимга сир бермайдиган одам эди, аммо битта нарсани аниқлашга тўғри келиб қолган. Улимидан уч ойча бурун чанга ҳақида сўраб-суриштирган. Кўр чолдан ҳам сўраганини невараси эшитган экан.

— Чанга? Нима у?

— Афсонавий аждодлар пичоғи.

Лўли йигитдан эшитганимиз воқеа ҳақиқатан ғаройиб ва мудҳиш эди. Дастлаб ишонишни ҳам, ишонмасликни ҳам билмаган бўлсам, энди қизиқиш измида шу заҳотиёқ мўлтонилар қишлоғига отланиш истаги уйғонди. Мен ахтариб келган чол ўлган бўлса-да, фожиаси сабаб кўплаб маълумотлар кутмоқда эди.

Мархумнинг ўғли аждодлардан мерос сирли пичоққа урғу бергани бир неча саволга эҳтиёж туғдирди.

— Сизнингча, отангизнинг ўлими лўли халқи тарихи ёзилган кундалик билан чанга пичоғига боғлиқми? Калаванинг учи топилганга ўхшаяпти, Ақобир?

— Шу вақтгача умрим картошка даласида ўтди, акалар. Отам озроқ савдо билан шуғулланиб, кейин деҳқончиликни танлади. Бешинчи синфгача ўқиб, мактабни ташлаб кетганман, билим йўқ менда. Отам ҳам, ўша чол ҳам қандайдир сирларни билган инсонлар. Лўли халқининг тарихи, чанга пичоғи, хуллас, шунақа нарсаларга бурнини суққан кишини ўлдириб кетишлари ҳақидаги гап, очиғи, гаранг қилди мени. Нима қилибди халқимизнинг сирини ёзса? Кимга керак ўша сир?! Чанга деган пичоқ ҳақида эшитиб энсанг қотади. Сопи олтинми ё бриллиант қадалганми? Ҳатто пичоқ ҳақида бир оғиз суриштирганни ҳам ваҳшийларча ўлдирса-я! Йўқ, бу ерда бошқа гап бор!

— Нима гап бўлиши мумкин?

— Билмадим, худди алаҳсираётганга ўхшайман.

— Бугун жанозами ўзи? — деб сўрадим. Тагин бу йигит бугунлай ақлдан озган бўлса, отасининг ўлими ҳақида ёлғон гапларни вайсамаётганмикан, деган хаёл лип этиб ўтди кўнглимдан.

— Кўмиб келишган, — деди дўстим бироз жиддий тортиб. — Ақобир мазоротдан чиқиб, тўғри бу ерга чопибди. Отаси кеча келганида ҳам лўлилар мафияси, миллиардер мўлтонилар, яна алламбалолар ҳақида

гапирганди. Ақобир, касалхонага ҳовлиқиб чоғгандан кўра уйингизга боришингиз керак эди, терговчилар ахтариб қолишгандир. Ахир, мен нима ҳам дейман? Отангиз шунчаки қаричиликдан гапирган-қўйган. Ё махфий жиноий тўдалар бор деб ўйлайсизми?

— Биз оддий деҳқон бўлсак, — деди Ақобир. — Қаёқдан биламиз?!

— Кўриб турибсиз, — деди дўстим, — мен ҳеч нарса билмайман. Отангиз «Ўлдириб кетишса, қотилим фалончи бўлади, чунки шундай-шундай ишларга араллашиб юрибман», деганида эди, бошқа гап. Лўли дўхтирга ҳам сир бермайди-да, нима қилай?

— Узр, ака, орган ҳам сизни бир бор безовта қилади, — деди лўли ўрнидан туриб, қалпоғини кияркан. — Эрталаб терговчи «охирги марта қаерга борган?» деганди, шифохонага, яъни сизнинг олдингизга келганимизни айтганман.

— Ҳечқиси йўқ, — деди дўстим лўлининг елкасига қоқиб кўяркан. — Муҳими, отангиз яхши одам эди. Менимча, ҳаммасини органга қўйиб беринг, албатта аниқлайди. Бу инсонни кўриб қувониб кетганимнинг сабаби, — дея дўстим Ақобирга мени қайта таништирди, — энг-яқин ўртоғим, тўппа-тўғри Тошкентдан келаяпти. Турли қизиқарли воқеалар топиб, ҳикоялар, қиссалар ёзади. Доим айтардим, тўқиб чиқариш билан иш битмайди, мундоқ, бўлганларидан ҳам ёзинг, деб. Мана энди бобой ҳақида ёзадилар, фақат тергов-пергов тугасин, хўпми?

Лўли йигит менга иккинчи бор ҳадик билан кўз ташлаб, дарров эшикка юрди. Гарчи лўли қавмлари ҳаёти, урф-одатлари ҳақида ёзишга келган бўлсам-да, кутилмаганда тақдир мени қотилликнинг устидан чиқариб қўйган, шу ҳақда ёзишга мажбур этмоқда эди.

— Бир дақиқага тўхтанг, — дедим Ақобирга. — Бир-иккита савол берсам, майлими?

— Шундоқ ҳам, акалар, ярим соат ушланиб қолдим, — у менга эмас, дўстимга қаради.

— Э, бор-йўғи, битта-иккита деяпти-ку, — деди дўстим. — Яхши одамнинг садақаси кетсанг арзийди. Қани, бўлинглар, айтинглар! Аслида савол-жавобни умуман ёқтирмайман. Шунинг учун, Ақобир, иложи борича терговчиларга мен ҳақимда бошқа гапирманг. Келишдикми, жўра?

— Гап йўқ, дўхтир ака, — қўлини кўксига қўйди лули.

— Айтинг-чи, — деб Ақобирга синчков боқдим, — кўл бўйига етганингизда, қандайдир ғайритабиий бирон нарсага кўзингиз тушдими?

— Билмасам, — елка қисди Ақобир, — нимаиди у ғайритабиий деганингиз?

— Масалан, шарпа.

— Йўқ, акажон, ҳеч қандай шарпани кўрмадим. Лекин кўлдан сал-пал буғ кўтарилиб турганди.

— Эрталабки туманни айтаяпсизми?

— Ҳа, жуда ҳам сийрак, айтишга арзигулик эмас.

— Ечиб қўйилган кийим, пойабзал ёки кўл атрофида турган машина, олислаб кетаётган техника овози, ҳеч бўлмаса, бегона ит... Ҳеч қандай далил йўқми?

— Ит дейсизми? Ҳа, бир итни кўрдим, оқ ит эди, оддий, жайдари.

Савол-жавобга дўстимнинг тоб-тоқати йўқлиги шу ерда билиниб қолди. У:

— Ёзувчига индамасак, булут қаерга соя ташлаб турганди, нечта чумчуқ учиб ўтганди, ўрдаклар ҳам бормиди, бор бўлса, нармиди, модамиди, деб сўрайверади. Хайр, яхши боринг, Ақобир! Изингиздан одам келиб, менинг кабинетимдан топса, тергов чуқурлашади.

— Лекин саволимни тугатганим йўқ, — дедим ранжиб.

— Ит учраши жуда муҳим далил. Жиддий гапираяпман.

Лули йигит пайтдан фойдаланиб, чиқиб кетмоқчи эди, охириги гапим таъсир қилди шекилли, эшикни очган кўйи тўхтади. Дўстимга:

— Майли, яна озроқ гаплашсинлар, — деди.

— Ит кимники эканлигини биласизми?

— Йўқ, бегона ит эди. Мени кўргандан юз қадамча наридаги дўнглик ортига ўтиб кетди. Одамларни ёрдамга чақириш учун қишлоққа чопдим, жарликдан ўтиб, баландроққа чиққанымда, итни яна кўрдим.

— Изингиздан келаётганмиди?

— Жарликнинг нариги томонида жийдазор бор, бир кўринди-ю, ўзини ичкарига урди. Аниқроғи, кимдир хуштак чалибми, шунчаки отини айтибми, чақиргандек бўлди, ака.

— Жийдазор ичида йўл бормиди?

— Қанақа йўл?

— Мошин юрадиган ёки сўқмоқ.

— Темирйўл бўлмаса керак ҳар қалай, — луқма ташлади дўстим уф тортиб стулига ўтираркан, стул ғирчиллаб кетди.

— Одамлар мол ҳайдаб ўтади, чакалакзор эмас у ер. Бемалол юрса бўлади.

— Ҳеч кимни кўрмадингизми? Яхшилаб эсланг.

Лўли йигитнинг қошлари чимирилди, йиғидан қизариб кетган кўзларида қандайдир маъно йилт этгандек туюлди.

— Уйингдан чиқиб, кўлдан қайтгунча йўлда кимларни учратдинг, деб сўрамоқчимисиз? Терговчилар ҳам эрталаб шу мазмунда суриштирганди, лекин итни ҳам, кампирларни ҳам айтмагандим. Ахир, уларни кўл бўйида учратганим йўқ-да, қайтаётиб, узоқдан кўрдим.

— Кампирлар дейсизми?

— Ҳа. Мен жарликнинг нариги бошига югуриб бориб, тепаликнинг ўртасига чиқиб, қарадим. Кўзларим жуда ўткир, ака. Жийдазордан оқ ит ва икки кампир чиқиб кетаётганини кўрдим. Итни билмадим-у, аммо кампирлар анча қари эди, зўрга, мункиллаб кетаётган экан.

— Нега милицияга дарров айта қолмадингиз?

— Ҳали тузукроқ тергов қилишга ҳам улгуришмади, — Ақобирнинг кўзлари чақчайди. — Терговчи мендан кўл атрофида кўрганларимни, йўлда учратганларимни

сўради. Агар кўзимга нима кўринса айтаверсам, жинни деб ўйламайдими, дедим ўзимча. Масалан, узоқдаги асфальтдан автобус, енгил машиналар гиз-гиз ўтди, бўш теляжкасини судраб трактор фермага шошилаётганди, қишлоқда эса кимдир уйи орқасига чиқиб турибди, кимдир юзини юваяпти, кимдир таппи қиляпти. Кечирасиз, сиз... — У «ҳар ким ўз ишини қилсин», демоқчи бўлди чоғи. — ... Газетчисиз, холос, тўғрими? Терговчилар ниманидир аниқлашса, дўхтир айтгандек, суд тугаса, ёзасиз. Ҳаммаси тугасин, ўзим бир бошидан ҳикоя қилиб бераман. Бундан ташвишланманг.

— Яна бир савол: кампирлар нега сизда шубҳа уйғотмади?

Лули йигит дўстимга галати нигоҳ ташлади. У мени эзма, мижғов, довдир деб ўйлаётгани сезилиб қолди.

— Парво қилманг, ёзувчилар шунақа бўлишади, — дўстим лулига кўз қисиб қўйди. — Ҳатто, улар ерда ётган газета парчасига ҳам синчиклаб қарашади.

— Яхшилаб эслаб кўринг, деганингиз учун, ака, — деди менга Ақобир, — бирдан кампирлар ёдимга тушиб, бир лаҳза умид уйғонди, лекин, биласизми, улар кўлдан анча олисдаги жийдазор этагида эдилар. Жийдазорнинг бериги боши кўл яқинидаги дўнгликка туташ бўлса ҳам... Нима ҳам дердим, ҳеч қандай шубҳам йўқ.

— Тонг-азонда битта оқ ит ва икки кампир жийдазорда нима қилиб юрган бўлиши мумкин? Наҳотки, ўйлаб кўрмаган бўлсангиз?

— Отамнинг тўшагида ётган бошсиз илон, кўл бўйигача борган эшак туёғи излари, ваҳшийларча ўлдириш — мана шулар қизиқтираяпти ҳаммани. Ҳозир уйга қайтсам яна тергов қилишади, майли, кампирлар ҳақида уларга айтаман. Лекин ўзи зўрга юрган қари аёллардан қандай шубҳа қилиш мумкин? Улар кўлга яқин йўламаган ҳам. Ё «отангни мункиллаган кампирлар ўлдирган» демоқчимисиз?

— Ҳар нима бўлиши мумкин, — дедим мен. — Бугун терговнинг биринчи куни, дарров бирор натижа чиқиши даргумон. Маслаҳатим, игнадек нарсани ҳам эътибордан четда қолдирманг.

— Дуч келган кампирга-ю итга даъво қилолмаймиз-ку, ака, — деди у тишлари гижирлаб.

Ит ҳақида у том маънода гапирётганди. Битта итни икки хил эмас, минг хил тушунса бўлади, нима ҳам дердим.

— Қандай хулоса чиқариш сизнинг ва баъзи бировларнинг фикрлаш доирасига боғлиқ, Ақобир.

— Ёшликдаги муҳаббат учун қасос олган бўлиши мумкинми? — дўстим қошини зўраки чимирди. — Лўлиларда ўч-пўч, севги-певги борми ўзи?

Ақобирнинг юзи ғалати бужмайди, аммо басавлат шифокорга, табиийки, ҳеч нарса деёлмади.

— Итни кўргансиз-ку, шундайми? — дедим йигитнинг кўзларига еб қўйгудек тикилиб. — Шуни унутмангки, ит ўз эгасидан жуда узоқлаб кетмайди. Отангизнинг ўлигини кўриб, дод солиб йиғлаётганингизда, кампирлар кўл атрофида бўлган, айнан қирғоқ бўйида. Буни милицияга алоҳида таъкидлашни унутманг. Биронта жойда «кампирлар одам ўлдирмайди», деб ёзиб қўйилганми? Кампир деганда фақат меҳрибон момолар тушунилса, чол деганда ҳам муҳтарам инсонлар кўз олдимизга келиши керак, ҳеч ким ўлдириб кетмайдиган муҳтарам инсонлар.

Ақобир менга индамай қараб турди. Биз хайрлашдик. Қотиллик юз берган қишлоққа ўша куни бормадим. Дўстим бир муаммога йўлиқишимни айтиб, қаттиқ қаршилиқ қилди. Тез орада лўли чолнинг ўлимига оид тафсилотларни шахсан ўзи етказишга ваъда бергач, бозордаги лўлилар билан нари-бери гаплашиб, қисса ёзишга бел боғлаб Тошкентга қайтдим.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, ҳафтанинг охирида телефоним жиринглади.

— Тез етиб келинг! — деди дўстим. — Кабинетимдаги

папкалар орасидан лулилар кундалиги топилди. Даҳшат! Қаердан пайдо бўлиб қол-ганини эса, нон урсин, билмайман. Бобой охирги келишида ўглини аллақаерга юборганди, мени ҳам оддий бир кераксиз дори баҳонасида йўлакка чиқарганди. Айёрликни қаранг, йўлак охиридаги аптекадан қайтгунимча дафтарни тортмамга яширибди-я!

— Қанақа айёрлик? — дедим елка қисиб. — Махфий ёзувларни бировнинг шкафига ҳам яширадими одам?

— Мен ҳам сизга ўхшаб детективларча ўйлаб қолдим. Нима учун Ақобир қабристондан чиққан заҳоти уйига эмас, менинг олдимга келган? Балки отаси дафтарни шифохонага олиб келаётганини, қайтишда эса кўлида ғойиб бўлганини фожиадан сўнг эслагандир? Дафтарда қандайдир хазина ҳақида маълумот ёзилган. Варақлаб кўрдим-у, кўп жойларига тушунмадим. Бошқалар билмайдиган рамзий маъноларга сизнинг тишингиз ўтса керак.

Бир неча юз чақиримлик масофани босиб, олис вилоят заминига қадам қўйганимда энг яқин юлдуз саналмиш қонгалаш Қуёш ҳарсиллаб, оғир-оғир ботмоқда эди. Ер шарига канадай ёпишиб олган одамзод тупроққа сингиб кетгунча шошилар, ишга муккасидан кетар, бир-бири билан кўча ўртасида вайсашар, тирикчилик дардида ўзини ўтга-чўққа урар эди.

Хаёлимда чарх ураётган ўй қанчалик бемаъни бўлмасин, нечундир ишона бошладим: сирли суиқасдга марҳумнинг ўғли алоқадор, ҳа, у шифокор хонасига дафтар дардида кирган, мени кўрибми ёки шифокорнинг авзойи ёзувлардан беҳабарликни англаганми, дафтар у ерда йўқлигига ишонган.

Ниҳоят, дўстимнинг дори ҳиди анқиётган хонасида яғири чиққан сариқ дафтарга кўзим тушди. Кимлардир ушлашга ҳам ирганадиган қўлёмани шоша-пиша варақладим.

— Манави сатрларга диққат қилинг, — дўстим муқова ичидаги босма ҳарфларни қайта ўқишга ундади.

Шундай ёзув бор эди: «Обод шаҳарлару сербоғ

қишлоқларни забт этиш учун минг йиллар бурун сафарга чиқдик. Ўнлаб ўлкаларда қудратли давлатлар вужудга келди, биз эса сирлилигимизча қолдик...»

Бош кўтармасдан ўн-ўн беш саҳифани ўқиб чиқдим, варақлаб кўрдим, бу бошдан-охир тажрибасиз қаламкашнинг таҳририятга юборган машқларини эслатарди.

— Хўш, бирон нима борми? — сўради дўстим.

— Бор, — дедим ва ўша куннинг ўзида дафтарни охиригача ўқидим.

Шундай қилиб, Ақобир айтган учта дафтардан бири қўлимда эди. Маълумотлар тўлиқ бўлмаса-да, лўли чолдан мерос қолмиш қўлэзма асосида қиссанинг биринчи бобини бошладим.

I БОБ

Маййит қишлоғида Абдурахим деган мўлтони яшарди. Хотинининг исми Шарифа бўлиб, айтишларича, миллати ё турк, ё ўзбек экан. Шу аёл лўлилар қавмидан эмаслигини қишлоқдаги барча мўлтонилар билишарди. Эр-хотиннинг уй-жойи, томорқаси, кийим-кечаги бошқа мўлтониларникидан асло фарқ қилмас — фарзандсизлигини айтмаса, эл қатори кун кечиришарди. Утган асрнинг олтмишинчи йилларида аллақердан кўчиб келиб, ўтроқлашиб қолган қишлоқ аҳли деҳқончилик билан шуғулланишар, сабзи, картошка, помидор экиб сотар, атрофдаги олма боғларда, узумзорларда кузда теримчилик қилиб пул ишлашарди. Фақат йилнинг маълум бир давридагина тўрва кўтарган аёллар бошқа қишлоқларга тиланчиликка чиқишар, олган нарсасига қаноат қилишар, зеро бу шунчаки урф-одат юзасидан садақа сўраш эди, холос.

Фақат Шарифанинггина тиланчиликда юрганини ҳалигача ҳеч бир мўлтони кўрмаганди. Ҳамма бало ўша йилги сой бўйига кўчманчи лўлилар от-аравада келиб,

чодир тиккан бехосият кундан бошланди. Бу лўлиларнинг қишлоқ мўлтониларига қон-қардошлик жиҳатидан алоқаси йўқдек эди.

— Абдурахим, отларингни ўғирлатиб, Салайдан балога қолма, — деди унга қўшниси Рашод гапчи, — сойга кўчманчилар келишди. Биласан, улар бизга ўхшаган эмас, ушлаган жойини юладиган, кўрган нарчасини ўмарадиган, жоду билан бошингни айлантириб қўядиган Қари Медхун қавмидан.

— Ҳар бандага инсоф берсин, — парво қилмади Абдурахим.

— Яхшилигимни айтдим сенга, — қуришқоқ кафтига нос ташлади қўшни. — Мўлтонилардан фақат сен ўзбек қишлоққа бемалол қайишиб юрибсан. Тўйларига ҳам айтишади. Бизни эса, ўзингга маълум, дўстликка ярамайди, деб ўйлашади. Дўст от-аравада юрадиганлардан чиқмайди, мен сенга айтсам.

— Қишлоққа аралашинг, ҳеч ким кўкрагингиздан итармайди. Мактаб бирми, маърака ҳам бир.

— Кеча ҳам отхонада эдингми?

— Кўчманчи лўлилар от ўғирлайди, демоқчимисиз?

— Йўқ. Кўзимга кўринди шекилли, уйингнинг орқасида биров тургандек бўлди. Чирогинг ҳам бемаҳал ёнди. Ёнганда ҳам бир муддат бежо порлаб, яна ўчди. Ишқилиб ўғри-пўғри келмабдими уйингга?

— Отхонами, десам, уйимни гапиряпсизми?

— Уйингни-да, биродар. Сенинг ўрнингда бўлганимда бегонанинг отларини деб уйимни эсдан чиқармасдим.

— Рўзғор ташвиши билан бўлиб уйни эсдан чиқариш гуноҳ эмас, Рашод ака, лекин охиратни ёддан кўтариш, бу — ёмон.

Ёввойи мушуклар кечаси уй орқасида биғиллаб талашганда деразани очиб сув сепганини, сўнгра уйқуси бузилиб, ухлолмай чиққанини Абдурахимга Шарифанинг ўзи гапириб берган эди. Рашод гапчининг ит феълини қайси мўлтони билмайди? Иккита оилани бузиб юборди, нариги уйдаги қайноға-келинни уриштирди. Энди

Шарифа билан Абдурахимнинг гали келганга ўхшайди. Бу билан «хотинингга одам келди», демоқчи-да. «Садқаи эркак кет! Гийбатчи!»

Абдурахим симёғочга боғланган Салайнинг отини бўшатиб, узангига оёқ қўйди. Эгарга ўтиргач, қўшнисига қайрилиб-да қарамай йўрттириб кетди. Кўприкдан ўтаркан, сойнинг қуёш ботаётган Сазанли томонига кўз ташлади. Ҳар йили ўша ердаги ўтлоққа Қари Медхун аймоғи ҳисобланмиш қўчманчи лўлилар чодир тикар, гоҳида ёз бўйи ҳеч қаёққа жилмасди. Рашод гапчи уларни паст табақали лўли ҳисоблаб, менсимас, халқни ерга уради бу ўғрилар, деб қўли эгрига ҳам чиқарарди. Абдурахим ҳеч қандай чодирни ҳам, от-аравани ҳам кўрмади. Қари Медхун аймоғи бундан бошқа жойни танламас эди, ё бу йил бутунлай бошқа лўлилар тўдаси келганмикан? Агар Мозорён ўтлоғида қўним топишган бўлса, ҳа-қиқатан отхонага анчайин яқин. Чодир тикиш учун мағрибдаги Сазанлидан ва машрикдаги Мозорёндан қулай жой йўқ эди.

Абдурахимга хўжайин ҳисобланмиш Салай раиснинг ўн битта оти бор эди. Шу кунлари қоровулнинг хасталиги учун Абдурахимга ялиниб-ёлвориб кечалари ҳам ишлашга кўндирди. Авваллари фақат кундузи келар, отни яхши парваришлагани учун бир йилдирки йилқини ундан бошқа одамга ишонмай қўйганди. Ўша дамларда ҳам кўпқари бўлар, «Виллис»дан тушмайдиган раисни от устида кўрган халойиқ улоқ кимда кетишини биларди-қўярди.

Раис отни колхознинг пахтасидан ҳам яхши кўриши фақат шу Абдурахимгагина аён эди. Ҳа, ўғли борлар элга кўпқари берар, мансаби борлар қай нимарсага ишқибоз бўлса, эришарди. Абдурахим эса на фарзандли, на отли эди. Икки кишидан иборат рўзгорини отбоқарлик ила тебратарди. Шарифани Тошкентда кўриб, севиб қолган, совчидан фойда йўқлигига кўзи етгач, олиб қочган, ҳалигача қайноқ муҳаббати сўнмаган, бир-бирига суйкалиб, сирлашиб, ҳидлашиб умргузаронлик қилишар эди.

Абдурахим отхонада кўп ўтиролмади. Қўшнисининг гапи бир томондан, лўлилардан гумонсираш иккинчи томондан исканжага олди. Отхонани бир айланиб чиқди-да, шубҳа-гумон ҳайдовида ўтлоққа йўл олди. Дўнгликдан пусиб қараган эди, чодирлардан анча беридаги булоқ бошида икки киши гулхан ёқиб ўтирганини кўрди. Уларнинг гап-сўзи бемалол эшитиладиган жойгача эмаклаб борди-да, кузата бошлади. Чеккада бу иккови нима қилиб ўтирибди экан?

— Демак, пичоқ ҳеч қаерга кўмилмаган экан-да, — деди бироздан сўнг қотмадан келган, кўзлари чақчайган лўли.

— Сенга айтаяпман-ку, у йигирма еттита имрон сандигининг бирида, — ўқтирди қизил саллали бадқовоқ лўли. — Таг қисми икки қават қилинган, шунинг ичига яширилган. Хотиним нима деди, биласанми? Маййит қишлоғидаги бир кимсанинг уйида эски сандиқдан бор экан.

— Имрон сандиғи демоқчимисан?

— Ҳа-да. Бошқа қандай сандиқ? — Томоқ қирди қизил салла.

— Бугун келдик-ку, хотининг қандай била қолди? Қизиқ, жуда қизиқ.

— Маййитликлар ўзимизнинг халқдан-ку, овсармисан? Аравадан тушганданоқ хотиним «аввал мен танишаман», деб қишлоққа кетди. Ўзимизнинг лўлилардан бўлса ҳам, унча хушламаганмиш. Лекин топиб келган хабари роса асқотадиган бўлди-да. Ким билибди дейсан, пичоқ балки шу қишлоқдан топилар?

Қотма лўли ўқрайиб қаради.

— Тағин чанга ҳақида гуллаб қўйган бўлмагин, Аждар? Буни уч кишидан бошқа ҳеч ким билмаслиги керак.

— Нега гуллайман? Қасам ичганман-ку! Эски имрон сандиқларини топишимиз керак, ҳозир улар анча қиммат туради, деганман, тушундингми? Хотиним сандиқ дардида юрибди, пичоқ тушига ҳам кирмаган.

Дўнгликда нимадир қирс этди, тулки қуриган чўпни босиб олди шекилли. Шунда иккиси ҳам сергак тортиб,

атрофга аланг-жаланг боқишди. Абдурахим дамини чиқармай пўсиб ётавергач, лўлилар ҳам кўнгилни хотиржам қилиб, ўринларига чўкишди. Бироқ энди шундай паст овозда гаплаша бошладиларки, гапларини эшитиш амримаҳол эди.

— Қачон келади ўзи? — Соатига қаради, қизил салла овозини хиёл кўтариб.

— Саифа анча ёш-да.

— Ўн бешдан ошди, болалиги қолдими? — Қизил салла оловга ўтин ташлаб, сихни айлантирган эди, Абдурахим улар кабоб пишираётганини пайқади. — Менинг қизим ўн тўртида эрга тегди, ўн бешда болали бўлди.

— Э, Аслам оқсоқол бу йил эллик бешга киради, Саифа билан ораларида қанча ёш фарқи бор, ҳисобла! Нақ қирқ ёш! Бунинг устига Аслам хотинбоз, махлуқ деб ном чиқарган. Ҳар қандай ундан қиз кўрқади.


— Еб қўярмикан? Нега кўрқади?! Хотиним қилиқ қилгандами, мен ҳам Саифадай қизга уйланардим. Аммо хотиним гўримда ҳам тинч қўймайдиган балои азим, ажал олсин уни.

Лўлилар беўхшов кулишди. Абдурахим нима қилишини билмай, ётган жойида ўйга толди. ~~Шубҳали кимсаларга тўлиб-тошган дунё ҳақида юлдузлар жимирлаб-жимирлаб сасеиз сўйларди.~~ Булар Қари Медҳун аймағидан эмас, ғирт бегоналар экан. Қай гўрдан келиб қолишди? Бегона бўлганда ҳам кўплаб лўлиларда мавжуд бўлмаган шафқатсиз удумлари борлиги аён бўлди. Боз устига қандайдир сандиқ (эски сандиқ Абдурахимникида ҳам бор эди) ва “чанга” номли пичоқнинг изидан тушишган. Йўқ, бурунги йилларда келгувчи лўлилар бунақа эмасди. Ишқилиб, қишлоқ мўлтониларига касофати урмаса, бас.

Шу пайт сой томондан кимнингдир шарпаси кўринди.

— Аслам, сенмисан? — сўради қизил салла қоронгиликка тикилиб.

— Ҳа, менман, — бўғиқ овоз эшитилди.



Оловга яқинлашган кимсанинг турқ-тароватига қараган Абдурахим сесканиб тушди. Умрида бундай даҳшатли қиёфани кўрмаганди. Кўз соққалари косасидан бироз чиққан, олайган, бурни пачоқ, сўйлоқ тишлари яққол кўриниб турган, ҳирсдай бақувват кимса эди.

Қизил салла илжайиб:

— Биринчи никоҳ кечаси... — деб гап бошлаган эди, Аслам қўл силтади:

— Тўшагимга тумшугингни тикма, Аждар. Аввал менга айт, хотининг кимнинг уйида кўрибди имрон сандиғини?

— Салай раиснинг отхонасида ишлайдиган Абдурахим деган отбоқарникида.

Абдурахим кулоқларига ишонмай бошини хиёл кўтариб, гулхан атрофидаги лўлиларга мўралади: кўзлари ёввойи мушукникидек ёнди. Шубҳали кўринган бу кимсалар бошқа бировни тилга олган эди-ю, алланечук ҳадик ва ҳаяжон таъсирида отбоқарга шундай туюлгандек эди гўё.

— Ким дединг? — сўради Аслам оқсоқол.

— Абдурахим, — деб қизил салла шу заҳотиёқ жарангдор оҳангда такрорлади. — Анави ердаги отхонада отларга қарайди.

— Ўзимизнинг лўлилардан, — гап қўшди қотма.

— Ўзимизнинг дегин? — йиртқич каби сўйлоқ тишларини кўрсатиб, янада олайиб-қаради оқсоқол.

— Маййит-қишлоғининг мўлтонилардан деяпман-да, ака, — кўрқиб кетди қотма.

— Сандиқни қандай олмоқчисан ундан? — Асламнинг кўз соққалари қизил салла томон айланди. — Йўлини топдингми? Ё пичоқни ҳам тўрваси тешик хотинингга ишонсанми?

— Йўғ-е, сотиб оламан, бошқа нима ҳам қилардим? — деди қизил салла. — Бунинг қийин томони йўқ, менимча.

— Сотармикан ишқилиб?

— Агар сотмаса...

Шу он олов чарс-чурс этиб, учкун сачратган эди, учаласи ҳам термулиб қолишди. Афтидан улар оловнинг чирсиллашидан ниманидир эслашди.

«Нияти яхши эмас буларнинг, — ўйлади Абдурахим. — Жойимдан туриб, бостириб борсаммикан? Ўша отбоқар мен бўламан, уйимда ростдан ҳам бобомдан мерос қолган эски сандиқ бор, лекин ҳеч қачон сотмайман, десаммикан? Ахир, шу сандиқ учун отам ўлди-ку! Ёки мен ҳам отамга ўхшаб бир фалокатга йўлиқаманми? Ҳарҳолда улар уч киши, овлоқдамиз, ёнимда на таёқ, на пичоқ бор».

— Аслам ака, пичоқ ҳақидаги мишмиш тўғрими? — оқсоқолнинг оғзига мутеларча тикилди қотма.

Абдурахим яна қулоғини динг қилди.

— У мишмиш эмас, афсона.

Қизил салла орқага қўл чўзиб, сопол товоқ ва дўппайиб турган дастурхон олди. Сихдаги гўштни шошилмасдан товоққа солиб, бўлаклай бошлади. Дўппайган нарса нон эди.

— Афсона қулоққа лағмон илиш, дегани эмасми мабодо? — сўради қотма ҳамон кўнгли тўлмай.

— Ёлғон афсонани деб сарсон ишни бошлаб қўйганингдан ваҳимага тушаяпсанми? — ўкрайди оқсоқол. — Аҳмоқсан! Пичоқ ҳақида битта афсонани эшитгансан, холос. Ваҳоланки, улар учта. Билиб қўй, учаласи ҳам рост. Афсона дейилишига келсак, ўша пичоқ ер юзида пайдо бўлганидан сўнг икки-уч аср ўтиб, ҳақиқатни авлодларга тўлиқ ҳикоя қилишда чалкашликлар пайдо бўлган. Оқибатда битта ҳақиқатдан учта чала афсона туғилган.

— Чалами?

— Ҳа, бироз чала. Мен учаласини бириктириб, эски ҳақиқатни тикладим.

— Шунга учаласини бир бошидан айт, Аслам, — деди қизил салла бармоқларини ялаб. — Бўлмаса, кўп гаранг қилади. Ўқимаган-да, ўқимаган.

Улар товоқларга қўл узатиб, гўшт олиб, ея бошладилар.

— Сени, — деди оқсоқол қотма лўлига, — шунчаки уч киши керак бўлгани учунгина даврамизга қўшганимиз йўқ. Аслида буюк лўлилар ичида палаги тозаси сенсан.

Қотма лўли лунжини тўлдириб овқат чайнарган, бош лиқиллатиб миннатдорчилик билдирди. Оқсоқол кўзлари йилтираб, давом этди:

— Бобонг зўр одам эди. Лўли халқининг ҳақ-ҳуқуқи, шон-шавкати учун кўп ишлар қилган. Бобонгнинг саъй-ҳаракати сабаб шаҳар ва қишлоқ лўлилари институтларда ҳам ўқиди, артистлар ҳам чиқди. Лекин мен билан сен салгина бошқачамиз, бобонгдан озгина фарқимиз бор. Бу ёғини ўзинг тушуниб олавер. Қисқаси, пичоқ кимларгадир ёлғон афсона экан, майли, ёлғонлигича қолсин, аммо сен билан менга эмас. Уқдингми?

Қотма лўли бир нималар деди, Абдурахимга эшитилмади.

— Биринчи афсонага кўра, — деди Аслам оқсоқол, — пичоқни қўлга киритган кимсага омад тентакларча кулиб боқаверади, ўйламаган жойлардан пуллар оқиб келаверади, ҳисобини тополмай қолади, занғар. Бир дона пичоқ сабаб дуё ағдар-тўнтар бўлиб кетадими, деб одам ишонмайди. Сен Аждардан айнан шу афсонани эшитгансан, чунки қолган икки афсонани ҳали унинг ўзи ҳам билмайди.

— Айт, билайлик, — тўнғиллади қизил салла.

— Ҳа, айта қолинг, — деди қотма.

— Иккинчисининг мазмуни шуки, чанганинг дастасига араб ёзувида бир манзил битилган, — оқсоқол шерикларига бир-бир кўз ташлади. — Ким ўша манзилни ахтариб топса, бир сандиқ тилла-жавоҳирнинг эгаси бўлади. Сандиқнинг катта-кичиклигини ҳозир айтолмайман, чунки уни ўз кўзим билан кўрмаганман. Шуниси аёнки, ота-бобомиз ҳар қандай қутини ҳам сандиқ деявермайди, тўғрими? Демак, сандиқ дейилдими, ё қучоққа сиғадиган, ё сиғмайдиган қути. Қисқаси, уч кишига бемалол етадиган олтинлар. Улар ёмби шаклидами, тақинчоқлари тилла тангаларми, насиб этса, кўраверамиз.

— Насиб... насиб... — дейишди икки лўли.

— Учинчи афсона кўнглимга ўтирмаган. Сенларга ҳам ёқмаса керак. Айтаверайми?

— Қулоғимиз сизда, Аслам ака.

, Оқсоқол бироз энгашиб, икковига қаҳр билан тикилди. Кўз соққалари отилиб чиқиб кетса керак, деб ўйлади Абдурахим.

— Пичоқ дастасига бир исм битилган, — деди оқсоқол қошлари оловга туташгудек дикрайиб. — Уша одамнинг кўксига чанга пичоғи санчилса, лўлилар бутун дунёни эгаллайди.

— Бўлиши мумкинмас! Нега энди? — ажабланди қизил салла. — Бу ёғи эртакка айланди-ку, Аслам! Бир кишини ўлдириб, қанақасига дунёни эгаллайсан?

— Аввал пичоқни топайлик, балки бирор изоҳ битилгандир? Менга шу афсонани сўйлаган киши дастада одамнинг исми эмас, бошқа нарсанинг номи бўлиши мумкин, деган тахминни ҳам айтган. Масалан, қабр ёки Осиё қитъасининг қоқ ўртаси. Бунда қандай хосият бор, ҳозирча билмайман. Ҳақиқат қадимгиларнинг миясида кетган. Миялар эса кукунга айланиб, шамолларга совирилганидан кейин ҳам анча йиллар ўтди.

Оқсоқол шундай дегани замон сой тарафдан шамол эсиб, гулхан чўғларини милтиратганча ҳавога учирди, аллақердан ғаройиб қушнинг ёш боланикига ўхшаш қийқириғи қулоққа чалинди. Учови кўз уриштириб, атрофга қулоқ солди. Абдураҳим эса ерга янада қапишиб, илон каби судралиб, ортига қайрилди.

— Бекор айтдим шунисини, — деди оқсоқол. — Арвоҳларни безовта қилганга ўхшайман.

— Хотинимнинг гапига қараганда, — дея қизил салла қўлини артиб, гапни қизиқарли мавзуга буриш учун илжайди, — Абдураҳим отбоқарнинг аёли мўлтонилардан эмас эмиш. Шунинг учунми ё бошқа бир важ бор эканми, шу ерлик раис, яъниким эрининг хўжайини билан топишиб олибди.

Абдураҳим таққа тўхтаб, эҳтиёткорликни ҳам унутиб бошини кўтарди.

— Дон олишиб юради, демоқчимисан? — сўради оқсоқол оғзини артиб.

— Ҳа.

— Аниқми?

— Исто прассент! — бармоғини шақиллатди қизил салла. — Козерлар қўлимизда. Агар раис бизга ғиринг дейдиган бўлса, шармандасини чиқарамиз.

— Ўртада отбоқар ҳам шарманда бўлади-ку? — Эътироз билдирди қотма. — Лўли лўлининг кўзига чўп суқмаслиги керак.

— Хотини хиёнат қилиб юрганига индамаймизми? — қўл силтади қизил салла. — Айтапман-ку, аёл лўлилардан эмас, тўрва ҳам кўтармас экан ойимча.

— Раис, хиёнат, тўрва... Ёмон ахборот айтмадинг, Аждар, — кўкрак керди оқсоқол. — Лекин булардан фақат сандиқни кўлга киритиш мақсадида фойдаланамиз. Раиснинг арпасини хом ўрганимиз йўқ, у билан йўлимиз кесишмайди. Сойлару қирларни ҳеч қайси давлат босиб ололмаган, ололмайди ҳам. Хоҳлаган жойимизга чодир тикамиз.

Абдурахим ўн қадамлар эмакляб борди-да, сўнгра оёққа қалқиб, бир лаҳза қотиб, тебраниб, инграниб турди. У қаёққа юришни билмасди. Изига қайтиб, қизил салланинг гирибонидан олсинми, Салай раисниқига бориб, уйига ўт қўйсинми ё ҳозирроқ Шарифани сўйиб ташласинми? Минг бир хаёлдан мияси ғовлаб, бошини чангаллади.

Ва шу дамдаёқ-бир қарорга келди: уйга боради, ҳақиқатни айтишга хотинини мажбурлайди. Наҳотки, суюмли Шарифаси Салай раисдек тўнғизсифат кимсанинг кучоғига кирган бўлса?!

— Қўшним Рашоднинг гапида жон борми, эй ғаддор дунё?! — деб отбоқар-мўлтони йўлга тушди.

II БОБ

Шошилинича от миниб чиқмаган эди, ярим кеча бўлса-да, худди қоқ тушда чопган каби қора терга ботиб кетди. Кимларнингдир томорқасини пайҳон этди, тўсиқлардан ошди, хурган итларга парво ҳам қилмай югураверди.

Орқа қўшнининг томорқасидан қийиб ўтгач, ариқдан сакради-ю, тўхтади. Шарифа ёлғиз қолган кечаларда ётоқ деразасини очиб ётмас, юқоридаги дарчагина очиларди. Ҳозир эса деразадаги ҳилпираган пардага кўзи тушди-ю, чидаб бўлмас хўрликдан инграб юборди.

«Кимнинг гапи рост? — деди ички бир овоз.— Рашод гапчи уйингнинг орқасида кечаси биров тургандек бўлганди, дегани бўхтонми ёки ҳақиқат? Кўчманчи лўлиларнинг гаплари-чи? Балки ҳалиги лўлининг хотини Рашод гапчига рўпара келиб, ғийбату туҳматларни ундан эшитгандир?.. Воҳ, иблис! Салай шу кунлари нега мени кечаси отхонада қолишга кўндирди? «Фарзандли бўлмаяпсанми? Менинг бир танишим зўр дўхтир, хотинингни идорага юборсанг, шаҳарга ташлаб қўяман», деганди. Уни раисининг машинасида шаҳарга ўзим жўнатдим-а, овсар! Бошқа бир куни: «Хотининг мўлтони эмас экан, қаердан топгансан?» деб маъноли қараб қўйганди...»

— Ҳозир ҳаммасини аниқлайман, — шивирлади Абдурахим газаб билан, — афсус, ёнимда пичоғим йўқ... Шартмас! Анави ерга кетмон қўйгандим, икковини ҳам чопиб ташлайман! Уйимни ёқиб юбораман, қишлоқ даҳшатли алангадан ёришиб кетади!

Абдурахим ланг очик деразага яқинлашиб, бир нафас тўхтаб, кўкка, сон-саноқсиз юлдузларга боқди. «Сени алдашди, Абдурахим!» дегандек бўлди юлдузлар. Бироқ қўлига кетмон ололмади, Шарифани ҳалигача севади, хиёнат устида ушласа ҳам, барибир ўлдиролмайди. Пиджагини елкасига ташлайди-ю, кўзларидан ёш эмас, қон оқизиб, боши оққан томонга кетади, кетаверади. Қайтиб Абдурахимни ҳеч ким кўрмайди... Йўқ-йўқ, Салай раисга индамаслик — даъюслик. Раисни ўлдиради, умрбод қамоқда ўтирса ҳам. Аввало... аввало ҳаммаси ёлғон бўлиб чиқади.

Пардани суриб, бутун вужуди кўзга айланиб, нимқоронғи ётоққа тикилди. Даставвал оқ кўрпа кўринди, негадир келинлик давридагидек ўртага кенг, қалин тўшаган эди. Қимир этмай ётган гавдани илғагач, мушукдек сакраб, қошига етди. Етди-ю аёли ўлиб ётганини кўрди. Кўзларига ишонмай гугурт чақди:

Шарифанинг ғигоҳи шифтга қадалган, қоқ юрагига эса Абдурахимнинг доим тоқчада турадиган қассоблик пичоғи санчилган эди.

— Шарифа! — ўкириб юборди Абдурахим. — Ким? Ким бундай қилди сени? Шарифа-а-а!.. Кўзингни оч!..

Жасадни кучоқлаб олди, бўғзидан фарёд отилиб чиқди. Бу фарёд қўшнилари деразаларини зириллатди, эшик занжирларига шикирлатди, итларни гингшитди, мушукларни миёвлатди. Уйларда бирин-кетин чироқлар ёнди, кўчаларда безовта одамлар гимирлаб қолишди.

— Бу Салайнинг иши, — деди Абдурахим ўзига-ўзи. — Сирим фош бўлмасин, деб ўлдириб кетган, ит!

Ҳовлини тумонот одам босди. Абдурахим эшик сари гандираклаб юрган эди, йигитлар икки ёнидан суяшди.

— Эҳтиёт бўлинг, Абдурахим ака, — деди бири; у хийла озгин, қотмадан келган бўлиб, гулхан ёнидаги лўлига ўхшарди.

Отбоқар анграйиб қаради. «Эски сандиқ дардида хунрезлик қилишганмикан?» — ўйлади бирдан ва қўшнилари силтаб ташлаб, жунхонага кирди. Шарифа ҳар куни эринмасдан жун йигирадиган чоғроққина хонанинг тўридаги тоқчада бобомерос сандиқча ҳаммавақт қулфлоглик тургувчи эди.

«Тегинишмабди, — деди Абдурахим, — ўша-ўша ҳолида турибди... Ахир, уйгача-чопиб келдим; кўчманчиларнинг қаноти-йўқдир, мендан аввал келиб...»

Абдурахим кўнгил сўраётган Рашод гапчини йўлдан суриб, ҳовлига чопиб чиқди. Девор оша ён қўшниникига ўтди, айвондаги велосипедни кўчага етаклаб, эгарга ўтирди-да, қоронғи кўчада кўздан йўқолди. Одамлар унинг қаёққа, нима учун кетганини билолмай қолдилар.

Қишлоқдан чиқаверишда, ҳамқишлоқларидан бири (у ҳар йили узумзорга қоровуллик қиларди) ариқдан сув очаётган эди, қоронғида шошиб келаётган велосипедчини кўриб:

— Нима гап? — деб сўради. — Эртага қишлоқда жаноза борми, дейман?

— Нариги қишлоқда ҳам жаноза бор! — деди дарғазаб Абдурахим.

Қоровул овоз эгасини таниб:

— Ие, Абдурахимбой, ўзингизми? — деганча қолаверди.

Шитоб-ла кетаётган велосипед ўнқир-чўнқирда сингудек шарақ-шуруқ қилди, эгардаги аламзадалан эса садо чиқмади. Асабийлик инсон иродаси устига ғолиблик байроғини тикканда, бир гап кам, икки гап кўп эди.

Отхона Салай раиснинг отасидан мерос кўҳна ҳовлида қурилган бўлиб, от ишқибозининг ўзи қишлоқ ўртасидаги мухташам ҳовлисида яшарди. Абдурахим тўғри қишлоқнинг марказий кўчасига ҳайдади. Симёғоч чироғи ёруғида уни таниганлар: «Ҳойнаҳой, раиснинг отхонасига ўғри тушган кўринади, бўлмаса мўлтони бунча ҳовлиқмасди», деб ортидан қараб қолишди.

Тезлик ошгандан ошиб борарди. Ана, Салайнинг уйи. Кўкка бўялган ёғоч дарвозагача яна юз қадам. Ногаҳон занжир узилиб, педаль дўзах узра муадлақ айланаётгандек бўлди. Бахтга қарши савилнинг қўл тормози ҳам йўқ эди. Шу пайт қарс этдию рама ҳам синиб, қасос велосипеди иккига бўлиниб, бояқиш отбоқар асфальт кўчага юзтубан учиб тушди. Одамлар уни қўл-оёғи синиб, майиб бўлди деб гумон қилишди, аммо отбоқар минг азобга дош бериб, оёққа турди. Худди қаёққа юришни билмаган каби бир неча сония гарангсиб тебрланди, сўнг оёғини судраб, важоҳат билан олға интилди.

Абдурахимнинг нияти хосиятли эмаслигини ҳамма билди.

— Салай! — бўқирди у дарвоза бандини юлиб олгудек тортиб. — Оч эшигингни! Одам бўлсанг, оч!

Эшикни ичкарига силтади, сўнг соғ оёғи билан ҳайқириб тепди, лекин жароҳат олган оёқ майишиб, тиззалаб қолди. Шу кўйи эшикни икки қўллаб муштлайверди. Ҳатто калла ҳам солди. У эсидан оққан телбадан сира фарқ қилмасди. Қишлоқ қишлоқ бўлиб, ҳеч кимнинг дарвозасида бундай томоша бўлмагани боис гувоҳлар ҳайрагдан ёқа ушлашди.

Ниҳоят, эшик очилдию Абдурахим қалқиб кетди. Бир лаҳзада шиддат-ла оёқ сапчиди ва раиснинг ёқасидан гиппа бўғиб:

— Шарифани сен ўлдирдингми, қонхўр?! — деб бўкирди.

Абдурахимда девнинг кучи бор экан: ўзидан бақувват, шкаф мисоли кишини бир зарб билан қулатди. Иккиси дарвозахонада бўғишиб, у ёқдан-бу ёққа думалаша бошлашди. Бироқ Салай раис бекорга полвон дейилмас, кўпкаридаги улоқ ҳам хурмати учун берилмас, билагида ҳақиқатан куч бор эди. Абдурахимни типирчилата-типирчилата базўр бўғиб олди, ранги кўкариб чиққанини кўргач, кўчага судраб чиқариб ташлади. Иккисининг ҳам юзи қонталаш, иккиси ҳам ёқавайрон, ҳансирар эди.

— Тушунтириб гапирсанг-чи, Абди?! — деди раис. — Хотинингга нима бўлди? Ўлдими?

— Сен ўлдиргансан! — Абдурахим оёққа туриб, яна ҳамла қилди.

Бу сафар Салай бир уриб чалпак қилди. Бостириб борди-да, ёқасидан даст кўтариб, ҳовлисига олиб кирди, деворга тиради. Оила аҳлига:

— Киринглар уйга! — деб ўшқирди ва дарвоза эшигини бир тепиб ёпиб, кўчадаги томошатабларни ҳам томошадан маҳрум этди.

— Сен... — бўғиқ овозда деди Абдурахим, — қотил... қотилсан...

— Ўчир! — Раис томоғига тирсак босди, тишлари орасидан вишиллаб: — Нега мени шарманда қиляпсан? — деб сўради. — Халқ нима деб ўйлайди? Ишдан бўшаттирмақчимисан? Тепага ёз, изимни ковла! «Хотинимни ўлдирди» эмиш! Нима қилди хотинингга? Нега тибиб-келиб менга ёпишдинг, эшак? У ростдан ҳам ўлдими? Нима қилиб ўлди, галварс?

— Шарифа энди йўқ...

— Исми Шарифа эди, эсладим. Бир гал шаҳарга мен билан жўнатгандинг, дўхтирга. Қандай ўлди?

— Пичоқладинг... Сен пичоқладинг!.. Яна билмагандай сурайсан?!

Салай раиснинг оғзи ғалати қийшайиб, кўзлари олайди. Абдурахимни қўйиб юбориб, бир қадам ортга тисланди.

— Жин урган лаънати мўлтони! — деди иккала қўлини силтаб. — Кўрмаяпсанми, мен уйдаман, ҳеч қаерим қон эмас! Ким айтди мени ўлдирди деб?! Нега милицияга бормай меникига келдинг? Менга... менга бўҳтон қилиш қайси чириган миядан чиқди? Гапир! Ойлик кам тўлаётган бўлсам, айтмайсанми, товламачи?! Хотинингда қандай ўчим бўлиши мумкин, телба?!

— Уни ўйнаш қилиб олгансан! Шунинг учун...

— Ҳе сени... — сўқинди раис ҳезланиб. Бироқ энди отбоқарга қўл кўтаришга журъат этмади, шўрлик хизматчи ҳолдан тойган эди; қолаверса, Салайнинг хотини сал нарида анг-танг ҳолда ёқа ушлаб турарди, «ўйнаш» сўзини эшитиб, ортиқ чидаёлмади.

— Нималар деяпти, дадаси? — сўради у. — Қанақа ўйнаш? Мўлтони хотин билан сизни гап қиляаптимми?

— Йўқол! — бақирди Салай унга. — Шунинг гапига ишонасанми, товқумия? Ичкарига кир! Кўрмаяпсанми, у наша-паша чекиб олган, маст-ку!

Кўчадагилар келиб, ўртага тушишди.

— Бунинг хотинини биров ўлдириб қўйибди, — деди Салай, — кўриб, томи кетганми, тўғри меникига келиб, тармашди, ярамас! Қоровул касал, бир-икки кун уйингга бормай, отхонада ётиб тур, дегандим. Шуни дастак қилиб, мени қотилнинг шеригига чиқармоқчи!.. Ҳой, Абдурахим, қаёқдан биламан душманинг борлигини, пайт пойлаб юрганини?! Билсайдим, кундуз ҳам отхонага чақирмасдим! Хотинингни кўриқлаб ўтир, дердим. Мана энди «район»га бораман! Милиция бошлиғининг шахсан ўзи шуғулланади! Ким бўпсанки, давлат одамига — раисга қўл кўтарасан! Уйимга бостириб кирасан, босмачи! Янги ер очиш масаласи кўрилганда, қишлоқларингни мен сақлаб қолганман, мен! Кўчиртириб юбориб, вақтида қутулмасанг, шу экан-да оқибати!

— Майли, сен айтганча бўлсин, — Абдурахим эшикдан сирғалиб кўчага чиқди, — майли... майли... Хато қилган

бўлсам, оёғингни ўпаман, агар уйимга борганинг исботланса, сени ҳам, бола-чақангни ҳам сўйиб ташлайман!

— Эй, оғзингга қараб гапир! — деди раиснинг қўшниси.

— Қани, жўна бу ердан! Ҳаддингни бил! Кимсан ўзи, а?!

— Индамай қўйворамизми? — жаҳлга минди бошқаси.

— Милиция келгунча ушлаб туришимиз керак.

— Ростдан ҳам хотини ўлган бўлса, уйига кетаверсин, қаёққа қочарди? — деди Салай. Ниманидир ўйлади шекилли, қўшнисига қаради. — Ҳарҳолда шу ернинг раисиман, ака. Сизларни, «участкавой»ни олиб, мўлтони қишлоққа борсакмикан? Индамай қараб турсак бўлмас. Абдидан яхшилаб сўранглар-чи, нималар бўпти ўзи?

Раиснинг ҳайдовчисини чақириб келишди. Яна бир машинага Абдурахим ва бир неча киши сиғишди. Жанжал бўлса, бостириш учун афғонда хизмат қилган бир йигитни, барзангилардан яна иккитасини қўшиб олишди. Шу дам участка нозири раиснинг уйидаги телефондан туман милиция бўлимига қўнғироқ қилди.

— Хабар бердингизми? — юришга ҳозирланган машинадан бош чиқарди раиснинг ҳайдовчиси.

Худуд нозири «Виллис»га чаққонлик билан чиқаркан, деди:

— Хайданг! Ростдан ҳам хунрезлик бўпти! Бир-бирининг гўштини емасдан яшолмайди бу одамзод!

Совуқ хабар тез тарқалади. «Салайнинг уйига мўлтонилар келиб, жанжал қилганмиш, чунки Абдининг хотини билан раис ўлгур юрармиш, энг ёмони, мўлтонининг хотинини кимдир ўлдириб кетибди» деган гаплар бир зумда қишлоқ оралади. Милиция машиналари Маййит томон шув-шув ўтишди.

Ҳар қандай терговчи даставвал Абдурахимдан нега айнан колхоз раисидан гумоңсираганини сўрайди. Экспертлар ҳаммади чиқариб юбориб, текширишни бошлаганда, шундай бўлди.

— Бугун, туш чоғи... — деб гап бошлади Абдурахим.

— Аниқроғи, кеча туш чоғи, — гапини тузатди ходимлардан бири.

— ... Мозорёнга лўлилар чодир тикди, — деб давом этди Абдурахим, — улар ҳар йили келадиган Қари Медхун уруғидан эмас, бугунлай бошқа лўлилар, эшитишимча, Зарзар жамоаси экан. Менга фарқи йўқ, жўғими, товоқтарошми, мазангми... Қисқаси, раиснинг отхонасида қоровуллик қиламан, ўғри тушмасин деб Мозорёнга бордим.

— Менинг отхонам йўқ, — ҳовлида у ёқдан-бу ёққа юраётган Салай қўли билан ҳавони кесиб гапирди, — илтимос, мени «бой ота» қилиб кўрсатмасин, шундоқ ҳам туҳматию мушт кўтаргани ҳиқилдоғимга келиб турибди. Отамдан қолган ҳовлида отамдан қолган отларни сақлайман! Ахбороти учун, ўртоқ терговчи, отам давлат манфаати йўлида жон фидо этган қаҳрамон эди! Булар эса аллақачон бузилиши керак бўлган қишлоқда жойлашиб олиб тиланадиган пастлар...

— Шахсиятга тегманг, раис бова, — деди ҳовлидаги мўлтонилар.

— Ким шахсиятинга тегяпти?! — Салай важоҳат билан атрофга аланглади. — Халқ учун ишла деганман, урф-одатингни пеш қилиб, мамлакатни тиланчилик билан шарманда қилма деганман! Тушунарлими? Тушунарлими деяпман?! Ҳар ким ўз касбини қилсин!

— Мен дурадгорман. Дурадгор пахта термайди, — бўш келмади мўлтони.

— Хотининг-чи?! — Раис қўлини бигиз қилди, аммо бу кеча айнан мўлтонининг хотини ўлдирилгани учун хушёр тортиб, дарров қўлини туширди.

Терговчи раисга машинада ўтиришни маслаҳат берди. Шу онда Абдурахимнинг кўз олдида ўз отасининг офтобда қорайган сиймоси жонланди. «Падарим жунхонадаги эски сандиқ учун ўлди, бунинг отаси эса қаҳрамон, — деди ичида. — Унинг отасидан бир парча медаль қолган, менинг отамдан эски сандиқ. Агар Мозорёндаги

лўлиларга ишонадиган бўлсам, сандиқнинг таг қисмида афсонага айланган пичоқ бўлиши мумкин! Отини нима дейишди? Чангами? Бир қараб кўришим керак. Йигирма еттита имрон сандиқдан бирига аждодаларимиз яширган пичоқ мендаги сандиқдан чиқса ажабмас. Лекин энди Шарифа йўқ, кароматли пичоқни бошимга ураманми? Нафақат Шарифа, энди менинг ҳеч кимим йўқ. Бир бахтсиз сўққабошиман...»

— Хотинингиз билан Салай раиснинг ўртасида алоқа борлигини билармидингиз? — хаёл риштасини узди терговчи. — Экспертлар изларни аниқлагунча, иккимиз жиддийроқ гаплашиб олсак, дегандим. Яна кимдандир гумонингиз бўлса, тезроқ айтинг, узоқроққа қочиб улгурмасидан йигитларни юборайлик... Ҳей, кинолог! Терговчи ит етаклаган ходимга мурожаат қилди:

— Нега қараб турибсан? Бошламайсанми?

Итни уйга олиб киришмоқчи бўлганди, экспертлар ишни тугатмаганлиги учун рухсат беришмади, балага қолган кинолог гап эшитди. Шунда ит Абдураҳимга қараб, ириллаб қўйди.

— Хўш? — саволомуз тикилди терговчи.

— Билмасдим, — деди Абдураҳим бош эгиб, — буни Мозор ёнидаги лўлилардан эшитдим. Улар олов атрофида ўтириб гаплашаётган эканлар. От ўғрилари эмасмикан, деб пусиниб бордим. Нималардир ҳақида гўнғирлашиб ўтиришган экан. Биттаси Салай раис билан хотиним дон олишиб юрганини баландроқ овозда гапирганди, шунисига тушундим. Дарров уйга етиб келдим. Қарасам, Шарифа ўлиб ётибди.

— Кеча тушда келган лўлилар ҳеч ким билмаган сирни қаёқдан билишди экан?

Абдураҳим улар сирни кимдан эшитишганини билмаслигини айтди. Оғир дамда боши гувиллаётган бўлса-да, имрон сандиғи, қадимги лўлилардан қолган уч афсона, чанга пичоғи ҳақида лом-мим демаганининг

сабаби ҳам аниқ эди. Фурсат келгандан жунхонага кириб, эски сандиқнинг таг қисмини очиб кўриш хаёлидан бир зум нари кетмаётганди.

– Ўзингиз аввал хиёнатни сезмаганмисиз?

– Йўқ, тушимга ҳам кирмаган, – жавоб берди Абдурахим.

Шарифа билан ўтказган бахтли дамлар аянчли якун топганига ҳозир ҳам ишонгиси келмай, ҳовлидаги ҳамқишлоқларига, милиция ва шифохона ходимларига телбавор кўз югуртирди.

– Марҳумани «район»га юборамиз, – деди терговчи, – менимча, экспертиза ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Кўп ўтмай итти уйга киритишди. У ташқарига чиққан заҳоти ер искаб, Абдурахим ва терговчи утирган супага кела бошлади. Яқин қолгач, жон-жаҳди билан вовиллади.

– Итнинг ҳуришига қараб айтмоқчи эмасману, – ўрнидан турди терговчи, – сиз ҳам гумон остидасиз, раис ҳам, ўша лўлилар ҳам.

Ит яна ҳид олди-ю, уй орқасига чопди. Тасмасидан тутган кинологни судраб кетаётганди гўё. Бир неча милиция ходими ва мўлтони йигитлар изма-из бораверишди. Ит ариқ ёқалаб кетаверди, сўнг жийдалар билан ўралган сайҳонликдан чиқди. Бу ерда битта қуриган жийда танаси қаққайиб турар, атрофида эса от гўнглари кўзга ташланарди. Ходимлардан бири мўлтони йигитлардан кечаси бу ерга ким от боғлаши мумкинлигини сўради. Майит қишлоғида ҳеч кимнинг оти йўқлиги аниқ жавоб бўлмаса-да, жумбоқни хийла ойдинлаштирди.

– Абдурахимни чақирин керак, – деди кимдир, – у отнинг изи тугул, гўнгидан ҳам танийди.

III БОБ

Мудҳиш қотиллик юз берган қишлоқдан етмиш етти чақирим наридаги Жугидоно қишлоғида бир кўр лўли яшарди. Унинг кўзлари бутов бўлиб, ҳатто гавҳари ҳам кўринмас, кўз устини юпқа тери қоплаган эди. Тикилиб қараган киши тери остида кўз соққаси безовта типирчилаб

кўйганига гувоҳ бўларди. Ўша йили у саксон етти ёш кирди. Бир бурдага айланиб, пўстакдан ҳам тушолмай қолган кунларнинг бирида, нима бўлди-ю, айрим воқеаларни олдиндан айтиб бера бошлади. Тез орада атроф-жавонибга Мамайнинг донғи кетди. «Мамай кўр фол очармиш, хато чиқмасмиш, остонасига қадам кўйганигдаёқ исминг, мақсадинг, келажакнинг кўрармиш» қабилдаги мишмишларни эшитмаган кас қолмади. Ҳақиқатан баъзиларнинг ўғирланган сигирини, узугини топиб берди, касалларнинг нимадан шифо топишини башорат этди. Шундай қилиб, хор-зор ётган лўли чол бойий бошлади.

Қотилликдан бир ҳафта бурун, жума кuni кечкурун унинг ҳовлисида от кишнади. Мамай кўрнинг неваралари пардани суриб, ташқарига кўз ташладилар: гира-ширада, ёнғоқ тагида бир отлик кўринди. Аниқроғи, қора от кўзлари оловдай ёниб, депсиниб турар, важоҳатидан девлар хуркарди.

— От!

— От?

— От?! — Ҳамма ҳайратдан ёқа ушлади.

Темир дарвоза ёпиқ, одам бўйи тахланган ўтин ҳовлини кўчадан тўсиб турар, от эса, шубҳасиз, ўтинлар устидан бир ҳатлаб ҳовлига ўтган-у, «мен келдим», деган-қабил кишнаган эди.

— Бизга Худонинг совғаси! — деди тўйга бориш учун ясан-тусан қилаётган жўги хотин. — Чопинглар, бачаларим, жиловгинасидан тутиб, молхонага киритиб кўйинглар. Лекин эҳтиёт бўлинглар, тепонғичга ўхшайди.

Аёл гапини тугатар-тугатмас, от устида одам қораси кўринди. Афтидан чавандоз отнинг ёлини силаган кўйи жониворнинг қулоғига пичирлаб, бир неча сония энгашган эди. Юпун кийинган қилтириқ йигитчани бир қарашда дарахт танасининг куюқ қоронғилигида фарқлаш шундоқ ҳам осон эмасди.

— Ҳей, Мамай бобо! — хитоб қилди у уйга қарата. — Биз кечки ўн бирнинг йигитларимиз! Бугун келамиз! Ухлаб қолманг!

Йигитча яланғоч оёқлари-ла отнинг биқинига ниқтаган эди, икки чопишда ўтинлар уюмига етди ва қанот чиқаргандек ҳавога кўтарилиб, кўчага гурсиллаб тушди; туёқларнинг дупур-дупури бир зумда узоқлашиб, дарров тинди.

— Жинни! — деди лўли хотин. — Том-поми кетганми ҳовлиқманинг?! Одамга ўхшаб бундоқ дарвозадан келиб гапирмайдими

Жўгидонода шу кеча тўй бор эди. Бойвачча йигит амакисининг қизига уйланаяпти. Келинчак ҳам ўз навбатида лўли қизлар ичида энг катта сеп соҳибаси эди. Тилла тақинчоқлари ўн тўртта, зар кўйлақлардан йигирма бештани ташкил этарди. Тўймисан, тўй бўлади-да.

— Файзижон, бугун бобонгнинг ёнида қоласан, — деди лўли хотин ўртанча ўғлига. — Тағин шумлик қилиб, орқамиздан етиб бормагин. Бу гал бобонгга тушган пулга сенга велосипед!

Бироқ тўйнинг дангир-дунгири шу қадар авж олдики, Жўгидоно кўчаларидаги тошлар ҳам рақсга туша бошлади. Файзижон дам ичкарига кирар, дам чиқар, уф тортганини бобоси ҳам эшитиб ўтирарди. Тўй томошасию ноз-неъматларидан қуруқ қолиш бола учун чинакам бахтсизлик эди.

— Бормоқчимисан? — деди Мамай кўр ёстиққа суяниб, гавдасини хиёл кўтараркан.

— Авваллари чекка хонада ётаверардингиз, энди эса фолдан жарақ-жарақ пул ишляяпсиз, сиздан азиз одам йўқ бу уйда, — тескари қараб олди Файзижон.

— Мендан хафа бўлма, кўп жавраганингга қарамай, мен ҳам хафа бўлмайман. Яна бироз сабр қилсанг, от минган уч шунқор келади. Уларнинг юз-кўзини кўрадиган одам керак. Ҳозир сендан бошқа ҳеч ким йўқ-да, неварам.

— Кўрмасдан фол очасиз-ку, сизга нима фарқи бор?

— Лекин бугун уларнинг турқ-тароватини кимнингдир кўзи билан кўришим керак. Улар қанча пул берса, ҳаммасини қўлингга тутқазаман. Кетмай тур, хўпми?

— Ахборотингиз учун, бобо, — ўрнидан турди Файзижон, — отдаги йигит дайди лўлилардан эди. Катта пул беришига ҳеч ҳам ишонмайман.

— Сен биласанми, менми, эй ўжар?

Ногоҳон кўчадан ҳуштак овозлари, қийқириқлар эшитилди. «Файзи! Ўлибгина қолдингми, Файзи?!» деб чақира бошлашди ўртоқлари.

Энди болани ҳеч қандай куч тўхтатиб қололмасди. Ипини узган бузоқдек кўчага шаталоқ отиб қочди.

— Тўйга бормай, тухум босаяпсанми? Шокир ғурра ароқ ўғирлаб чиқди, Посонгда бир пачка «Космос» бор, ҳозир лимонад билан гўшт опчиқамиз, ҳамма нарса мўл! — қичқиришди болалар. — Кетдикми? Бўғоз хотинлар ҳам тўйхонада, сенга уйда бало борми?

Дарвоза эшиги тарақлаб ёпилгани эшитилди. Мамай кўр оғир хўрсинди. Невараси бирпас сабр қилмагани ёмон бўлди-да. Мана, ер қаъридан туёқлар саси келмоқда. Афтидан чақирилмаган меҳмонлар ҳовлида ҳам, кўчада ҳам одам кўринмайдиган хувиллаган дамни танлашган эди...

Бир ҳафтадан сўнг етмиш етти чақирим наридаги Маййит қишлоғида Абдураҳимнинг хотини ўлдирилганда, бежиз Мамай кўр ёдга олинмади.

— Агар, — деди кинологнинг орақасида турган баланд бўйли мўлтони, — Абди ҳам, милиция ҳам ҳеч нарса аниқлаёлмаса, Жўгидонога борамиз, Мамай сўқир деган чол бор, бу ишни ким қилганини айтиб беради. Ҳозир ундан зўр фолбин йўқ бу атрофларда.

— Фолчингизни йиғиштиринг, — деди милиция ходими жеркиниб.

— Кўнглим сезаяпти, Мамай фолбин ҳаммасини билади, — минғиллади мўлтони ўжарлик билан.

Жийдалар билан ўралган сайҳонликка Абдураҳим отбоқар билан терговчи етиб келишди. Бир неча чироқлар ёруғида нафақат от гўнги ва туёқ излари, жийда танасидан янги кўчиб тушган пўстлоқни ҳам пайқаш мумкин эди.

Абдурахим изларга синчиклаб қараб, қуриган жийда танасини ҳидлади, силаб-сийпалади. Кейин сакраб турди-да, одамлар орасини ёриб ўтиб, уйига қараб чопди. Салай раис ҳали ҳам Абдурахимнинг уйи олдидаги «Виллис»да утирарди. Гап нимадалигини тушунган ходимлар «ушланглар, қайтаринглар» деб бақир-чақир қилиб отбоқарнинг изидан қувишди. Шу кечанинг ўзида иккинчи қотиллик юз бериши турган гап эди.

Ҳақиқатан Абдурахим уйи орқасидан ўтаётиб, жўяк орасига энгашиб, кетмонни олди. Даст кўтарганча ёввойи ҳайқириқ ила «Виллис»га бостириб борди. Салай раис эшикни ёнишга улгурди: кетмон зарбидан ойна тўкилиб тушди. Шу лаҳзада милиция ходимлари етиб келишиб, Абдурахимни ерга йиқитдилар-да, қўлига кишан уришди.

— Отхонадаги чавқарни миниб кетганди, ҳовлимда туради, деб! — бўқирди Абдурахим. Сўнг қишлоқдошларига ҳам захрини сочди: — Нега қараб турибсанлар, ўлдилинглар уни! Бояги излар раиснинг чавқариники эди! Узим отхонадан чиқариб берганман! Хотинимни ўлдирган мана шу!

Мўлтонилар бир-бирига қарашди. Раис деганда ҳамма чўчиб тургувчи эди, қолаверса, йигирматача милиция ходими бор. Масаланинг яна бир нозик томони, Шарифа мўлтонилардан эмас. У тириклигида ҳар доим қишлоқ урф-одатини бузиб яшагувчи эди.

— Қуёнюраклар! — деб Абдурахим йиглаб юборди. — Ўлинглар бу кунларингдан! Сенларни ким мўлтони дейди?! Шуми мўлтонининг мўлтонига оқибати!

Салайни ўлдириш ниятида бўлмасалар-да, ҳарҳолда шундан сўнг раисни машинадан қўполлик билан тортқилаб туширишди. Раиснинг одамлари ҳимояга чоғланиб, бақир-чақир авж олди. Агар қўшимча милиция гуруҳи келиб қолмаганида, ур-тўполон бўлиши муқаррар эди.

— Экспертлар изни аниқлашяпти, ким қотил, ким айбсиз, биламиз ҳозир! — бақирди бошлиқ. — Биронтангиз

Абдурахим изларга синчиклаб қараб, қуриган жийда танасини ҳидлади, силаб-сийпалади. Кейин сакраб турди-да, одамлар орасини ёриб ўтиб, уйига қараб чопди. Салай раис ҳали ҳам Абдурахимнинг уйи олдидаги «Виллис»да ўтирарди. Гап нимадалигини тушунган ходимлар «ушланглар, қайтаринглар» деб бақир-чақир қилиб отбоқарнинг изидан қувишди. Шу кечанинг ўзида иккинчи қотиллик юз бериши турган гап эди.

Ҳақиқатан Абдурахим уйи орқасидан ўгаёғиб, жўяк орасига энганиб, кетмонни олди. Даст кўтарганча ёввойи ҳайқириқ ила «Виллис»га бостириб борди. Салай раис эшикни ёпишга улгурди: кетмон зарбидан ойна тўкилиб тушди. Шу лаҳзада милиция ходимлари етиб келишиб, Абдурахимни ерга йиқитдилар-да, кўлига кишан уришди.

— Отхонадаги чавқарни миниб кетганиди, ҳовлимда туради, деб! — бўкирди Абдурахим. Сўнг қишлоқдошларига ҳам захрини сөчди: — Нега қараб турибсанлар, ўлдилинглар уни! Бояги излар раиснинг чавқариники эди! Узим отхонадан чиқариб берганман! Хотинимни ўлдирган мана шу!

Мўлтонилар бир-бирига қарашди. Раис деганда ҳамма чўчиб тургувчи эди, қолаверса, йигирматача милиция ходими бор. Масаланинг яна бир нозик томони, Шарифа мўлтонилардан эмас. У тириклигида ҳар доим қишлоқ урф-одатини бузиб яшагувчи эди.

— Қуёнюраклар! — деб Абдурахим йиғлаб юборди. — Ўлинглар бу кунларингдан! Сенларни ким мўлтони дейди?! Шуми мўлтонининг мўлтонига оқибати!

Салайни ўлдириш ниятида бўлмасалар-да, ҳарҳолда шундан сўнг раисни машинадан қўполлик билан тортқилаб туширишди. Раиснинг одамлари ҳимояга чоғланиб, бақир-чақир авж олди. Агар кўшимча милиция гуруҳи келиб қолмаганида, ур-тўполон бўлиши муқаррар эди.

— Экспертлар изни аниқлашяпти, ким қотил, ким айбсиз, биламиз ҳозир! — бақирди бошлиқ. — Биронтангиз

ойдинлашди. Кечаси Салай раис чавкарда Маййит қишлоғига келган, жийдазордаги сайхонликка отни боғлаб, ариқ ёқалаб, айнан Абдурахимнинг уйи томон юрган. Буни у мутлақо тасодиф, деди. Бир оз юриб изига қайтган ва отига минган-у, уйига жунаган.

Рашод гапчи бир кун аввал Абдурахимнинг уйи орқасида одам шарпасини кўрганини айтганда, яна Салайнинг боши балога қолди. У бир кун аввал ҳам кечаси от миниб чиққан эди.

Ун иккинчи бригададан ўтиб, сой бўйига тушганини исботлагунча она сути оғзига келди. Қоровуллардан бири қотилликдан бир кун бурун, пайшанба кечаси ун иккинчи бригада даласида қандайдир отликни кўргани хусусида гувоҳлик берди. Бироқ Салай раисмиди, бошқами, аниқ айтиб беролмади. «Хаёлимда қоп-қора, баҳайбат отнинг устига уч киши мингашиб олгандек эди», деганда, терговчи унинг қанча ичганлигини сўради. Гувоҳлик бераётган киши қўлбола узум виносининг шайдоси эканлигини, доим ширакайф юришини терговчига шипшиб қўйишганди-да.

Марҳуманинг кўксидagi пичоқда бегона одамнинг бармоқ изи йўқ эди. Уйда икки киши яшайди, бармоқ излари ҳам икковиники. Қотил қўлқоп кийганига қараганда, жиноятга тайёрланган, аммо у ўз қуролидан фойдаланмагани, уй эгасининг пичоғини тоқчадан ахтариб топгани терговчиларга жумбоқдек эди. Абдурахим отхонага кетган кунни танлаганига қараганда, қотил ё Маййитнинг ўзидан, ё қишлоқда ҳамтовоғи бор кимса эди.

— Унга жуда яқин турибмиз, қўл чўзса етгудек, — деди терговчи туман ИИБ бошлиғига. — Бунда аслида сирли жиҳат ҳам, изсиз ғойиб бўлиш ҳам йўқ. Аниқлаганим шуки, колхоз раиси мўлтонининг хотини билан дон олишиб юрган, марҳума асли мўлтонилардан эмас, миллати бошқа. У қишлоқ аҳлига аввал-бошдан умуман ёқмаган. Биласиз, лўли халқининг ҳеч қайси уруғи унча-мунчага хотинини яллачи қилиб қўймайди, кимнингдир ўйнаши бўлиш эса ўлим билан барабар. Ўзлари ўлдириб,

раисга туҳмат уюштираётган бўлишлари ҳам мумкин. «Икки ўйнаш қишлоғимизни булғамай, бирйўла даф бўлсин», қабилдаги қасддан қилинган қотиллик, деган гумондаман ва биринчи соатдаёқ калаванинг учини топдим, деб ўйлайман. Маййит қишлоғи — бутун аҳолиси билан бирга уюшган жиноий тўда.

— Ҳеч қанақа калаванинг ўзи йўққа ўхшайди, сизга омад, — деди бошлиқ. — Лекин тезлаштиринг, қотилни ушлаш бугундан қолмасин.

Бу вақтда Абдураҳим лўлилардан эшитган чанга пичоғи ҳақида ертўладаги ҳибсхонада ўйлаб, кўнглида сабрсизлик туйиб, хомуш ўтирарди. Раис унинг устидан арз қилган: бўҳтон, босқинчилик, ўлдиришга уриниш...

«Шарифанинг жанозасига борганимда, бир илож қилиб, имрон сандиғини яшириб қўйишим керак, — деди у ичида. — Орган ходимлари ҳам инсон, ҳарҳолда жанозага олиб боришар. Агар сандиқни яшириб, «уни ўғирлаб кетишибди», деб гап тарқатсам, қамоқда эканлигимда Зарзар лўлилари уйимни тинтишмайди».

Ўша кечанинг ўзидаёқ кўчманчи лўлиларнинг эркакларини милиция бўлимига келтиришган эди. Юзмаюз қилишганда, Абдураҳим қизил саллани, қотмани ва оқсоқолни кўрсатди. «Буларнинг яна қанақа гапларини эшитдингиз?» деб сўраганди, елка қисиб:

— Ғўнғир-ғўнғир гаплашиб ўтиришган экан, — деди. — Исмим кулоғимга чалинди, яқинроқ бордим, сўнг дарров уйга югурдим. Ҳаммасини ўз кўзим билан кўриб, ишонч ҳосил қилмоқчийдим.

— Дарров уйингизга чопган бўлсангиз, сизнингча, булар ўлдирмаган, шундайми?

— Ҳа, — деди Абдураҳим қондошларига бир-бир қараб, — мендан олдин етиб боришлари ақлга тўғри келмайди.

Қишлоқ оқсоқоли ўликни пешинга чиқаришни буюрган эди. Абдураҳимни милиция машинасида, кишансиз, озод инсон сифатида олиб келишди. Маййит

қишлоғи мўлтониларининг қабристони сойлик яқинидаги тепаликда эди. Ҳарир шамол эсиб турар, олис уфқда пахта мисоли лўппи-лўппи булутлар бодраб кўринарди. Абдурахим Шарифанинг дўппайган қабрига эмас, нигоҳлари етган кенгликларга тикилиб қолди.

— Уртоқ командир, — деди кекса бир мўлтони, — Абдини қийнаманглар. Суюмли хотини ўлиб, ғамга ботган кунда қотил қолиб, уни қамаш инсофданми? Қайси эркак бундай вақтда қўл кўтармайди? Раис ўлмадими? Ўлмади! Худога шукр қилиб, арзидан воз кечсин. У марҳума билан бир неча ойдан бери гап бўлиб юрганди. Иссиқ жонмиз. Бу дунёдан ҳеч ким гард юқтирмай наригисига ўтолмайди, биродар.

Абдурахим тобуткашлар билан уйига қайтди. Шарифанинг олисдан келган қариндошлари билан ҳолаҳвол сўрашиб, ҳаммалари ғамга ботиб, дам сукут сақлаб, дам марҳумани эслаб ўтиришди. Милиция ходимларидан иккитаси айвонда сигарета тутатишди, бир тўдаси уй орқасида маслаҳатлашмоқда, терговчи, ёрдамчилари ва прокуратура ходимлари эса ҳовлида эди. Абдурахимга жунхонага кириб, токчадаги эски сандиқни яширишга имкон туғилганди.

— Мен ҳозир... — деб ўрnidан турди ва таваккалига жунхонага кирди. Эшик илгагини солиб, шоша-пиша сандиқни пастга туширди. Йўқ, буни ҳозир яшириб бўлмайди. То қамоқдан чиққунича қайси сабр билан кутади?

Қўллари қалтираб, қулфга калит тикди. Бу бошқалардан фарқ қилмайдиган нақшинкор темир қопламали мўъжазгина эман сандиқ эди.

— Ҳой, очинг! — ходимлар эшик бандидан жонжаҳдлари билан тортқиладилар.

— Кийимимни алмаштираяпман, — деди Абдурахим, гарчи ҳеч ким ишонмаса ҳам.

Сандиқ ичидаги ашқол-дашқолларни ағдариб, разм солди: во дариф, сандиқ ташқи кўринишига қараганда

сезилар-сезилмас саёз экан. Демак, нарса яшириладиган жой қилинган. Болгани олиб, уч-тўрт зарбда тубини ўйиб, таг қисмини очди. Очди-ю, илонни кўргандек сесканиб тушди. Сандиқнинг таг қисмида одамнинг чирий бошлаган қўли ётарди, тирсакдан узилган. Ёшлигида онаси бу сандиққа майиз, қурут, жийда солиб қўяр, вақти-вақти билан Абдурахимга ва қўшни мўлтони болаларга улашар, меҳмон келса, дастурхонга қўярди. Бундан чиқди, егуликлар мурданинг қўли устида сақланган экан-да. Нега ҳиди чиқмаган? Нега ҳеч ким имрон сандиғининг тагида яна бир қават жой борлигини пайқамаган?

Эшик тақилламай қолди, дунё сукунатга чўмди. Абдурахим бундай жимжитликни, ҳатто ҳибсхонада ҳам ҳис этмаган эди. “Балки раҳматли отам ўшанда сандиқнинг тагида нимадир борлигидан бохабар бўлгандир?” хаёлидан ўтказди у. “Оддий эски сандиқ учун бекорга жонини қурбон қилмагандир? Бироқ қандайдир чириган қўл учун ҳам ўлишни истамайди-ку, одам?”

Абдурахим эшикка кўз ташлади. Милиция ходимлари шовқин-суронни бас қилишганини, деразани ҳам тақиллатмай қўйишганини энди пайқади. Нафақат улар, жанозага келган жамики тирик жон сукутда эди. Воҳ, шунда Абдурахим сой бўйидаги лўлилардан эшитган афсонани эслади: кимда-ким йигирма еттита имрон сандиғининг бирига бекитилган чанга пичоғини топса, унга омад кулиб боқади, пуллар оқиб келаверади, пичоқ эгаси охир-оқибат ҳисобини йўқотади. Ҳозиргина эшикни бузгудек важоҳат кўрсатаётган ходимлар тўсатдан ювош тортишгани сандиқнинг таг қисми очилиб, қўлнинг ёруф оламини кўриши эмасмикан? Демак, бу аслида қўл эмас, чанга пичоғи...

— Чанга! — деди Абдурахим ва чирик қўлни сандиқдан шартта олиб, қўрқинч ҳамда қизиқиш ила тикилди.

Бу худди одамнинг қўлига ўхшаб ясалган тери ғилоф эди. “Билак”да ғилофнинг оғзини бекитиб турган

тугмали қоплама бор эди. Очган заҳоти Абдурахимнинг кўзларидан ўт чақнаб кетди. Аждар тимсолли олтин даста, араб ёзувида нимадир битилган. Ҳа, кўчманчи лўли оғайнилар оғзидан бол томиб мақтаган аждодлар пичоғи эди бу.

Шу тобда Абдурахим афсонадаги куч-қудрат хусусида эмас, тилла пичоқ айнан уйидаги кўҳна сандиқдан топилганидан гарангсиб турарди. Шартта ғилофдан сугурган эди, ҳақиқатан олтин дастали, пўлат тигли (тиғнинг устки қисмига ҳам олтин қопланган эди), ҳар икки ёнига жавоҳирлардан кўз қилинган қимматбаҳо тарихий қурол намоён бўлди. Биргина жавоҳирларининг пули Абди отбоқар умрининг охиригача тукин-сочинлик ва фаровонликда ишламасдан еб-ичиб ётишига бемалол етарди.

Пичоқни тутган кўйи қанча вақт турганини билмайди, бир пайт эшик оҳиста тақиллаб, аёл кишининг мулојим товуши эшитилди:

— Абдурахимжон, ҳой Абдурахимжон, чиқа қолинг, прокурор келди, вақти йўқ экан, дарров кетармиш.

Абдурахим пичоқни қўлдан қўймай остонага чопиб борди. Эшикка илинган илгак вафодорлик-ла мустаҳкам турарди, деразада эса қалин парда. Буларнинг бари унга омонат кўрғон туюлиб, пичоқни яшириш пайига тушди. Ўҳ, олдинги йили анави кунжакдаги пол тахтаси синиб, Шарифа янгилашни буюрган, аммо кунт қилмай, фанер билан ямаб қўйган эди. Эски олачани қайириб қараса, фанернинг миҳи бироз бош кўтариб, таъзим қилмоқда. Омад устига омад кулиб боқяпти, шекилли.

Абдурахим пичоқни ғилофга солиб, фанернинг бир томонини очди-да, ташлаб юборди. Миҳни бармоғи билан босиб, киргизди, олачани ёпди. Сандиқни аввалгидек тоқчага қўйиб, болтани шкаф тагига тикди.

Йўқ, хато қилди. Агар қамалса борми, қайтгунича Зарзар лўлилари уйига ўғирликка тушиб, имрон сандиғини гум қилишади. Бироқ сандиқни олиб бориб



қарашсаки, таглик яқинда синдирилган, ичи бўм-бўш. Секин суриштиришса, хотинининг жанозаси куни отбоқар жунхона эшигини ичидан қулфлаб, алланимани қарсиллатиб синдирган. Ташқарига чиққанда, қўлида ҳеч нима бўлмаган. Хулоса аниқ: Абди машъум кечада фақат хотинининг хиёнати ҳақида эмас, чанганинг дарагини ҳам эшитиб, сандиқни очган, пичоқни топиб, жунхонанинг қаеригадир яширган. Шундан сўнг лўлилар яна келишади ва бу сафар пичоқни албатта топишади. Жунхонадаги ҳар бир ковакни, ҳар бир қарич ерни эринмасдан тинтишлари тайин. Зеро, қадимги лўлилардан мерос афсона аслида ҳақиқат бўлиб чиқса, олтин дастада араб имлосида бир сандиқ тилла-жавоҳирнинг манзили кўрсатилган, қолаверса, мантиққа нақадар зид эса-да, пичоқни кимнингдир кўксига ёки муқаддас бир ерга санчсалар, лўлилар ҳукмронлиги бошланади, олам-жаҳон тамаддуни лўлилик назариясига бўйсунди-қолади. Ҳар бир одам эрталаб лўли бўлиб уйғонади, фақат ҳақиқий лўли бўлиш учунгина яшайди. Эркинлик ва роҳатни, пул ва ички никоҳни, ҳаттоки, эски кийим ва янгисини қачон кийишни ҳам лўлилардан ўрганади. Ким ҳақиқий лўли бўлсагина, беш кунлик бу дунёнинг устидан баралла кула олади. Дунёда мансаб учун курашлар, юрак хуружлари, қон босими ошиши, одамларни табақага ажратиш — барчаси йўқола бошлайди. Одамлар қорни тўқлик, усти бутлик, хушчақчақлик ва уйланишдан бўлак ҳамма нарсаларни иккинчи ўринга тушириб қўядилар. Лўлилар дунёни забт этади, лўлилар муҳташам идораларнинг остонасидаги зинага ўтириб, бемалол тушлик қилишади. Пировардида улар таназзулга юз тутган баъшариятни ҳам, оғир хасталикка учраган Ер сайёрасини ҳам қутқаради...

— Сандиқни гумдон қилишим керак, — деди Абдураҳим боши ғовлаб, ўзига-ўзи телбаларча пичирлар экан. — Қамоқдан келгунимча ҳеч ким тилла пичоқни тополмаслиги керак. Сандиқ билан бирга ёғоч қутиларни,

шкафни ҳам пачоқласам, ёғоч синиқларига қараб, сандиқ пачоқланганини пайқамасликлари мумкин, уйимда имрон бўлганини ҳам биронтаси исботлаёлмайди... Пичоқнинг эгаси энди менман... менман...

— Абдурахимжон, — чақирди аёл яна.

Шунда отбоқар қайнопасининг овозини таниди.

— Ҳозир, опа... — деди тили зўрға калимага келиб.

Болтани қайта қўлга олиб, сандиқ узра кўтарган ҳам эдики, қайнопаси баландроқ овоз берди:

— Куёв, сизни опкетишмайдиган бўлди. Чиқинг, прокурор кутиб қолмасинлар.

Қамалмайдиган бўлса, сандиқни айни шу дамда мажақлаб, лўлиларнинг диққатини жалб этишнинг-да, ҳожати йўқ эди. Абдурахимни кўрганлар ҳайратдан ёқа ушлади. Бирпасда қора терга ботиб, ҳолдан тойиб, тили осилиб қолган, аммо кўзларида ўт порлар эди. Бугун хотинини дафн этган янги бевага эмас, никоҳ тўйи кунини ўтин ёрган куёвга ўхшарди.

— Сизга нима бўлди, Абдижон? — сўради Рашод гапчининг хотини. — Нега таъзия кунини тишингизнинг оқини кўрсатиб турибсиз? Уят бўлади-я!

— Куёв, ахир сиз... — анграйди қайнопа ҳам.

Абдурахим прокурорга қаради, қонун ҳимоячисининг қоши чимирилди, ёнидагиларга нимадир деб, айвонга шошилмасдан яқинлашди.

Абдурахим, сени ҳозирча очикда қолдиришга рухсат бердим, — деди у. — Ишончимни оқлайсан, деган умиддаман. Бугун хотинингни кўмдинг, бандалик. Сенга сабр тилайман. Шундай кунда қамоқда эмас, хеш-акраболаринг билан уйингда эканлигингга шукр қилиб, ҳеч қаёққа жилма. Айбдорни биз топамиз, жазосини ҳам ўзимиз берамиз. Келишдикми?

Абдурахим бош силкиб, ерга қаради. Қишлоқ оқсоқоллари маъноли томоқ қириб, бир-бир яқин келишди, аммо прокурорнинг бугунча айтадиган бошқа гапи қолмаган эди.

— Раҳмат, — деб шивирлади отбоқар.

— Уйингдан жилмайсан, ҳовлингга ҳам, кўчангга ҳам навбатчи қўямиз, — деди милиция бошлиғи. — Сени ҳозирча очикда қолдираётганимизни одамгарчилик деб тушуниб, шунга лойиқ бўлсанг, бас.

Қотил кечгача топилмади. Терговчи бир қанча уринишлардан сўнг тушуниб етдики, бу осонликча фош этиладиган иш эмас. Аксинча, қотил ҳеч қачон топилмаслиги ҳам мумкин. Салай раис Абдураҳимнинг томорқасига яқин қолгач, ортига қайтгани рост эканлиги тўлиқ исботланди. Қўшнилар ўша кеча ҳеч кимни кўрмагани, Шарифа ҳам, Абдураҳим ҳам яқин йиллар ичида биров билан сан-манга бормагани қотиллик жумбоғини янада чигаллаштириб юборди. Қишлоқ аҳли мархуманинг мўлтони эмаслигига ғайирлиги келиб юрган, холос. Тиланчилик кунлари гап-сўз, киноя-пичинг бироз кўпайган, аммо ваҳшиёна хунрезликкача борадиган муҳолифатнинг ўзи йўқ эди. Зарзар жамоасидаги Аждар лақабли қизил салланинг хотини жума куни Рашод гапчига рўпара келгани, миш-мишни ғийбатчи эркакдан эшитгани ҳам аниқланди. Бироқ Рашод гапчи терговчига Шарифанинг Салай раис билан дон олишиб юришини исботлаб беролмади. Гап тарқатганига сабаб, Шарифани Салайнинг машинасида кўрган, бунинг устига раис Абдураҳимни ҳадеб кечаси отхонада қолишга мажбурлашидан ҳам кўр-кўрона хулоса чиқарган экан.

Ёлғиз далил — уй олдида топилган номаълум шахснинг спорт пойабзали изи бўлиб, тахминан ўн беш-ўн олти ёшли йигитга тегишли эди. Мактаб ўқувчилари жисмоний тарбия дарсларида киядиган бундай оёқ кийимни “кета” деб аташарди. Биринчидан, қишлоқда ҳеч кимда “кета” йўқ экан, иккинчидан, ёшлар текшириб чиқилганда, отбоқарнинг уйига кириб, ухлаб ётган аёлнинг кўксига пичоқ санчадиган “номзод”га яқин, ўхшашроқ, гумонга асосли йигитнинг ўзи топилмади. “Кета” соҳиби атрофдаги қишлоқлардан, кўчманчи лўлилар орасидан сўраб-суриштирила бошланди.

— Шу ҳафта натижа чиқмаса, масалага бошқа томондан ёндашамиз, — деди терговчи.

Сайхонликда Мамай кўрдан гап очган баланд бўйли мўлтони гапининг устидан чиқди: якшанба куни Жўгидонога борди. Афсуски, лўлилардан чиққан буюк фолбин оғир касал ётар, шу ҳолида энди нариги дунёга кетса керак, деб яқинлари бошида ўтиришарди.

Маййитликлар Жўгидонодан ноумид қайтишди. Кўп ўтмай, прокуратура ҳам қотилни топишда боши берк кўчага кириб қолди. Гумон қилинган йигирмага яқин йигит бегуноҳ эканлиги тез орада маълум бўлди. Терговни чалғитишда гумон қилинган сўнгги икки йигит ҳам ҳибсдан озод этилди.

Абдурахимнинг устидан арз қилган Салай раис эртасигаёқ аризасини қайтариб олди. Маййит қишлоғидаги ёши улуғ мўлтониларнинг идорага бориб арзу ҳол қилишидан мутаассир бўлиб, отбоқарга заррача даъвоси йўқлигини айтиб, аксинча, уни қийин-қистовга олмасликни прокурордан ҳам, милиция бошлиғидан ҳам шахсан ўзи илтимос қила бошлаши кўпчиликка галати туюлди. Балки бу чанга пичоғининг куч-қудратидир, балки эл-улуснинг аралашуви, раиснинг кечирishi, қонун идорасининг шафқат қилиши ва ҳоказо ижтимоий важ-қарсонлардир, ҳозирча Абдурахимга кўп нарса қоронғи эди.

Жаноза бўлган куни Абдурахим меҳмонхонада қимир этмай узоқ ўтирди. Олдига сопол косада гўжа, нон, чой қўйишди, ул-бул тотинишга ундашди. У ҳеч нарса емади. Уй-хаёли пол тагига ташлаб юборган қимматбаҳо пичоқда эди. Уч афсона ёлғон чиққанда ҳам Абдурахим барибир ҳеч нима ютқазмайди. Пичоқни майда бўлақларга ажратиб сотиб, данғиллама қаср қуриши, ёш хотинга уйланиши, машина олиши, умрининг охиригача дориломон кун кечирishi мумкин. Фақат...

— Салай билан қандай гаплашсам экан? — деди ўзига ўзи. — Бугун-эртан борсам, қамаб қўйишади. Ўлдиришга

уринганинг учун бир марта кечирдик, яна қилгилик қилдингми, деб бўйнимга икки баравар айб илишади. Лекин Салай қасам ичиб, ҳақиқатни айтиши керак: Шарифа менга хиёнат қилганми, йўқми? Уни шаҳар шифохонасига Салайнинг машинасида ўзим юбордим, ўзим. Бу билан хотинимни ўйнаш қилиб ол, демаганман-ку! Майли, Салайни ўлдирмайман, ростини айтса, шунинг ўзи етарли. Шарифа хиёнат қилмаган чиқса, ҳаққи-хурматига бир умр тоқ ўтаман, агар... Агар у фақат менгагина маҳрам вужудини раисга ҳам бахш этган бўлса, у ҳолда... Бу ерлардан кўчиб кетиб, ҳаётимни қайтадан бошлайман. Энг гўзал мўлтони қизга уйланаман, бошидан зар сочаман... Лекин нега Шарифа, менинг Шарифагинам хиёнат қилган бўлиб чиқиши керак?

Абдураҳим алам ва ўкинчдан йиғлаб юборди, тўрда ўтирган кампир уни овутиди:

— Ўлиш ҳаммамизнинг пешонамизда бор, ўлдириш эса дўзахийларнинг тақдирига ёзилган. Кўрасан, Абди, душманингни ушлашади. Бу билан Шарифа тирилиб келмаса ҳам, ҳаётинг изига тушади. Ёшсан, уйланасан. Биринчи турмушингдан бола йўқ эди, иккинчисидан Худо беради. Сенга саккиз йилда ҳам битта бола туғиб беролмаслик Шарифанинг қисмати экан, айланай.

Бироқ кампир ҳам, Абдураҳим ҳам Шарифанинг мурдаси тиббий экспертизада текшириб кўрилганда бир ойлик ҳомиласи борлиги, мудҳиш кечада ҳеч ким билан яқинлик қилмагани аниқланганини ҳали билмасди. Терговчи буларни сир тутиб, жинойтчининг уясига янги сўқмоқлардан бормоқчи эди, бўлмади. Шунча йил хотинидан кутган хушхабарни ўликхонадан эшитиш телба қилиб қўймасмикан, деб ўйласа-да, масаланинг иккинчи томони бор эди: Абдураҳим хотини ҳаётлигида фарзанд муждасини билганми, йўқми? Агар беҳабар бўлса, хиёнатнинг калити шу нуқтадан топилмайдими?

Иккинчи кун терговчи гап орасида сўради:

— Саккиз йил фарзанд кўрмабсиз, бошқа хотин олишни ўйлагандирсиз?

— Уйланган кунларим бир туш кўрганман, ўн йил ўтиб, қўлимга чақалоқ ушлашим ҳақида, — деб жавоб берди Абдурахим.

— Хотинингиз ҳам ишонган-да, тушингизга? Умид қилган экан-да, демоқчиман.

— Билмадим, у бироз сирли аёл эди. Балки яшаганида, икки йилдан сўнг... Ростдан фарзанд кўрармидик?

Терговчи ҳомила ҳақида шундан сўнг миқ этмади. Экспертизанинг текшируви давомида ҳомила Абдурахимдан экани аниқланди. Шарифа хиёнат қилмагани бироз ойдинлашгандек бўлди. Шунда ҳам Салай раисни кузатув остига олишга терговчи ўз бошлиқлари билан келишди. Аёл “сендан ҳомиладорман”, деб уни кўрқитишга уринганда, иш қотил ёллашга бориб етгандир? Бир жиҳатдан эса Шарифа товламачи хотин бўлмагани, иродаси кучли, ўзига маҳкам эканлиги исботини топганди.

Мурда қабрда буткул совиб, шишиб, кафан ҳам таранглаша бошлаган кечаларнинг бирида олис Жўғидоно қишлоғидаги Мамай кўр хушига келди.

— Бобомнинг лаби қимирляпти! — қичқириб юборди Файзижон.

Касал ётган хонага лўлилар бир-бирини туртиб, тиқилишиб, ҳайрат билан қириб келишди. Чолнинг лаблари ўз-ўзидан намланди, қулт-қулт ютинди.

— Мен бир одамга ёрдам бермасам, ўлмайман, — деб ҳириллади у.

Чолнинг оғзидан кўпик келди. Кўпик қуруқшаб қолган тана учун янгилик эди. Энди оғзига сув томизишнинг ҳожати йўқ, кўп яшайдиганга ўхшайди бу фолбин.

Жанозага тайёргарлик бекор қилиниб, ҳамма лўлилар ўз ишига жўнади.

IV БОБ

Шарифа ҳақидаги бўлмағур мишмишлар қишлоқда болалагандан болалайверди. Жудолик ва ёлғизлик исканжасида Абдурахим ҳардамхаёл бўлиб қолган эди. Уззу-кун кўча эшикка термулиб айвонда ўтиради. Шарифанинг қариндошлари мўлтонига турмушга чиққан қизни дам ширин, дам аччиқ сўзлар билан хотирлаб, уй-уйларига аллақачон тарқаб кетишган, кўшнилари ҳам қорасини кўрсатмай кўйишган, Худо урган зерикарли кунлар эди.

Жаноза кечаси Абдурахим имрон сандиғини майдалаб, ёқиб юборди, чанга пичоғини эса ғилоф-пилофи билан латтага ўраб, шифтдаги туйнукка тиқиб қўйди. Ҳозирча у бутун ҳолида ўз харидорини кутиб ётсин. Қотиллик фош этилмаса, терговни тез орада вилоятдаги прокуратура ўз зиммасига олади, деган мишмиш юарди. Шундай бўлса, ҳаммаси бошидан бошланади. Абдурахимнинг ўзини ҳам минг хил чиғириқдан ўтказишади. Қалтис вазиятда тилла пичоқни пуллашга уриниш, Салай раисдан ҳақиқатни айтишни талаб этиш, Зарзар жамоасига бориб, ғавво кўтариш — булар ширин жонига қасд қилиш билан барабар эди.

Бир куни тўрва кўтарган лўли хотин эшик қоқди. Сой бўйига чодир тиккан Зарзар лўлиларидан экани отнинг қашқасидек маълум эди. Ҳойнаҳой, қизил салланинг тетикгул завжаси шу бўлса керак.

— Ҳаммамиз аслида бир ака-сингилнинг болаларимиз, — деб гап бошлади хотин кўзлари ола-кула бўлиб, — сизга бир сирни айтсам, ярим қошиқ қонимдан кечасизми, Абдижон? Бу сир хотинингизнинг ўлими билан боғлиқ. Лекин мен катта нарса сўрайман, бир қоп пул, ҳа, бир қоп!

— Бир қоп пулни қайдан топаман? — деди Абдурахим унга ирганиб қараркан. — Ҳам бир қошиқ қонидан кеч, ҳам тўрва тўла пул бер. Бошимни оғритманг, кетинг уйимдан. Хотинимнинг ўлимига ёлғон фолингиздан бошқа нима ҳам боғлиқ? Жуда боғлиқлиги бўлса, боринг, терговчига айтинг.

— Сизда бир қопдан кўп пул бор, ўзингиз ҳам билмайсиз буни. Сизда бор... бор... — Доғули хотин айвонга ўтириб, Абдурахимга яқинроқ сурилиб, кўзлари ўйнаб боқди. — Бир қошиқ қонимдан кечинг, деб ярангизни тирнаганим учун ўтиндим. Намунча ўзингизни гўлликка соласиз? Аслида сиз ҳам лўли, мен ҳам. Қани, эски сандиқни опчиқинг. Хотинингизнинг ўлими билан боғлиқ деганимни ҳам тушунтириб бераман. Худо хоҳласа, ҳаммаси унутилиб кетади. Қаноти қайирилмаган ким яшабди бу дунёда, айтинг-чи? Сандиқ деганим оддий эмас, боболару момоларнгиздан қолган кўҳна сандиқ.

— Қанақа сандиқ? Қанақа лўли? Ахир, мен лўли эмасман, мўлтониман, мўлтони! Нима, ўлганнинг устига тепганми бу ё куппа-кундузи таламоқчимисиз? Хотиним ўлгандан бери фолбинларга иш кўпайди. У ёқдаги фолчига чоп, бу ёқдагига чоп!

— Вой, мени ҳайдаманг, ҳеч ким сизни талаётган эмас, — лўли хотин Абдурахим томон энгашди, сўнгра кўл силкиб, аразлаганча тескари қараб олди; бошмалдоққа яқин билак чуқурчасига нос ташлаб, чекди. — Алдасам, бугундан қолмай, Абдиджон! Миллат айирманг! Эски, кераксиз сандиқни бир қопга сотишингиз мумкин, бир қоп бели синмаган пулга! Балки туш кўряпман, деб ўйлаётгандирсиз? Қани, ~~бир ўзингизни чимчиланг-чи!~~ Бунча қовоқ солмасангиз-а! Вой-бў, эркаксиз-ку! Майли, сўнг ўша пулдан қанча берсангиз ихтиёрингиз, хотинингизнинг душманларини топишга ёрдамлашаман.

Шунда Абдурахимнинг кўнглида «қотилликка қайсидир жиҳатдан имрон сандиғи ва чанга пичоғининг алоқаси бордир», деган гумон яна қайта жонланди. Соё бўйида уч лўлининг қайсидир гапини нотўғри эшитгандир? Бироқ пичоқ дардида юрган лўлилар кабоб еб ўтирганда, ким келиб хотинини ўлдиради? Ўлдиради-ю, шундоқ кўшни хонага кириб, токчада «мени ол», деб турган сандиққа тегинмайдими? Албатта, тегинади-да. Бир қоп пулга бўлса ҳам, сотиб олишга тайёр-ку.

— Майли, пулни беринг-да, истаган сандиғингизни олиб кетинг, — деди Абдурахим. — Лекин раҳматлидан қолган буюмларга тегинмайсиз.

— Аввал бир кўрай, — бидиллади оғзида нос билан лўли хотин. — Курсагинг, Абдижон!

— Қотиллар топилмаса, сизни соғ қўймайман, розимисиз?

— Эски сандиқни яхшигина пулласангиз, пулнинг кучи билан ҳар нима қилсангиз бўлади, — минғиллади лўли.

Абдурахим уйга бошлаб кириб, тўрда турган, устига кўрпа-тушак тахланган иккита катта сандиққа ишора қилди.

— Хотинимни шу хонада ўлдиришган.

— Раҳмат қилсин... Ие, бу сандиқлар кўҳна эмас-ку, Абдижон?

— Энди қулоқ сол, ўв тулки! Менда ҳеч қандай эски сандиқ йўқ! Бечорани Рашод гапчининг иғволарига ишониб, хиёнатчига чиқардинг! Чақчайма менга!

— Тухмат...

— Тухмат қилаётганим йўқ, қилмайман ҳам! Ўзинг ишонасанми, Шарифанинг бузуқ бўлганига? Кўрган жойинг бўлса, айт, хотинимдан айрилдим, деб куймайин ҳам, тоқ ҳам ўтмайин! Айт!

— Худодан кўрқаман, Абдижон, — дея лўли хотин эшикка шошилган эди, Абдурахим билагидан тутди.

— Мендан нима истайсан ўзи, жодугар? — деди ғазабдан бўғриқиб. — Ким юборди уйимга?

— Тушимга кирди.

— Ҳе, тушинг билан чириб-бит! Мозорёнга қаёқдан ҳам кўчиб келдиларинг?! Ҳаммангни сўйиб, чодирларингга ўт қўйсам қутуламанми?!

— Суф-а! Қўйвор-е, қўлимни! — Лўли бир юлқиниб, айвонга қочиб чиқди. — Сендан эски сандиқ сўрасам, нега ёпишасан? Шундоқ ҳам ана қамаламан-мана қамаламан, деб икки дунё ўртасида лиқиллаб турибсан-ку!

— Эски сандиқ учун дадамни ўлдиришган, Шарифани эмас! — бақирди Абдурахим.

Тилла пичоқни сир сақлаш нақадар мушкул эди. Шу

тобда: “Пичоқ менда! Ҳаммангни алдадим! Энди бойиб кетаман, бойиб! Сенлар эса иғво-бўхтонларингдан қолмай, юраверинглар чувринди бўлиб!” — деб жамики алам-зардобларини тўкиб солишни истар, аммо ҳаётга боғлаб турган ёлғиз важ — тилла пичоқдан-да, айрилмоқни истамасди. Нафақат пичоқдан, Шарифа фожиасининг тагига етишга сарфланажак умрдан ҳам жудо бўлиши ҳеч гап эмасди.

— Сен қаёқдан биласан? Хотинингни ҳам сандиқ учун пичоқлашган бўлса-чи?! — оғзидан нос сачраб бобиллади лўли.

— Тентак! Бир ой аввал тарихчи аспирант болага сотиб юборганман! Нега энди алмисоқдан қолган сандиқ учун хотиним ўлади? Сен бир нимадан бохабарсан! Бу ёққа кел, ёриқ товон, кунингни кўрсатаман!

— Мен эмас, сен тентаксан! — шанғиллади хотин ва оғзидаги носни куч билан туфлаб, қўлларини белга тиради. — Ур! Уриб ҳам кўр-чи! Нақ ўн беш йилга қаматаман! Шунда ҳам эримдан тирик қолсанг!

Кўчадан ўтиб бораётган одамлар хунрезлик бўлган хонадонда жанжал қўпганига қизиқиб, девор оша мўралашди ва Абдураҳим майиб қилиш учунми, ўлдириш учунми нимадир ахтараётганини кўрдилар. Орага тушиб, босди-босди қилгунча, кўча бошида бир тўда Зарзар лўлиси кўринди. Афтидан улар қишлоқ мўлтонисиникига одам юбориб, узоқдан қузатиб туришга шеқилли. Бир зумда дарвоза тагида кичик оломон пайдо бўлди. Болалар ва мункиллаб қолган қариялар деразалардан мўралаб, алланималар дейишарди.

Абдураҳим бегона аёл келиб, “эски сандиқни бир қоп пулга сотсанг, хотинингни ким ўлдирганини айтаман”, деганини гапирса, лўли аёл асло тан олмай, қуруқ туҳматга қолганидан нолир, “қайси аҳмоқ бир қоп пул беради?” дея ҳаммани ўзига қаратар, ишонтирар, отбоқарни жиннига чиқаришга уринар эди.

— Кимга сотдинг? — сўради Аслам оқсоқол

Абдурахимни бир четга тортиб. — Қўявер, аёл аёл-да, ўзим тинчитаман. Биз эски нарса тўплаб, музейларга катта пулга топшироқчимиз, сенга ҳам зўр тўлаймиз. Топиб бероласанми ўша сандиғингни?

— Энди қаёқдан топаман? — енгини силтаб чиқармоқчи эди, қутулолмади. — Аспирант бола асли қаерлик, қайси институтда ўқийди, исм-фамилияси нима, билмайман.

— Сен бошимизни балога қўйдинг, бунинг учун шу бугуноқ жавоб беришинг керак эди, — ошкора дўқ урди Аслам. — Ўша куни нималарни эшитдинг писмиқланиб? Фақат хиёнатними? Юз-қўзингга қараб, бунга ишонгим келмай қолди.

— Демак, сандиқда бир гап бор экан-да? — деди Абдурахим. — Айтдим-а, анави жодугаринг нега энтак-тентак пуллардан гап очаётганини! Балки хотинимни сенлар ўлдирган чиқарсанлар?

— Ийгиштир тўхматингни! Ўша куни бошиқа ҳеч нарса эшитмаганман, деб қасам ич! Ундан кейин сандиқни топиб берасан! Шундагина сени тинч қўямиз!

— Йўқол! Сен эмас, мен тинч қўймайман сенларни! Кўнглим сезяпти, хотинимнинг ўлимига алоқанглар бор!

— Айғоқчи! Гап пойловчи ит! — Аслам оқсоқол ҳам тутақди. — Қилган даъвойингни исботини айтолмасанг, сени...

Абдурахим унга икки қўллаб ёпишди, Зарзар жамоаси оқсоқолининг қўзлари газаб ва нафратдан ола-кула бўлиб, мўйлови тикрайиб кетди. Қишлоқ эркаклари уларни икки томонга тортқилаб, ажратишди. Маййитда давра кўрган полвонлар, мушглашишга туғма иқтидорли чапанилар йўқ эмасди. “Мўлтони халқига ким қўл кўтараяпти? Битта-битта чиқ!” деб енг шимариб келаверишгач, кўчманчи лўлилар ўпкасини босиб олишди. Ораларида Айюб разбор деган мўлтони ҳам бор эди, сандиқни бир қоп пулга сотиб оламиз, дейишганини эшитиб, деди:

— Шу гапни айтгани ростми?

— Рост, — жавоб берди Абдурахим.

— Пулни опкелинглар, сандиқ тайёр, — деди Зарзар

лўлиларига. — Абди ака, анави эски сандиғингизни сўраяпти, шекилли, опчиқинг. Ёмон савдо бўлмади, беш ташланг, нега анграясиз?

— Аспирант болага сотганмиш-ку, — бидиллади лўли хотин. — Аввал сандиқ бор-йўқлигини билиб, сўнгра савдолаш, чала даллол!

Айюб разборнинг қўлидан келгани — қонли тўқнашувни бартараф этиб, оломонни тарқатиб юборгани эди. Бу можаро хабари қандайдир йўл билан ярим соатда прокуратурага етиб боргач, очилмай келаётган сирли жиноятга сандиқ яхшигина қўшимча далил бўлди. Қайтадан тергов ва ҳибс этишлар бошланди. Охир-оқибат Зарзар лўлилари Мозорёндан кўчиб қутулишди. Қотиллик кечасида гулхан атрофида кабоб пиширган уч лўли эса анча вақт панжара ортида ўтиришди. Кечаси ҳибсхонада беҳосдан ич эзилиши, тирноқлар қўпорилиши, бурун синиши оқибатида уларни қасалхонада даволаб, сўнгра қўйиб юборишди. Қизил салланинг завжаси товламачилик бўйича қамалиб кетишига бир баҳя қолди. Шу-шу барибир қотил тонилмади. Энди Абдурахимнинг бир талай шафқатсиз душманлари борлиги тайин бўлди-қолди. Боз устига бесамар терговлардан, прокуратура ва туман милиция бўлимига қатновлардан тўйиб кетди. Кўча эшикдан кириб келаётган формали-ёки папка кўтарган фуқаро-кийимидаги ходимни кўрса, асаблари таранг тортилди. Лавозимидан бўшатилган Салай раис ҳам отбоқарни кўргани кўзи йўқ эди. Бир-бирига мушт дўлайтиришни замон кўтармасди, акс ҳолда уларнинг муштлашувлари қирқ кеча-кундуз давом этса ҳам тугамаслиги тайин эди. Уғлимни ноҳақ тергов қилдирдинг, дея Маййит мўлтонилари ҳам кўча-кўйда, маъракаларда Абдурахимни чақиб оладиган одат чиқаришди. Қишлоқда жиноят юз берса, аввало ўша атрофдагилар гумон остига олинади, айбдор бошқа бўлиб чиқса, таъқиб ва тазйиққа учраганлар жабрдийда бечорани бир умр ёмон кўриб юришади.

Шундай қилиб, Абдурахим жонидан тўйди ва бир куни шифтдаги ковакдан тилла пичоқни олиб, узоқ тикилиб ўтирди. Кўнглидан минг хил хаёллар ўта бошлади. Аллақачон бўшаб қолган бош чаноғида елвизак ўйнаган шамоллар йўқлик саҳроларини кеза-кеза қабристонга етиб, дарахтлар остида қўним топган эди. Дунё торайиб, фақат саҳро ва қабристонларгагина жой қолди. Бу тахлит яшаб бўлмасди. Агар шу пичоқ чанга бўлса, кўчманчи лўлидан эшитган афсона ёлғон экан-да. Нега кўргуликлар ёғилиб келавераёпти? Пичоқ эгасига омад кулиб боқиши, бойиб кетиши ва ҳоказо кароматлар қани? Милиция ўша куни қамоққа олиб кетмади, Салай раис ҳам даъвосидан воз кечди – шугинами аждодлар пичоғи келтирган омад? Қотил қачон топилади? Шарифа ҳақидаги ҳақиқатлар очиладими, йўқми? Қачон яна уйланиб, қачон ҳаёти изига тушади? Изига тушадими ўзи бу маконда?

Абдурахим кетиш кераклигини тушунди. Дастасидаги арабча ёзувни ҳар эҳтимолга қарши кўйлагининг ички томонига кўчириб ёзди-да, пичоқни кийимлари орасига ўраб, кичикроқ тўрвага жойлади. Тонг-азонда боши оққан томонга жўнади. Юра-юра, икки колхоздан ўтди ва бир дарахт тагида тўхтади. Ҳеч кимга ҳеч нарса демай, уй-жойини ташлаб, бирдан йўлга отланиши ҳақиқатан ғалати иш эди. Бу ҳолатда тез орада милиция ахтаришга киришади. Қўлга тушса, тўрва ичидаги чанга пичоғини ҳам топиб олишади ва... Ҳаммаси тамом.

Учи-қўйруғи кўринмайдиган канал кўпригидан ўтгач, тоғасининг Эгарсоз қишлоғига йўл бурди. Мўлтониларнинг зодагонлари яшайдиган қишлоқ тоғлар ортидаги Урчуқ дарёси бўйида жойлашган бўлиб, Абдурахим қадам босмаганига етти йил тўлган ва агар пиёда кетаверса, ярим тунгача етиб бориши мумкин эди.

У далаларни кесиб ўтиб, тоғни айланиб ўтишни ва Эгарсозга элтувчи асфальт йўлга чиқишни, бирор йўловчи машинага ўтиришни кўзлади. Тоғ тумшугидан икки-уч чақирим пастликдаги йўлдан физиллаб ўтаётган машиналарнинг

ойналарига офтоб тушиб, бир зум ярқ этиб кетарди. Катта йўл бўйида ошхона борлигини эслаб, Абдурахим пастликка энди. Қорни пиёзнинг пўсти бўлиб кетганди.

— Мўлтониларданмисиз? — сўради ошхонада ўтирган биттаю битта хўранда.

— Ҳа, — бош силкиди отбоқар.

— Йўлда ГАИ борми?

— Узр, қайси томондаги йўлни сўраяпсиз? Мен колхоз оралаб, тоғ ёнбағри бўйлаб келдим, асфальтга ҳозиргина тушдим.

Ҳайдовчи қошиғини силтаб, оғзининг бир чети ила кулиб қўйди ва рўпарасидаги бўш стулга таклиф этди.

— Маййит томонданмисиз, дейман. Келинг, бирга овқатланамиз. Эгарсоздан келяптимикан, деб ўйлабман. Эгарсозда мўлтонилар сон-саноқсиз. Бойларининг уйини кўриб, оғзим очилиб қолган. Бизнинг посёлка яқинида эса муштдеккина мўлтони қишлоқ бор, биронтасининг уйи шиферланмаган. Бойлик миллат, жой ва ёш танламайди, деганда зап топиб гапиришган-да. Қани, келсангиз-чи, дўстим, тортинманг.

— Нега тортинар эканман, — Абдурахим кўрсатилган жойга ўтирди; у бир қанча вақтдан бери дўстона таклифни эшитмаган эди.

Ошхона хизматчиси патнисда нон, салат, пиёла, чойнак келтириб, сўради:

— Сизга нима? Қайнатма шўрвами, ошми, кабоб?

— Шўрва, — деди Абдурахим столдоши шўрва ичаётгани хурматига.

Ҳайдовчи тамшаниб қўйиб, буюрди:

— Икки юз грамм ароқ билан тўрт сих кабоб ҳам опкелинг. Пиёзни дўржи-дўржи солинг. — Абдурахимга қараб, нон кавшади. — Бизнинг шевада «дўржи» деган сўз бор, «кўп» маъносида ишлатамиз. Шу дейман, ичишга кўрқиб тургандим, йўлда ГАИ бўлмаса керак, а? Юз грамм шундоқ ҳам сезилмайди-ку-я, нега кўрқаман? — У бирдан ҳайронлик-ла тикилди. — Йўл бўлсин сизга? Хафа кўринасиз?

— Эгарсозга, — деди Абдурахим. — Тоғамни йўқлаб кетаяпман. Юз грамм масаласига келсак, мен ичмайман. Сизнинг ҳам ичмаслигингизни маслаҳат берардим.

— Мўлтонидан биринчи марта маслаҳат эшитишим. Лекин роса ҳамтовоқ чиқдингиз десам, ҳамроҳ ҳам экансиз-ку. Ароқ эса учинчи ҳамроҳ бўла қолсин. Одамлар зерикканда, бирор ишни уддалаёлмаганда, ёки аксинча, уддадаб, байрам сифатида нишонламоқчи бўлганда, ўзларига шерик қидиришади. Кўзга кўринмас бу шерикни шайтон деб атайдилар. Нега қовоғингиз янада осилиб тушди? Тагин мўлтони деганимга хафа бўлманг?

— Нега энди? Мен қадимги Мўлтон шаҳридан асир олиб келинган халқ авлодимаан, ака. Кимлардир лўли ёки жўги деса, хафа бўлишим мумкин. Лўли билан жўгиларга қайнатса қоним қўшилмайди. Худди баъзилар кунчиқар томоидаги корейс, япон, хитойларни фарқлаёлмаганидек, жанубдан келган халқларни ҳам фарқлаёлмай бир хил ном билан атайверишган, «лўли» деб.

— Кўринишларинг жуда ўхшаш, қораликларинг ҳам бир хил. Бунинг устига мўлтони, жўги, лўлиларда тиланиш одати бор.

— Одатлар ҳам, одамлар ҳам ўхшаш келаверади. Масалан, тақдир тақозаси билан Ўрта Осиёга жанубдан эмас, ғарбдан халқлар кўчиб келганида, ҳаммасини «фаранги» дердингиз. Лекин уларнинг орасида итальян, испан, француз, инглиз, немис, чехлар ҳам бор. «Кечирасиз, нега мени фаранги деяпсиз? Мен инглизман!» Ёки «Мен испанман!» демасмиди? Отам раҳматли кўхна сандиқ ҳақида сўраш учун Самарқандга, тарихчининг ҳузурига борганда, — ўйчан ҳолда сўзлади Абдурахим, — олим ўрнидан туриб: «Аввал айтинг, миллатингиз нима?» деб сўрабди. «Мен мўлтониман!» дебди отам. Шунда олим елкасига қоқиб: «Баракалла, саводли экансиз, насл-насабингизни тўғри айтдингиз, баъзилар лўли халқиданмиз, дейишади, бекор айтибди», деган...

Ҳайдовчи қадимги халқларнинг донишмандлари учун қадаҳ кўтарди, биргаликда тушлик қилишди. Кейин дастурхонга фотиҳа тортиб, ўрниларидан туришди. Абдурахим ошхонага кирган заҳотиёқ бу одам ҳайдовчи эканини икки нарсадан билганди: ошхона олдида турган ёлғиз «ГАЗ-53» ва стол устидаги машина калитидан. Бироқ унинг бир оёғи йўқлигини хаёлига ҳам келтирмаган экан. Оқсоқланиб борди машинага. Иккови кабинада ёнма-ён ўтиргач, ҳайдовчи шимининг почасини хиёл кўтарди.

— Исмин Фотиҳ, — деди у, — ўзга юртларни фатҳ этаман, деб оёғимдан ажралдим, ясама оёқман.

— Афғонистонда хизмат қилдингизми?

— Ҳа, Афғонда. Ҳарб ишлари бўйича менга тенг келадиган одам йўқ эди, гўё. Айниқса, артиллерияни қийворардим. Биласизми, идеалим ким?

Абдурахим елка қисди.

— Жуков эди. Эшитгансиз-а? Маршал! У фашистларни тор-мор қилишда Сталиндан ҳам катта роль ўйнаган. Сталинград, Курск, Берлин жангларининг режасини тузган, армияга бошчилик қилган. Кўряпсиз, мен эса оддий ҳайдовчига айланиб қолдим. Мересьев каби оёқсизман. Лекин зерикиб ўлгандан кўра, шунисига ҳам шукр.

Фотиҳ афғон урушининг бесамарлигини, қанчалик кўп ҳарбий операциялар уштирганлари билан енгиб бўлмаслигини, чунки бу урушда тоғу тошларда эмас, дипломатия дунёсида жанг қилиш кераклигини куйиб-пишиб гапирди. Абдурахим Эгарсозга қандай етиб келганини ҳам билмай қолди. У Фотиҳ қуролли тўқнашувларни яхши кўради, дипломатияними, тушунолмади. Ҳайдовчи бир одамнинг илтимосига кўра ўзини мажбурлаб, Эгарсозга келаётган экан. Қимор ўйинида шу қишлоқлик мўлтони мингта шифер бой берибди.

— Қайтиб кўришамизми, йўқми, — деди Фотиҳ худди Абдурахимнинг кўнглидагини уққандек, — омон бўлинг, дўстим. Агар келажакда яна урушга бориш насиб этса,

энди кимга қарата уқ узишни яхши биламан. Урушда бир-бирига қарама-қарши икки томон тўқнаш келади, дейишади. Йўқ, бу нотўғри. Унда тўртта рақиб бор: ўзингиз, рўпарангиздаги душман аскарари, сизнинг ғоянгиз ва душманингизнинг ғояси.

— Урушни қўйинг, тинчлик бўлсин, — деди Абдурахим ва тоғасиникига жўнади.

Ашраф полвон номи билан ўлкага танилган машхур чавандоз унинг тоғаси эди. Қайсидир газета ўша пайтлари «Лўли чавандоз еттинчи марта ғолиб», деб ёзиб, сурати билан чоп этганди. Энди-энди чавандозликни ташлаб, кўпқарига чиқмай қўйган, қисмат оламининг қарилик идораси кучдан қолганлик хусусида патта ҳам тутқазганди унга. Абдурахимнинг отга ишқибозлиги ҳам тоғадан ўтган бўлса ажабмасди.

— Хотининг ўлганини кеча эшитдик, жиян, — деди Ашраф полвон чордона қуриб ўтираркан. — Қариндошчиликни узиб юборган бўлсанг ҳам, ҳамсоя-памсоянга айттирмайсанми бизни? Тоға яхши кунда ҳам, ёмонида ҳам тоғ бўлади. Шунинг учун ҳам «тоға» деб қўйибди.

— Кўзимга ҳеч нарса кўринмай қолди.

— Ҳамқишлоқларинг ҳам қизиқ экан.

— Хотиним мўлтони бўлмагани учун улар гина сақлаб юришарди. Хуллас, сизникига келишимдан мақсад, мен энди у ёқда яшамайман. Агар рози бўлсангиз, Эгарсозга кўчиб келсам.

Ашраф полвон дилдан сезган эса-да, жиянининг ўз оғзидан эшитгач, мардлиги тутиб, хотинини чақирди. Юзи ёришиб:

— Қулоқ сол, Абди бизникига кўчиб келмоқчи, — деди. — Нима дейсан? Оламизми?

— Мен... қишлоғингизга деяпман, — деди Абдурахим дарҳол, — уй қурғунимча сизникида тураман, холос.

Полвоннинг хотини Абдурахимга қараб гапга тушиб кетди:

— Шуни сўраб ўтирасизми? Тоғангиз оқсоқол бўлса! Э-э,

хотинни ҳам ўзлари топиб берадилар, бу сафар албатта мўлтонилардан уйланасиз. Бегона вафо қилармиди, қайн иним? Негадир бир ойдан бери тоғангизнинг оғзидан Зарина тушмайди. Сўранг, Абдураҳимжон, сўранг Зарина ким деб! Жа таърифлайдилар-да, оғзидан бол томиб.

— Оббо, шу ёшингда рашкинг ҳам жонга тегди. Оқсоқол бўлганим учун Зарина заҳардан нолиганларнинг дардини эшитишим, қизгина билан гаплашиб қўйишим керакми, йўқми? Нима, Абдида ўчинг борми?! Жиян ўла қолса ҳам унга уйланмайди. Бунинг устига отаси қиморбоз. Ўтган кун юзта шифер ютқазибди, ишқилиб ҳовли-жойини ҳам тикиб юбормаса, бас! Бундай одамлар мўлтони деган шарафли номга доғ тушириб, қизига катта қалин сўрайди, куёвидан ажратиб олиб, яна бошқага узатади, яна қалин сўрайди. Қалин эвазига яшайди, қиз сотиб, қиз сотиб!

— Ўзимизда ҳам қиз бор, тилингизга эрк бераверманг, — деди хотини. Сўнг Абдураҳимга бошдан-оёқ кўз югуртирди. — Қизим ўн бешдан ошди. Агар уйланмаган катта эркак бўлмаганингизда, ўзим куёв қилардим. Афсус... қизим хотини ўлганга тегмайди.

— Уй-жойини сотган, тўрваси тўла пулга ўхшайди, куёв қилиб қўя қол, — пичинг қилди полвон.

Абдураҳим беихтиёр тўрвасини маҳкам ушлаб, эр-хотинга аланг-жаланг боқди.

— Нима деяпсиз? Қизларингизни синглимдай кўраман, мингиллади у.

— Зарина кўлимдан кетиб, жиянимга тегмасин, деб кўрқаяпсизми? — бобиллади хотин эрига кўлини пахса қилиб. — Мени ер ютсаю Заринага уйлансангиз! Эркак зотидан ҳеч қачон яхшилик чиқмаган, чиқмайди ҳам. Шундаям биз — бечоралар бошимизга кўтариб, бир умр боқамиз.

— Э, бор-е, сенга гапирган мен аҳмоқ... Хўш, жиян, қотил топилмаган эмиш. Шунчалик устаси фаранги ўлдирибдими?

— Қим билади, дейсиз, ўшандан бери бенатижа, — Абдураҳим ерга қаради. — Бу ерга тинчлик истаб қелдим, хотин излаётганим йўқ, тоға... янға...

— Хафа бўлма-ку-я, эшитишимча, раҳматли келин колхоз раиси билан гап бўлибди? Бу не бедодлик? Ростми ўзи?

— Оғзига кучи етмаганлар кўп, нима ҳам қилардим.

— Ростдан ҳам Заринага уйланаман, десанг, — тоға оқарган мўйловини силади, — отаси билан ўзим гаплашаман. Зарина — қари қиз. Уйланаман де, сенга тегади! Тегмай ҳам кўрсин-чи! Йигирма учга кирибдики, ҳеч қайси буйдоқ қўлини сўрамади. Ужар, шаддод, эркакшода бўлгандан кейин шу-да. Сен эса, жиян, уни жиловланган отдек минги қилиб оласан. Бир китобда ўқиганман, Ибн Сино ҳам тентак қизга уйланиб, зўр аёлга айлантирганмиш. Хотинни хотин қиладиган эр-да, ахир. Мана, бизда Хотин кўли деган кўл бор, нега шунақа ном берилган, ҳеч ўйлаб кўрганмисан? Эрини ҳурмат қилмаган хотинларни бир-бир тутиб, қопга солиб, халойиқнинг кўз ўнгида чўктиришган. Ҳамма бало эрни ҳурмат қилмасликдан келиб чиқишини эскилар билишган. Ҳим-м, шунақа!

Ашраф полвон хотинига маъноли қараб қўйганди, қаримсиқ мўлтонининг жини тутди: эрининг буқаламундек ўзгаришидан, ўзини осмонга чоғлашидан нолиб, жаврай-жаврай, узун кўйлагини ҳилпиратиб ошхонага кириб кетди. Абдураҳим тақдир йўлларида сирли қотилликнинг калити топилганидан беҳабар ҳолда ер чизиб ўтирарди.

Келинликка номзоди кўрсатилган Заринанинг падари қиморбоз эканлиги рост бўлиб, Абдураҳим Фотихдан эшитган юзта шифер ютқазган мўлтони баайни ўша эди. Эндигина чой ича бошлашгач, кўчадан сўлақмондай қиз чопиб келди. Ашраф полвон ичаётган чойига тиқилиб, ўқчиб юборди-да:

— Зарина... — деб кўзлари олайиб кетди.

Қиз бирдан тўхтади: гавдаси билқиллаб, тақинчоқлари жаранг-журунг этди. Шаҳло кўзларидан ўт чақнар, жамалак сочи кишининг кўнглини қитиқлаши билан барабар бироз ҳайиқтирар ҳам эди.

— Ҳезир бормасангиз, отамни уриб ўлдириб қўяман, — деди у.



— Бу ўша... — Абдурахимни туртди мўлтони янга. — Тоғангиз айтган Зарина.

— Нега отанга қўл кўтараркансан? Нима, сўрамасдан эрга бериб юбордимиз? — калишини кия бошлади полвон.

— Ҳазилнинг мавриди эмас! Оқсоқолмисиз, отам билан гаплашиб қўйинг! Уйга онам иккимиз шифер олиб қўйсақ, қарта ўйнаб, ютқазибди! Қишлоқда битта бизнинг уй шиферсиз! Юринг, анави ютган қиморбози юк машинасини жўнатибди! Чўлоқ шопир шифер ортадиган мардикор излаб кўчада турибди! Униям ураман! Ҳали мени билмабди бу эркаклар!

Ҳозиргина ёстиқдошликка тавсия этилган номзод ўзининг кимлигини чек-чегарасиз намоёиш этаётган эди. Ашраф полвон ҳам, хотини ҳам Абдурахимга маъноли қараб қўйишди. Пайқаб қолган қиз отбоқарга тикилиб, қош чимирди ва икки-уч қадам яқинлашиб, қўлини бигиз қилди.

— Шошманг, шошманг! Бизникига келган юк машинасидан магазин олдида тушган сиз эмасмисиз? Магазиндан кўк чойга олаётгандим, бу нотаниш ким бўлди десам, ҳали сизми отамнинг ҳамтовоғи, шиферимизни ютган бойвачча?! Машинани юбориб қўйиб, оқсоқолникида чой ичиб ўтирибманг, денг. Улфатингиз чиқар бу оқсоқол — чала соқол!

— Бошлади, — деди Ашраф полвон.

— Нималар деяпти? Жийданинг тагидан ўтмаганми мабодо?! — аччиқланди Абдурахим.

Оқсоқол-полвоннинг хотини илжайиб:

— Танишиб ол, Зари, — деган эди, қизнинг пастки жағи ўйнаб, лаби ғазаб ифодасини англатадиган ҳолатда ўшшайди.

— Бу одам қиморбозми? Бахудо, ростини айтинглар, қиморбозми деяпман?

— Йўқ, ўша машина йўлда учрабди, — деди Ашраф полвон чакмонини кийгач, эгнига ёпишган қизил ипни олиб томоша қиларкан. — Заринадан балога қолмай деб тайёр машинага ҳам чиқмасинми? Танишиб олсанг

ёмон бўлмасди, ammo ҳозир отангни уришдан вақтинг ортмайди, шекилли. Кетдик. Эгнимга қизил ип ёпишибди, тўй бўладими, дейман?

— Қимор ўйнамайди, тоғасига ўхшаб от ишқибози, — гап қўшди хотин Заринага кўзларини ўйнатиб. — Муҳими, боши очик. Тенгим чиқар деб Маййит қишлоғидан тоғасиникига бир айланиб келганда, ҳе йўқ-бе йўқ қошиб олдинг-да! Шу юришинг бўлса, эр-пер олмайди. Тўғрими, Абдижон, бир нима десангиз-чи.

Кутилмаганда қиз сувга тушган мушукдек ҳилвираб қолди. Сўнг шарт ортига бурилиб, кўча томон юрди. Энди қадамлари шахдам эмас, боши эгилган, дакки еган мактаб боласидек мунғайиб борарди. Ашраф полвон изидан эргашиб, гапиринди:

— Нега бирдан ювош тортиди бу қиз? Зарина, ҳой, сенга гапираяпман. Отангни дорга осиш кераг-ов, ҳаммамизни куйдирди. Кўряпсан, ҳали-вери қутулмайдиганга ўхшаймиз. Эсимни танигандан бери мўлтонидан бунақа бекбурд чиққанини кўрган эмасман...

— Бечора, — бош чайқади хотин уларнинг ортидан, — Ҳеч бундай аҳволда кўрмагандим. Менинг гапимга Зарина заҳар шумшайиб қолди десам, қўшни хотинлар икки дунёда ҳам ишонишмайди.

Абдураҳим аввал-бошда эътибор бермади. Бироқ кечаси-бўғзигача кўрпа тортиб, қоронғи шифтга тикилиб ётаркан, қиздаги ногоҳоний ўзгариш қайта-қайта кўз олдига келарди. У ювош тортадиганга асло ўхшамасди. Не ваздан бунчалар ўзгаргани сирли эди, албатта. Назарида, меҳмоннинг Маййит қишлоғидан эканини, оқсоқолга жиянлигини эшитган заҳоти ранги оқариб кетди...

— Фейлини қаёқдан биламан, шунақадир-да, — деди Абдураҳим ўзига. — Ҳар қандай қиз қанчалик шадлод бўлмасин, эрга тегиш ҳақида катталар оғиз очганда, ўзгаради, қайсидир томонга ўзгаради... Мен унга уйланаманми? Йўқ, аввал хотинимни ўлдирганларни

топаман, у ёғига худо пошша... Ё қамаламан, ё тоқ ұтаман... — Чукур ух тортди. — Агар Шарифа хиёнат қилган бўлиб чиқса, нега тоқ ұтар эканман?... Уйланаман...

Ашраф полвон анча-мунча иримчи бўлиб, Абдурахимнинг хотини ўлганини бир ойдан сўнг эшитгани рост эди. Эшитган куниёқ эски гина-кудуратларни унутиб, жиянидан кўнгил сўрашга бормаганига сабаб, биринчидан, шунча вақт хабар беришмагани бўлса, иккинчидан, ирим тўсқинлик қилди. Хабарни ўғиллари қамалиш арафасида турган қишлоқдоши етказди. Вилоятдаги прокуратурага борса, маййитлик бир мўлтонининг хотинини ўлдириб кетгани ҳақида хабар кезиб юрганмиш. Маййитда бир замонлар танишим бор эди, деб сўраб-суриштира, ҳамқишлоғи Ашраф полвоннинг жияни экан. Бу одам нима хабар берса, хабар эшитганнинг ҳам бошига ўша кулфат тушади, деганди Ашраф полвон маъракаларда. Бу ҳам майли. Абдурахимни яхши кутиб олди-ю, кечаси юрагига гулгула тушди. «Қадами ёқмаса-я!» Бироқ боя кийимига қизил ип ёпишди-ку. Оқсоқолнинг иримича, қизил ип тўй, оқи севги, қораси айирилик эди. Қора ип илашганини ёки ерда ётганини кўрдими, дарҳол култепага ташлаб юборарди.

— Тўй бўлади, — деди оқсоқол чалқанча ётиб.

— Жиянингиз мол-қолини, уй-жойини бирийўла сотиб, ўрнига тилла-пилла олганга ўхшайди, — бедор ётган хотин шивирлади. — Пулнинг иси келмади, аммо жуда авайлаяпти-да, шу эски тўрвани. Уйни сотган одамга тўй қилиш ҳеч гапмас. Нима дедингиз, хўжайин?

— Э, билмасам, пешонада бори, — деди полвон. — Зарина қип-қизил тентак экан. «Газ-53»нинг ойнасини синдирди, ҳайдовчининг ёқасига ёпишди. Ҳайдовчи ҳам тутқаноқ экан, рулда бўлсаям ичиб олган. Қўйворди Заринанинг чаккасига! Афғонда хизмат қилганман, биронтанг тирик қолмайсан, деди. Э-э, шапалоқ еса ҳам шифер ёнга қолди. Ўл бунақа қарта ўйнагандан кўра, дедим отасига.

Хотиннинг кўзларини уйқу тарк этди. Эри хуррак отишни бошлагач, эртароқ ухлаб қолмаганидан афсусланиб, ёнғоқ идишга қўл узатди. Қачон хурракдан безор бўлса, эрининг тагига ёнғоқ ташлаб қўяр, елкасига ботганидан сўнг ноилож ёнбошлаб ётарди. Ёнғоқлар ҳам катта-катта Пангат ёнғоқлари эди:

Бир пайт нимадир даранглаб кетди. Не бир хаёлда деразадан мўралаб, офилхона йўлаги бошида офтобада кўлини юваётган Абдурахимни кўрди. Нариги эшикни гийқиллатиб, чеккадаги уйга киргунча кутиб турди.

— Ула қолсин, қаёқдан келди ўзи, — деди пичирлаб, — қизларимнинг ҳам юрагини ёрди. Жиян бўлса ҳам барибир болам эмас, укам эмас, уйдан қувдираман. Қизларининг бўйи етган одам бегона эркак сақлайдими уйда?

Эртасига оқсоқолникига бир неча киши келди. Кечаги воқеа юзасидан у ёқ-бу ёқдан тўпланган ишқибозлар эди улар. Шу пайт кўчада милиция машинаси кўринди.

— Ашраф полвон уйдами? — сўради норғул ходим ҳовлига қадам босиб.

— Ҳа, — деди хотин ва кечаги ишнинг ишкали чиқибди, деб эркакларнинг ёнига йўрғалади.

Мўлтонилар милиция ходимларига хавотир ила қарашди. Ашраф полвон пешвоз чиқди.

— Абдурахим ака қани? — Илтимос, ёлғонсиз ва найрангсиз тўғриси айтинг! Ниҳоятда жиддий масала, — деди норғул.

Полвон ўзини таништириб, жияни ичкарида дам олаётганини айтгач, елка қисиб сўради:

— Тинчликми, командир? У менга қочиб юрганини айтгани йўқ.

— Қочиб қаёққа боради? Кимдан, нимадан қочади? Қани, тезроқ чақиринг, вақт тигиз.

— Абдурахим, ҳой Абди, — эшик қоқди полвон жаҳл аралаш. — Сени сўрашяпти, чиқ бу ёққа! Бу дейман, жиян, орқангдан мелиса келар экан, нима қилардинг бизникига бекиниб?

Сержантлардан бири бұсағаға бориб, Абдурахим кийингунча кўз олмади. Отбоқар таниди: туман милиция бўлимининг тезкор ходими.

— Хоҳлаган жойга кетишга ҳаққим бор, — деди унга Абдурахим. — Нега келдинглар жиноятчини қувганга ўхшаб? Қотил топилмагани аниқ, шунчаки бошимни қотириш учун тергов қилишларинг керак, шундайми?

— Хайрият, тирик экансиз, — деди ташқарига чиққанида норғул. — Совуқ хабар бор сизга. Бунақа хабар етказиш, албатта, ноқулай, лекин бирдан айтиб қўя қолай.

— Эшитадиган совуқ хабарим қолмаган, — кўрс оҳангда сўзлади Абдурахим.

— Кечаси молларингизни найза санчиб ҳаром ўлдиришган, уйингизга ўт қўйишган, — деди ходим. — Ҳамма нарса ёнган, ҳатто молхона ҳам. Сизга ҳам зарар етказган деган хаёлга бордик. Турвани елкага ташлаб, қишлоқдан чиқиб кетаётганингизни кўрганлар бор экан, қариндошларингизни суриштиришга киришдик. Мана, топдик.

Абдурахим култ этиб ютинди. Эшитадиган охирги совуқ хабари борлигини ўйлаб кўрмаган экан. Ҳа, тоғасининг оғилхонасига яширган чанга пичоғидан бўлак ҳеч нарса қолмади энди.

— Ким... ким бундай қилибди? — деб сўради ва юраги қисиб, гандираклаб кетди.

— Биз билан борасиз.

Бу гал Ашраф полвон бепарво қараб турмади, енг шимариб, у ҳам йўлга тушди. Мўлтонилар тоға-жиянга оқ фотиҳа беришди. Уч кундан сўнг тоға-жиян ҳолдан тойган, озиган-тўзиган, уйқусизликдан кўзлари киртайган алфозда судралиб қайтиб келишди. Хотин дарҳол дастурхон ёзиб, иссиқ нон, сариёғ, айрон олиб келди.

— Ким ўт қўйибди уйгинага? — тутақди аёл. — Қайси ҳаром қотгур?

— Лўлилардан... Ёзда от-арава кўшиб, қишлоқларни айланадиган кўчманчилардан бири...

— Ҳе ўлсин, — қарғади мўлтони. — Ушлашдими ишқилиб?

— Сенинг дастингдан падаримни бекордан-бекор қийнади, қаматмоқчи бўлдинг, онамни сўкдинг, қўл кўтардинг, деб битта жин урган телба ўт қўйиб юборибди.

Абдураҳим бошини чаңгаллаб, тебраниб ўтирар, аҳволига ҳар қандай одамнинг раҳми келарди.

— Келинни ўлдиришда ҳам қўли бордир унинг? — қизиқсинди хотин.

— Қаёқда! Ўша куни лўливачча ўн беш суткалик қамоқда, қўшни тумандаги милицияхонада бўлган, — деди оқсоқол. — Қийин-қийин, жиянга қийин... Эй Абди, ҳали ҳаммаси яхши бўп кетади, кўтар бошингни.

— Мелиса ушладими, бас; суд ундириб беради, — жавради аёл.

— Бити бўлса ундирадими? Жиян капут энди... Эй Абди, кўтар дедим бошингни! Ишласанг уй ҳам оласан, хотин ҳам.

Бир вақт Абдураҳимнинг елкаси силкина бошлади. Эр-хотин уни йиғлаяпти гумон қилишди чоғи, бир-бирига қайғуваш қарадилар. Бироқ отбоқар кулаётган эди. Шарифа ўлгандан бери бундай мириқиб кулмаганиди бояқиш.

— Жиян... Ҳов Абди... — капалаги учди полвоннинг. — Нима бало, кулаяпсанми?

— Вой, туф-туф... — ёқасига туфлади хотин.

— Мен улардан қутулдим, — деди Абдураҳим кула-кула ёнбошлаб қоларкан. — Ўзим кутгандан ҳам осон қутулдим... Энди Салайи ҳам, лўлилари ҳам, мелиса ҳам ортиқ безовта қилмайди... Мен тамом бўлганман, тамом... Ҳеч нима қолмади! Нимамдан умид қилишади?!

— Лекин сен ростдан ҳам тамом бўлдинг-ку, ахир, — оқсоқол газаб билан қўлини белига тиради. — Билиб қўй, меҳмоннинг иззати уч кун деган. Лекин сени уч кун эмас, майли, уч ҳафта боқаман. Кейин-чи?

— Мени боқишга ҳожат йўқ, тоға, ўз кунимни ўзим кўраман, — кулиб-кулиб нафаси тиқилиб қолди Абдураҳимнинг.

Эртасига Ашраф полвоннинг қизига совчи келди. Қизил ип ирими чинга айланиб, уч кундан сўнг фотиҳа тўйи, келгуси ҳафтага эса никоҳ тўйини белгиладилар. Куёв бўлмиш шу қишлоқнинг забардаст, валлават мўлтониси эди, тезда ҳужжатни ҳал қилиш шартини қўйиб, «ЗАГС» билан ҳам гаплашиб, аризани ташлаб қўйди. Баъзи одамлар оғзида «мўлтони мард бўлади» деган таъриф бежиз кезиб юрмасди.

Тоғасининг хонадонига тўй бўлаётгани боис, Абдураҳим ноилож иштирок этишни, аммо марҳума хотинининг ҳаққи-ҳурматига никоҳ оқшоми тантаналарига бормасликни ўйлаганди. Ашраф полвон елкасига қоқди.

— Қадамнинг ёқди, жиян, — деди терисига сиғмай. — Келганингга бир ҳафта ҳам бўлмай, тўй бошланиб кетди. Қанча қалин берганини биласанми? Нақ икки қизнинг пули-я! Шундан сўнг ҳам тўйга бормаганингни кўрай-чи! Аза уч кун деган, уч кун! Гоҳида дин, гоҳида дурбин йўл кўрсатади, дерди бобом раҳматли, ҳе-ҳеҳ-ҳе... Айтгандай, менга бобо бўлса, сенга ҳам бобо-да! Боболаримизнинг қилган ишини қил, кўп мазористонга айлантираверма бир марталиқ ҳаётни. Худо хоҳласа, тез кунда сени ҳам уйлантирамиз.

Келин узатиб кетишдан сал аввал қозон бошидаги эркаклар Абдураҳимни чақаришиб, сопол косага ароқ қуйиб узатишди.

— Кўтарворинг, — дейишди улар. — Бундай юраверсангиз, ўзингизни олдириб қўясиз. «Бошинг омон бўлса, дўппи, тани-жонинг соғ бўлса, хотин топилади», деган ота-боболаримиз. Бунинг устига оқсоқолимизнинг тўйида, ҳеч бўлмаса, битта қадаҳ кўтармасангиз, ким деган одамсиз?! Нима бўлса ҳам, ҳаммасини орқага ташлаб қўяверинг.

Абдураҳим охиригача ичди, ҳалқумидан тортиб, ошқозонигача ловиллаб ёнди. Бирпасдан сўнг дунё секин-аста ўзгариб, эврилиб ажиб сеҳрли тусга кирди. Дам кўнгли тўлиб, йиғламоқдан бери бўлар, дам хумордан чиққунча гир айланиб рақс тушишни истарди.

Кечқурун қудалар сафида тўйга борганида, уни ҳам илиқ кутиб олишди. Аслида қудаларни фалончи-

писдончига ажратиб ўтиришмайди, лекин Абдурахимни қишлоқ яхши таниб қолганди, фожиадан сўнг шовшувлар айрича эътибор келтирган эди; ҳар бир учраган киши қўшқўллаб сўрашиб қўяр, маънили син соларди.

Санъаткорлар вилоятнинг машҳур ҳофизлари бўлиб, халқ пулни аямасдан қистира бошлади. Тўйга уруғдошлик асосида фақат мўлтонилар эмас, бошқа қишлоқлардан ҳам меҳмонлар айтилган эди. Шаҳардаги жўгилашиб кетган қариндошлардан ҳам чақирилганди. Улар «биз шаҳар кўрганлардан, тўйнинг тартибини келтиринглар», деб кўп одамнинг бошини қотириб юборишди. Еб-ичишу рақсдан, шўх-хандон қаҳқаҳалардан тинмади бу одамлар. Айни авж паллада Абдурахим одамлар орасида, аниқроғи, даврада шоҳ ташлаб, қанот ёзиб, биланглаб, турли мақомда ўйнаётганлар ортида, стулда ғамгин ўтирган Заринани кўриб қолди. Кайфи ошгани боис тоғасининг гаплари миясига урди шекилли, оломон орасини ёриб ўтиб, қизнинг рўпарасида тўхтади. Иккови бир нафас бир-биридан кўз узмадилар.

Абдурахим қизнинг ёнига ўтириб, деди:

— Демак, мени қиморбоз деб ўйладингми?

— «Разбор» қилмоқчимисиз?

— Йўқ... мен... — дедию Абдурахим «... Хотин қилмоқчиман» деган гапни ичига юғди.

— Гапингиз-борми?

— Йўқ... Аниқроғи, ҳа.

Зарина индамай ўрнидан турди ва тўйхонадан шовшилмасдан, мағрур чиқиб кетди. Абдурахим изма-из бораверди. Шовқин-сурондан четга, тор кўчанинг хилват муюлишига етганида, қиз тўхтади. Аллақаердан пайдо бўлган бир неча шумтака бола қийқариб чопиб ўтишди ва сал наридан:

— Навбат Зарина тентакники! — деб қичқариб, ура қочишди.

— Ушласам ўлдираман ҳаммангни! — мушт ўқталди қиз.

— Ниманинг навбати, тушунмадим? — деди Абдурахим.

— Бугунги туйда бўлажак эрим билан қочиб кетармишман. Қай гурдан чиқди бу мишмиш? Шу гапни тарқатгани топсам, терисига сомон эмас, шағал тош тикаман.

— Бизда ҳам тез-тез шунақа воқеалар бўлиб турарди. Нима дейсан, балки мишмиш ростга айланар? Нима, ёмонми? Бир туй иккинчисини чақиради, одамлар навбат кимники эканини билиб олаверишади.

— Лекин мен уйланган, кап-катта одам билан гаплашиб турибман. У билан қочиш ниятим ҳам йўқ. Хўш, нега орқамдан эргашиб келаяпсиз? Шилқимлигингиздан сўнг индамаганим учунми? Билиб қўйинг, тоғангизнинг анави муштдайгина қизи оқ фата кийиб, тўйнинг тўрида ўтирганини ортиқ ҳазм қилолмадим. Индамай чиқиб кетганимни нотўғри тушунган бўлсангиз, тўғриси билиб олдингиз. Кетинг энди!

— Шилқимлик эмас... Ёқтириб қолдим...

— Меними?

— Албатта, сени.

Қиз димоғида такаббурларча кулиб қўйди-да, йўлида оҳиста давом этди. Қишлоқда зим-зиё кўчалар исталганча топиларди. Толлар тимқора кунжакларга энгашиб, зулмат суратини чизмиш маскандан ўтишгач, маккажўхорилар ўсиб ётган томорқа буйлаб кетавердилар. Тўйнинг шовқин-сурони бемалол эшитилиб турарди, аммо сал наридаги ариқнинг жилдираши тўйнинг шовқинидан минг марта ёқимли эди.

Абдураҳим қари қизнинг билакларидан тутиб, куч билан ўзига тортди.

— Тоғамникида мени кўриб, бошқача бўлиб кетдинг, яширма, Зарина.— Бўса олмоқчи эди, қиз унинг соқоли ниш ура бошлаган иягидан итарди.

— Яқинда хотини ўлган азадорга ўхшамайсиз! Ичиб олиб, бегона қишлоқ қизига ёпишаяпсизми ҳали?!

— Хотиним ўлганини биласан, уйимга ўт қўйишганини ҳам. Тақдиримни энди сен билан боғламоқчиман, шуни ҳам бил-да! Менда гапинг борлигини сезаяпман. Алдама! Бефарқ эмассан, тўғрими?

— Кўйворинг. — Қиз кўлларини халос этиб бир қадам ортга тисланди, аммо қочиб кетмади. Кўзлари йилт-йилт этиб, барибир нимадир демоқчидек туюлди Абдураҳимга.

— Зарина...

— Ҳа! — деди жаҳл билан қиз.

— Сенга уйланмоқчиман, розимисан? Ҳеч кими, ҳеч нарсаи йўқ дема. Мен бойман, ўлай агар.

Икковининг орасида бир қарич ҳам масофа қолмади, сўнг Абдураҳим шартта белидан кучиб олди. Шарифадан бошқасини кучмаганига кўп йиллар бўлганини эслаб, алланечук бўлиб кетди. Қиз «қани, энди нима қиларкан?» дегандек киприк қоқмай оловли нигоҳ қадаб, илондек қилт этмай турарди. Отбоқар ҳам сеҳрланган каби шу кўйи тошдек қотди.

— Хотинингизни ким ўлдирган? — сўради Зарина.

— Кел, ўзимиз ҳақингизда гаплашайлик.

— Уйлансангиз, мени ҳам ўлдириб кетишса-чи? Ўшанда ҳам бошқа бир қизни кучоқлаб, шу гапларни айтасизми?

— Мен душманни барибир топаман! Шундай кўйга соламанки, туғилганига пушаймонлар ейди.

— Ўлдирасизми? У ҳолда иккинчи хотинингизнинг умри қамоқ ва уй ўртасида зир-зир қатнаб ўтаркан-да?

— Сен бахтли бўласан, Зарина. Ишон менга!

Қиз пешонасига тушган сочини силтаб, деди:

— Майли, кимга уйлансангиз ҳам энди бошингизга қайғу тушмасин... Қотилларни қандай топасиз? Терговчиларга айтолмай юрган сирингиз борми? Ишонч билан гапираётганингиз бежиз эмасга ўхшайди-да, шунинг учун сўраяпман.

Абдураҳим шунда билдики, қизда бир гап бор.

— Сирим йўқ, лекин барибир топаман, улар жазосиз қолмайди.

— Бу ердан ҳозир одамлар ўтади, — деди Зарина қийқириқларга кулоқ солиб. — Четроққа... маккажўхоризорга кирайлик...

Бироқ икки жўякдан сўнг тўхтади, ичкариламади. Иккиси-да ўтиришди.

- Нега айнан мени танладингиз? – сўради қиз.
- Бир кўришдаёқ ёқдинг.
- Мени яхши билмайсиз-ку?
- Тоғам билан янгам роса таърифлади. Шиферларни сақлаб қолиш учун ҳатто қиморбоз отага қўл кўтаришга тайёр қизни биринчи кўришим. Агар шаддотлигинг тўғриликка бўлмаганида, гапириш тугул, юзингга қарамасдим ҳам. Менга ростдан кераксан. Сени тиллага кўмиб ташлайман... Энди айт, Зарина, мен ҳақимда ўзинг нималарни биласан?
- Кўчадан бир гала маст-аласт ўта бошлади. Зовурдан сўнг нариги қишлоқ элтувчи йўл бошланарди. Шу ерга келганда, улар ҳожатга чиқиб, мўлтониларни бўралаб сўкишди. Сўнгга «тўйни зўр ўтказишади-да лекин», деб мақтаб ҳам қўйишди.
- Эртага ичмасдан жийдазорга келоласизми? – сўради Зарина улар кетгач. – Одамларнинг бебурдлигидан куйиб кетганман, ака.
- Келаман, – деди Абдураҳим. – Лекин... лекин нега жийдазорга? Нега бугун эмас?
- Ҳушёрлигингизда айтадиган гапим бор.
- Ҳозир ҳам айтавер, эс-ҳушим жойида. Ҳали мастлиги учун орқамдан келди, бўлмаса қарамасди ҳам, деб ўйлаяпсанми?
- Ҳушёр одамнинг қасами керак. Чунки у оддий гап эмас.
- Абдураҳим хиралик қилиб, икки оёғини бир этикка тиқиб олмоқчи эди, Зарина маккажўхоризордан чиқди.
- Соат тўртда, – деди у.
- Абдураҳим эрталаб тоғасининг уйида кўз очиб, тунги учрашувни эслади. Ҳаммаси худди тушида юз бергандек эди.
- Кеча Зарина билан кўча кезиб юрганмишсиз, иш пишдимми? – деди тоғасининг хотини муғомбирлик билан.
- Ҳа, уйланаётган эмишман, – жавоб берди Абдураҳим, – ишқилиб ўзимнинг тўйимга ўзимни айтишса бўлди бу одамлар.

Пешиндан сўнг Абдурахим Хотин кўли томон жўнади. Мағриб томондаги Урчуқ дарёси яқинидаги кўл худди дарёдан сув тошиши оқибатида ҳосил бўлганга ўхшар, ҳақиқатан қамишлар билан ўралган кўл куйруғи соҳил бўйигача чўзилган эди. Жийдазор кўлнинг юқори қирғоқларидан бошланиб, бир учи нариги совхоз боғларига туташиб кетганди. Абдурахим сўқмоқдан бироз кўтарилиб, жийдазордан чиқди. Шу заҳоти буталар ортида ит ҳурди.

— Тек ёт, Олапар, — деди қиз қўшалоқ жийда панасидан чиқиб. — Салом, ака, ниҳоят очиқ гаплашиб оладиган фурсат келди.

Ит қорни билан ётиб, тилини осилтирди.

— Мени анча вақтдан бери кутаяпсанми? — Абдурахим қизга жуда яқин борди, аммо кечагидек кучмади, ҳатто кўл ҳам бермади.

— Ҳа, қишлоққа келмасингиздан аввал.

— Бу яна қандайдир фолми? Фалон куни қайсидир қишлоқдан бир одам келади, сен унга турмушга чиқасан... ва ҳакозо.

— Аввал қасам ичинг, — деди Зарина.

— Нима учун?

— Мени сотмасликка.

— Тақдиримга алоқадор ниманидир биласанми, Зарина? — Абдурахим қизнинг кўлларида тугди. — Гапир! Нега сени сотишим керак экан?

— Ҳа... Маййитлик Абдурахим ака сиз эканингизни эшитиб, ўша куни бекорга кўрқиб кетмадим. Сизда гапим бор эди. Қасам ичинг!

— Сирингни очсам, нон урсин, Зарина.

— Хотинингизни кимлар ўлдирганини биладиганга ўхшайман, Абдурахим ака.

— Сен-а?!

— Уни уч йигит ўлдирган. — Гарчи шивирлаб гапирган бўлса-да, жийдазорга кўнган аллақандай майда кушлар ҳурқиб, питирлаб учиб кетгандек туюлди.

– Қанақа уч йигит? – Абдурахим товонидан бошлаб музлаб келаётганини ҳис этди. – Сен қаёқдан биласан? Кимлар ўша уч йигит деганинг?

– Буни Жўғидоно қишлоғида яшовчи Мамай кўрдан сўрайсиз. Билганим шуки, кўр чолникига қора отга мингашиб, уч йигит келган. Улар ниманингдир дардида юрган лўлилар бўлишган. Адашмасам, қандайдир бало қазони даф этиш учунми ёки улкан салтанат тузиш дардидами, аниғини билмайман, қурбонлик қилиш ҳақида фол тушган уларга.

– Қурбонлик? Салтанат тузиш? Фол тушган? Хотиним қўйга ўшаб қурбонликка сўйилдимми?! Йўқ! Сен алжираяпсан, Зарина!

– Ўша куни шанба эди. Бахтимдан фол очдириш учун Жўғидонога бордим. Буни қарангки, Мамай кўр мени кутиб, бетоб ётган экан. «Худоба шукр, Зарина келди, кечаги уч лўлидан кейин унинг келиши қанчалар ёқимли ҳақиқат! Энди бемалол ўлсам ҳам бўлади!.. Кулоқ сол, улар қурбонлик жойини топишади, бир ҳафтадан сўнг... Маййитдаги бефарзанд аёл... Асли мўлтонилардан эмас... Агар янглишиб, тирик аёлни ўлдириб қўйишса, сен ўрнига хотин бўласан... Эрингни асраб-авайлайсан... Маййит қишлоғи...» деб гўлдиради. Бобо ўлмади, ammo анча вақт оғир ётди. Гапларини бошқа ҳеч ким эшитмади, эшитганда ҳам тушунмасди. «Бир ҳафтадан сўнг» деган жумласига эътибор беринг, Абдурахим ака. Ҳеч ким билдирмай қишлоғингиз ҳақида суриштирдим, лекин сиз ва хотинингизни топганимда, қотиллик юз бериб бўлганди. Айнан ўша муддатда, бир ҳафта ўтиб, жума кечасида!.. Мудҳиш воқеадан анча вақт қарахт юрдим. Мамай кўр айтганидек, сизга иккинчи хотин бўлишим рост чиқмаслиги учун эрга тегишга бир неча марта уриниб кўрдим. Афсус, тенгим чиққан жойида кимлардир орани бузиб юбораверди. Тақдири азалдан қочиб қутулолмаслигимни тан олиб, қачон сизга рўпара бўларканман, деб ўтиргандим, лоп этиб оқсоқолникида учрашиб қолдик.

— Уч йигитнинг кимлигини, наҳотки, аниқ айтмаган бўлса?

— Ўшанда ҳали қотиллик юз бермаганди, майдалашиб сўраб ўтирмадим.

— Демак, Мамайнинг ўзи ҳам қотил! — деди Абдураҳим; қўллари мушт бўлиб тугилди. — Агар лаънати фол очмаганида, Шарифа ўлдирилмасди, тўғримми? Чолни шундоқ қолдирмайман! Кўрган бўлсанг, кўзлари бутов, тўқсонга кирган ипирисқи! Шу ёшида, ногирон, касал ҳолида бировларнинг бошига етиб яшагандан кўра ўлгани минг марта афзал!

— Қизишманг, ака...

— Нега қизишмайман?! — бақриб юборди Абдураҳим.

— Шунинг учунки, бу гапни мен айтаяпман! — бўш келмади Зарина. — Ҳозиргина қасам ичдингиз! Башорат қилинган воқеалардан қочиб қутулолмаётганимни эшитдингиз. Сизга ёрдам берсаму, ҳаммасини расво қилсангиз!

— Кўрқма, сени ҳеч қачон сотмайман! — Абдураҳим сўқмоқдан шошилиб туша бошлади. — Расво қилиш эмиш. Ҳаммаси расво бўлиб улгурган! Фолга ишонганларга лаънатлар бўлсин! Лекин сени назарда тутаётганим йўқ, Зарина! Ишониш бошқа, муқаррарлик бошқа!

— Унда... Қайтиб кўришмаймиз! — қичқирди қиз.

— Тақдир ризқимизни қўшган бўлса, кўришамиз, — деди Абдураҳим. — Тўй ҳам қиламиз. Ҳамма сени ёмон кўрсаям, мен яхши кўраман! Ё бунинг учун ҳам қасам ичайми?

Абдураҳим беқатга борди, аммо автобус кутадиغان аҳволда эмасди. Дўқон олдида турган мотоциклни икки тегишда ўт олдирди. Ўша ердагиларга: «Тошкент йўлидаги ошхонага ташлаб кетаман, бориб олсин!» деб хитоб қилди-да, газни буради.

Ҳақиқатан, мотоциклни ошхона эгасига омонат топшириб, автобустга чиқди. Эгарсоз қишлоғидан Жўғидоно хийла чап бўлиб, қишлоққа кирганида, кечки

ун бир эди. Мамай кўрнинг уйини ким билмайди дейсиз? Бироқ кечаси ёлғиз юргани боис лўлилар ғайирлик ила менсимай қарай бошлашди. «Файзижон, деб чақирсангиз, невараси чопиб чиқади», деди бири осон чақирув усулини ўргатиб.

Шу лўли ғирт ёлғончи экан. Абдураҳим кўча эшикдан бош суқиб, қоронғи ҳовлини тўлдириб:

— Файзи! Ҳой Файзижон! — деган эди, шу заҳоти дераза очилиб, аёлнинг шанғи овози эшитилди:

— Файзи ўлган! Минг марта айтдим кечаси чақирманглар, деб! Қани, тур йўқол ким бўлсанг ҳам!

— Нега йўқолар эканман? Мен меҳмонман.

— Кимсан? Эшитмадим!

Абдураҳим ҳовлини кесиб ўтаётган эди, ҳурмай, писмиқланиб келаётган итни пайқади. Тумшугидан бошлаб тепган эди, ит вангиллаганча ура қочди.

Уй эшигини шарақлатиб очган эди, лўли хотиннинг кўзлари косасидан чиқиб кетаёзди. Ортга тисарилиб, ёқасини ушлади. Ташқаридан кирилгандаги умумий катта хонада бошқа ҳеч ким йўқ эди. Қайнотасининг тушумларини сандиқда сақлайди шекилли, нотаниш одамни босқинчи гумон қилиб, тили зўр-базўр алжиради:

— Иби, кимсиз?.. Вой, ўлай...

— Жонингиз ҳали керак бўлади, ўлманг, — деди Абдураҳим Мамай чолнинг хонаси қайси бири эканлигини пойабзаллардан аниқлашга уриниб. — Фолбин бобомиз қанилар? Келажагимни кўриб қўймаса, тез орада қамаламанми, ўламанми, ўйлайвериб эсим оғиб қолди. — У бир жуфт калиш турган бўсағага заҳарангиз ишора қилди. — Шу хонада шекилли?

— Ҳа. — Хотин чап ёндаги хонага чопқилади. — Ҳой, дадаси, чиқинг, одам келди... Ичкарига кираяпти!..

Абдураҳим чироқни ёққанида, Мамай кўр инқиллаб гавдасини кўтарди: эти устихонига ёпишган бир бурда вужуднинг тушакдан қад ростлаши башоратгўйликдан-да мўъжизали кўринди. Эшик зулфини минг йилдан бери ишлатилмай, занглаб, қотиб қолган экан. Чақирилмаган меҳмон эшикни ёпиб, ҳассани дастак орасига тикди.

— Сен Абдурахиммисан? — сўради Мамай кўр. Кўзини қоплаган юпқа тери остида соққалари ўйнаб кетди.

— Ҳа, — деди мўлтони қаҳру алам ўтида ёниб.

— Иккинчи аёлинг билан сени қандай воқеалар кутаётганини айтсам, деб ўймай ётгандим, бўтам... Бунинг учун...

Абдурахим устига энгашиб, ёқасидан тутди. Чолнинг лабларида нам кўринмас, тили ҳам танглайига қуруқшаб ёпишган, бунчалик қовжираган, адои тамом бўлган қоқсуяк танани умрида кўрмаганди.

— Иккинчи хотинни кўй, — деди Абдурахим сенсираб, — биринчисидан гапир! Ким ўлдирган уни?! Қайси қонсираган лўли? Нега айнан менинг хотинимни ўлдириш кераклигини сен айтгансан, жаллод?

— Мен кўрман.

— Кўрсан! — бўғиқ овозда деди Абдурахим. — Кўрсан! Шу сўқирлигинг билан одамларнинг бошига етаяпсан! Фол очиб, келажакдан гапиришни кўрсатиб қўяман сенга!

— Агар кафтингни тутсанг, келажакнингни...

— Ўчир!

— Қайсар экансан, — ҳилвираб осилиб қолди чол. — Хотинингни ўлдириш кераклигини айтмаганман. Улар оми йигитлар эди. Маййит қишлоғидаги бефарзанд аёл деганимда, сенинг бахтиқаро қишлоғингни тушунишган. Маййит қишлоғи, бу — қабристон. Қабристондагилар эса аслида уйсиз, мансабсиз, фарзандсиз. Дунё йўқ у ерда. Ҳамма нарса шу дунёда! Ҳеч бир фарзанди сўраб бормайдиган қабр эгасини яна нима деб аташ мумкин?

— Кимлар эди ўша қотиллар? Охирги марта сўраяпман! — силтади Абдурахим. — Қаерлик?

— Кўзларим кўрмайди. Улар ҳақидаги кўплаб маълумотлар эса аён бўлмади. Мен ҳам оддий бандаман, фолимга тушмаса, ҳеч нарса билмайман. Кечкурун бир вакили мени сўраб келганида, узоқдан, ёнғоқ тагидан гапирган. Оти ниҳоятда қоп-қора, басавлат эканини, кўзлари чўғдай ёниб турганини невараларим, келиним

күриб, ҳайрон қолишган. Яхшилаб күриб олишларига қўймай, отнинг биқинига оёқ ниқтаб, тўсиндан ошириб ўтган, сўнгра кўча охирига қуюндай чоптириб кетган. Яна бир айтган гапи — «биз кечки ўн бирнинг одамларимиз». Ҳа, улар кечки ўн бирда уч киши бўлиб келишди. Тақдирни қара, сен ҳам ўн бирда келдинг.

Дарҳақиқат, шу он девордаги соат ўн бир бўлганини англади, занг урди.

— Уйингда кимлар бор эди? — дағдаға қилди Абдураҳим.

— Бахтга қарши ҳеч ким. Чунки ёппасига тўйга жўнашди. Ҳалигилардан сал аввал неварам Файзижонни ҳам жўралари тўйга олиб кетишди. Уйда қол, деб бекорга илтимос қилмагандим. Уч йигитнинг ташқи қиёфасини тасвирлаб берадиган одам керак эди.

— Лулилар эканлиги аниқми?

— Гапларига қараганда, бунга ҳеч шубҳам йўқ. Жўги ҳам, мўлтони ҳам, мазанг ҳам эмасди. Уларни катта қора от орқали ҳам топса бўлар балки? Сен отни яхши тушунасан-ку.

Абдураҳим тергов жараёнида аниқланган бир далилни эслади. Салай раисдан гумон қилишганида, у кечаси отда сайр қилганини, 12-бригадadan ўтиб, сой бўйига тушганини айтганди. Гувоҳлардан бири ростдан ҳам ўша кеча 12-бригада даласида отлиқ шарпасини кўрганини, бироқ от ниҳоятда баҳайбат бўлиб, устига уч киши мингашиб олгандек туюлганини гапирганда, кўпчилик «мастнинг кўзига нималар кўринмайди», деб кулганди. Бундан чиқди, даладан Салай раис ҳам, қотиллар ҳам ўтишган. Терговчилар бошқа отлиқ ҳам бўлиши мумкинлигига шубҳа қилишмагани учун туёқ изларини текширишга одам жўнатишмаган.

— Бундан бошқа яна нима биласан? — сўради Абдураҳим эшикни тақиллатишаётганига эътибор ҳам бермай.

— Аён бўлмапти, — деди чол. — Гапларига қараганда, хотинига хиёнат қилган, ўзини осган, бедаво дардга чалинган, ота-онага меҳр-оқибатсизлик... Кўп ишлар

бўлаётган эмиш. Бунинг иримини қилмасак аза кўпаяди, деб менинг олдимга келишди. Кимлардир ўзларини кетма-кет осиб ўлдиришса, қишлоқ атрофидаги дарахтга кўй осиб, балони даф этишади. Мен ҳам шунга ўхшаш бир иримни айтмоқчи эдим... Аниқроғи, тилимга келганини сўйладим...

— Қаер экан бало-қазо кўпайган макон?

— Уларнинг макони йўқ.

— Макони йўқ бўлса, «майитдаги бефарзанд аёл» деб назарда тутганинг қабристон қаердалигини айтарсан?

— Фолга келганларнинг қабристони... Ҳозир айтиб беролмайман, Абдураҳим... Фақат уларгагина маълум... Мен ҳеч нарса билмайман...

— Макони йўқлар... Кўчманчи лўлилар экан-да? Қаерда юришмасин, барибир қишлайдиган қишлоқлари бўлади. Менга ўша қишлоқни фолбинлик қудратинг билан аниқлаб бер, шундагина ўлдирмайман. Бўлмаса... Жонимдан тўйган одамман! Қари, ожиз, ҳимоясиз эканингга қараб ўтирмайман!

— Башоратгўйлик билан сеҳргарликнинг катта фарқи бор, бўтам. Қўлингни бер, ҳозир сенинг келажагингга фол келаяпти... Фолни қайтарма...

— Тупурдим фолингга!

Чол бутунлай бўшашиб қолди. Абдураҳим яна бир силкитган эди, кўз соққалари безовта ўйнаб кетди. Шу пайт дераза шарақлаб очилиб, лўли бола отилиб тушди-да, эшикдаги ҳассани олиб ташлади. Хонага дастлаб бир эркак, ҳалиги хотин, бола-бақра кирган бўлса, ҳаял ўтмай кўни-қўшнилар ҳам тўпланишди. Босқинчи келди, деб овоза қилишган кўринади чоғи, қишлоқнинг ярими оёққа турган эди.

— Бу чол хотинимни ўлдириш кераклигини айтган! — хитоб қилди Абдураҳим. — Билиб қўйинглар, оддий фолга кирмайди, ҳақиқий қотилликдан зиғирча фарқи йўқ! Неча ойдан бери милиция ҳам, прокуратура ҳам оёққа туриб, ахтараяпти. Калаванинг учи шу ерда, шу одамда! Ҳамманг эшит! Қишлоқни «облава» қилдираман! Одам ўлдиришга алоқаси бор ҳар бир одам қамалади!

Улар Абдурахимни ўласи қилиб дўппосламоқчи бўлишди, ammo рост гапираётганини Мамай кўр тасдиқлаб, халқнинг ҳовурини босди. Маййит қишлоғида бир мўлтонининг хотинини ўлдириб, уй-жойига ўт қўйиб, мол-қўйларини ҳаром қотириб кетишгани ҳақида улар баъзи мишмишларни эшитишганди. Модомики, темир қўлли идоралар аралашган экан, ўйлаб иш қилмоқ даркор эди. Шунда ҳам турткилаб, ҳақоратлаб, «Москвич»га тикдилар ва қишлоқдан етти чақирим нарига ташлаб келишди.

Абдурахим кимсасиз йўл ўртасида узоқ туриб қолди, юлдузлар сассиз жимирлар эди. У овозича борича қаҳқаҳуриб кулиб юборди. Нима бўлганда ҳам, калаваниг учи топилган эди. Уч лўли боласи! Уч қотил! Битта баҳайбат қора от! Қаерга ҳам қочишарди?

Дастлаб терговда туб бурилиш содир бўладигандек кўринди. Мамай кўр ва Жўгидоно аҳли терговчиларнинг нишони бўлди-қолди. Абдурахим на Маййитга, на Эгарсозга борди. Туман марказидан кўним топиб, улуф кунни интизорлик-ла кутди. Мотоцикл эғасини ногоҳон бозорда учратиб қолганда, билдики, Эгарсоз аҳли уни бир қизнинг бошини айлантирувчига ҳамда мотоцикл ўғрисига чиқариб қўйган эди. «Қишлоғингизга ҳали катта тўйлар қилиб бераман, — деди Абдурахим. — Мени айтди дерсиз, ҳаммамиз ака-ука бўлиб кетамиз. Шу ишимни яқунлаб олай».

Қора отда уч йигит келган кун Жўгидонодан беш чақирим наридаги ихота дарахтзориди Зарзар жамоаси тунагани аниқлангач, терговчилар ваҳ деб юборишди. Кўпчиликнинг фикрича, улар Маййит қишлоғига етмасдан йўл-йўлакай кўр чолникига кириб ўтишган, энди айбни бўйнига қўйиш қолганди, холос. Бироқ...

— Бирон натижа борми? — сўради Абдурахим душанба кундарининг бирида терговчидаң.

— Фол, фол, мана сизга фол! — қоғозларни столга тап этиб ташлади ходим. — Луливачча «КПЗ»да ўлди,

дамқисма касали бор экан лаънатининг! Энди курук тухмагга қолиб ўтирибмиз. Куни битиб турган экан, уйида ўла қолса бўлмасмиди.

— Зарзар лўлисими?

— Ҳа, бошқа ким ҳам бўларди! Уйингизга ўт кўйишда у ҳам қатнашганини кечагина тан олганди. Фол баҳонасида калаванинг учидан маҳкам ушладим, деб ўйлагандим-а!

— Бир киши ўт кўймагани рост экан-да? Душманларим нега бирдан бунчалик кўпайиб қолди, билмайман. Уша кунгача ҳамма қатори бемалол, хотиржам яшаб юргандим.

— Отангизнинг «иши»ни кўриб чиқиб, шубҳага бордим. Унинг ўлдириб кетилиши билан ҳозирги воқеаларнинг ўртасида боғлиқлик йўқмикан? Шунга нима дейсиз? Лўливаччаларни соқит қилган ҳолда, жиноятчиларни бошқа жойдан, отангизнинг бошига тушган фожиадан ахтарсамми, деяпман. Балки чуқур илдизли қотилликдир?

— Қанақа боғлиқлик? Қанақа чуқур илдиз? — аччиқланди Абдурахим. — Кўп йиллар бўлган у фожиага! Хотиним отамни кўрмаган!.. — Отбоқар олисда қолган ўтмишни ёдга олиб, ичи куйганидан кўксиниғижимлади. — Кечагидай эсимда: кимдир ҳуштак чалди, бола эмасманми, чопиб чиқдим. «Отанг уйдами?» деган овоз эшитилди қоронғилиқдан. «Ҳа», дегандим, чақиримни илтимос қилди. Бир пайт бақир-чақир, ~~тўполонни эшитиб, ҳаммамиз уйдан чиқдик.~~ Отам қонга беланиб, жон бераётганди. Ўн дақиқача яшади. Шу вақт ичида қотилларнинг кимлигини, нега жанжал чиққанини, ўлиmidан сўнг қандай яшашимизни — ҳаммасини қисқача гапирди, васиятини айтди. «Иш»ни кўриб чиққан бўлсангиз, жанжалга тўйдаги бир воқеа сабаб бўлган.

— Лекин у арзимас сабаб экан. Мастликда бир-бирини ҳақорат қилишган. Бир ҳафтадан кейин эса жин топмас овлоқ маконда эмас, уйига келиб ўлдириб кетишган. Очиғи, менда шубҳа уйғонди. Балки отангиз ўлими олдидан бирон ғалати нарсани тилга олгандир? Эсланг! Айниқса, бошингизга шу кўргиликлар тушгандан сўнг эсласангиз, фойда бўлармиди? Ҳим, нима дедингиз?

— Қанақа ғалати нарса? — тўини тескари кийди Абдурахим. — Нима гапирган бўлса, айтганман, «иш»да ҳаммаси ёзиб қўйилган.

Шарифа чанга пичоғи учун ўлдирилганига Абдурахим ишоналмасди, шунинг учун терговчига сандиқ ва ягона бойлиги — тилла пичоқ ҳақида чурқ этмади. Бир замонлар сандиқ учун отасини пичоқлаб кетган одамлар қамоқда вафот этишди. Мабодо уларнинг яна бир шериги озодликда қолган десак, шунча йил қаерда юрган? Ва нега Абдурахимга учрамайдию Шарифага қасд қилади? «Йўқ, — деди ичида отбоқар, — терговчига сандиқ ҳақида гапириб, тилла пичоқдан айириламман, холос. Бу билан қотиллар топилди қолмайди. Ё қишлоғимда жанжал бўлганда, терговчи сандиқ ҳақида ниманидир билганмикан?»

Худди ичидагини уқиб олаётгандек, терговчи деди:

— Эски сандиқнингни сотасан, деб уйингизга келган лўли хотин ҳақида кўп ўйлаяпман. Нима учун алмисоқдан қолган сандиққа катта пул тўламоқчи бўлган?

Абдурахим елка қисди ва ёлғон тўқиб-бича бошлади:

— Билганим шуки, эски нарсаларни қимматга олиб, катта товлямачилик уюштиришади, мишмиш тарқатишади. Қарабсизки, эски сандиққа анча-мунча тўлайдиган олибсотарлар пайдо бўлади. Шунча сохта бозор ташкил этишдан бўлак қандай мақсад бўлиши мумкин? Ё жанжал сабаблари аниқланаётганда биронта музей ходими чиқдими «эски сандиқларни мен олмоқчи эдим» деган? Лўлилар бошқа жойлардан олинган арзон-гаров сандиқларнинг ҳар бирини олибсотарларга фалон пулга сота бошлашади. Шундай қилмаса, эски сандиқларни ким ҳам бойлам-бойлам пулга оларди! Буларнинг ҳаммаси қаллоблар ўйини... — Абдурахим терговчига тикилди. — Уша ўлган бола от минишни билармикан?

— Афсуски, йўқ.

— Балки мингашиб боргандир?

— Унақа баҳайбат от фақат Зарзар лўлиларида эмас, Самарқанду Қашқадарё лўлиларида ҳам йўқ экан. Ҳозирча

юзтага яқин қора отни, уларнинг эгаларини текширдик, натижаси бўлади, деб умид қиляяпман. Бухорога ҳам одам юборамиз... — Иккиси бир зум ўз хаёлларига илиндилар. Сўнгра терговчи деди: — Абдурахим, қотилликдан кейин шунча вақт ўтди, Салай раис ва мархума хотинингиз ҳақида ҳозир қандай фикрдасиз?

— Қандай фикрда бўлишим, мумкин? Ҳеч қанақа. Нега бунни сўраяпсиз?

— Сизнингча, хиёнат қилганмикан?

— Менимча, йўқ. Лекин ҳаётда ҳар нима бўлиши мумкин. Масалан, мен ўзимни садоқатли деб ўйлардим. Шу қисқа вақт ичида ҳаммасидан тўйиб кетдим, энди... Энди уйланмоқчиман, тоғамнинг қишлоғидаги Зарина исмли қизга. Биринчи куниеқ уни тавсия этишди, сўққабошсан, деб таъна қилишди.

Терговчи лабини қимтиб, пешонасини қашиди.

— Бир гапни айтишга анча вақтдан бери истиҳола қиламан. Ростини, сизни аяб юрибман. Биласизми, хотинингизнинг жасадини экспертизадан ўтказганимизда, унинг ҳомиладорлиги аниқланганди.

Абдурахим ялт этиб қаради.

— Ҳомиладор эди, демоқчимисиз? Менинг хотиним? Хотиним Шарифа-я?

— Саккиз йил фарзанд кутиб, эндигина бўйида бўлганида ўлдириб кетилиши сизни бутунлай карахт қилиб қўймасин, дедик. Мана, вақти-соати келди, айтдик. Ўйлайманки, уйланиб, ҳаётингизни изига тушириб оласиз, ували-жували бўлиб, фарзанд тўйига ҳам чақирасиз. Эсингизда бўлса, фарзанд ҳақида сўраганимиз, ўн йил деганда ота бўлишингизни тушда кўрганингизни гапирганингиз.

— Бунини... — дедию Абдурахим ўрнидан тураётиб гандираклаб кетди. — ...Бунини аввалроқ айтиш керак эди!

— Агар тушингиз ўнгидан келса, келгуси йил фарзандли бўларкансиз, — терговчиларга хос синчковлик билан

тикилди ходим.— Тұққиз йил бұлди, ҳисобланг. Касбим мистикага, илоҳий башоратларга, фолларга ишонишни тақозо қилмайди, лекин оддий инсон сифатида ишоняпман.

Абдурахимнинг кўзлари пирпиради, нимадир ёдига тушгандек туйқус ўзгариб, деди:

— Лекин мен билмайман-ку, бола кимданлигини?.. Балки...

— Ҳомила кимданлигиними? Ўшандаги текширувларда у сизники бўлиб чиқди. ДНК таҳлили натижасини кўриб чиқишингиз мумкин. Бола сиздан эканми, демак, хотинингиз хиёнат қилмаган, деб ўйлайман. Салай раисни кўп қийин-қистовга олмаганимизни энди тушунгандирсиз? У билан сизнинг ўртангизда хусумат йўқ экан, хотинингиз билан қандай душманлиги бўларди?!

Абдурахим идорадан чиқиб, кўнимгоҳига бормади. Оёғи ўзига бўйсунмай аллақаяққа юра бошлади. «Қаяққа кетяпман?» деб ҳар замон ҳуши ўзига келганида атрофга ҳайрон қараб кўяр, одамлар уни маст деб ўйлаб, йўл беришар эди. Бир пайт теваракка боқса, Маййит қишлоғи яқинидаги ўнқир-чўнқир йўлдан қоқиниб-суриниб бормоқда. Олдинда қабристон жойлашган тепалик қорайиб кўринади, қаердадир итлар ҳуради.

Энди итлар тугул одамлар ҳурмайдими? Абдурахимга дунёнинг қизиғи борми? Унинг фақат хотинини эмас, саккиз йил кутилган боласини ҳам ўлдиришган экан-да! Хотинимни гўри дегани қўшқабр бўлиб чиқдими ҳали?!

Дўппайиб турган тупроқни кўрди. «Ё тавба, бунчалар кўп тупроқ уйилмаган эди-ку, — деди ичида. — Мени бахтли қилиш учун шунча йил тиришиб, табибу дўхтирларга қатнаб, гапга қолиб, номи бузуққа чиқиб, охир-оқибат ниятига етай деганда, топган жойи шу... Кўримсиз, совуқ тупроққўрғонми?.. Йўқ, бундай бўлиши мумкинмас! Мен шу қадар оғир гуноҳ қилдимми? Қачон? Қаерда?.. У-чи? Унинг айби нима эди?..»

Абдурахим ортиқ бардош беролмади. Ўз-ўзи билан

сўзлашилганда мусибат ўн чандон оғирлашаркан. Ёқасини йиртиб, тиззалаб йиқилди: гўр тупроғи кўпчиб кетди, ер остидан гуп этиб садо келгандек туюлди. Икки кўлини муштлаб азот кўтарди, бор кучи билан ерни урди, ураверди. Ўз фарёдини ўзи эшитмади: аммо овози бўғзидан отилиб чиқар; еру кўкни ларзага солар эди. Бўйин томири ёрилиб кетгудек бўртди, ҳар бош кўтарганда киприклари ҳам қабр тупроғини бевафо дунёга алам билан сочарди...

— Қора кунни кўрмай юрсак бўлмасмиди?! — деб йиғлади у ахийри ҳансираб қолгач. — Бола билан ўйнаб юрсак бўлмасмиди? Бу ерлардан нима топдинг, Шарифажон?! Менга тегиб, топганинг шу тупроқми?! Ҳеч бўлмаса, тушимга кир, сени кимлар ўлдирганига ишора бер! Ким? Ариқ тўла қон оқизмасам, болам учун кимман? Кимман?! Наҳот ўша ношудман?! Йўқ, мени кечир... Сенга уйланганим, ўзимга кўшиб бахтсиз қилганим учун... Ҳамма-ҳаммаси учун...

Гўрдан садо чиқмади, тушига ҳам кирмади. Дунё ўзидаги жамики мўъжизаларни қизганиб, сукут сақлади. Кўзини очганида, офтоб уйғонган эди. Абдурахим қабристондан Маййит қишлоғига қайтиб, ўз уйининг харобаларида гужанак ҳолда ётарди.

Чумчуқлар чирқиллаб, насибасини ахтариб юрган хосиятли кун бошланди. Уч лўли ҳамманинг эсидан чиқиб кетгандек, аслида улар ҳеч қачон мавжуд бўлмагандек, уйдирмадек эди.

V БОБ

Соҳибжамол Шарифа билан яхши-ёмон кунларни ўтказган жойлар ташландиқ маконга айланиб қолганини кўрган Абдурахим узоқ вақт йиғлаб ўтирди. Ҳаром ўлдирилган мол-қўйларнинг ўлигини чуқурроқ кўмишмаганми, ҳовлини бадбўй ҳид тутган эди.

Биринчи бўлиб Рашод гапчининг кўзи тушиб, ёнига келди. Афтодахол кўшнисига раҳми келиб, тикилиб турди.

— Нима истайсан, шум оёқ? — деб сўради Абдурахим.

— Бунча ёмон кўрасан, Абди?

— Кет!

— Менинг ҳам умрим охирлаб бораяпти. Тан оламан, иғво, ёлғон, гийбат ҳамиша жони дилим эди, ўлардай қизиқтирган, ҳузур берган. Бошқалар ҳам бировларнинг гийбатини қилмасдан яшолмайди. Лекин...

— Нима, лекин? Нима, нима?! — ўшқирди Абдураҳим ер муштлаб. — Сени кўрсам, жиним кўзиса, нима қилай? Эккан нарсангни ўраяпсан! Одамларнинг кўзига балодай кўриниб қолмасликни аввалдан ўйлашинг керак эди!

— Кўп нарса кўрганман, эшитганман. Биламан, айбим кўрганимни, эшитганимни гапирганим.

— Кўрганингни? Нима, хотиним Салай билан юрганини исботлаёласанми? «Кўрганимни гапирдим» эмиш! Қачон, қаерда кўргансан? А?!

— Гувоҳлар ҳамиша ҳам исботлаёлмайди, — деди Рашод гапчи мўлтониларга хос вазминлик билан.

— Яхшиси, йўқол!

Рашод гапчи ортига бурилди, бир-бир қадам ташлаб нари кета бошлади. Бадбўй ҳид худди ундан таралаётгандек эди. Абдураҳим неча йиллар кўшни бўлиб яшади шу одам билан. Бир кўшни хасис, бири мард бўларкан. Элнинг оғзига элак тутилди, аммо кўшнилари оғзига эмас. Абдураҳимнинг онаси Эгарсоздан бўлса, отасининг келиб чиқиши эса номаълум эди. Бир мўлтони қиз кимдандир ҳомиладор бўлиб, чекка жойда кўзи ёриган ва гўдакни ҳозирги Маййитда яшовчиларнинг қавмидан бўлмиш кампирга ташлаб кетган. «Ўзимизнинг мўлтонилардан экансиз, илтимос, боламга оналик қилинг», дегану кўздан йўқолган. Мўлтонилар жамоаси Маййит қишлоғини барпо этишди, колхоз ишларига аралаша бошлашди. Абдураҳимнинг отасига қишлоқ аҳли бегонасираб қарагувчи эди, ўзгаларнинг кўзидан «келгинди» деган маънони уқиб яшаш отбоқарга отадан мерос қолди. Боз устига, у мўлтонилардан уйланмай, қишлоқ қавмига яна бир бор ёмон кўринди.



— Тўхтанг, — деди Абдураҳим ўрнидан туриб. — Худо ҳаққи, тўхтанг! Мен қачон ўламан, билмайман, лекин бу ерларга энди қайтмайман. Сиз ҳам одамсиз, мен ҳам. Иккимизнинг ҳам на шохимиз, на думимимиз бор. Ҳатто бир замонлар Мўлтондан кўчиб келган битта халқ авлодимиз... Лекин шу вақтгача келгинди, аждоди номаълум, қони бузилган, деб ҳақорат қилиб келдингиз...

— Унчалик эмас, Абди.

— Эски гапларни, майли, унутайлик. Хотиним ва Салай ҳақида билганингизни гапиринг. Кўрқманг, ўртага бошқа ҳеч кимни аралаштирмайман, терговчиларни, милиция ходимларини... Илтимос, оилам шаънини тиклаб, армонсиз кетишимга ёрдам беринг, Рашод ака... Агар шаъни тикланмайдиган оилам бўлган бўлса, унда ҳам барибир ростини айтинг, ҳақиқатни билай. Бошқа вафодор хотин олиб, ҳаётимни қайтадан бошлай.

Рашод гапчи тўхтади, букчайган гавдаси бир маромда, алланечук титроқ измида бурилди. Агар инсонда виждон уйғонса, энг қалин терини ҳам ёриб чиқади; юзидаги пушаймонлик аломатлари Абдураҳимни-да, мутаассир этди. «Қотил бу эмас-ку, нега хотинимни ўлдирганлардан баттар нафратланаман?» — деди ичида.

— Салай билан Шарифа учрашиб туриши рост эди, Абди.

— Қандай ишонтирасиз?

— Бир куни, қотилликдан йигирма кун бурун, уйингнинг орқасида турган қорани пайқаб, кузата бошладим. Ҳожатхонага чиққандим. Ҳовлимда қилт этган шарпани сезмаган ҳалиги қора бемалол ариқ бўйига юрди.

— Уйимдан ариқ бўйигами?

— Ҳа. У Шарифа эди. Кейин икки қора уйингга кирди. Кечаларни бедор ўтказдирадиган касалим хуруж қилган эмасми, чопонимга ўралиб, жўяк ичига ётиб олдим. Уйингда чироқ ёнди... дарров ўчди. Икки-уч соатдан сўнг ҳалиги кимса чиқди. Тоғлар ортидан энди ой кўтарилди бошлаган эди. Танидиму сесканиб тушдим.

— У Салай эдими?

Рашод гапчи бошини оҳиста силкиб, тасдиқлади.

— Буни нега бошида айтмадингиз?

— Милиция раиснинг бўйнига қўёлмади, мен эса юзини аниқ кўрган эмасман, шакл-шамойилидан, юришидан танидим, аммо қандай исботлаб бераман? Салай раисдан ҳайиқади одам. Бир умр бошим балодан чиқмайди, деб кўрқдим. Лекин умр деганлари тугаб қолганини қаёқдан билибман, Абдибой.

Абдурахимнинг тишлари шундай қисилдики, синиб кетаёзди. Бир лаҳзадан сўнг у бўшашиб, негадир илжайди. Аччиқ ва аламли, истеҳзоли ва хўрлик кулгиси эди бу.

— Баҳайбат қора отни кўрган жойингиз йўқми мабодо? — деб сўради Абдурахим ўзини йиғиштириб олгач.

— Баҳайбат қора от? Йўқ. Аммо отни мендан яхши ўзинг биласан-ку, Абди. Яна де, ўшанда раиснинг отларига қараб тургувчи эдинг. Ҳар кеч қайси отни миниб кетиши сенга беш қўлдай маълум бўлган.

Абдурахим кўп йиллик қўшнисига сўнгги бор тикилди ва томорқани кесиб ўтиб, нариги қишлоққа элтувчи йўлга эниб кетди. Сой бўйида ҳатто болалар ҳам кўринмас, бефайз ҳувиллаб, ўтлари қовжираб ётарди.

Салай раиснинг қишлоғига кириб борганида, одамлар унга ажабланиб ва қизиқиш ила анграйиб-қараб қолишди. Айниқса, ~~собик раиснинг~~ кўчасига бурилганида, мўлтонини кўрсатиб бир-бирига гап қота бошлашди. Шу пайт Салай ҳам тасодифан уйдан чиқиб, рўпарадан келаётган кимсага — собиқ отбоқарига кўзи тушди.

— Яна келаяпсанми?

— Кўрқма, ўлдирмайман, — тўхтади Абдурахим.

— Ўлдирмолмайсан ҳам! Қани, жўна бу ердан!

— Худо борлигига ишонасанми? Ҳеч бўлмаса, сен ҳам бир марта инсофга кел, ҳақиқатни гапир! Фақат ёмонлик қилади, деб ўйлама, тақдирнинг сенга атаган ёмонликларини эл-юрт ҳали кўп кўради.

— Фолбинликни йиғиштир, ука.

— Бу ерлардан кетаяпман, энди қайтиб кўрмайсан.

Агар эркак бўлсанг тан ол, Шарифанинг ўлимидан уч ҳафта аввал уйимга киргансан, унинг ўзи ариқ бўйида сени кутиб олган! Гувоҳни ҳам, сени ҳам терговчиларга сотмайман, чунки хотинимни кимлар ўлдирганини биламан. У сен эмас.

— Билсанг, нега гапни айлантираяпсан?

— Онг ичаман, сенга даъво қилмайман, фақат... Фақат айт, нега ифлос таклифинга у розилик берди? Наҳотки, менинг юзимга оёқ кўйган бўлса? Қайси айбим учун? Биз севишиб турмуш қурганмиз.

— Уни эмас, сени ўлдиришлари керак эди. Ахир, эркакмисан ўзи?! Сўраб келган гапингни қара! Кўп шармандаликни кўрдим, аммо «хотиним билан юрганмисан, ростини айт», деб ялинган эркакни биринчи кўришим! Йўқол, бу ерларда энди қорангни кўрсатма! Сени қонун билан қўрқитмоқчи эмасман, ориятингни бир ўйлаб кўрсанг бўларди.

Абдурахим озиб-тўзиб кетган, Салай эса аввалгидан-да семирган, юзидан ёғ томар эди. Кўча бошидан шамол эса бошлади, кечадан бери туз тотмаган мўлтони қулт этиб ютинди. Кутилмаганда Салайнинг қовоғи пир-пир учди, кўзлари қисилиб, лаби қимтилди. Афтидан у икки олов ўртасида жизганак бўла бошлаган эди.

— Бу ёққа юр, — деб Абдурахимни дарвозадан узоқроққа, кўча ўртасига бошлаб борди. — Майли, айтсам айта қолай, гапинг гапми?

— Гап.

— Аҳволингга бир боқ, Абди, ўзингни қийнаб юборганга ўхшайсан. Энди уйлан, уй-жой қил, раҳматли аёлингдан кўнглингни уз. Ҳа, узавер, у сенга хиёнат қилган. Бу дунёда ҳар ким билиб-билмай гуноҳ ишга қўл уриши мумкин-ку, ахир. Энди бечорани кўп айблама, тенгингни топ-да, уйлан, жўра.

— Насиҳатингни йиғиштир, — эшитаётган заҳарли ҳақиқат олдида Абдурахимни алам исканжага олди.

— Эсингда бўлса, хотинингни машинада шаҳарга жўнатгандинг. Ҳайдовчим бор эди, лекин у нимани

ҳам биларди! Мени шайтон йўлдан урди, хотинингга хушомад қила бошладим. Биз бир мартагина учрашишга улгурдик, холос. Фоҳиша деёлмайман, бузуқи ҳам. Унга меҳр бермай қўйган экансан. Ҳеч ўйлаб кўрмаганмидинг, на сандан, на қишлоқдан меҳр топган аёл бир кунмас-бир кун ё ажрашиб қетишини, ё меҳр излаб қолишини? Мўлтонига турмушга чиққани учун борадиган бошқа жойи, суянадиган одами йўқ эди. Тириклигида яқинлари, ака-укалари ундан воз кечишган! Уларга Шарифанинг ўлигини керак эди. Гўёки шундагина қариндошларининг бўйнидан тавқи лаънат олиб ташланадигандек.

— Шунақа де, — Абдурахимга шу гаплар етарли бўлди.

— Сенга бу гапларни айтмаганми?

— Наҳотки, эри бўла туриб, қариндошлари ҳақида ҳеч нарса билмасам?! Билардим... Лекин мен хиёнат ҳақида сўрадим, Сен... Сен эса ҳаммасини рост сўзладинг шекилли?

— Афсуски, рост, — деди Салай. — Кўряпман, аҳволинг яхшимас... Узр сўрайман... Хотинингни Худо раҳмат қилсин.

— Демак, у ўлдирилган куни ҳам учрашувларинг бўлган? Терговчига кечаси отда сайр қиладиган одатингни пеш қилгансан. Тўғри, шунақа бемаъни одатинг бор эди. Ўша куни нега изингга қайтиб кетдинг?

— Ҳеч-кимни кўрганим йўқ. Тилимдан илинтираман, деб ўйлама.

— Нега Шарифа билан учрашмадинг? Айтавер! Мен билмоқчиман, холос. Кўрқма, Салай, биз келишув бўйича очиқчасига гаплашаяпмиз. Мен, сен ва... Худодан бошқа ҳеч ким билмайди бу гапларни.

— Сен ёдимга тушдинг.

— Меъ?

— Ҳа. Уйингга жўнашдан аввал отхонам яқинидан ўтдим, хужрангга чироқ ўчиқ эди. Жийдазорга отимни боғлаб, эндигина ариқ бўйига етганимда кўнглим ғашланди. Нега алламаҳал бўлмасданоқ хужрангнинг

чироғи ўчиқ эди? Демак, сен отхонадан қаергадир чиққансан. Чиқаётсанг, чироқни ёниқ қолдирмаслик одатинг менга яхши маълум эди. Бир нимани сезгансан. Шу гумон остида шартта изимга қайтдим.

— Шарифа сени кутаётганмиди?

Салай раис тик қараб, бош силкиди. Абдурахим ортига бурилди, ўлимдан баттар савдо тушган эди бошига. Оёқларини судраб, миқ этмай кета бошлади

— Бу меҳр излаш эмас, — деди сал нарида тўхтаб.— Меҳр излаган хотин хиёнатга қўл уриб, абадий қаҳр олишни истамайди. Бунда бошқа гап бор.

Йўлида давом этди.

— У сенга қариндошлар қасоси ҳақида гапирганми ҳеч? — сўради Салай.

— Нима алоқаси бор? Нега уларга ёпишиб олдинг?

— Шарифа сен билан қочиб кетгани учун қаттиқ норози бўлишган, хотининг ўлдириб кетилгунга қадар ҳам кўзлари қонга тўлиб яшашган.

— Йўқ, бошида шундай эди. Бу билан нима демоқчисан?

— Сенга турмушга чиқиб, бутун авлодни шарманда қилгани учун улар ўлдириб қутулишган бўлса-чи?!

Абдурахим бир зум меровсираб қараб турди, сўнгра пашша қўриган каби қўлини силтади. Муюлишда қораси ўчгач, Салай «Худога шукр, ипирисқидан қутулдим», деб ўйлади. Аслида эса мазкур воқеа тақдир ўйинларининг бошланиши экани хаёлининг овлоқ кунжақларига ҳам келмаганди.

Абдурахим Маййит қишлоғига, Салай раис ва унинг қавмига — барчасига этак силкиди. Эгарсоз бекатида автобусдан тушган эдики, омаддан қисиб, сал нарида мотоцикл эгаси қўли гипсланган бир одам билан ўтирган экан.

— Э, ўғри куёв келди-ку, қадамларига ҳасанот, — кулди у.— Машқи пастми дейман баччағарнинг?!

— Бирор матоҳингизга иши тушган одам ўғри бўлаверса, сизни ким деб аташади, биласизми? — деди Абдурахим.

— Қизганчиқ, хасис, тухматчи дейишади, бошқа нима?
— қўли гипсланган одам Абдурахимга ён босди (дарвоқе,
у Заринанинг отаси эди).— Бу ёққа кел, гапим бор.

— Кел, чўчима, жиян, — мазах қилишни қўймади
мотоцикл эгаси.— Бу бўлажак отанг. Юзта шиферни деб
абжағини чиқариб кетишди. Ҳаммасига Зарина ва сен
сабабчисан!

Заринанинг отасининг юзи моматалоқ, бурни
шилинган, бир кўзи юмилиб қолган эди. Гипсланмаган,
аммо оппоқ дока боғланган қўли билан Абдурахимнинг
эгни-бошини силади. Тишининг оқини кўрсатиб,
мулойим оҳангда:

— Қизимни алдасанг, ёмон хафа қиламан, тўра, —
деди оғзидан ичкилик сасиб. — Бир муштимга қулайсан,
тушундингми? Энди бор! Жўна!

Мотоцикл эгаси хахолаб кулиб юборди. Абдурахим
бир оғиз гапирмади, қаддини ростлаб, узр айтган қўйи
улардан узоқлашди.

Тилла пичоқдан бир бўлак синдириб, тиш дўхтирига
сотишни ва тўй қилишни режалаштириб қўйганди.
Кечкурун тоғасига фақат тўй ҳақидагина айтди.

— Уйланишни яхши ўйлабсану ҳисоб-китобига чўт
ташлаб кўрдингми ишқилиб? Ё ёнган уйингнинг пулини
давлат бермоқчими?

— Тўй харажатлари ўзимнинг ташвишим, тоға. Мен
Заринага уйланмоқчиман. Янгам билан маслаҳатлашиб,
совчиликка борсангиз.

Ашраф полвон ва хотини бир-бирига олайиб қарашди.

— Зарина?!

— Анави... Биз айтган Заринами?

Бир нафасдан сўнг уй томи қаҳқаҳ кулгидан ҳавога
учаёзди. «Оғзимга Худо солган экан», деб тоға дам
самимий, дам ғайирлик билан жиянини табриклар,
хотинига кўз қисиб, «оббо, шоввоз-ей, илиб кетди-ку»,
деб куларди.

Бироқ тўсатдан айтилган уйланиш хабари полвоннинг
ҳасад оловини ҳам гуриллатиб юборди. Ахир, кечагина

хонавайрон бўлган жиян қандай қилиб бугун тўй қилмоқчи? Ёндирса ёнмайдиган, чўктирса чўкмайдиган не қудрат бор унда?

— Қари қиз бўлса ҳам зўр нарса! — деди қовоқ уюб. — Сенинг тенгинг! Тўғри-да, ўтирган қиз хотини ўлганга тегади-да, нима дединг?! Қисқаси, мен айтган пулни топасан, тўйга ўзим бошчилик қиламан. Келишдикми? Никоҳ тўй билан ҳазиллашма, меҳмонлар олдида уялиб қолмайлик тагин. Тўй менинг уйимда бўладими ўзи?

— Рози бўлсангиз, албатта. Ёзда янги уй қуриб, кўчиб чиқамиз.

— Ёзгача тўй қилоламан, дегин? Чаккимассан, жиян.

— Вой, шудгорда қуйруқ бекор ётмайди, — жавради мўлтони янга, — раҳматли Шарифа келинни тилла учун ўлдириб кетишган деган мишмишларни эшитдик, чинга ўхшайди чоғи, қайнижон? Қолиб кетган тиллалари бордир-да!

— Илтимос, шу гапингизни прокурорга ёки терговчига айтинг, ҳалигача қотил тугул, қотилликнинг сабаби ҳам топилмагани учун хит қилиб юборишди. Энди чақиринса, сизни юбораман. «Янгам айтди, хотинимни тилла учун ўлдиришган экан, уйимизда яна тиллалар бор эмиш, янгам аввалдан билиб юаркан», дейман.

— Қаматиб юбор шу жодугарни! — хитоб қилди полвон тоға. — Мен ҳам сенга қўшилиб уйланардим! Қўшалоқ тўй қилардик! Ҳе-хе-хе...

Аёл энг шимарди, аммо жанжалнинг мавриди эмас эди. Эркакларнинг оғзидан нима гаплар чиқмайди дейсиз? Яхшиям, эркак хаёлини ўқиш қобилияти берилмаган эди бу мўлтонига. Ўқий олганидами, эрининг ахлоқсиз хаёлларию Абдураҳимнинг тилла ҳақида эшитганданоқ қанчалар саросимага тушиб қолганидан воқиф бўларди. Бироқ бу гал Абдураҳимнинг гапи чинга айланди. У кечаси тоғасининг офилхонасига шарпадек кириб, эски латтага ўраб девор ёриғига тиқиб қўйилган чанга пичоғини олди.

Хира чироқ шуъласида ранги қоғоздай оқариб, кўзлари йилтираб пичоқни томоша қилаётган кимсага сигир ва хўкизлар хавотир билан боқдилар.

«Қаеридан синдириб олсам экан? — ўйлади Абдурахим. — Манави қулоғини эговласаммикан?»

Пичоқ дастаси ва тиф туташган жойда худди қиличларда бўлганидек бири юқорига, иккинчиси пастга бўртиб чиққан бўртмалар бор эди. Қаттиқ зарб урганда қўл дастадан тойиб, тифга ўтиб кетмаслик учун ўрнатилганди бу бўртмалар. Абдурахим кимга ҳам зарб урарди? У юқоридаги бўртмани танлади. Қандайдир чизиклар бор эди уларда. Эгов ёрдамида дарров синдириб олди-да, чироқ нурига тутди. Шу пайт сигирлар илкис безовталаниб, дупурлаб, безовта бўлдилар, кўзлари тангадай ёнди, хўкизлар пишқирди. Оғилхонада яна биров бормикан деб Абдурахим ўтакаси ёрилиб, атрофга ялт-юлт боқди. Бошқа ҳеч кимса йўқ, бошқа тирик жон бош суқмаган эди шу маҳал.

— Нима қилди буларга? — минғиллади Абдурахим ва ҳозиргина синдириб олинган бўлакни ёруғга тутиб, синчиклаб тикилди. У олтиннинг жилоланишини томоша қилмоқчи эди, аммо анграйиб қолди: бу ўғил бола ҳайкалчаси эди.

Абдурахим шоша-пиша тилла-пичоқ дастасидаги пастки-иккинчи бўртмага кўз ташлади. Наҳотки, сезмаган бўлса, бунда ҳам бола акс эттирилган эди, илло у ўғил эмас, қиз бола тасвири эди.

— Қизик, — деди Абдурахим ўзига-ўзи.

Кейин тилла бўлагини дастрўмолига ўраб, чўнтагига солди-да, чанга пичоғини бекитиб, ташқарига чиқди. Юлдузлар катта-катта жимирлаб, олам сукунатидан далолат бериб, сассиз тикилиб тургандек эди.

Тўшакқа ўзини ташлаб, донг қотиб ухлаб қолди. Эрталаб уйқудан кўнгли оғриб, вижлони симиллаб уйғонди. Бироқ бугун тилла бўлагига мижоз қидирадиган, жарақ-жаруқ пул санаб олинадиган кун эканини, тез орада Эгарсоз

қишлоғининг шўх-шаддот қизларидан бирини хотин қилишини, иккинчи бор чимилдиққа киришини ўйлаб, енгил тортди, аниқроғи, ўзини шунга мажбур этди. Тилла бўлагини учга бўлди, болға билан уриб, бола шаклини билдирувчи кичик белгиларни ҳам йўқотди.

Шаҳарга жўнаш учун унга баҳона тайёр эди — прокуратурага бориши керак. У ҳеч қаёққа бурилмай, шаҳар касалхонаси ёнидаги тиш дўхтири хузурига йўл олди. Раҳматли Шарифага тилла тиш қўйдириш учун шу ерга қатнаб юрган дамларида, бир куни маст кимса тиш дўхтирдан қарз сўраб, сал бўлмаса тўполон қилаёзди. Афтидан шифокорнинг қариндоши эди. Абдурахим ташқарига чиққанида, маст йўлакда мунғайиб ўтирган экан. «Мени тиланчи деб ўйламанг, — деди у, — шу дўхтирнинг амакисиман, ўзим пул бериб тиш дўхтирликка ўқитдим. Энди пули кўпайиб, одамни танимай қолган, Бухородан тилла олиб келиб, тиш ясайди. Истасам устидан ёзишим мумкин, лекин мен унга ўхшаган нокас эмасман!»

Бундан ташқари, тиш дўхтирлар тилла тақинчоқларни харид қилишини ҳам эшитган эди. Эритиб, тиш ясаб, мижозларга ишлатармиш.

Абдурахим фақат битта бўлакни кўрсатди.

— Буни қаердан олдингиз? — қовоқ уйди дўхтир синчиклаб текшириб кўраркан. Гарчи ёқтирмагандек кўринишга тиришса-да, ич-ичидан қувонганини яширолмади.

— Лули халқида неварачевараларини ўйлайдиган инсонлар кўп, — деб ёлғонлади.

— Масалан, сизда нечта? — сўради дўхтир.

— Нима нечта?

— Ўшанақа инсонлардан.

— Бу яхши ҳақ тўлашингизга боғлиқ.

— Исмиб Толиб, — қайтадан қўл чўзди шифокор ошқора тамшаниб. — Онам рус, отам ўзбек, ўзим эса ҳар қандай миллатга, ҳар қандай инсонга, агар пул

масаласида келишолсам, хизмат қилавераман. Пулга нон оламиз, пулга уй қурамиз, пулимиз бўлгани учун ҳам тўй қиламиз. Бола-чақа учун пул топишнинг айби йўқ. Кетдикми? Айтгандай, лўли миллати асли Ҳиндистондан келиб чиққан, дейишади, ростми?

— Лўли деган миллат йўқ, — деди Абдурахим. — Жанубдан кўчиб келган халқларнинг кўпчилигини шунчаки умумий битта ном билан лўли деб аташади. Менинг ота-боболарим Мўлтондан. Бошқа лўлиларни билмадим. Кимдир ҳиндистонлик, кимдир афғони.

— Лў деган ака Ли исмли синглисига уйланган, ўшалардан тарқалган одамларни лўлилар деб аташган эмиш. Бу-чи, ҳақиқатми?

— Кўп нарса биларкансиз, — тумшайди Абдурахим.

— Балки бир афсонадир; ким кўриб-билибди? — мийиғида кулди дўхтир. — Сиз алдамасангиз, мен ҳам алдамайман.

— Ҳақимни инсоф билан берсангиз, бас, — деди Абдурахим.

— Албатта, инсоф билан бераман. Лекин унутманг, инсофи бор-одам қонунни ҳурмат қилади, тиллани менга кўтариб келмайди.

У опасиникига Абдурахимни эргаштириб борди. Ярим соатча куттириб, ҳаллослаб қайтиб келгач, сумкаеидан ~~даста-даста нул чиқара~~ бошлади. Кўнгилдагидек ҳақ тўлангач, Абдурахим тилланинг иккинчи бўлагини кўрсатди.

— Менда яна битта бор, — деди отбоқар дўхтирга кўз остидан боқиб. — Қарасам, алдамайдиганга ўхшайсиз. Сизга сотсаммикан?

Толибнинг кўзлари ўйнаб кетди.

— Тс-с... Опам билмасин!.. Уйга борамиз... Бир кунда шунча тилла олаётганимни кўрса, кун бермайди. Шундоқ ҳам оиласи билан боқиб ўтирибман. Бошқа қариндошлар ҳам қарз сўраб, жонимга тегиб кетишган.

Тиш дўхтирнинг мўъжазгина, аммо икки қаватли ҳовлиси, шоҳона безатилган хоналар, яп-янги машинаси бор эди. Абдурахимни булар лол қолдирди.

— Россияда қариндошларим бор, чақиришяпти. Агар мана шу уйни сотолсам, чизворардим, — деди Толиб.
— Лекин бу уйга кимнинг ҳам пули етарди. Мижоз чиқмаяпти.

Толиб иккинчи тилланинг сифатидан камчилик топди, вазини ҳам енгил деб баҳона қилди, хуллас, пулни кам берди.

Абдурахим тилланинг учинчи бўлагини кўрсатди.

— Агар шунақа қилсангиз, кейинги сафар бошқа «клиент» топаман, — деди таҳдид маъносидан. — Нима, мўлтонида фақат иккита тилла бўлади, деб уйлаяпсизми?

Шундай қилиб, Абдурахим аждодлардан қолган сирли пичоқдан синдирилган бўлакни пуллаб, тўйга етадиган маблағ билан Эгарсоз қишлоғига қайтди. Кейинчалик оғилхонадаги тилла пичоқни сотиб, уй қурмоқчи, машина олмоқчи, чорвасини кўпайтириб, катта бойга айланмоқчи эди. Амин эдики, кимнингдир қўлида ишлаш, ойлик эвазига кун кечирриш ортда қолди, хотинининг ўлдирилиши ва уй-жойига ўт қўйилишидан сўнг ҳаёти бутунлай ўзгарди.

Зарина ҳам, қиморбоз отаси ҳам хурсанд эди. Қишлоқ кутилмаган тўй-томошадан ғала-ғовур бозорга айланди. Хотини ўлган Абдурахим ва қари қиз Заринанинг тўйи ҳақида ҳар бир хонадонда дув-дув гап эди.

Кўп ўтмай ўша кун келди. Кеч куз бўлишига қарамай қуёш чарақлади, булутлар тоғлар ортида мўраллади. Тиниқ уфқларга туташиб кетган узумзорлар, баргини тўккан кимсасиз жийдазорлар, оҳиста оқаётган Урчуқ дарёси, ҳар замонда балиқлар шалолаб қўядиган Хотин кўли — барчаси сукутга чўмиб, сирли бир воқеани кутаётганга ўхшарди. Тўйда ҳамма ичди, мастлар кўчани тўлдирди. Айниқса, мўлтони йигитчалар бошқа қишлоқдан келган меҳмонларни мазах қилиб, сўкиб, муштлашиб ўзларини кўрсатиб қўйишди. Чироқ ўчиб қолганини айтмаганда, бир ажойиб мўлтонича тўй бўлди.

Ярим кечаси ҳаво совиб, кўл томондан туман сизиб кела бошлади: Дарахтзорларни, кимсасиз кўчаларни, ҳатто ҳовлини ҳам туман қоплади. Қаердадир бойўғли сайради.

— Овози ўчсин, — деди Заринанинг янгаси, — бирам ёмон кўраманки... Куёв қаерда? Биз унга шундай бир нозанинни тортиқ қилиб ўтирсак, нега кўринмайди? Тоғаваччаларининг ёнида ухлаб қолди, шекилли?

Куёв ҳам интизор эди, келин ҳам. Ниҳоят, уларни чимилдиқ тортилган уйда ёлғиз қолдиришди. Келин-куёв пичирлаб сўзлаша бошлагандиларки, дераза оҳиста чертилди. Абдураҳим янгалардан бири шўхлик қилмоқда деб, пардани сурди. Сурдию сесканиб тушди. Ойнага юзини босган кўйи бир бадбуруш хотин бақрайиб турарди. Дераза табақаси очилган заҳоти:

— Мамай кўрдан хат бор, — деди шошиб. — Ма, ўқи.

Хотин зулмат ва туман дунёсига оҳиста сингиб, кўздан йўқолди. Абдураҳим чироқ ёруғига бориб, қуйидаги сатрларга кўзи тушди: «Бугун никоҳ кечанг бўлиб чиқса, мен асло адашмаган бўламан, башорат ҳам тўғридир. Унутма, Заринани хотин қилсанг, бошингга мисли кўрилмаган кўргиликлар ёғилади. Ҳозироқ унинг талоғини бер! Менга ишонмасанг, бир гап айтай: сен яқинда аждодларинг юзига оёқ босиб, бир жиноят содир қилдинг, жиноят ўғил бола билан боғлиқ. Энди сенинг никоҳингдан туғилган ўғил ўз онасига уйланади!..»

II ҚИСМ

I БОБ

Абдурахим мактубни қайта ўқиб чиққач,ғижимладида, муштини маҳкам қисди.Мактубнинг совуқ сатрлари хаёлида бир-бир жаранглади: «Бугун никоҳ кечанг бўлиб чиқса, мен асло адашмаган бўламан, башорат ҳам тўғридир. Унутма, Заринани хотин қилсанг, бошингга мисли кўрилмаган кўргиликлар ёғилади. Ҳозироқ унинг талоғини бер! Менга ишонмасанг, бир гап айтай: сен яқинда аждодларинг юзига оёқ босиб, бир жиноят содир қилдинг, жиноят ўғил бола билан боғлиқ. Энди сенинг никоҳингдан туғилган ўғил ўз онасига уйланади!..»

Юрагига оғриқ кириб, кўзини юмди. «Эй Худо, бу яна нима фалокат?» — деди пичирлаб. «Ўғил бола билан боғлиқ жиноят...» — унга сир эмасди. Аждодлардан мерос чанга пичоғи дастасидан бир қулоқни кесиб олганида ногоҳон оғилхонадаги сигир-ҳўкизлар қанчалар безовталангани кўз олдига келди. Не кўз билан кўрсинки, пичоқ дастаси қулоғи ўғил бола шаклида эди. Бугун мўлтонилар қишлоғида Абдурахим ва Заринанинг никоҳ тўйи ўтганини олис Жугидонодаги кўр чол кимдандир эшитган бўлиши мумкин, аммо тилла пичоқдан ўғил бола шаклидаги бир бўлакни кесиб олганини қаёқдан билди? Наҳотки, даҳшатли башорат ҳақиқатга айланса?

Дераза тақиллаганда шоҳона чимилдиқ ортига бекинган келинчак балбуруш кампирнинг овозини эшитган, аммо нима деганини тушунмаган, мактуб берганини кўрмаган эди. Абдурахим мук тушиб, қоғозга тикилиб ўтирганига кўзи тушгандаёқ бу шунчаки оддий ҳодиса эмаслигини англади. Қоғоз шафқатсизғижимлангач, секин куёвига яқинлашди.

— Нима бўлди, Абдурахим ака? — сўради хавотирга қоришиқ товушда.

— Бор, чимилдиққа кир, — деди Абдурахим.

Заринанинг лаблари қимтилди. Ғфил бола феъли кўзиб, куёвининг елкасидан тортиб, ўзига қаратди.

— Ким эди у аёл? Қанақа қоғоз берди?

— Ишинг бўлмасин, Зарина. Эртага Жўги қишлоққа бориб келай, кейин тушунтираман.

— Жўгидоногами? Демак, Мамай кўр хат жўнатибдида? Беринг, мен ҳам ўқийман.

— Бу хат менга ёзилган, Зарина.

— Майли, хатни берманг, лекин нима гаплигини айтинг. Ҳозироқ!

— Биз алоҳида ётамиз... — деди Абдурахим. — Мен нариги хонага чиқиб кетаман... Шундай қилишимиз шарт! Фақат нега деб сўрама! Кейин тушунтираман!

Зарина индамай нари кетди, лекин чимилдиққа етмасдан тўхтаб:

— Ҳаммамиз лўлилар қавмиданмиз, — деди. — Сиз ва мен мўлтони, Мамай кўр жўги, яна кимлардир циган. Аслида бошқа-бошқа миллат бўлгандирмиз, лекин барибир қисматимизда лўли номи бор. Бу номни шунчаки кўтариб юрганимиз йўқ! Абдурахим ака, бизни дуоибад қиладиган одам орамиздан чиқишига ишонмайман, чиқмайди ҳам. Мен ҳам анойи эмасман, бахтимни бузишига тинчгина қараб ўтираманми?

— Зарина...

— Нима, Зарина! Нега у киши бизга ёмонлик қилмоқчи? Уч лўли ҳақида айтганим учунми? Ёки бир марта ёқасидан бўғиб, силтаганингизга зари учиб кетибдими?! Огоҳлантириб қўяй, агар оиламни бузиб, элга шарманда қилмоқчи бўлса, мана шу қўлларим билан бўғиб ўлдираман уни!

— Ҳеч нарса қилмоқчи эмас! Тушунсанг-чи, Зарина!

— Нега бизнинг никоҳ кечамизни пойлаб хат юбориб, бирдан сизни айнитди? Хатни ўқиб, капалаккинанингиз учди-я! Шунчалик иродангиз йўқми? Нега уйландингиз менга? Хотинингиз ўлиб хотинсираб қолганингиз учунми? Балки қари қиз эканимни кўриб, раҳмингиз келгандир?

— Мамай кўрнинг бизда хусумати йўқ, — қайирилиб қаради Абдураҳим. — Бу даъволаринг жазава, холос. Илтимос, тинчлан. Мамай кўр билан эртага яна бир учрашай, ҳаммаси яхши бўп кетади.

— Тушундим, демак, шундай бахтли кунимиз сиз учун... афсуски, ёмон.

Мўлтони янгалар барча янгалар каби висол онлари қолдирилганидан таажжубга тушишди. Бироқ Абдураҳим сабабни ҳеч кимга айтмади. Эртасига нари-бери чой ичиб, йўлга чиқди. Тоғаси нималар бўлаётганини сўраган эди, унга ҳам оғиз очмади. Жўгидонога етиб, тўғри Мамай кўрнинг эшигини қоқди. Ит бирор марта ҳурмасдан ҳовли тўрига лўкиллаганча жунаб қолди. Абдураҳим шу тобда хотини ўлдирилган кечада милиция ити олайиб қараб, вовиллаганини, жийдазорда Зарина билан учрашганида, Олапар қаттиқ ҳурганини эслади. Башоратчи чол яшайдиган ҳовлидаги бу ит эса ғаламис одамни эслатарди. Ёнғоқ тагига бориб, бағрини ерга бериб, кўз узмай ётиб олганини-чи.

— Ҳей-й, бу ўша одам-ку! — сал кам дод солаёзди қора хотин. — Бобомизни ўлдирмаса, кўнгли тинчимайдиганга ўхшайди! Ким бор?! Қаранглар, ёв келди!

— Ўзингизни босинг, — деди Абдураҳим. — Анави итингиздан ўрнак олиб, жағингизни юмсансиз бўларди.

— Тур, йўқол!

— Аввал сўранг, нега келганман! Зарилми шарти кетиб, парти қолган қайнотангизни ўлдириб! Йўл бошланг. Ўзининг хонасида ўтирибдими?

Қўшни ҳовлидаги ўтин уюми ёнида қарта ўйнаб ўтирган чопонлию нимчали бир тўда лўли ҳалиги хотиннинг вовайлосидан сўнг ўринларидан туришди, Абдураҳимни кўриб, секин кела бошлашди. Авзойларига қараганда, ўтган сафаргидек раҳм-шафқат қилиш ниятида эмасдилар. Милиция ва прокуратура ходимлари уч лўли йигитни сўраб-суриштирганларида, Абдураҳимнинг кимлиги Жўгидоно аҳлига маълум бўлганди. Хотини-ю, уй-жойи, мол-қўйдан ажраб қолган Маййит қишлоғидаги ўша мўлтони яна келибди. Муддаоси не экан?



— Мамай бобо кеча мени чақиртирган, — гап бошлади Абдурахим.

— Нега алдайсан? — деди қирқ беш ёшлардаги серсоқол киши. — Бобо ҳеч кимни чақирган эмас. Кечагина ҳолаҳвол сўрашишга кирганимда, худди шу ҳақда гап бўлди. Ёрдам-пордам керак бўлса, мени чақиртиринг, дегандим, «мен энди ҳеч кимни чақирмайман, ўзим чақириладиган бўлиб қолдим», деди. Сени чертмасдан, хотинингни ўлдирмасдан ҳам бошимиз балога қолди. Нима истайсан ўзи? Шахсан мен кеча ҳам прокуратурада эдим. Мол жаллоблик қиларкансан, эшак ҳам сотаркансан, кўрмадингми қора от, деб сиқиб, сувимни ичишди! Кўрмадим, дедим. Ахир, мол ҳам, эшак ҳам қора от эмас! Яна де, унча-мунча отни сўрамади, баҳайбати эмиш, томдай келармиш!

— Кетинг! — деди уй эгаси бўлмиш эркак носини туфларкан. — Уйимни бозор ҳам, мозор ҳам қилманг. Сизга бир нима бўлса, милиция менга ёпишади. Кўраяпсиз, ҳамманинг асаби бузилган.

— Кеча мени чақиртирган, — такрорлади Абдурахим. — Уйимга одам келди.

— Бировда гапи-бўлса, Файзижондан айттириб юборарди. Ҳозир сўраймиз. Файзи, ҳов Файзи! Бу ёққа кел! Лекин у Маййитдек олис қишлоққа боролмайди, кеча ҳеч қаёққа чиққани ҳам йўқ!

— Қичқиришнинг ҳожати йўқ. Кеча ярим тунда уйимга бир хотин келди, хунуккина, қаримсиққина... — Лўлилар бир-бирига қараб олишгач, Абдурахимнинг бир қоши кўтарилди. — Танийсизлар шекилли?

— У ҳолда ишинг чатоқ, жўра, — деди серсоқол киши. — Уйингга нақ ажалнинг ўзи борибди. Ўша хотин ўн йилдан бери ўзимизнинг лўлилар қабристонидан яшайди. Бобо касалликка чалиниб, башоратгўйликни бошлаганидан сўнг хотин ҳар замонда, унда ҳам кимдир ўладиган ёки бахтсизликка йўлиқадиган бўлса, келиб, бободан топшириқ олади. Биз уни Элчи хотин деймиз.

Файзижон чопиб келиб, отасига саволомуз боқди. Бироқ на унга, на Абдурахимга гапириладиган гап қолганди. Отбоқар олға юрди, лўлилар йўл бўшатишди. Мамай кўр тўшақда инқиллаб ётган эди. Эшик очилиб, ўғли, келини ва Абдурахим киргач, ёстиқдан бош кўтариб, деди:

— Атир иси келаяпти. Янги куёв... Янги куёв... Ҳонаҳой бу ўша, маййитлик Абди...

— Кеча хат бериб юборган экансиз, — деди Абдурахим кўрс оҳангда.

— Хатда яхши гап ёзилмаган бўлсаям яхшиликдан бошқа ҳеч нарса эмас, — деди Мамай кўр. — Дарров етиб келибсан, баракалла. Кел, ўтир... Сенлар эса чиқиб кетинглар... Биз холи қолишимиз керак.

Абдурахим ёпилган эшикка кўз қирини ташлаб, кўр чолга еб қўйгудек тикилди. Чолнинг кўзлари ўрнини қоплаган юпқа тери остида сертомир, оқиш соққа безовта ўйнар эди. Озибди, лунжи жаф суякларига ёпишиб қолибди.

— Шу фалокат етмай турганди, тушунтирарсиз балки? — деди Абдурахим. — Хотиним ўлдирилди, уйим куйиб, қорайган деворларгина қолди, мол-қўйимдан ҳам айрилдим.

— Буюк лўли аждодларининг арвоҳларини чирқиратибсан! — деворга суяниб сўзлади Мамай кўр. — Нега бундай қилдинг? Ҳаммаси нафсинг йўлида! Энди касофати урмасдан қолмайди.

— Агар башоратингиз чинга айланишига шак-шубҳа қилмасангиз, туғилган боламни ўз қўлим билан ўлдираман.

— Ўлдиролмайсан! Келинчакнинг талоғини бериш ундан осон иш эканини яхши биласан!

— Талоғини қандай бераман! Йўқ... Яхшиси, нобокор кимсани ўлдирганим маъкул!

— Ўнта бола туғилса-чи? Бир умр ўз фарзандларингни ўлдириб яшамоқчимисан? Йўқ, бу қўлингдан келмайди! Алалоқибат, бири улғаяди ва...

— Тўхтанг! Мен қандай жиноят қилганимни айтинг. Эшитайлик!

— Мендан кўра ўзинг яхши биласан, — деди чол.

— Уйланиш учун тилда буюмнинг бир бўлагини кесиб, тиш дўхтирга сотдим. Уша бўлакча пичоқ дастасидаги бўртма эди. Унда ўгил боланинг афти акс эттирилган экан. Бу ҳаётда қарғиш, сеҳр-жоду, башорат аслида йўқ нарсалар деб юардим. Мени ёмон иккилантириб қўйдингиз, бобо! Талоқ беришдан бошқа йўлни кўрсатинг. Мен ҳеч қачон Заринага талоқ бермайман. Шу кеча у хотиним бўлади.

Мамай кўр бошини хиёл кўтариб, тамшанди. Кўзлари бўлганида эди, нима демоқчи эканини уқишнинг иложи бўлар, балки ички олами кўзгу каби кўзида акс этарди. Ҳозир эса Абдураҳимнинг қаршисида инсоннинг кўзсиз, мунглик боши лиқилламоқда эди.

— Аҳдингдан қайтмайсанми? — сўради чол.

— Пенсонада борини кўраман, — деди Абдураҳим.

— Тўғри, ҳар ким пешанада бор кунларни яшайди, — чол кўрсаткич бармоғини кўкка ниқтади. — Яшаган кунларимиз эса пенсонада бор кунларимиздир. Қизиқ, тақдир аввал яратилганими ё инсоннинг яшаб бўлинган ҳаёти тақдир деб аталадими? Буни ҳеч ўйлаб кўрганмисан? Бу — ҳақиқат, ундан ташқарига чиқиб кетолмаймиз. Худди бутун коинотнинг ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмас айланишига ўхшайди. Фақат Еру бошқа сайёралар эмас, ҳаммаси бир бўлиб, бутун коинот ҳам айланади. Ҳеч ким тирик бўла туриб коинотдан чиқиб кетолмайди. Коинот уни ўз гирдобиди айлантариб юраверади. Тирик одамнинг тақдирини ҳам шу гирдоб айланишига боғлиқ. Мунажжимларнинг ишини бир ўйлаб кўр. Улар мен айтган ҳақиқатдан сал-пал хабардор одамлар. Сенга бир хабар келдими, бежиз аён бўлмаслигини тушун. Эътибор берсанг, кимгадир йўлдаги белгилар, кимгадир тушлар, кимгадир ўша мунажжимлар башорати орқали яширинча алланималар ишора қилинади. Фолчилару башоратгўйлар ҳам шунақа. Фол гуноҳ дейилган, лекин гуноҳ сўқмоғидаги гумроҳ изидан, сўзидан, гарчи кўзи бўлмаса ҳам, юмуқ кўзидан хулоса чиқаришинг мумкинми? Мумкин.

— Барибир мендан ўз онасига уйланадиган пасткаш, разил махлуқ туғилмайди, шамол олсин фолингизни! — тишлари гижирлади Абдурахимнинг.— Бошқа йўли борми деб сўрашга келдим. Агар йўли бўлмаса, мен топдим. Ва сизга айтдим ҳам! Чин мўлтони сўзим!

— Қотиллик...

— Қотиллик бўлмайди, бола ҳам туғилмайди! — кесиб гапирди Абдурахим.

— Яшаб бўлинмаган тақдирга инсон ўз қўли билан тирноқдек ўзгариш киритиши мумкин, яшаб бўлингани эса ўзгармасдир. Шундай бўлса ҳам бу гапнингга ишонмайман.

— Сизга башорат тушган экан, зиғирча бўлса ҳам бошқа йўли борми, деб сўраб турган жойим. Бошқа чораси топилмаса, фарзанд кўрмаганим бўлсин! Рост айтаяпман!

— Шу гапларни сен гапираяпсанми?! — ажабланди кўр чол. — Раҳматли биринчи хотининг билан саккиз йил турмуш қуриб, фарзанд кутдинг, битмади. Иккинчи турмушингдан атайин фарзанд кўрмасликка ироданг етармикан? Ё туғилажак болани аборт қилдира олармикансан? Йўқ, бир кун келиб, Заринанинг жавобини берасан, чунки биласанки, фақат Зарина билан ўрталарингдаги зурриёдгагина қарғиш тегди. Буюк лўлилардан қолган тилла эвазига уйландинг, шудир айбинг! Ундан кўра мактубни ўқиганинг заҳоти — илк никоҳ кечангдаёқ жавобини беришинг керак эди. Барибир ажрашар экансан, беғалва ажраш!

Абдурахим гапиришга оғиз жуфтлаган эди, чол қўлини кўтариб, «жим» маъносида тўхтатди ва шундай қўшимча қилди:

— Билиб қўй, аждодларинг мерос қолдирган, келгусидаги буюк ишларнинг калити бўлган пичоқни кемтик қилганинг учун сенинг ўғлинг махлуқ ҳолида туғилмайди. Бир англашилмовчиликни кўраяпман. Ўғлинг дарбадару сарбадор бўлиб, кўп йиллар дунё кезиши, оқибатда ўз онасини учратганида, танимаслиги эҳтимоли

бор, уқдингми?! Абадий шармандалик сояси ҳам шу! Тўғри, тан олдинг, бошқа йўл сўраб келиб ўтирибсан, лекин ўғлингни ўлдиролмайсан, ўлдиролмайсан, ўлдиролмайсан! Ундан кўра Заринанинг жавобини бер. Ёки таваккал қилиб, пешонада борини кўрар экансан, ўғлинг эр етилганда, Заринани ўлди.

— Мана, қандай маслаҳат бераркансиз! Лаънати уч йигитчани ҳам Шарифани ўлдиришга шундай «гипноз» қилгансиз. Туғилажак ўғлимнинг жиноятини на телбалик, на англашилмовчилик оқлайди. Агар унинг пешонасига ўз онасига уйланиш қисмати ёзилган экан, бутун коинот айланишини битта пичоқ билан тўхтатаман.

Мамай кўр ҳафсаласи пир бўлган каби енгил уф тортиб кўйди.

— Абди, — деди у, — сендан ҳамиша қон иси келади, атир иси деб лоф урдим, кечир. Ўша йигитларда — қотилликда гумон қилинаётган уч лўли баччада қон исини сезмаганман. Бир кун улар албатта топилади, ўзим сенга аломатини айтаман. Лекин қотил ўзинг бўлиб чиқасанми, деб ўйлаб қолдим.

— Миянгиз суйилиб бўлибди.

— Сехргар эмасман, биринчи хотинингнинг қотили кимлигини билолганимча йўқ, сенинг ўзингдан гумоним бор, — такрорлади Мамай кўр. — Ўша кунни яхшилаб эслаб кўр!

— Мен-а? — Абдураҳим кўксига бош бармоғини шундай нуқидики, синиб кетаёзди.

— Ҳа, сен.

— Қанақасига? Алжираянсиз.

Мамай кўр тўшагига ҳорғин чўзиларкан, деди:

— Хотининг раис билан юришини эшитганингдан сўнг уйингга неча дақиқада бординг?

— Санаб кўрибманми! Аҳмоқона гапларни кўйинг-да, бўладиган гапдан гапиринг.

— Уни ўлдириб, дуч келган томонга қочгансан.

Шунчалик эсингни еб қўйган бўлишинг мумкинки, бир жойга етиб, ҳушингга келганингда, нима қилиб қўйганингни англолмагансан ҳам!

— Тухмат! Аҳмоқона тухмат!

— Болалигимда эшитганман, — деди Мамай кўр, — Медҳун шол деган бир шол лўли яшаган экан. Унинг умри Бухоро шаҳри кўчаларидан биридаги муюлишда тиланчилик билан ўтибди. Оёқлари шол бўлгани учун юролмас экан...

— Йиғиштиринг эртакни! — бақирди Абдураҳим. — Одамни эсдан оғдиришни қасд қилган бўлсангиз, қаттиқ янглишасиз.

— Илтимо, эшит, — илтижо қилди чол. — Бир кун келиб, шаҳарда ўғирликлар содир бўла бошлабди. Ҳамма ўғирлик кечаси, ой чиққанда бўларкан. Айрим шоҳидларнинг айтишича, ўғри Медҳуннинг ўзгинаси эмиш. Миршаблар шол лўлини тутиб, уйини тинтиб кўришса, жарақ-жарақ тилла тақинчоқлар топилибди. Абди, сен уни ўзини шолликка солиб ўтирган туллак лўли деб ўйлама. Бечора ҳақиқатан шол эди, юролмасди. Лекин тунда ўғирлик қилиб, бир талай тақинчоқларни қўлга киритиш миясига шунчалик сингиб қолган эдики, ой чиққан кечаларда ойпарастликданми, бизга номаълум бошқа руҳий сабабданми, у ўрнидан туриб, бирор хонадонга қараб йўл оларкан. Отам раҳматли айтарди, Медҳун шол ўша ўғирликларни ўз қўли билан қилганини билмай дорда ўлим топган экан.

— Мени ҳам ўшанақа деяпсизми? — истехзоли кулди Абдураҳим. — Тентак эмасман!

— Медҳун шол ўз ҳолини билмаганидек сен ҳам... айтиб бўладими!

— У ҳолда нега менинг изим топилмади?

— Медҳун шолнинг ҳам изи топилмаган, гувоҳлар кўриб қолган, холос. Сенга мелисанинг ити хурганини эшитдим, гумондор бўлиб, вақтинча қамалган ҳам экансан.

Абдурахимнинг кўз олди жимирлаб кетди. Ростдан ҳам хотинимни мен ўлдирдиммикан, деган гумон йилт этиб хаёл осмонини тилиб ўтди. Мозорён ўтлоғидан уйига қандай етиб келганини чалакам-чатти эслайди. Негаки, қаттиқ газабда эди. Кейин қўлқоп, бегона оёқ кийим кийиб, уйига кирдимиз? Ва...

— Бас! — қўлларини мушт қилиб ўқталди Абдурахим, ammo чол аллақачон оғзини юмган эди. Шўрлик куёв ўз хаёллари тўфонига чидаёлмай ўзига-ўзи «бас!» деб хитоб қилаётганини англаб, қора терга ботди.

— Бугунча етар, — деди Мамай кўр.

— Майли. Лекин Зарина билан ажрашмайман, ундан фарзанд кўраман. Қарғишга қандай чап бериш мумкинлигини сиз биласиз! Туш ҳақида гапирдингиз, эшитинг, Шарифага уйланган чоғларим туш кўрганман. Ун йилдан сўнг фарзандли бўлишим айтилганди. Демак, келгуси йил Зарина ўғил туғиб беради! Шунча вақт Шарифадан кутиб юргандим-а! Эҳ, Шарифа, Шарифа... ҳомила қорнида кетди...

— Ўғил... Нега уни айнан ўғил деясан? — Чол бошини илкис кўтариб, яна ёстиққа ташлади. — Тушингда ўғил кўрганмисан?

— Йўргакка ўралган чақалоқ эди. Ўғил деб ўйлаганман.

— Аломатлар! — деди кўр чол тўсатдан жонланиб. — Аломатларни кўраяпман. Шоирларга бирор сабаб илҳом олиб келганидек бу тушинг менинг аломатларимга туртки берди.

Мамай кўрнинг «кўраяпман» дейиши Абдурахимга ғалати туюлди. Кўзлари бутов бўлган бу ожиз банданинг хаёлий кўзи бор дейишарди. Хаёлий кўзга қандай хаёлий аломат кўринган экан?

— Фарзандли бўлишимга ишонаман, — деди Абдурахим. — Аввал аломатлари ҳақида гапиринг, эшитайлик, бобо. Кейин чорасини ҳам топамиз, сизга ишондим...

— Фарзандли бўлишинг муқаррарлигини билар экансан, нега мен билан талашиб-тортишиб ўтирибсан?

— Сиз айтгандай, ўз тақдиримни яшаб бўлганим йўқ.

— Кел, чорасини топайлик. Чора астойдил изланса, албатта топилади.

— Қулогим сизда, — деди Абдурахим. — Иккимиз ҳам роса ўтлаб, охири бир манзилда учрашдик шекилли.

— Пичоқнинг яна бир бўлаги қиз бола шаклида, шундайми?

— Шундай. Лекин бу пичоқ ҳақида бировга оғиз очмасликка онт ичинг!

— Айт десанг ҳам айтолмайман, нега эканини сен тушунмайсан. Қиз бола шаклидаги бўртмани кесиб олиб, кўлга отиб юбор. Кўл билан менинг уйим ораси юз чақиримдан ҳам узоқ бўлса-да, салқин шабадасини кўпинча сезаман. Сен уни ўша кўлга улоқтир, токи жуфтсиз қолган қиз бола ҳайкалчаси кўл тубида ором олиб, сенга дахл қилмасин. Тушундингми, Абди? Иккиланма. Тилла бўлагига хасислик қилма!

— Шу билан қутуламанми?

— Йўқ, бутунлай эмас, — деди Мамай кўр, — ўғил туғилиш эҳтимоли юздан бир ҳолатда бўлиши мумкин. Бу, эй Абди, деярли ўғил кўрмайсан, деган гап.

— Фарзандим бўлса, балои қазолар йироқлашса, Зарина билан бахтли яшасам, бошқа ҳеч нарса керакмас.

Мамай кўр индамади. У ухлаб қолганга ўхшарди. Абдурахим кўйлагини, кўлини, билагини беихтиёр ҳидлади. «Қотил эмасман, қон иси ҳам йўқ», деди ичида.

— Нега ҳидладинг? — сўради чол палағда овозда.

Абдурахим бурнини тортиди. Полни гичирлатиб, эшикка юрди.

— Анави уч йигитни топиб беринг, — деди у тўхтаб.

— Мендан қон иси келар экан, майли, ўшаларнинг қонининг иси бўла қолсин.

— Қора отнинг қаерда эканини айтаман, баччаларни ўзинг ахтариб топасан, — жавоб берди чол. — Бутун койнот унсиз айланаётганда, миямнинг мағзи гирдоб туби бўлади, унга башорат қолдиқлари чуқиб қолади. Ушанда сени албатта чақиртираман. Умидингни узма.

— Фақат бошқа одам юборинг, мазоротда яшайдиган хотинни эмас! У ҳақда эшитдим, ажал элчиси экан.

— Бир кун келиб ўша хотин сени қора от олдига бошлаб борса, раҳмат айтасан, — деди Мамай кўр.

Кўчада қишлоқ лўлилари гўнғир-гўнғир гаплашиб ўтиришарди. Серсоқол киши ўрнидан туриб, Абдураҳимнинг елкасига қўл ташлади:

— Биласанми, сен кимсан?

— Хуш? — деди Абдураҳим унинг қўлини елкасидан олиб ташлаб.

— Ўзини бахтсиз қилиб яшайдиган гумроҳ банда! Хафа бўлма, сени ҳақорат қилаётганим йўқ. Ҳар бир қадамнингни ўйлаб босганингда эди, бу қора кунлар бошингга тушмасди. Нега менинг эмас, сенинг хотинингни ўлдирдилар? Нега уйингга ўт қўйдилар? Мол-қўйларингни найза билан ўлдирганлари-чи?

— Заҳарлаш осон эди, лекин негадир найза билан ўлдирибди, — луқма ташлади тишсиз бир лўли. — Қизиқ!

Абдураҳим унга ўқрайиб қаради, сўнг атрофдагиларга кўз югуртириб:

— Бошқа гапларинг йўқми? — деди ва оғир одимлаб, кета бошлади.

— Шунчалик нафратга лойиқсанки, ҳатто чорвангни ҳам жазави билан ўлдирганлар! — сўйлади серсоқол. — Заҳарласа, кўнгли таскин топмаслигини билган-да у баччағар! Хумордан чиқиб-чиқиб ўлдирган!

— Нафратга лойиқ нима иш қилибман? — ортига ўгирилди Абдураҳим. — Оғзим бор деб валақлайверма!

— Сен ҳар нимадан кир қидирадиган, бўлмағур ташвишлар билан яшайдиган одамсан, шунинг учун бошинг галвадан чиқмайди, — деди серсоқол. — Қачон қарама, ўзингни ҳам, бошқаларни ҳам муаммоларга дучор қиласан! Жуна! Қайтиб келма! Бу юриш нима керак сенга? Уйланибсан, яшайвер энди тинчгина!

Абдураҳим йўл-йўлакай ўйлаб кўрса, серсоқол лўлининг гапида жон бор экан. Катта бахтсизликларни

кичик хатолар эвазига ўз бошига ёғдирибди. Шарифанинг онаси «қизимни мўлтонига бермайман», деганида, қизни ўғирлади, кейинчалик колхоз раисининг машинасида шаҳарга ёлғиз юбориб, Салайнинг назарига туширди, қотилликдан сўнг жамики билганларини терговчига айтмади, тилла пичоқнинг бир қисмини кесди, дуч келган биринчи қизга — Заринага уйланди. Балки фолга ишониб, илоҳий таъсирларга муккасидан кетаётгани ҳам хатоларнинг хатоси бўлиб чиқар?

Кечқурун Эгарсозда изғирин шамол эса бошлади. Дарахт шохларида унда-бунда илиниб турган барглр ҳам чирпирак бўлиб учиб тушди. Абдурахим ёмғир севалаб ўтган кўчадан тоғасининг уйига яқинлашаркан, Мамай кўр билан учрашиб, енгил тортганини ичдан тан олди. Урлик қилиб бормаганида, кўнгил хижиллиги тарқамас, ичини ит тирнаб яшарди. Мактубга ишонишига «ўғил бола билан боғлиқ жиноят» деган сатр, ишонмаслигига эса «бу тасодиф, холос» деган ўй халал берган эди. Худо борлигига имон келтирмаган кишилар ҳам баъзан «агар ўлганимдан сўнг нариги дунё бор бўлиб чиқса, ҳолим не кечади?» деб ҳечқурмаса бир марта ўйлайдилар. Абдурахим ҳам кўрқди: агар Мамай кўрнинг ҳзурига бориб, чорасини топмаса, ўз пушти камаридан бўлган бола даҳшатли шармандалик содир этиб қўйса-чи? Эл орасида—шундоқ ҳам жирканч мишмишлар, ривоятлар йўқ эмас. Эмишки, лўли-мўлтонилар ўз уйига ўлик кўмармиш, яқин кишилари билан никоҳдан ўтармиш. Ҳатто лўли номи остидаги жўги, мўлтони, мўғоти ҳинди, мазанг, Европадаги циган каби халқлар Лў ва Ли исмли ака-сингилнинг никоҳидан туғилиб, тарқалганмиш. Шу тобда Абдурахим отасидан эшитган ривоятни эслади. Бундан минг йиллар муқаддам Ҳиндистон ёки ҳозирги Покистон ҳудудида мавжуд бўлган бир шаҳарга душман ҳужум қилибди. Бир бола ва синглиси қочишга улгурибди. Улар боши оққан томонга кетаверишибди. Кейин улкан шаҳарда бир-бирини йўқотиб қўйишибди. Орадан ўн беш йил ўтиб, ҳинд ерида

учрашиб қолишибди, аммо ака ўз синглисини, сингил ўз акасини танимабди. Ўртада муҳаббат пайдо бўлиб, турмуш қуришибди. Ўн битта фарзанд дунёга келибди. Кунларнинг бирида қирғин қилинган она шаҳрида омон қолган бир кароматгўй гадо ўтиб кетаётиб, Лўни ҳам, Лилини ҳам танибди. Уларнинг оила қурганини, бир этак фарзанди борлигини кўриб, эздан оғаёзибди. «Ахир, икковинг ака-сингилсан-ку!» деб фарёд урибди. Шу-шу Лў ва Ли оиласи иснодга чидаёлмай олис юртларга бош олиб кетишибди. Ака-сингилдан тарқалган бу қавм Лў ва Ли болалари, яъни лўлилар деб аталибди. Улардан ҳамма ўзини олиб қочар, қиз бериб, қиз олмас, паст назар билан қараркан. Фақат йигирманчи асрга келибгина улар бошқа халқлар сафидан жой олишибди. Отаси бир нарсани фахр билан айтиб бергандики, Иккинчи жаҳон урушида Москва шаҳрини мудофаа қилиш учун таркибида асосан Самарқанд, Бухоро, Қўқон лўлилари бўлган бир рота тузилган экан. Командир уларга: «Агар Гитлер газандалари енгса, биринчи галда сиз — лўлиларнинг хотин, бола-чақаларингни печка тиқиб, тириклай ёқиб юборишади!» деган экан. Қақшатқич жангларда лўли йигитлар бир қадам ҳам чекинмабди, ротадаги бирорта лўли тирик қолмабди. Уларнинг қаҳрамонликлари ҳақида урушдан кейин Ўзбекистондан чиққан лўли олимлар ўз китобларида алоҳида таъкидлаб ўтган экан.

«Наҳотки, биз ака-сингилнинг болалари бўлсак?» — сўраган эди Абдураҳим хафа бўлиб.

«Асло, — деб жавоб берганди отаси, — бу бир ривоят, ривоятларнинг эса ёлғони кўп бўлади. Самарқанд шаҳрининг номи Самар ва Қанд деган севишганларнинг шарафига қўйилган деган ривоят бор, лекин тарих китобда ўқигансан, юнонча «Смараканса» деган сўзнинг тилимизга мослашиб кетганидир. Лў ва Ли ҳақида ҳам кимдир тўқиган. Биз бошқа миллат, жўги бошқа, ҳеч бири ака-сингилдан тарқамаган. Лўли деган ном араблар билан боғлиқ. Қадимги Мўлтон шаҳри яқинида Рур

шаҳри бўлган. Араблар босиб олгач, бу шаҳарликларни «ал-Рури» деб атаган. Тилга мослаштириш учун бошқалар «алрўри», кейинчалик «аллўли», охир-оқибат «лўли» деган номни келтириб чиқарганлар. Ўша ёқдан келган мўлтонию жўгиларни бошқа халқлар битта ном билан «лўли» деб қўя қолишган. Мана, биз — мўлтониларни оддий халқ «мўлтони» деб тўғри айтишади, лекин китоб ёзадиганлар лўлилар сафига киргизиб қўйишади. Сен ўзингни ҳеч қачон лўли деб ҳисоблама, болам. Сен Мўлтон фарзандисан! Мўлтони бўлиб туғилгансан, мўлтонилигингча қоласан! Бошқа халқдан қиз олсанг ҳам, аммо қиз берма. Иложи бўлса, уруғни, сулолани бузма, ўзимиздан уйлан...»

Абдураҳим тоғасининг уйи орқасида қадамини янада секинлатди. У отасини норози қилмади, Шарифага уйланиши уруғни бузиш деб ҳисобланганда ҳам, алалхусус, уруғ бузилмади: келин бефарзанд ўтди, шафқатсизларча ўлдирилди. Ҳақиқий мўлтони қиз — Заринани никоҳлаб олганда эса Мамай кўрдан машъум мактуб келди: «...бу никоҳдан туғилган бола ўз онасига уйланади!...»

Зарина хавотир билан йўл қараб ўтирган экан, кўзи тушган заҳоти сари ёпиниб, югурганча пешвоз чиқди. Сарини уялганидан эмас, бир умр орзу қилгани учун ёпингани сезилиб турарди.

— Гаплашдим, — деди Абдураҳим. — Ҳеч гап бўлмади деб ҳисоблайвер, Зарина.

— Қўяверинг, борганингиз яхши бўлди. Жуда чарчабсиз-а?

— Итдай.

— Мамай бобонинг бир каромати бўлмаганида фолбин, авлиё деб ном чиқарармиди? Тилини топдингизми, ишқилиб?

Абдураҳим енгил қўл силкиб, ичкарилади.

— Сизга бахтсизлик келтирмайман, қолган-қутган қора хаёлларни ҳам кўнглингиздан чиқариб ташланг, — ортидан шошиб кириб сўзлади Зарина. — Энг аввало, менга ишонишингиз керак.

— Ким сени бахтсизлик келтиради, деди? — қарамасдан сўради Абдураҳим.

— Мактубдан сўнг нариги хонага чиқиб ётдингиз, бунини бошқа қандай тушуниш мумкин?.. Биламан, сизга ҳам осон эмас.

Абдураҳим бурилиб қаради.

— Бугун илк никоҳ оқшомимиз, фақат яхши гаплардан гаплашайлик, майлими?

Кечаси мўлтони янгалар айвонда гужурлашди. Улар муқаддам уйланган эркак ва қари қизнинг никоҳ кечасини муҳокама қилмоқда эдилар. Ҳеч кетаверишмагач, Абдураҳим чиқиб, ўжарлик билан қувиб юборди.

— Нега янгаларга қўполлик қиласиз? — кулди Зарина.
— Эшик зулфини яхши ёпилмас экан, ундан кўра “отвёртка”ни олиб, тузатинг уни.

— Ҳеч ким кириб қолмайди, гапни бурма.

— Бахудо, Абди ака, гапни буряпманми? Сизга ҳали бир марта ҳам иш букурганим йўқ, додламанг ҳалитдан.

— Энди умрбод меникисан, — шамни ўчириб, келинни қучди Абдураҳим, — бизнинг висолимизга халақит берадиган ҳеч нима йўқ. Зарина, энди дунёни сув босмайдими, биз биргамиз...

— Э, нари туринг. Аввал эшикни...

— Нега битта гапни такрорлаб қолдинг-а?! Шунча йил мени куғиб яшагансан-ку! Қачон Абди акам келиб, менга уйланади...

— Иби, мени эрсираган гумон қиляпсизми? Бачкана! Хайр, бугун мен нариги хонага...

Улар қиқирлашиб, полни гурсиллатганча хонани айланиб қувлашишди. Кейин отбоқар ўз ёрига етиб олиб, маҳкам бағрига босди, бўсаларга қўмиб ташлади. Хотини ўлган эркак ва салкам ўн йилдирки, турмуш қуришни истаб яшаган қиздан қоронғи тунда, тўйдан кейин бундай шўхликни кутиш мумкин эди, қолаверса, висол онлари бу қишлоқда шўхликдан бошланиб, шўхлик билан якунланарди.

— Сени ҳақиқий мўлтонилардек севаман, — деди эҳтиросли оҳангда Абдурахим.

— Мана, энди ҳақиқий хотин олдингиз, — жавобан Зарина марҳума кундошига иддао қилди.

— Отам айтган: шоҳ билан салтанат тахт бўлади, икки мўлтони бирикса, бахт бўлади.

Куриган дарахт шоҳида яна бойўғли сайради. Мўлтони янгалар эшик тагига бориб, ичкарига қулоқ солишди. Дастлаб кулги, кейин дупур-дупур қувлашмачоқ эшитилгач, Абдурахимдан буни кутмаган чоғи, улар кўз уриштириб, ёқа ушлашди, кулгидан ўзларини зўрға тийдилар.

— Мен деразадан пойлайман, — пичирлади бири.

У оёқ учида айвондан чиқиб, уй орқасига ўтди. Эндигина деразага қулоқ тутган ҳам эдики. ҳовли этагидаги жийдалар томонда куриган чўпнинг қирсиллаб сингани эшитилди. Бойўғли сайрашдан тўхтаб, учиб кетди.

— Нима бало, эшак бўшалганми? — деди янга ўзига ўзи ва ўгирилиб қаради. Қараган заҳоти яқинлашиб келаятган одам шарпасини кўрди. Шарпа ҳам уни пайқаб, таққа тўхтади. Мўлтони янга деворга қапишди-қолди. Негаки, шарпа бошдан-оёқ узун қора ёпинчиқ ёпиниб, қўлига каттакон ҳасса ушлаб олганди. Қоронғи кеча бўлишига қарамай, кўзлари йилтирагандек туюлди. Янга ўзини айвонга урди. аммо айвондаги янгалар нариги хоналарга киришганми, уй-уйига тарқалиб кетишганми, ҳеч ким йўқ эди.

— Арвоҳ... арвоҳ... — деди янга ва келин-куёвнинг эшигини беихтиёр бир тортган эди, очилиб кетди. Зарина қичқириб юборди. Абдурахим даставвал бэфаросат янгани сўкиб берди, лекин гапини тинглагач, ёлкасига чопон ташлаб, чопиб чиқди. Жийдалар атрофида ҳам, кўчада ҳам одам зоти кўринмас эди.

— Аёлмиди у? — асабий ҳолда сўради янгадан.

— Билмасам... Қари кишига ўхшади. Каттакон ҳассаси бор... Ёпинчиқ ёпинган...

Абдурахим сув олиб, ютоқиб ичди.

— Лаънатилар, — деди, холос.

Шу кеча олис Маййит қишлоғидаги қабристонда қашқир увлади. Кун совиб, қашқирлар қишлоқ атрофини кезадиган вақт бўлибди, деб уйлашди одамлар.

II БОБ

Эртасига Абдурахим кеч уйғонди. Уйқудан кўз очиши шунчалар қийин кечдики, қўлларини кўтаришга ҳоли йўқ эди. Гарчи кечаси кичик бир нохуш воқеа содир бўлган эса-да, анча вақтдан бери, ҳатто хотини ҳаётлигида ҳам бунчалик ором олиб ухламаганди. Зарина ҳар доимгидан хийла тетик, хийла хушчақчақ эди. Бир қараса, қўшни янгалар билан пичирлашади, бир қараса, уй юмушларига муккасидан кетиб, уй соҳибасига — тоғанинг хотинига кўмаклашади. Абдурахим ташқарига чиққан киши бўлди-да, яна куёвлик уйига қайтиб, уйқуга уриб кетди.

Об-ҳавонинг нобоплиги руҳиятига салбий таъсир этадиган Ашраф полвон бугун ўзини бардам ҳис этиб, ўтган кунги тўй ҳақида хотинига, ўз таъбири билан айтганда, кампирига гап қотди. Хотин “Эримнинг жияни баҳорда ростдан уй қуриб кўчиб кета олармикан, йўқми?” деган шубҳада эди. “Э, тўйни қўйинг, дадаси, жиянингиз ҳеч қаерда ишламаса, қандай уй қуради, ҳайронман”, — деди.

— Абдига ишонаман, — томоқ қирди Ашраф полвон. — Биласанми, у ҳақда қандай миш-мишлар бор?

— Йўқ.

— Ҳазина топиб олганмиш. Лекин жияннинг ўзи ёмон маҳкам-да, миқ этмайди.

— Мен ҳам шу ҳақида гапиргандим, оғзимга ургандиларингиз. Ҳазина ҳақида қаердан эшита қолдингиз?

— Одамлар гапиришяпти. Ҳеч вақоси қолмаган одам тўй қилади-ю, гапиришмайдимми?!

— Қанақа хазина экан у? — сабрсизланди хотини. — Худо раҳмат қилгур Шарифани тилла учун ўлдиришган дегандим-а!

— Яна бир миш-миш қулоғимга чалинди, сал ишонарлироқ. Хотини, хуллас, банг наша эккан эмиш. Наша эктирганлар ўлдириб кетган бўлиши ҳам мўмкин экан. Мўлтониларнинг қишлоғига наша эктирадиган ўзбеклар ҳақида мендан яхши биласан. Ўтган йили синглингнинг қайниси қўлга тушиб, бизникига ҳам “участкавой” келиб, бошимизни қотирганди. Балки Абдида хотинининг пули қолгандир? Жиян аввалдан пул топишни билмасди, отбоқарлик, молбоқарлик қилиб, арзимас пул ишлаб юарди.

— Кеча кечаси қўшнининг келини кўрган шарпанинг Абдига алоқаси йўқмикан? — деди хотини.

— Ким билади.

— Тиллами, нашами, бизга ҳам касофати урмаса эди. Тезроқ булардан қутулиш чорасини ўйланг, хўжайин... Ёки “улуш”га бизни ҳам қўшсин, нима дедингиз? Бекорга балого қолгандан кўра, пулини олиб балого қолган яхшимасми?

— Нафасингни иссиқ қил-э, аҳмоқ!

— Аниқ қарорга келинг.

— Сен аввал икковининг ҳам оғзини ҳидлаб кўр, — деди Ашраф полвон.

Эркак ва аёл ўртасидаги ишқий муносабатлар, яъниким “эр-хотин иши” ошқора гапирилмайдиган ҳодиса бўлганидек, баайни лўлиларда ҳам ҳар кимга айтилмас эди. Бироқ бошқа халқларда бўлгани каби бу ҳодисага бефарқ қаралмас, қанчалик ошқора гапирилмас экан, шунчалик махфий ҳам эмас эди. Хотинлар гоҳ билиб, гоҳ билмай бир-бирига ўз оилавий сирларини айтар, маслаҳат бериб, маслаҳат олишарди. “Ёнига кирмагунимча ухламайди, жуда яхши кўради”, деб мақтанарди бири. “Куёвлигида ҳам эркаларди, ҳозир ҳам”, дерди бошқаси. Айримлари содда эди, қолаверса, хотинини севмайдиганлар лўлилар орасида ҳам исталганча топиларди. Шундайлар бефарқ эрига ўпкалаб, қўшни хотинларнинг “ишқнома”сини етказар, шу тариқа бировларнинг оилавий сирлари

эркаклар орасида ёйилиб кетарди. Абдурахим буни жуда яхши биларди, Заринага илк тўй кечасида келган кампир туфайли висол онлари қолдирилганини ҳеч кимга айтмасликни қаттиқ тайинлади. Айниқса, янги келинлардан янгалар, сирдошлар катта қизиқсиниш билан сўраши муқаррар. Абдурахим на эркак, на аёл хабар топишини истарди. Бироқ хотин барибир панд берди.

— Биринчи куни нима бўлганди? Нега нариги хонада ётди? — полвоннинг хотини яна Заринанинг қўнига қўл солди.

— “Принципи” шунақа экан, янга, — Зарина ёлгон тўқишга уринди. — Биринчи куни келин бегона уйга кўникиши керакмиш.

— Ишонмайман, — шивирлади хотин. — Нега дейсизми?

— Нега? — ҳадиксираб қаради Зарина.

— Ўртада биров борга ўхшайди. Хафа бўлманг-ку-я, у аёл киши ҳам бўлиши мумкин.

— Қанақа аёл? Жиннимисиз, янга?

— Кеча айланиб юрган қора шарпа аёл экан, кавуш изларини ҳам кўрдик. У кимга келган бўлиши мумкин? Менимча, Абдидан бошқа ҳеч кимга! Лекин кундош-пундош деган хаёлга борманг, келинпошша, у анча қари. Секин сўраб кўринг-да, Абди уни танийдиган бўлиб чиқади. Бир гапи бўлмаса, шудгорда қуйруқ на қилур.

— Зарилми! Сўрамайман.

— Нега ярим кечаси келганига ҳайронман-да. Бирор гапи борми, соғми ўзи у?

— Ўшанга жуда ёпишиб олдингиз-да. Биронта ўғри-пўғри юргандир.

— Эр тутиш осонмас, Зарина, сўранг дегандан кейин сўранг. Абдини сиз тугул биз яхши билмаймиз. Бизникига келган кунлари қўйлагининг этагига ручка билан бўяб ёзилган арабча ёзувни кўрганман. Бир тийини йўқлигини ҳам билардик. Тўйга бир кунда пул топиб келди. Кечаги воқеалар, пул, арабча ёзув — унинг нимасидир борлигини билдиради. Эр билан ҳазил қилманг.

— Яна бир хотини бор демоқчимисиз?

— Йўғ-а! Яна бир хотини бўлса, устимга хотин ол, деб пул бериб юборадими?! Ўғри-пўғриларгами, нашафурушларгами, террорчиларгами қўшилмаганмикан? Шундан қўрқаман. Қайнимдан худди қандайдир кучли жиноий гуруҳ шафқат қилмай ўч олган деган хаёлга боради одам. Худо-ё тавба қилдим, ҳатто уйига ўт қўйиб, мол-қўйларини ҳам қириб юборишди-я!

— Мол-қўйларини ўлдирганлар ушланди-ку. Улар ҳар ёзда от-аравада кўчманчилик қилиб, ота-боболарининг урфини бажарадиган Зарзар деган жамоа лўливаччалари.

— Балки лўливаччаларнинг қўли билан бажаргандир? Телевизорда айтишди, энг катта жиноятчилар бирорта жиноятни ўз қўли билан қилмас экан. Алдайди-аврайди, ўзига ром қилиб олади.

— Гапнингизга умуман тушунмадим, янга. Жиноий гуруҳ деяпсиз, ўшалар уйланишга пул берганми ё уйига ўт қўйиб, ўчини олганми?

Тоғанинг хотини кўзларини ола-кула қилиб деди:

— Нима бўлганда ҳам, Мамай фолбинга боринг, Заринахон, ҳаммасини аниқлайсиз. Абди ҳам ўша кўрга бориб...

— Хабарингиз бор экан-ку?! — аччиқланди Зарина.

— Нимадан хабарим бор?

— Кеча Абдурахим акам Мамай кўрнинг олдига борганди.

— Ўлай агар, бундан беҳабар эдим.

Мамай кўр ва Абдурахимнинг никоҳ кечаси ҳақидаги миш-миш тез орада қишлоқ оралаб қолди. Арвоҳсифат шарпани Хотин кўли атрофида, қабристон йўлида кўрганлар топилди. Айримлар “Абди отбоқарни Худо қарғаган, иккинчи оиласига ҳам касофат уради”, деб ваҳима кўтаришди. Тўйнинг қирқинчи куни, анча вақтдан буён безовта қилмаган терговчи қишлоққа — Ашраф полвонникига келди. Кун совуқ, ҳадемай қор ёғгудай, осмон булутли эди.

— Ичкарига кирмайман, — деди терговчи. — Машинада гаплашамиз.

— Менга янгиликлар йўқми? — сўради Абдурахим ҳорғин ҳолда. — Кўринишингизга қараганда, “иш” уша-уша.

— Уч лўли ҳақида кимдан эшитгансиз?

— Қотиллар ҳақидами?

— Улар ҳозирча қотил эмас, гумондор. Хўш, кимдан эшитиб, Мамай бобо олдига боргансиз?

Абдурахим жийдазорда ичган қасамини эслади: Заринанинг исмини тилга олишга ҳаққи йўқ эди.

— Ростини айтишга уялгандим. Сизга қанчалик ғалати туюлмасин, мен уни, тўғриси, тушимда кўргандим.

Терговчи мийиғида кулиб, деразадан туфлади.

— Лўли бобонгиз каби сизда ҳам илоҳий куч-қудрат бор экан-да? Балки ростини айтсангиз, калит топилармиди?

Абдурахим оғир бош чайқади, “ҳақиқатни гапирдим”, демоқчи бўлди.

— Мамай бобо билан кеча ҳам гаплашдим, — деди терговчи, — ундан фойда йўқ.

— Ҳа, ундан кўпроқ зарар кўриш мумкин, — деди жавобан Абдурахим.

— Кеча зарар кўриш учун бормагандирсиз? Ундан айнан менга фойда йўқ, демоқчи эдим. Бояқиш тўқсонга кираяпти, эси кирди-чиқди бўп қолибди. Шу ҳолида сизга нима “каромат” кўрсатаётган экан-а?

— Мен тушга ҳам, фолга ҳам ишонаман, истаган вақтда бораман. Масалан, кеча ҳам тушим сабабли учрашиб келдим. Сиз-чи? Нега Жўгидоно атрофида айланишаяпсиз? Агар миш-мишларга, фол-полларга қараб иш тутаман десангиз, одамлар нималар демайди. Катта-катта хатоларга йўл қўйишингиз ҳеч гапмас.

— Уйланиш учун бир кунда ярим халта пул топиб келганингиз ҳақидаги мишмишлар қизиқтириб қўйди. Узр, ишонмай десам, чиндан ҳам кутилмаганда тўй қилдингиз. Баҳорла уй ҳам қурмоқчисиз.

— Йиғиб қўйган пулим бор эди.

— Марҳума хотинингиз билармиди ўша пулларни?

Абдурахим гап қаёққа қараб кетаётганини тусмоллади, аммо аниқ нишонни аниқлаёлмай, “мен ундан қанча пулим борлигини яширмаганман”, деди.

— У ҳам топган пулидан ғазнага кўшармиди? — сўради терговчи.

— Ҳеч қаерда ишламасди, қаердан пул топсин, — деди Абдурахим.

Терговчи чўнтагидан клёнка халтача чиқариб, ичидаги хасга ишора қилди.

— Бу нима эканини биласизми?

Абдурахим нашани таниди.

— Биладан, ака.

— Айниқса, қишлоғингиздаги мўлтониларга яхши таниш гиёҳ, шу жумладан, марҳума хотинингизга ҳам. “Халқ оғзаки ижоди”нинг бир бобида хотинингиз наша экиш билан шуғуллангани ҳақида ҳикоят бор экан.

— Бўлмаган гап, — Абдурахим аччиқ нарса еб қўйган каби афтини буриштирди, — биз бунақа номаъқулчилик билан шуғулланмаганмиз, Худо ҳаққи.

— Ҳовлингизнинг харобаларини обдон текшириб, бир чимдим афғони наша қолдиқларини топдик. Кўраяпсиз, бугун топдик, тергов ҳам бу масалада бугун бошланиб турган жойи. Уйланиш учун сарфлаган пулингиз ҳақида идорада батафсил ёзма равишда тушунтиришингизга тўғри келади.

— Мен нашафуруш эмасман! — кўксига муштлади Абдурахим. — Тўхмат қилиш навбати энди сизга келдими? Ўзимни ўлдирсам, қутуламанми бу ғавғолардан!

— Ўпкангизни босинг. Ҳеч ким сизни нашафурушликда айблаётгани йўқ. Кимдир мўлтонилар қишлоғини қулай санаб, афғони наша эктирган ва ўша эккан аёл сизнинг марҳума хотинингиз бўлиб чиқаяпти. Демак, қотиллар афсонавий қора отда келган афсонавий уч лўливачча эмас, наша эктирган жиноятчи ёки жиний гуруҳ деган тахминим бор. Тез орада аниқлаймиз. Ўзингизни

четга тортганингиз сайин шунчалик жарлик томон силжиб бораверасиз, Абдурахим. Битта далил билан жабрланувчидан жиноятчига айланиб қолишингизни ўйлаб кўринг. Наҳотки, битта далил топилмаса?!

Абдурахимни ўзининг туманидаги милиция бўлимига олиб кетишди. Уч кун қолди ўша ерда. У хотинининг ёнига келиб-кетиб юрган бегона эркак-аёлларни кўрмаган, эшитмаган эди. Аниқланишича, Шарифа бир йилдан буён ҳар жума кунни туман марказига қатнаган ва бу одатини ҳеч қачон қанда қилмаган. Абдурахим терговда: “У газета олиб келарди”, деди. Бироқ терговчи газета ва журналлар баҳона эканини, чунки обуна яхши йўлга қўйилганини, Шарифа ким биландир махфий олди-берди қилганини айтди.

Салай раисни учратаманми, йўқми, деб ўйлаганди. Иккиси йўлакда юзма-юз келишди. “Уйланибсан, табриклайман”, деди собиқ хўжайин. “Хотинингни эҳтиёт қил, — деди Абдурахим алам билан. — Менга ўхшаган бола туғса, ўзингдан гина қил, уқдингми?” Бунга жавобан раис кўчадан эшитган бир гапни айтди: “Биласанми, нега мўлтони билан турмуш қуриш яхшимас? Олимларнинг аниқлашича, лўлилардаги генлар билан бошқа халқлардаги генлар яхши чатишмайди. Натижада ўртада туғилган боланинг иммунитетини паст бўлади, СПИДга чалиниши ҳам осон. Буни хотинимга минг марта айтганман...”

Абдурахим қор кечиб, уйга натижасиз қайтиб келди-ю, Заринага деди:

— Шарифа ҳовлимга наша эккан экан. Уни нашафурушлар ўлдирган бўлиб чиқади шекилли. Агар рози бўлсанг, Россияга кетсак. Қулоғимиз ҳам тинчирди-да.

— Қорнимда болам бор, кетолмайман, — рад этди Зарина.

— Тўйимизга бир ҳафта ҳам бўлмади-ку, қандай била қолдинг? — деди Абдурахим совуқ оҳангда.

— Нима дедингиз? — Зарина ялт этиб қаради.

— Тўғри тушун, бир ҳафта ҳам...

— Йўқ, гап бир ҳафта-икки ҳафтада эмас! Ҳайрон қоляяпман, шу гапни сиз айтаяписизми?!

Абдурахим “нега эзмаланасан?” маъносида қараб қўйди.

— Шунча йил турмуш қуриб, фарзанд кўрмадингиз. Тирноққа зор инсон дўпписини осмонга отади, деб ўйласам... Нима жин уриб, бефарқсиз?! Кўксингизда уриб турган юракми ё бир парча тош?!

Заринанинг хушхабаридан сўнг “Мамай, кўрнинг амрини бажо келтиришга шошилиш керак” деган ўй кўнглига тушди. Оғилхонадаги тилла пичоқни уйга олиб кириб, эшик-деразани бекитди-да, дастадаги иккинчи бўлакни кесди. Салмоқлаб кўрди: агар бу бўлакни ҳам тиш шифокори Толибга сотса; борми!..

Шаргта ўрнидан туриб, пичоқни бекитди-да, кўлга жўнади. Оёғи тагида қор гичирлаб, тунги аёз бурнини чимчилар, атрофда қилт этган тирик жон кўринмас эди. Қор кўл соҳилларинини кучиб, бўса олиб ётарди. Қорамтир кўл саҳни Абдурахим яқинлашиши билан жимирлади, балиқлар рақсга тушган каби сув шалоп-шалоп этди. Кичик мавжлар қирғоққа урилди. Кўкдаги бодроқ юлдузлар акс этган сувга термилиб қолган Абдурахим тилла бўлакчасини маҳкам қисди. Кейин қизалоқ юзини акс эттирган шаклни бошмалдоғи ила сийпалаб, бирпас турди-да:

— Балойи қазолар сен билан бирга даф бўлсин, — деб отиб юборди.

Аждодлар пичоғининг иккинчи бўлаги кўздан йўқолди: гўё бир неча сония муаллақ тургандек сув шалоплашидан ҳадеганда дарак бўлмади. Абдурахим ҳайрат измида кўзларини катта-катта очган ҳам эдики, атиги уч-тўрт қадам наридан чўлп этган овоз эшитилди. Олисга отдим дегани шунча яқинга тушди-я!

Шу кўйи бутун борлиқ яна сукунатга чўмди. Абдурахим кўкка тикилиб; чуқур нафас олди. Юлдузлар милтиллаб нур сочмоқда. Мамай кўр айтганидек, бу кўринган манзара тинимсиз айланиб турган улкан коинот гирдоби.

Гирдоб тубида инсон мияси бор. Агар мия бўлмаганида эди, унинг учун коинот ҳам бўлмасди, худди имон-этиқодсиз инсон учун Худо йўқлиги каби.

“Ҳаётда мен тушунмаган жумбоқлар кўп, — деб ичида гапирди у. — Чанга пичоғининг бир бўлагини кесиб, сотдим. Уша бўлакка ўғил бола қиёфаси туширилган эди. Агар қоронғи кечада, оғилхонада қиз бола қиёфасидаги бўртмани кесганимда-чи? У менга... Тавба-тавба, дунёнинг чиркинлигидан ўз паноҳингда асра, эй Худо!.. Барибир ҳайронман. Бу бир тилла бўлаги бўлса, на жони, на илоҳий куч-қудрати бор. Нега энди ҳали туғилмаган болага таъсир ўтказа олади? Миясиз одам борлиқни ҳис этолмаганидек, имонсиз ҳам Худони танимайди. Мен-чи? Нима йўқки, Мамай кўр кўра олаётган ҳақиқат менга қоронғи? Ё буларнинг бари ёлғонми? У ҳолда Мамай кўр кучли айғоқчиларга эга маккор жиноятчи экан-да? Бу жумбоқларни аслида минг йилдан бери бирор одам ечолмаган бўлса, менга — оддий отбоқар мўлтонига йўл бўлсин...”

Тубида олтин бўлаги ётган кўл ортда қолди. Абдураҳим болалигидан бери фолбину кушночларга, мунажжимлар башоратию тушлар таъбирига ишонч руҳида улғайганди. Бироқ исталган вақтда, исталган фолга ишонмас эди. Олимларни-да ўйга толдирган ҳодисот: айрим фолбинлар илм-фанга номаълум сабабларга кўра чиндан-да каромат кўрсата олишарди. Кўплаб танқиду қарғишларга қолган ҳолат эса шу эдики, айримлари бозорларда ёинки уйма-уй юриб, одамларни алдаш билан бойлик орттиришарди. Абдураҳимнинг аниқ эсида: ўн бир ёшларида машҳур бир лўли фолбинни кига боришганида, фолбин: “Бу бача умрида биринчи марта фолга келиши”, деган эди. Агар ҳамма фолбинлар ёлғончи бўлса, у қандай қилиб билди? Боз устига Абдураҳимнинг одатларини, хусусан, одамовилигини, камгаплигини, кўп асабийлашишини, тиришқоқлигини қай сабабларга кўра тўғри айтиб берди?

Шу важлардан ҳам жабрдийда отбоқар яна ғам-алам

ёғилишидан огоҳ этилгандаёқ Мамай кўрдан нафратлана туриб, айтганини бажо келтирди. Энди бу тилла бўлаги кўл тубида юз йиллар давомида ётса керак. Уни кимдир топиб олиб, ўз фойдасига ишлатиб юборганида, эҳтимол, бу дунёда Абдураҳим ҳам, Зарина ҳам йўқ бўлар.

“Иримини қилиб қўйсанг, кўнгил хотиржам”, деди Абдураҳим ўзига ўзи.

Кейин чеккиси келди. Сигарета олиб, тутатди. Ногаҳон турган аччиқ шамол туфайли кўл томон юз буриб, қайта гугурт ёқди.

— У-ҳ-ҳ-ҳ... — деб тутун пуфлади. Шунда ҳозиргина гугурт оловидан қамашган кўзлари чошиб кетаётган қора мавжудотни пайқади. Назарида, у ё баҳайбат ит, ё айиқ эди. Ҳатто тўрт оёқлаб, бесўнақай алфозда чопаётган гориллани ҳам эслатди. Бироқ совуқ, қорли кечада, Ўрта Осиёнинг қоқ марказида Африка маймуни нима қилсин?

Юраги “шиғ” этган Абдураҳим ҳозиргина ўзи из қолдирган йўлакни кўндалангига кесиб, дўнглик ортида ғойиб бўлган шарпа ҳақида минг хил хаёлга бориб, қадамини тезлатди. Бундан йигирма йил муқаддам шу атрофда бўрилар икки қизни еб кетишгани ҳақида кўп марталаб эшитганди. Балки бўридир?

Қишлоқда чироқ ўчди. Тоғасиникига келиб, зулмат қоплаган фойсиз ҳовлига бир муддат тикилиб қолди. Зарина рози бўлганида, бу ерлардан олис-олисларга кетиб, ўзгача ҳаёт бошламоқчи эди. Кимдир таъқиб этаётганини, ҳаётига яна чанг солишга тадорик кўраётганини сезиб яшаш азоб эди унга. Куёвлик уйи эшигини очиб, печка қопқасидан таралаётган хира шуълани кўрди. Печкага солинган хўл ўтин писиллаб ёнмоқда, сув тўла челак ҳам ҳазин товуш билан қайнаш арафасида эди.

— Қаёқда эдингиз? — сўради Зарина кўрпадан бош чиқариб.

— Айланиб келдим.

— Шундай совуқда-я? — ишонмади келинчак. — Ёлғон гапирманг.

— Одатларимга сен тугул, ўзим ҳам ҳайрон қоламан, Зари. Айланиб келдим, дедимми, айланиб келган бўламан. Бу сенга ғалати туюлса ҳам, менга ғалати эмас.

— Шундай совуқдами, деяпман...

— Илтимос, — Абдурахим чопонини ечди. — Тинчгина ухлай. Асаббузарликнинг кимга кераги бор?!

— Тоғангиз билан биргамидингиз?

— Нега энди тоғам билан?.. Ёлғиз эдим.

Улар бир-бирининг оғушида сукут сақлаб ётишди. Бугун Заринадан анқийётган хушбўй атир ҳар кунгидан-да кучлироқ эди.

— Нега ундай хаёлга бординг? — сўради Абдурахим.

— Қандай хаёлга?

— Нима учун тоғам билан кечаси айланишга чиқар эканман?

Зарина қоп-қора кўзларини катта-катта очди.

— Ҳеч келавермаганингиздан сўнг эшикни қулфлаб, тўшак солдим. Кимдир уй олдидан пусиб ўтгандек бўлди. Зулфинни яна бир текшириб, секин деразадан мўраласам, тоғангиз қудуқ ёнида қаққайиб турибди. Осмонга тикилиб қолган. Юрагим ёмон ёрилди, Абдурахим ака.

— Жасур қиз эдинг-ку, энди эса ҳатто нос туфлашга чиққан одамдан ҳам қўрқадиган бўлиб қолдингми?

— Осмонга қараб нос туфламайди-ку, жинни!

Иккови кулишди. Абдурахим кўл бўйида ўзи ҳам осмонга тикилганини, Мамай кўр айтган коинот гирдобини ҳис этганини ўйлаб, жиддий тортди.

— Бир нарса сўрасам, тўғриси айтасизми? — деди Зарина. — Балки алдамоқчи бўларсиз, лекин шуни унутмангки, эркакка мардлик, ростгўйлик ярашади. Мен билан бир ёстикқа бош қўйдингизми, сир яшириб, ўзингизни беобрў қилманг.

— Нима демоқчисан?

— Тўй учун пулни қаердан олганингизни айтинг.

Абдурахим таажжуб ичра келинчакнинг гапини такрорлади:

— Тўй учун пулни қаердан олганингизни айтинг?!

— Ҳа, фақат ростини. Миш-мишларни эшитиб, ўйланиб қолдим.

— Битта сең қолгандинг сўрамаган, Зарина! Наҳотки, миш-мишларга ишонсанг?! Сендан деярли ҳеч қандай сир яширмаганман.

— Деярли деганингиз нимаси? — Зарина тирсагига таяниб, гавдасини кўтарган эди, сочи шаршарадек ёйилди.

— Ўша мишмишларнинг нимасидир рост, шундайми, йўқми?

— Биласанми, ҳатто милицияда ҳам миш-мишлар масаласида тергов қилишди, айтдим-ку буни! Энди сенга навбат келдими? Ҳар қандай одам энг яқин сирдошига ҳам ҳамма сирини айтмайди, айтолмайди! Шунинг учун “деярли” дедим. Яна гумонларинг борми?

— Сиздан ҳамма шубҳаланаёпти. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, тоғангиз билан янгангиз ҳам!

Абдурахим пиқ этиб кулди. Шубҳа-гумон қилишда мўлтони халқига тенг келадигани топилмасди.

— Ана холос! Сен ҳам уларнинг сафига қўшилибсан-да! Кел, бир гапни айтиб кўяй, тарихни яхши ўқиганмисан?

— Нимайди? — норози қиёфада қаради Зарина.

— Мактабдаги тарих дарслигида, айнан Иккинчи жаҳон уруши ҳақидаги саҳифаларда бир-сурат-бор эди, эсла.

— Қайси бирини эслай? — тўнғиллади келинчак.

— Бир аламзада аёл кўлини баланд кўтариб турибди, орқада милтиқ найзалари. Уруш давридаги плакат шунақа бўлган. Тагига ёзилган ёзувни ҳам эсла...

Негадир Зарина шу дам Ашраф полвоннинг хотини айтган арабча ёзувни ёдга олди. Абдурахим не ваздан кўйлагига оддий ручка билан калом битган бўлса? Буни бирдан сўрамасликка аҳд қилди. Замирида жиддий синоат бор шекилли.

— “Родина мать зовет!” — деди Абдурахим. — Яқинда бир одам чет элдаги ҳажвий журналда ўша расмни кўрибди. Аёлнинг оғзига қулф қўйилганмиш. Плакат

тагига эса “Ҳеч қачон валақлама!” деб ёзилганмиш. Тушунгандирсан? Бу — ҳеч кимга ҳеч қачон бор сирингни айтма, керак-нокерак жойларда бўлар-бўлмас гапларни гапираверма, дегани. Агар мен миш-мишларнинг ёлгонлигини ҳар бир одамга исботламоқчи бўлсам, бор сиримни айтишим керак. Ҳозир, совуқ кечада нега куча айланиб келганимни одатим, дедим. Лекин бу одат қайси сабабларга асосланади, айтмай қўя қолганим маъқул... Аввал ҳам оилам бор эди, фожиа кунигача бахтли эдим... Бошқа ҳеч нарса деёлмайман, Зарина...

Келинчак жимжимадор, китобий ёки узоқдан бошланадиган гапларни ёқтирмас эди. Тескари бурилиб ётаркан, Абдураҳимдан ичида ўпкалади. Абдураҳим эса шифтга термулганча шу кеча тонггача кўз илмади. Заринани севмас эди. Унга нафақат анча-мунча сирларини, балки энг кичик сирни-да айтишни истамасди.

Орадан ойлар ўтиб, баҳор ҳам оқирлаб қолганида, Абдураҳим иморат кутариш учун қурилиш бошлаганида, усталарга овқат олиб келган Зарина деди:

— Иш кийимингиз йиртилиб, адо бўлибди, сандиқдаги катак-катак кўйлагингизни олиб келайми? Ҳайронман, ўша кўйлакни ҳеч киймайсиз, музей учун сақлаб кўймоқчимисиз?

— Йўғ-э, — бош чайқади Абдураҳим. — Ҳазилинг курсин сенинг! Музей эмиш-а!

— Ручка билан нима бало ёзув ёзгансиз? Кўз тегмаслик учун дуо десам, дуога ўхшамайди, қисқагина сўз.

— Қаерга ёзилган? Қанақа сўз?

Дастлаб Абдураҳимнинг эсига келмади, сўнгра бошига муздек сув қуйиб юборишгандек сесканиб тушди. Чанга пичоғидаги арабча ёзувни кўйлагининг ички томонига ҳар эҳтимолга қарши кўчириб қўйганди. Фожиали кечада Мозорёндаги лўдилар айтган афсоналардан бирида пичоқдаги битик бир сандиқ тилланинг манзили бўлиши ёки иккинчи афсонага кўра битикда исми келтирилган кишига пичоқ санчилса, лўдилар бутун дунёни эгаллаши

баён этилганди. У афсоналарда ҳақиқат яширинганига ишонса-да, ҳеч бир нарсага ишончи комил эмасди. Ёзувнинг мазмуни билан ҳам тўлиқ қизиқмади, арабчадан бохабар бирор шахсга ўқитмади. Кутилмаганда хотини шу хусусда оғиз очиб, унинг нақадар гафлатда ётганини билдириб қўйди.

— Эсингизга тушдими? Қанақа ёзув у? Бунча пешона тириштирдингиз? — тажанг бўлди Зарина.

— Дуолар китобидан олганман, — бамайлихотир оҳангда ёлғон сўзланди.

— Ўзим ҳам шунақа деб ўйлагандим, — хотини маъноли қараб қўйди.

Абдурахим дам хотинининг дўппайган қорнига, дам янги иморатнинг паҳсасига кўз ташлаб, ўйга толди. Пичоқдан айрилиб қолса, сирли ёзувдан ҳам жудо бўлмаслик учун чора кўрган — ёзувни кўйлагига кўчирган эди. Пичоқ дастасидаги ёзувни кўз олдига келтирар экан, беихтиёр чаккасини қашиди. Яхшиям, кўйлагига кўчирибди, ахир ёзув пичоқ дастасининг бир қулоғидан бошланиб, иккинчисида яқунланганди. Ўғил бола шаклидаги биринчи қулоқ тиш шифокорига пулланди, иккинчиси кўл тубида ётибди. Демак, аждодлар пичоғидаги сирли битикнинг тўлиқ ягона нусхаси сандиқдаги катак кўйлақда.

Эртасига хотинининг кўзини шамғалат қилиб, сандиқни очди.

— Ҳозирча тура турсин, — деди Абдурахим.

Ёзда висир-висир миш-мишлар гўёки дори сепилганидан кейинги ҳашаротлардек йўқолди-қолди. Қишлоқ аҳли ҳам Абдурахимга ўрганди, мавзусини эскиртирди. Бундоқ олиб қараганда, Эгарсоздаги мўлтонилар тўпори, чапани ва дарров эл бўлгучи кишилар эди.

— Зарина ҳалиям уйдами? — сўрашарди хотинлар кўчадан ўтиб кетаётган Абдурахимдан. — Ё туғруқхонага жўнатдингизми?

— Уйда.

— Худо кўчқордек ўғил берсин, илойим!

— Нима дейсиз? — энсаси қотарди Абдурахимнинг.

— Ўғил берсин, деяпмиз, ўғил берсин!.. — тишларининг оқини кўрсатиб чувиллашарди хотинлар. — Хатна тўйида ҳаммамизга битгадан кўйлак совға қиласиз, хайми?

Абдурахим бош қимирлатиб қўяр, юрагида эса башорат васвасаси тинчлик бермасди. Заринанинг ўзи ҳам ўғил тиларди. Бир куни шу ҳақда жон куйдириб гапираверган эди, Абдурахим силтаб ташлади:

— Гапларинг асабимга ўйнаяпти! Худо бергани-да, нима учун доим “ўғил, ўғил” дейсан?

— Нима, сизга ўғил ёқмайдами? Қишлоғингизда қиз фарзандни яхши кўрадилар, деб эшитгандим, чунки қалин пули оталарга ширин бўларкан.

— Нималар деб алжираяпсан? Биринчиси қиз бўлади, Зари, ҳадеб ўғил сўрайверма, бу Худога шак келтириш билан баравар.

— Бўпти, нима десангиз шу... — Кўп ўтмай Зарина яна шанғилларди: — Лекин кўнглим сезаяпти, тўнғичим ўғил! Биринчиси қиз бўлади, деб ўзингиз шак келтираяпсиз, билдингизми?

— Бехосият!

— Девона!

Уларнинг баҳс-можаросини Ашраф полвоннинг оиласи ва қўшнилари тугул кўчадаги йўловчилар ҳам эшитишарди. Бу қишлоқда ҳалим хотинларни писмиқ, қўрқоқ, овсар ҳисоблашарди. “Хотинмисан, тиллигина, жағлигина, қўл-оёғи чаққонгина бўл, ўз ҳақ-ҳуқуқингни талаб қил, нонингни бировга бериб қўйма, айниқса, бегоналарга!” деб ўргатишарди мўлтони онахонлар. Гоҳида кўчадан ўтиб кетаётган қўшни қишлоқлик ўзбеклар “Вой-бў, лўлилар бунча бақир-чақир қилишаяпти”, деб ўйлашарди.

Ниҳоят, жазирама душанба кунларининг бирида, эндигина янги уйга кўчганларида, Заринани тўлғоқ тута бошлади.

— Тоға, янгамуллом қани? — ҳовлиқиб келди Абдурахим.

— Анавини туғруқхонага олиб бориш керак!

Тоғаси бир уюм атлас, адрас, чит тўпларини санаётган эди, чўчиб тушди. Ранги хиёл оқариб, тили тутилиб, ичкарига ишора қилди. Янга ҳам ранги қув ўчганча шошилиб чиқди. Гарчи эшикни эпчиллик билан ёпган бўлса-да, Абдурахим нариги хонада ҳам бир уюм газлама ётганини кўрди.

— Тижорат бошладиларингизми? — деб сўради ҳайрон бўлиб.

— Бу йил сувнинг мазаси йўқ, деҳқончиликка қирон келди, — жавоб берди Ашраф полвон бўғриқиб.

— Кетдикми? — шимарилган энгини тушириб калишини кийди янга.

Абдурахим машина топиб келди. Заринани туман марказидаги туғруқхонага олиб боришгач, Абдурахим эшик олдида бемажол туриб қолди. Бир неча киши уни туртқйлаб ўтишса-да, жойидан жилмади. Охири унга нарироқ боришни буюришди.

— Қаёққа кетаяпсиз? — Ортидан чопиб чиқди тоғасининг хотини. — Кутинг! Балки дори-пори керак бўлиб қолса, дўхтирлар чақирар...

— Дўконда ишим бор... сигарет...

Абдурахим туғруқхонадан олислаб, дарахт тагида тўхтади. Туғруқхона эшигидан кўз узмай ўтирди. Белини ушлаган ҳомиладорлар келар, кимлардир чақалоқ кўтариб чиқар, кимлардир туғруқхона ҳовлисини тўлдириб, юқори қават деразасидан қараётган хотини билан гаплашар — ҳамма хурраму шод эди.

— Мамай кўр, сени ўлдирсам, бу машмашалар тугайдими? — пичирлади терга ботган Абдурахим. — Энг бахтиёр кунимда игна устида ўтирибман! Менинг фарзандим туғилаяпти! Ота бўлаяпман!.. Миям эса... сенинг чириган башоратинг билан банд!..

Шу пайт туғруқхона ҳовлисида қизил «Жигули» кўринди. Дарвозадан киришга ҳар кимнинг ҳам машинасига рухсат берилмаслигини Абдурахим биларди. Қандай валлават экан, деган хаёл кўнглидан лип этиб ўтди. Бошқалар

ҳозир қизиқтирмас эди, машина туғруқхона эшигини тўсиб, Абдурахимнинг хаёлини чалғитди, холос. Бироқ... бироқ шу пайт машинадан жуда ҳам таниш киши тушди. Орқа ўриндиққа энгашиб, нимадир олди. Худди Абдурахим тикилаётганини сезган каби атрофга шубҳали тарзда кўз югуртириб, туғруқхона эшигига юрди. Абдурахим уни таниди. Танидию бир сиқим тузни чайнагандек тишлари ғижирлаб, афти бужмайиб кетди. Бу одам Салай эди. Нима қилиб юрган экан?

Шунда тоғанинг хотини югуриб чиқиб, Салайга урилиб кетди. Салай лўли хотинга афтини бужмайтириб, ичкарига кирди. Кираётганида кимдир елкасига оқ халат ташлади. Абдурахим дик этиб ўрнидан турди. Бегона куч измида шахдам қадамлар ила бостириб борди. Янга соялаб ўтирганларга алланималар деб шанғиллаётган эди, Абдурахимни кўриб, бош чайқади.

— Эҳ, бу одамнинг юришини! — янга муштани муштига урди. — Қанақа одамсиз, а? Қанақа эрсиз?!

— Нима бўлди?

— Аввал суюнчини чўзинг!

— Қизми, янгамулло? — Абдурахим тоқатсизланди, икки кўзи ҳозиргина Салай, яъни биринчи хотинининг қотили деб гумон қилинган собиқ хўжайини кириб кетган йўлакда эди.

— Қиз дейди-я бу киши! Сизга қиз керакми, ўғилми? — қўлини белига тиради янга.

— Ў-ўғил... ўғилми?

— Айтмайман, — деди янга. — Ялининг! Балки эгиздир! Бир ўғил, бир қиз!

— Томингиз кетганми? Ҳазилнинг мавриди эмас!.. Э, қочинг йўлдан-е! — Абдурахим тоғасининг хотинини туртиб юбораёзиб, туғруқхонага эшиги олдидаги ҳамшира томон шошилди. — Ичкарига киришим керак!

— Мумкинмас! — Йўлини тўсди ҳамшира.

— Нега мумкинмас? Халат беринг!

Ҳамширалар эшикни ёпиб, одамнинг боши

сигадиган дарчани очик қолдиришди. Мулойим товушда тушунтиришди: туғруқхонага ота-оналар, айниқса, эркаклар киритилмайди.

— Манави машинанинг эгаси эркак эди шекилли? — деди Абдурахим.

— Ҳой! Уғил муборак бўлсин! — қичқирди янга ортидан.
— Умрим бино бўлиб бунақа одамни биринчи кўришим!
— Янга бармоғини бошига қалит қилиб буради.— Жинни!
Ўнта ўғилли бўлсангиз ҳам барибир киритмайди ичкарига!

— Бу машинанинг эгаси нега кирди? У нима қилиб юрибди бу ерда?! — Абдурахим эшикни қафти ила урди.
— Қани у?

— Э, боринг-е! — деб ҳамшира дарчани ёпиб қўйди.

Абдурахим «Жигули»нинг филдирагини бир тепиб, кўчага шошилди. Кайфияти бузилганида Салайга рўпара қелишни истамасди. У ўйлар эди: «Мен бахтлиман! Ўғилли бўлдим! Лекин ўзимни бахтсиз ҳис қиляпман!..» Ҳеч ишонгиси келмасди. Аждодлардан қолган пичоқ дастасининг иккинчи бўлагини қўлга улоқтириб, Мамай кўр тавсия этган амални бажарган бўлса-да, барибир ўғил туғилди: энг жирканч жинойтни содир этувчи авлод дунёга келди.

Ошхоналардан бирига кириб, ароқ ва сомса олди. Бир пиёла ичиб, сигарет тутатди. Бир нуқтага тикилиб, ўзига ўзи тапира бошлади:

— Ҳаммаси ёлғон!.. Арвоҳ ургурлар!.. Ёлғон!.. Ёлғон!.. Бир бўлак тилладан айрилганим қолди!.. — Кейин мияси ғовлаб кетди. — Нима ёлғон? Мамай кўрнинг тилла бўлагини қўлга отсанг, қиз туғилади, деган башоратими? Албатта ёлғон! Мана, далил: мен ўғилли бўлдим. Ўғлим келажакда жирканч жинойтга қўл уради дегани ҳам ёлғон! Ҳеч қандай жинойт қилмайди! Лаънати сассиқ, кўр чол менинг болам ҳақида бундай дейишга ҳаққи йўқ! Ҳозиргина башорати ёлғон чиқди, демак, ўғлимнинг келажаги ҳақидагиси ҳам фирт уйдирма! У тентак! У телба! Мияси суйилган! Келажакни ҳеч ким олдиндан айтиб

беролмайди... айтиб беролмайди... Бу дунёда сеҳргарлар йўқ!.. Йўқ! Нега фолларга, тақдири азалга ишонаман?.. Мен ҳам жинниман!.. Жинниман...

Оёқлари Жўгидоно қишлоғи сари юрди. Автобусдан тушганида кайфи тарқалган, аммо бадбўй ҳид ва ҳорғинлик ҳамроҳи эди. Шунга айтиш жоизки, Жўгидоно қишлоғи ва Эгарсоз ўртасида учта туман, битта йирик шаҳар бор эди. Мазкур туманлар ҳамда шаҳарда китобий қилиб айтганда лўли деб аталадиган мўлтонилар, жўгилар, мазанглар, товоқтарошлар, қора лўлилар, мўфоти ҳиндилар истиқомат қилишар, уларнинг бутун бошли қишлоқларию маҳаллалари бор эди. Албатта, фолбинлигу сеҳр-жоду қиладиганлар, авлиёсифат кишилар улар орасида йўқ эмасди. Шундай бўлса-да, Абдурахим йўл устидаги қишлоқларга тушмай, яна олис Жўгидонода қорасини кўрсатгач, қишлоқ лўлилари унга иргангандек қарай бошлашди. «Мамай бобонинг бош оғриғи келди, — дейишди. — Фалокат босган бу одамга иложи борича рўпара бўлмаслик керак, Элчи хотиндан ҳам ёмон эмиш...»

Бу гал бобо ҳовлисидаги ит ҳурди, лекин Абдурахим парво этар аҳволда эмасди.

— Авлиёмиз тирикми? — деб бўйчан боладан, яъниким Файзижондан сўради.

— Ким?

— Бобонг-да, ким бўларди, — уйга қараб юрди Абдурахим. — Мени кўрсанг ҳаммангнинг аллергияларинг кўзгайдиган бўлиб қолдимми? Сенларга кўзим учиб тургани йўқ. Исминг Файзулла эдимми?

— Файзижон.

— «Жон»инг ҳам борми? Чаккимас.

— Сизни танидим, ака, бугун ҳам жанжал қилишга келдингизми?

— Жанжалдан ҳам катта иш қиламан, яна саволларинг борми?

— Фолимга ишон деб бобом мажбурламайдилар. Аввал ўзингизга боқинг, билдингиз?

— Бошқа пайт бўлганида, қулоғинг тагида шавла қайнатардим, тирранча!

Абдурахим бола билан гап талашиб заҳарханда гапларни оғзидан қўймай Мамай кўрнинг хонасига бостириб борди. Чол исериқ исига тўлган хона тўрида бир бурда бўлиб ётарди. Абдурахим кирган маҳал чивинларнинг гингиллаган овози эшитилди. Деразага қўнган чумчуқ пир этиб учиб кетди.

— Салом, мўлтон халқининг вакили, — бошини кўтарди Мамай кўр. — Бугун чумчуқлар билан чивинлар арз қиладиган кунми десам, яна дард аравангни тортиб келдингми?

— Майнавозчилик! — деди Абдурахим.

— Майна эмас, чумчуқ...

— Бас қилинг, бобо! Ўзингизни қандай қилиб илоҳий кучларга эга инсон қилиб кўрсатаяпсиз, билмадиму, аммо роса боплаяпсиз. «Пичоқнинг қиз бола шаклидаги иккинчи бўлагини кўлга отсанг, балои қазодан қутуласан, қиз туғилади» эмиш. Бугун мен ота бўлдим! Ўғлим дунёга келди! Эшитаяпсизми, ўғил! Кўнглим шундай хижилки... Айтинг, болам ҳақидаги ифлос фол ҳам уйдирмами? Мақсадингиз нима ўзи? Умримнинг охиригача фожиа кутиб яшайманми? Қанийди буларнинг барига ишонмасам! Гўри яқин одамнинг қаллоблик қилишига бало-борми?

— Адашаяпсан, мён қаллоб эмасман.

— Қаллобсиз! Бошқа ҳеч ким эмас!

— Огоҳлантиришларимга ишонмасанг, жўна! Бу ерга қайтиб келма! Агар қаллоб бўлганимда, бу ишларни пул учун қилганимда, сендан пул сўрардим. Бир тийин бердингми?

Абдурахим лабини қимтиб, ғазаб билан тикилди. Мамай кўрга ишонар эди. Нима қилсин?

— Ўғлимнинг пешонасида тавқи лаънат йўқ, — деди Абдурахим, — бегуноҳ гўдакка жирканч жинойтни тақаманг. Пок фарзандим поклигича яшасин, уни тинч қўйинг.

— Афсуски, бошига дардабарлик савдоси тушиш хавфи бор, — жавобан деди чол. — Ўз онасини танимаслиги ҳам мумкин. Кимнинг қалби кўр бўлса, ҳатто она-болалик сезгилари ҳам ишдан чиқади. Шунинг учун сен болаларингга яхши тарбия бер, ўқит, одам қил. Токи лўли халқга деб нисбат берилган биз — жўгилар, сиз — мўлтонилар ва бошқа барча қавмлар орасида тор фикрлилар, саводсизлар, хурофотчилару сохта фолбинлар йўқолиб кетсин. Шунда ўғлингнинг хузурини кўрасан. Тиланчиликка ҳам чек қўйишимиз керак, Абди. Айрим қавмларимиздаги бу одатга ўзимиз нуқта қўймасак, бошқаларнинг аралашуви билан наф тегишига унчалик ишонмайман. Бир гал шаҳарга борганимда, бекатда кўлимга пул тутқазиб кетишди. Тиланчи лўли деб ўйлашди мени. Дунё ўзгармоқда. Гадойчилик тарих саҳифаларида қолиб кетсин.

— Мен нима қилай? — сўради Абдурахим. — Гадойчиликка ёки кимларнингдир урф-одатларига қарши курашайми? Йўқ, мен ўз оиламни бахтли қилишим керак. Ҳар ким ўз оиласининг бахти учун курашсин.

— Шунда мувозанат бўлади, демоқчисан-да?

— Ҳеч нарса демоқчи эмасман. Мени ипсиз боғлаб олгансиз. Кўраяпсиз, кетолмаяпман. Аввал айтганимдек, ўғлимни ўлдиролмайман, хотинимни ҳам!

— Мени ҳам! — бошини кўтарди чол.

— Жирканч жиноят содир бўлмасмикан, деб хавотир билан ҳам яшолмайман.

Вужудини қоплаган титроқ ариб, чол бирдан жимиб қолди.

— Пичоқ бўлаги кўл тубида эмас, ҳамма касофат ана шунда, — деди бироздан сўнг отбоқарни лол қолдириб.

— Қанақасига? — Абдурахим бармоғини нуқиб гапирди: — Энди бунисига заррача ишонмайман! Чунки пичоқнинг қиз бола шаклидаги иккинчи қулогини мана шу кўлларим билан кесиб олиб, мана шу кўлларим билан Хотин кўлига отдим. Отганим рост! Ўзимни ўзим алдаб нима қиламан!

— У кўл тубида йўқ, — такрорлади чол. — Бунинг икки сабаби бўлиши мумкин. Биринчиси, сен тилла бўлагини сувга отганингни кимдир кўриб қолиб, ўғирлаб кетган. Иккинчиси шуки, биз адашганмиз.

— Биз адашганмиз? Тушунмадим, бобо?

— Сендаги пичоқ аждодлардан мерос қолган чанга эмас.

— Бўлмаса, тўйим куни нега мактуб жўнатдингиз?

— Пичоқни яширган жойингдан топиб олиб, ўрнига қалбакисини қўйишгандир? Обдон ўйла, балки бирон нимани сезгандирсан?

Абдураҳим бу гапга ҳам ишоналмасди. Ким ҳам шу даражада устамонлик қилиши мумкин? Ахир, тилла пичоқ ўша-ўша эди. Қалбакисини яшаш бўлмаган гап!

— Йўқ, — бош чайқади у, — биринчи гапингиз тўғрига ўхшайди. Кўл бўйида қандайдир шарпани кўрдим.

— Ҳамқишлоқларингни синчиклаб кузат. Кимда-ким тилла бўлагини ўғирлаган бўлса, мол-қўй, машина сотиб олган, уй қурган. Ушандан кейин пули кўпайган одамни кўрдингми?

Абдураҳим пешонасига муштлади.

— Тоғам тижорат бошлади, — деди у. — Ўша кеча хотиним тоғамни ҳовлида кўрганини айтганди-я! Бугун улар уйини тўлдириб газлама олиб келишди. Деҳқончилигимиз касод бўлди, тижорат билан шуғулланмоқчимиз, дейишди. Ҳозир улар билан яшамасам ҳам биламан, пули йўқ эди. Касодга учраган одам қаердан пул топа қолди?

— Бойлик ўзини сир тутолмайди, — маъқуллади чол. — Тоғам бошпана берган деб истиҳола қилсанг, ютқазасан. Сенга ягона бир чорани айтаман. Сандиғингда авайлаб сақлайдиган куйлагингни оласан ва хотинга бир кунда етти марта ювдириб, етти марта куёшда қуритасан.

— Кейин-чи?

— Шу билан тамом, балои қазодан қутуласан, ўғлинг ҳам.

Абдураҳим ишонқирамай:

— Шугинами? — деган эди, Мамай кўр жаҳл билан деди:

– Шугина эмиш! Кўйлакнинг етти марта ювилишида нима маъно борлигини қаёқдан ҳам биласан?! Кўйлакни ювган хотин қазо қилади, сен эса қутуласан.

– Улим чақиришим керакми? Асло!

– Сенинг хотининг демадим, Абди! Хотин бўлса, бас.

– Улим бўлмаса бас! – чўрт кесди Абудрахим. – Одамнинг жони билан ўйнашиш, бу... бу менинг қўлимдан келмайди. Ҳеч ким ўлмаслиги керак!

– Унда, – деди чол, – масаланинг тагига ўзинг ет. Мен кўп марта бир гапни такрорлайман: авлиё ҳам, сеҳргар ҳам эмасман... Қулогим остида жаранглаган гапларни сенга етказдим, холос.

Бошқа ҳеч гап айтмади. Абдурахим уйига қайтди. Йўлда бир юк машинаси учради, худди қотилликдан сўнг тоғасининг қишлоғига бош олиб келган кундаги машинага ўхшарди.

– Эгарсоз ичидан ўтмайман, – деди ҳайдовчи, – фермага бораётгандим, кўл томонга ташлайман.

– Хўп, – Абдурахим розилик билдирди.

– Нега у кўлни Хотин деб аташади? – сўради ҳайдовчи.

– Кечирасизу мўлтонилар ҳам номни топиб кўйишади-да.

– Бу номни мўлтонилар топмаганлар, ака, биз кўчиб келмасимиздан аввал ҳам бор бўлган. Тоғам айтган, бир замонлар у ерга гуноҳкор хотинларни чўктиришган экан, ўшандан бери Хотин кўли дейишармиш.

– Бу ривоятни эшитмаганман, лекин бир воқеани биламан. Бир куни танишим «Хотинга бордик, маст эдик, кийимни ҳам ечмадик», деб гапирганида, хотини эшитиб, жанжал қилган, оиласи бузилиб кетишига сал қолган. Хотин, бу одам эмас, кўл эканини тушунтиргунича эси кетган. Номи галати-да, жўра, тўғрими?

– Тўғри, – деди Абдурахим ва ботаётган қуёшга тикилиб қолди. Бу вақтда машина қирдан ошиб ўтаётган эмасми, ойнадек ялтираб кўл ҳам кўринди. У кўлни илк марта кўраётгандек ажабланиб боқди. Мамай кўрнинг гапи хаёлида жаранглади: «...Хотинга бир кунда етти марта юндириб, етти марта қуёшда қуритасан!»

Балки у хотин деганда Хотин кўлини назарда тутгандир? Баъзан жинларининг шивирлаганларини ўзи ҳам тушунмай тилга олади. Мана, жумбоқнинг калити!

Ўғлининг исмини Жамбо деб қўйишга қарор қилди. Шу вақтгача мўлтониларда ҳам, дўлиларнинг бошқа қавмлари орасида ҳам бундай исм йўқ эди. Абдурахимга бир неча киши эътироз билдирди, Жамбо ҳам исми?

— Ўғлимнинг исми барибир Жамбо бўлади, тамом-вассалом, — деди у қўлларини «икс» қилиб.

Шу кеча Мамай кўр ўзига-ўзи гапиринди:

— Абдурахимнинг ўғлининг исми Жамбо бўлмайди... Унинг бошига дарбадарлик тушади... Пичоқни қанча баландга отса, шунча олисга кетади...

Буни қарангки, башоратгўй чолнинг гапи рост чиқди, йиллар ўтиб, отбоқар мўлтонининг ўғлининг исми Жамбо эмаслиги исботланди. Зеро, ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмаган қуйидаги воқеа бўлиб ўтган эди...

III БОБ

Ўша куни Абдурахим ўпкасини хийла босиб, лабида табассум ўйнаб, мўлтони биродарларининг табриklarига кўмилиб кун ўтказди. Бир вақтлар кўрган туши ўнгидан келиб, у фарзандли бўлган эди. Машъум башоратлари хосиятсиз аломатларга ҳам чек қўяди: Хотин кўлига етти марта кўмилиб, офтобда қуринади.

Чақалоқ туғилгач, эртасига тоғасиникига борди.

— Молларни ҳам сотмабсиз, тоға, — деди у Ашраф полвонга сер солиб. — Тижорат учун пул осмондан тушдими дейман?

— Бировнинг чўнтагидаги пулни санама, — ўқрайди Ашраф полвон. Уларнинг ўртасида ўтган йили қайта уланган қондошлик ришталари чириб-битгани кўриниб турарди.

— Пулингизни санаётган бўлсам, узр. Мен...

— Пул йиғиб юргандим, — қовоғини янада уйди тоға. — Пул йиғаётган одам ҳамиша сир сақлаб йиғади!

Худди сенга ўхшаб!.. Ўзи бу гапларинг билан нима демоқчисан-а? Тўйингга катта қўшмадикми? Ёки уйингга ёрдамлашмадикми? Ҳаммасини ўзим қиламан, деб баҳорги ёмғирдай шаррос қуйиб бердинг, энди ўпкалама биздан.

Қараса, тоғасининг авзойи чатоқ. Абдураҳим тўхмат қилиб, гуноҳга ботмай, деб индамади. Яхшиси, бир қанча вақт тоғасини, бошқа хонадонларни, қўшни қишлоқларни, айниқса, овчиларни зимдан кузатгани маъқул. Ўша пайтларда чайқовчилик камайиб, хусусий тижорат энди-энди авж олаётган эди. Одамлар олис шаҳарлардан, қўшни республикалардан, олис хориждан ул-бул келтириб сотиш йўлини билиб олишганди. Ашраф полвон оиласи ҳам деҳқончиликни ташлаб, ўзларини тижоратга уришга аҳд қилган бўлса бордир. Кейинги йилларда бадавлат лўли хонадонлар анча кўпайиб қолди. Ашраф полвон хонадони ҳам пул йиғса йиққудек пишиқ эди.

Кўл бўйига борди. Урчуқ дарёсида ҳам, Хотин кўлида ҳам сув кам эди. Тилла бўлагини улоқтирган жойни зўрға топди. Сув ортга чекиниб соҳилда хунук манзара қолдирган, бурунги йўлларни топиб бўлмас, гўё соҳилдан кўтир яра чиқиб, кўл ҳам сасий бошлаган эди. Ўшанда ғалати, сирли кеча бўлганини Абдураҳим энди ҳис этгандек ҳар бир нарсага қизиқсиниб син солди. Тилла бўлаги негадир узоққа тушмади, коинот ҳам ўзини яққол сездириб, кўринмас ўқи атрофида гижирлаб айланди. Ана, икки қадам нарида тилла бўлаги тушган жой. Сув ортга чекиниб, қуруқлик янада яқинлашибди. «Болалар ҳам ўйнаб, топиб олиши мумкин тилла бўлагини, — деб ўйлади Абдураҳим, — лекин уни аллақачон ўмариб кетишган бўлса-чи?»

«Бисмилло» айтиб, сувга оёқ қўйди, белигача кечиб, тўхтади. Уни, хусусан, бошқа лўлиларни ҳам кўпинча чин мусулмон эмас, ота-боболари Ўрта Осиёга мослашиб олишган, динни номигагина қабул қилишган, деган гапларни эшитганди. У калима қайтарар экан, кўнглидан

«нафақат лўлилар, дунёдаги бошқа барча халқлар аслида бир-биридан тили, дини, ташқи кўриниши жиҳатидан у қадар фарқ қилмайди, ривоятларда айтилганидек биз битта одамнинг болаларимиз, фарқларимиз бир оиладаги ака-укалардагидек», деган ўй ўтди. Ҳозир сувга фарқ бўлиб, нариги дунёга рихлат қиладигандек миясида бир-биридан антиқа, илоҳиймонанд фикрлар туғилди: «Бизнинг ичимизда микроскопда кўриш мумкин бўлган майда заррачалар бўлгани каби биз ҳам кимнингдир ичидаги майда заррачалармиз. Эҳтимол, Ер, Қуёш, Ой, юлдузлар кимнингдир молекулаларидир?..»

Оёғи билан пайпаслади. Тошчалар бор экан. Бир шўнғиб, синчиклаб қараб чиқди. «Олтин мана мен деб турмайди», — ўйлади у. Қолаверса, мўлтони момолар «йўқолган тилла ўз эгасига топилмайди», дердилар.

Соҳилга чиқиб, сал наридаги тош устига ўтирди. Баданига чиппа ёпишган кўйлагини офтоб қуритди. У ҳаёт ҳақида ҳалигача жуда-жуда содда, жўн тушунчага эга эканини англади. Қандай яшаш керак эканини ҳар бир халққа марҳум ота-боболари ўргатиб кетишган, ёлғиз тирик устоз эса замон эди. Ҳа, замон уларга тиланчилик ёки оддий қора меҳнат билан кун кечиришни эмас, ўқимишли бўлишни, инглиз, яҳудий, немис ва бошқа халқлар сингари илм, спорт, санъат чўққиларига чиқишни талаб этмоқда, ундамоқда, уқтирмоқда эди. Зеро ҳар бир одамга, ҳар бир халққа, агар у энг майда элат бўлса ҳам, замон ўз сабоқларини тайёрлаб қўяверади. Бу сабоқлар ҳамйша ҳам ошқора бўлавермайди, уни баъзан кўз билан, баъзан қалб билан тоғу тошлар орасидан, саҳродаги қумлар тагидан ҳам ахтариб топиш керак. Ер, Қуёш, Ой — булар ҳеч кимнинг молекулалари эмас эди, шунчаки Абдурахим ўхшатиш қилди. Ўхшатиш эса ўзи ўйлаган даражадаги кашфиёт эмас эди.

— Ўлимимдан сўнг тириламани, йўқми? — деб иккинчи марта сувга тушди.

Тош устига қайтиб, кулгиси қистади.

— Мен тентакман, — деб кулди. — Балки хотинимни ҳам ўзим ўлдиргандирман.

Учинчи бор шўнғиганида сув остида кўзини очди. «Олтин излаб эмас, покланиш учун сувга тушдим», — деди хаёлан. Яна қуёш тагида ўтирганида эса ўйлади: «Мен иримчиман, ирим фолга тушди, демак, шунчаки фолга ишонувчи мўлтониман...»

Абдурахимнинг қулоғига аёлнинг қаҳқаҳ кулгиси чалингандек туюлди. «Худованди карим, ўзинг гуноҳимни афв эт, — деди ичида. — Раҳматли Шарифанинг овозига ўхшар экан... Алаҳсираяпман шекилли...»

Тўртинчи бор сувга шўнғиб, ўйлади: «Фолга тушган иримни бажараяпманми? Фол, ирим-сиримлар, менимча, биз билмаган илоҳий қонунларнинг сочилиб ётган парчалари бўлса керак, тўлиғича англаб етмай, бир улушинигина билиб қоламиз ва фол, ирим деб ихлос қилиб, амалини бажарамиз. Аслида ҳаммаси бутунлай бошқача бўлиши керак, ҳа, ўзагида бошқа маъно яширин!»

У нафаси қайтиб, сон-саноқсиз томчиларни сачратиб, ҳалоплаб бош кўтарди ва негадир атрофга кўз югуртирди. Кўл бу дунёда пайдо бўлганидан бери жим эди. Бироқ аёл кулгиси яна қулоғига чалинди. Йўқ, энди у кулгига ҳам ўхшамади, қандайдир тийиқсиз ҳиринглаш, телбанамо ожиза овози.


— Ким бор? Ҳей-й!.. — Овоз чиқарди отбоқар.

Ҳеч ким жавоб бермади. У тошга судралиб етиб, кўлга тикилиб қолди. Кун қиздираётган эса-да, совқота бошлаганди. Димоғига балчиқ ҳиди урилди, қурбақа вақиллади, ёнгинасидан ниначилар визиллаб учиб ўтди-да, кўл узра қувлаша бошлади. Қамишлар шитирлаб, шамол эганини Абдурахимга эслатиб қўйди.

— Шамол, — деди Абдурахим гудраниб.

Бешинчи марта сувга тушди. «Биздан бошқа олам ҳам бор, — ўйлади у, — энг биринчи белгиси шуки, ўзининг борлигини сездирмаслик. Шу билан чалғитади, чалғитиблар синайди бу дунёда!..»

— Шу билан боплаб алданамиз, — деб судрала-судрала



сувдан чикди. Яна икки марта сувга тушиб, кўйлагини офтобда куритса, Мамай кўр айтган амал бажарилиб, хавф бартараф бўлиши лозимдек эди. Арабий ёзув битилган кўйлак барини ағдариб, мийигида кулди. «Қим ўқий оларкан? Бу ростдан хазинанинг манзилими? Йўқ, қайси устада бир сандиқ олтин-жавобҳир бўлган ва у дафина бекитилган жой номини тилла пичоққа битиб, имрон сандиғига яширган, сўнг халқ орасида афсона тарқатган?! Бу бир чўпчак. Мантиқан олиб қараганда, телба бойлар ҳам бунақа ўйин қилмайди!»

Олиса трактор тариллади. Жийдазор томонда эшак хангради. Осмоннинг бир бурчидан самолёт учиб ўтмоқда эди, гулдираган овози элас-элас эшитилди. «Хаммамиз бир кун келиб ўлиш учун яшаймиз, — хаёлотидаги файласуф ўз маърузасида давом этди, — юз бериши аниқ бўлган яккаю ягона ҳодиса, бу — ўлим. Шунга тайёрмисан? Нега нариги дунё борлиғига шубҳа қилаяпсан? У ёққа боришга, савол-жавобларга тайёр, елкасида савоблари бисёр, минглаб инсонларга яхшилиқ қилган, ибодатли, асл иморатли инсондан ҳам бахтлироқ ким бор?»

— Жинни бўлаяпман, — деди Абдурахим ва олтинчи марта сув кечди. Боши сув юзасидан кўринмай қолгач, қамишлар орасидан бир аёл чиқиб (у лўлилар қавмидан эмасди), худди мўлтони каби либослари ила сувга тушди. Кўл аёлни бағрига тортишга муштоқ эди, енгил мавжланиб, ўзига чорлай бошлади. Аёл ҳам тўхтамади. Ҳуши ўзидан нари экани юз-кўзидан аён эди, чақираётган ўлимдан бошқасини кўрмаётганди. Сув бўғзигача яқинлашгач, бирпас кўзлари ўйнаб, ширин жонини ўйлади шекилли, ўзидан бошқа ҳеч ким эшитмайдиган паст овозда:

— Энажон, мени кечиринг... — деди.

Атрофга нажот илинжида боқди. Гарчи эсдан оққан бўлса-да, Абдурахимнинг овозини эшитганини эслаб, тош устига назар солди, кейин бутун соҳил бўйлаб нигоҳини югуртирди. Ҳеч ким йўқ эди.

— Эртага жанозам... Таъзиям... — Беўхшов, қисқагина кулди аёл.

Абдурахим эса шу тобда кўл тубига оҳиста чўкиб, кўзини очган эди. Ўз юрагининг уришини эшитгандек бўлди. Кўл суви қанчалар кирлаб кетганини энди сизди. Эсида, бир вақтлар онасига эргашиб, Эгарсоз қишлоғига келиб, болалар билан кўлда чўмилганида сув ости жилоланишига қанчалар маҳлиё бўлган, қайта-қайта шўнғиган эди. Ҳозир ўша жозибани кўмсаб, назарида, фақат кўнгил дунёси эмас, моддий олам ҳам адои тамом бўлаётгандек алам ўртади. Шу пайт, во ажабо, кўзига бола кўринди. У кўл-оёқларини типирчилатиб, оғзини қапа-қапа очиб ётарди: бўғзидан на сув киради, на ҳаво чиқади. Негадир Абдурахим кўрқмади, кўллларини кескин ёйиб, хиёл олдга сузди, кўкси кўл тубига урилиб, қора булут каби лойқа кўтарилди. Ким экан бу бола? Сув парисининг зурриёдими? Жинми? Арвоҳми?

— Астаффируллоҳ, — деди отбоқар.

Шунда оғзи-бурнидан сув кирди. Юзага чиқса, мўъжиза қайтиб такрорланмаслигига амин эди, зўрға ўзини тутиб, гўдакка тикилди. Дарҳақиқат, бола энди миттигина гўдакка айланиб қолган эди.

«Салайнинг боласимикан?» — деди ичида. Кўнгил туби ҳам худди кўл туби каби лойқаланиб, Абдурахимнинг ранг-туси ўзгарди. Кеча Салай туғруқхонада нима қилиб юрганди? Шифокорлар ҳурматли-зот ўрнида кутиб олиб, елкасига оқ халат ташлаганлари-чи. Наҳотки, Салайнинг ҳам хотини туғруқхонада? Қирқ ёшдан кейин ҳомиладор бўлиш урфдан қолиб бораётган эди-ку. Ёки Салай учун азиз бошқа аёл бормикан? Агар у Зарина бўлса-чи?

Шу пайт гўдак лип этиб кўздан йўқолди.

— Минг лаънат! — бақирди Абдурахим. Гўё Салай Заринани ҳам илинтириб, ўз отбоқаридан шафқатсизларча ўч олган эди. У эса сув тагида кўзига алламбало нарсалар кўриниб, икки дунё оралиғида ётибди.

Оғзида сув фарғара бўлиб, Абдурахим сув юзасига отилиб чиқди, ўқчиб йўталди. Сўнг ҳамон ўзига келолмай соҳилга шошилди. Бироқ шу пайт жон аччиғидаги чинқириқни

эшитиб, ортига, кўл ўртасига ялт этиб ўгирилди. Рўмоли бошидан учган бир аёл жон ҳолатда типирчилаб, сузишга уринар, аммо жойидан бир қадам ҳам силжимамай, полапон каби қанот қоқарди. У ҳам Абдурахимни кўрди.

— Ёрдам... Ёрдам беринг!.. — қичқирди бояқиш.

Отбоқар бу ҳам алаҳсирашмикан, деб ҳайкалдек қотди.

— Вой, энажон!.. — зорланди аёл. Кейин сувга ботиб, яна кўпчиб чиқаркан, шунчалар ютоқиб ҳаво ютдики, бўғзидаги солинчоқлари ҳийқиллашдан узилиб тушаёзди. Абдурахим диққат билан тикилди: аёл рўё эмас, аёл тирик жон эди. Аммо ҳадемай фарқ бўлиб, мурдага айланади-кўяди. Ана, кўзлари қинидан чиқаяпти. Азобли ўлим олдидан шундай бўлади.

— Ҳозир! — деб Абдурахим қулочлакашлаб суза кетди.

— Бораяпман!.. Тўхтаманг сузишдан!.. Тўхтаманг!..

Отбоқар аёлга етиб олди. Белидан қучиб, сузишга уринди, лекин эпллмади.

— Вой, ўламан, — хириллади аёл.

— Бўйнимдан ушласангиз-чи!.. Э, қанақа одамсиз!.. Иммилламанг! Бўлинг!..

Аёлнинг қулоғига гап кирдими, қутқарувчи келганини энди тушуниб етдими, дарҳол осилиб олди.

— Э, ҳаракат қилсангиз-чи!.. — Оғир юкдан саросимага тушиб қолди Абдурахим. — Ишлатинг анави қўлингизни! Бунақада мени ҳам ўлдирасиз-ку!.. Бир қадам қолди, ҳозир оёғимиз ерга тегади! Ҳа, ҳ-ҳа!.. Яна!..

Иккиси ҳам сув ютиб, минг азобда саёзликка етди. Абдурахим уни судраб қирғоққа, яккам-дуккам қамиш қолдиқлари ётган балчиққача келди. Аёл балчиққа ўлик балиқдек шалоп этиб тушиб, қимир этмади. Қараса, ҳушидан кетиб, ўладиган аҳволда. Ким экан деб юзига тикилди, танимади. Кўшни қишлоқлик ўзбеклардан бўлса керак. Боя эшитилган овоз шуники экан-да! Нима қилиб юрибди кўл бўйида? Сувга йиқилиб тушган, деб ҳам бўлмасди.

Ютган сувини чиқариб ташлашга Абдурахим уриниб кўрди, бўлмади. Афтидан аёл баттар оғирлашди.

— Балога қолмасам эди! — деди алам билан.— Жўгилар тўғри айтганми, дейман, қачон қарама, фалокат оёғим остида!

Аёлни кўтариб олдию балчиқ ва кўлмаклар кечиб, неча бор йиқилиб, қамишзорни қийиб чиқди. Дўнгликдаги жийдазорда яна эшак ҳангради. Бироқ у ёлғиз эшак эди, эгасиз. Абдураҳим қадамини тезлатди. Сўқмоқ йўлда икки лўли қиз учради, тезак териб келишаётган экан.

— Мўлтониларидан эмас бу, — деди бири.— Дарёободдан.

— Иби, анави дўхтир опа-ку! — деди иккинчиси.— Ҳа, Дарёободдан! Туғруқхонада кўрганман.

— Туғруқхонада?

— Уша ёқда ишлайди. Янгам чақалоқ туққанида боргандик, бизни таниб, ўзи ёнимизга келганди. Ўлиб қолмаганми ишқилиб?

Икки қиз эргашди. Улар асфальт йўлга чиқишганида, Дарёободнинг машинаси келиб қолди. Одамлар туша солиб, аёлга биринчи ёрдам кўрсатишди, аммо аҳволи барибир ўнгламади.

— Сен буни қутқармагансан, бир бало қилгансан! — деди кайфи тарақ, басавлат киши Абдураҳимга.— Давай, Саврияни ҳам, буни ҳам машинага чиқаринглар! Бирини дўхтирхонага, иккинчисини тўғри милицияхонага олиб борамиз!

— Ашур ака, Саврия ўзи сал шунақароқ бўп қолган, деб эшитгандим, — эътироз билдирди бири.

— Бу мўлтони ўтган йили қаёқдан келиб қолганини, нима ишлар қилиб юрганини биласанми?! — ўшқириб берди Ашур ака. — Эгарсоздаги мўлтониларга қайнатса қони қўшилмайди! Соғ эмас у! Қандайдир жиноятларга аралашгани учун хотинини ўлдириб, уйига ўт қўйишган! Соғ одам жиноятга бурнини тикадимми? Икки дунёда ҳам!

Тухматнинг аччиқ таъмидан Абдураҳимнинг бағри ўйилиб кетди. Уни машинага зўрлаб ўтиргизиб, туман маркази сари ҳайдашди. Икки мўлтони қиз бақир-чақир қилиб қолаверишди, аканнинг жонига оро киролмадилар.

Аввал туман шифохонасининг «Тез ёрдам» бўлимига боришди. Саврияни машинадан тушириб, ичкарига олиб киргунча, Ашур ака кўксига нуқиб, Абдурахимга дўқ урди:

— Мени танийсанми? Танимасанг, таниб қўй: мен Ашур қассобман! Икки марта қамоқнинг тузини ялаганман! Ҳозир ҳам сўйиб ташлашим мумкин эди, лекин мастликда одам ўлдирмайман! Бу — бир... Иккинчидан, Саврия сал касалроқ эканини биламан, балки ростдан ҳам ўзини сувга ташлагандир. Бахтинг бўлса, у...

— Ашур ака, туҳматдан қўрқинг! Боядан бери мен ҳақимда оғзингизга келганини гапираяпсиз. Албатта, ўзини ташлаган-да! Нима, менинг қасдим борми танимаган-билмаган аёлда!

— Учир! Сен билан одамдай гаплашаётганим учун раҳмат де! Биласанми, мен кимман? Ашур қассобман!

Абдурахим ҳаммасига чидаб ўтирди. Милиция бўлимига олиб келишгач, дарёободликларнинг даъвоси инобатга олиниб, отбоқар лўлини «КПЗ»га қамаб қўйишди.

— Балки уст-бошингни қуришиб оларсан, а? — деди камерадоши. У соч-соқоли оқарган етмиш ёшлардаги қизил кўз, жиккаккина чол эди. — Бунақада шамоллаб қолишинг мумкин.

Абдурахим дам камерадошига, дам қамоқ эшигига боқди, сўнг бошини муштлири орасига олиб, каравот четига беҳол ўтирди. У шундагина қўйлагини етти марта ювишга улгурмаганини тушуниб етган эди. Чала қолдирилган илоҳий иш, эски лўлиларнинг айтишича, ҳеч қачон яхшиликка олиб бормасди. Яна бир марта шўнғиб, қўйлагини офтобда қуритса эди, ҳаммаси яхши бўларди. Тентак хотин қаёқдан ҳам дуч келди! Сал аввалроқ ё кейинроқ келиб, чўкиб ўлмайдими!

— Лўлимисан? — сўради камерадоши. Абдурахим синчков нигоҳ ташлаб, бу одам қачонлардир ўқитувчими, олимми бўлганини фаҳмлади.

— Йўқ, мўлтониман, — деб жавоб берди.

— Ҳм, тушунарли. — Камерадошига Абдурахимнинг жавоби маъқул келди.

Абдурахим кўйлагини ечиб, астарини ағдарди-да, каравот тутқичига илди. Эндигина шимини ечаётган эди, чол кўйлак баридаги арабча ёзувни кўриб қолиб, деди:

— Кўзларим бир ёзувни кўраяпти, сиёҳи бўялиб кетган бўлса ҳам, ажабтовур туюлаяпти.

— Дуо эмас.

Чол чаққонлик билан кўйлак баридан тутиб, ёзувга тикилди ва қаҳқаҳ уриб кулиб юборди.

— Қайси шоввоз ёзди бунни?

Абдурахим аждодлардан қолган чанга пичоғининг ёзувини шу чол ўқиганига ишаномай:

— Арабчани биласизми? — деб сўради. — Мен бу ёзувни бир жойдан кўчирганман.

— Араб тилини-ку билмайман, — хушчақчақ чол ҳамон куларди, — лекин бу арабий ёзувли ўзбекча сўзлар! Урушдан аввалги замонда бизнинг ёзув кириллча эмас, лотинча, ундан сал аввал эса арабча бўлган. Шунинг учун уруш даври одамлари лотинча ёки арабча ёзишган.

— Нима деб ёзилган, ахир бунда? — сабри тугаган Абдурахим учун сониялар ҳам йилларга тенг эди. — Нега куляпсиз?

— Гитлер капут!

— Тушунмадим...

— Нега тушунмайсан? Кўйлағингга араб алифбосида ўзбекчалаб «Гитлер капут!» деб ёзиб қўйибсан! Ҳа-ҳа-ҳа-а...

— «Гитлер капут» немисча сўз эмасми?

— Немислар лотин ёзувида ёзишади, бунақа ўзбекча маънода, араб ёзувида фақат уруш йилларидан кейин ёзишган, яъни мактабда араб алифбосида ўқиган ўзбеклар. Сенга неча марта уқтириш керак? Бунча доводирайсан?

— Лўлилар ҳамми?

— Тўғри, Ўзбекистон мактабларида ўқиган лўлилар ҳам!

Абдурахим култ этиб ютиниб, бир нуқтага тикилиб қолди. Бир неча юз йил аввал лўлилардан бири имрон сандиғи тагига яширган чанга пичоғи дастасига «Гитлер капут!» деб ёзиб қўйиши мумкин эмасди, демак, чанга

пичоғига бир минг тўққиз юз қирқ бешинчи-эллигинчи йилларда ёзишган. Нега лўлиларнинг авлоддан-авлодга мерос қоладиган қадимий пичоғида айнан «Гитлер капут!» деган битик бор? Абдураҳимнинг ичидан нимадир чирт узилди. Мамай кўр тахмин қилганидек пичоқ қалбаки экан-да? Пичоқнинг изидан тушган доғули кимсаларни чалғитиш учун эллигинчи йилларда бошқа тилла пичоқ тайёрланган ва устидан кулиш учун ўша даврдаги ўткир мазах сўзни ёзиб қўйишган. Бир сандиқ олтин-жавоҳирнинг манзилини ахтараётганлар чанга пичоғини қўлга киритгач, арабий биладиган домлага шоша-пиша ёзувни ўқитишади ва... нақ кетларидан тепки егандек бўлишади. Яна бир ҳақиқат шуки, чанга пичоғининг сиридан воқиф инсон (яъни қалбаки пичоқ ясаб, ҳақиқийсини яширган меросхўр) дастадаги ёзувда кўрсатилган манзилни ахтармасдан қўймайди. Ахир, ким бир сандиқ олтин-жавоҳирга бефарқ қарайди? Сандиқни топиб, битта пичоққа етгулик тилладан воз кечиб, қалбаки чанга пичоғини ясатганга ўхшайди. Ўша инсон сандиқ учун ўлдириб кетилган марҳум отасими? У ҳолда нега Абдураҳимлар қўл учуда кун кечиришган? Балки афсоналарнинг бошқа варианты, яъни қотиллик хусусидаги ҳақиқатдир?..

Буларнинг барчаси ҳозирча жумбоқ эди. Абдураҳим камерадошига миқ этиб оғиз очмай, оғир ўйга толиб ўтирганида, соқчи эшикни очиб, унинг исм-фамилиясини айтди.

— Илтимоc, қўйворинглар, — деди Абдураҳим кабинетга киргач. — Менинг айбим йўқ. Анави одамлар тўхмат қилишяпти.

— Ҳозир сизга қуруқ кийим беришади. Наша чекаcизми? Фақат алдаманг! «Наркоман»лигингизни аниқлаш ҳеч гапмас.

— Гиёҳванд ҳам, тентак ҳам эмасман.

— Шунақами? — Бошлиқ жиринглаган телефон гўшагини кўтарди. — Ҳа, рўпарамда ўтирибди, — деди.

— Кийим-пийими билан чўмилгани етмагандек, ҳозир қишлоғига борса, яна чўмилиш шашти бор. Йўқ, қўйвормайман... Унгача диспансерда текширтириб тураман... Ароқ сасимаяпти...

Абдурахимга қуруқ кийим беришди-да, «Уазик»да тиббий текширувга олиб боришди. Шифокор қўлини олдга чўзиб, туриб-ўтиргизди.

У текширувлардан соппа-соғ чиқди, пиёниста ҳам, гиёҳванд ҳам эмас экан. Бу пайтда шифохонада хушига келган Саврия ҳеч ким уни ўлдиришга ҳаракат қилмаганини, кўлга ўз хоҳиши билан тушганини айтди. Туғруқхонада ишлаб юрса-да, бинойидай ҳамшира бўлса-да, ҳар замонда эс-хушини йўқотиб қўйишини эл энди билди. Бироқ шунда ҳам Абдурахимни қўйиб юборишмади. Кечқурун камера эшиги очилиб, Шарифанинг ўлдирилиши юзасидан тергов олиб бораётган терговчи кириб келди.

— Салом, — қувониб кетган Абдурахим дик этиб турди.

— Нима ишлар қилиб юрибсиз-а? — деди терговчи каравот қирғоғига чўкиб.

— Гитлер капут, — деди камерадош чол, аммо Абдурахим ўз вақтида кўзи ила ишора беришга улгурди. Чол узр сўраб, каравотига чўзилди ва терс ўгирилиб ётиб олди.

— Ўлай агар, мен унга ёрдам-бермоқчи эдим, холос, — кўлларини кўксига қўйди Абдурахим.

— Ўғилли бўлибсиз, табриклайман, — кўл чўзди терговчи. — Ўша тушингиз рост чиққанига, очиги, лолман. Дунёнинг биз билмаган сирлари кўп. Нима учундир лўлилар орасидан сирларнинг сиртмоқларига тушиб қолганлар тез-тез учрайди. Муккасидан кетганларинг учундир-да.

— Ким билади дейсиз. Лекин тушимда кўрган муддатда фарзандли бўлдим.

— Ўғилни ювиб, бўккунча ичдингизми?

Абдурахим воқеани қисқагина сўзлаб берди. Терговчининг юзида ҳеч қандай ўзгариш зоҳир бўлмади.

— Бугун сиз кутқарган ҳамшира, ўртоқ Абдурахимбой, ўғлингиз туғилган туғруқхонада, айнан ўша бўлимда ишларкан. Билармидингиз?

— Уни танимасдим, — деди Абдурахим елка қисиб. — Биринчи кўришим.

— Салай раис ҳам хотинини ўз туманидаги туруқхонага эмас, шу ерга олиб келибди. Яхши акушер-гинеколог бормиш, узоқ танишларидан. Икковларингиз ҳам бир кунда, битта жойда ўғилли бўлдиларингиз. Бунгачи? Бунга ҳам ҳайрон қолмасдан илож йўқ. Фалакдан тушган иплар икковингизни қўғирчоқдек битта саҳнада ўйнатаётганга ўхшайди.

Абдурахим собиқ хўжайини туғруқхонада юрганининг сабабини билиб, чуқур тин олди. Ҳатто Хотин кўлида кўйлагини еттинчи марта ювиб, қуритолмагани ҳам бир зум эсидан чиқди. Камерадош чолнинг каромати билан пичоқнинг ҳақиқийлиги ҳам шубҳа остида қолган эди. Модомики, шундай экан, Абдурахим аждодлар пичоғининг «қулоғи»ни сотиб, жиноятга ботмаган бўлиб чиқади. Жиноятга ботмадим, ўғлига ҳам қарғиш тегмайди.

Терговчи илоҳиётга қизиқиб қолгандек тутарди ўзини. Ўрнидан туриб, деди:

— Ана шунақа гаплар, Абдурахимбой! Энди кетдик. Ташқарида гаплашадиган реалистик гаплар бор.

У расмиятчиликни бажо келтириб, Абдурахимни туман милиция бўлимидан олиб чиқди ва кўчанинг нариги бетидаги машинасига таклиф этди.

— Ҳозир сизни бир уйга олиб бораман, — деди, — раҳматли хотинингиз Шарифанинг иши бўйича.

— Қандай уй экан? — Абдурахим пешонаси тиришиб, терговчига чарчоқ инган нигоҳини қадади.

Мотор ўт олиб, темир арава жойидан жилди.

— Шарифа ҳар жума куни газета учун туман марказига бормаган. Газета баҳона бўлиб чиқди. У бир одам билан учрашган. Фамилия-исмини аниқладик: Неъматуллаев Сиддиқ. Эшитганмисиз шунақа одамни?

— Йўқ, — бош чайқади Абдурахим.

— Шифохонадаги аптека мудирига ёрдамчи бўлиб ишлаган. Асли Қашқадарёдан. Балки хотинингиз гапи орасида дориларни топишда ёрдам берган қандайдир йигит ҳақида гапиргандир? Эслаб кўринг.

— Ҳеч... ҳеч эслолмаяпман. Шарифа бегона эркаклар ҳақида умуман гапирмасди. У билан Шарифанинг ўртасида нима гап бўлган? Наша олди-сотдисими?

Терговчи мўлтонига кўз қирини ташлаб қўйди.

— Ошиқ-маъшуклик.

— Э-э, нималар деяпсиз! — Абдурахимнинг кўзларидан ўт чақнаб кетди. — Бечорани фирт фоҳишага чиқариб юбораяпсиз-ку, ака! Бир қарасам Салай раис, бир қарасам аптекачи йигит! Ҳаммаси жонга тегди! Ундан кўра бўғиб ўлдириб қўя қолинглар мени!

— Ўзингизни босинг. Минг машаққат билан қотилларнинг изига тушганимда, ҳис-ҳаяжонга берилмайдиган одамнинг ёрдами керак. Раҳматли хотинингиз ҳаддан ташқари сирли аёл бўлган экан, бир йилдан бери момомни кўраяпман. Республикадан ҳам минг марта гап эшитдим! Анави боланинг «КПЗ»да ўлганининг ўзи бир дунё муаммо туғдирди.

— Қотилларнинг изига тушганларингиз яхши бўлибди. Бу иш ростданам анча чўзилиб кетди.

Терговчи қовоғини уйди. Абдурахимдан сал бошқача гап кутган эди.

— Шарифа ҳақиқий ўзбек эмас экан-да? — сўради у илмоқли қилиб. — Турк аралаш метиска.

— Билардингиз шекилли. Отаси ўзбек, онаси турк. Айтгандай, отаси ҳам ҳақиқий ўзбек эмас... Бунинг ишга нима дахли бор?

— Қандай дахли борлигини ҳозир айтмайман. Сал кейинроқ гаплашамиз.

— Мен эса мўлтониман, — деди Абдурахим негадир зарда билан. — Ота-онаси бермагач, олиб қочганман! Мана шу ишимни ҳам мўлжаллаяпсизми бирон нимага?

— Қизишманг, нега гапга тушунмайсиз-а? Менга ҳозир сизнинг чуқур ўйлашингиз, хотирани тагигача кавлаштиришингиз сув билан ҳаводай зарур. Ким эканлигингизни айтайми? Ҳамма қатори оддий инсон бўлиб кўринган лоқайд шахс. Агар зийракликни ишга солсангиз, балки нимадир топиб берарсиз? Нима дедингиз?

Терговчи рулни эринчоқлик билан бурди. Улар бог кўчага кирдилар, йўлнинг икки томонидаги ҳовлиларнинг пастак деворларидан мевали дарахтларнинг шохлари осилиб ётибди. Кўчада худди боғлари каби яшнаб, тўлишиб, хушчақчақ турган одамлар: ҳаммаларининг юзлари тўқликдан қон томгудай қизил, кийимлари бежирим, ҳаётдан мамнун. Бироқ биронта дарвоза тагида тўхтамай тўғридаги икки қаватли эски уйлар сари юришди. Аввал ўнгга, кейин чапга бурилиб, бефайз уй ёнида тўхташди. Бу ерда манзара бутунлай бошқача эди. Айрим подъездлар олдида тўда-тўда хотинлар ўтиришарди. Бировлари сигарет чекишмоқда. Болаларнинг қий-чуви орасида аҳён-аҳён сўкиниш ҳам эшитилади.

— Иккинчи подъезд, иккинчи қават, — деди терговчи зинага қадам қўйиб.

Абдураҳим у эшикни очади ва қандайдир жиноят изларини кўрсатади, деб ўйлаганди. Бироқ терговчи тугмачани хотиржам босди. Кўнғироқ чалинмади. Кейин малла чарм устига шошмасдан кетма-кет мушт туширди. Ҳаял ўтмай уй эгаси қулфни шарақлатиб буради. Пакана бўйли, қалин сочли, билак мушаклари бўртган, кафт чизиқлари, тирноқ учлари қорайган бу одамнинг темирчи эканини Абдураҳим бир қарашдаёқ фаҳмлади. Кўп йиллик отбоқарлик даврида отларга тақа қоқтиравериб, усталарни оломон орасидан ҳам таниб оладиган бўлганди.

— Мумкинми? — деди терговчи.

Уй соҳиби йўл берди, лекин бир оғиз «келинг» ёки «салом» демади. Афтидан савол-жавоблардан тўйган чоғи, оғиз очишга ярамади ҳам. Терговчи атайин асаб торларини чертишни истагандек, унинг елкасига қоқиб, деди:

— Маҳмуд ака, ҳаммасини бошидан бошлаймиз. Хафа бўлмайсиз.

— Илож қанча, — деди темирчи. Сўнг Абдурахимга бошдан-оёқ қараб чиқди. — Шуми?

— Шу, — жавоб берди терговчи. — Менинг ўрнимга ишламоқчимисиз?

— Ўхшар экан, демоқчийдим.

— Кимга? — стулга ўтирди терговчи. — Ўша йигитгами?

— Ҳа.

— Балки лўлиларнинг ҳаммасини бир-бирига ўхшатарсиз? Баъзиларда шунақа одат бор, масалан, корейсларни кўрса, ажратолмайди, гуё ҳаммаси бир хилдек.

Темирчи:

— Мен унақамасман, — деб қўл силкиди. — Қотил бу одамнинг қариндоши. Фикримни инобатга олаверинг, ютқазмайсиз, командир.

— Бугун ярим тунгача сизга яна элликтача сурат опкелишади. Балки топиб берарсиз. — Шу дам эшик тақиллади, терговчи папкасини очаётиб, темирчига деди: — Эшикка қаранг, тақа келди.

— Менда тураверса ҳам бўларди, — тўнғиллади Маҳмуд ака.

Барваста йигит кўринди. Целлофан пакетни тутқазиб, дарров ғойиб бўлди. Абдурахим уй атрофида милиция ходимлари хизматга шай турганини фаҳмлади. Иш яна қизиган эди. Ниҳоят, хотинининг қотили ушланадиган кўринади. Ким экан у лаънати қонхўр?

— Ўтган йили синган, — дея терговчи каттакон синиқ тақани Абдурахимга тутқазди. — Кўринг, бундай катта тақа хотинингиз ўлдириб кетилган тунда қишлоқ оралаган девдай отники бўлиши керак.

Абдурахим залворли тақани чамалаб кўриб, от ҳақиқатан ҳам баҳайбат эканини тасаввур қилди. Бироқ битта синиқ тақа топилиб, терговчига жон кириб қолмагандир?

— Фикримга қўшиласизми? — кўз тикди терговчи.

— Қўшиламан. Бу ўша отга тўғри келади, лекин... қаердан топилди? Бундай тақалар фақат битта отга... Қисқаси, катта отлар Ўзбекистонда битта эмас...

— Утиринг, мени яхшилаб тингланг, — деди терговчи.
— Биз Шарифа ҳар жума туман марказида нима иш қилганини аниқлашга кўп вақт сарфладик. Охир-оқибат унинг шу уйга яширинча келиб-кетиб юрганини билдик. Маҳмуд ака... — Терговчининг ишорасидан сўнг темирчи нариги хонага чиқиб, эшикни ёпди. Терговчи давом этди: — Салай раиснинг машинасида шаҳарга, шифохонага юборганингиздан сўнг хотинингиз даволанишга жиддий киришган.

— Йўқ, ундан икки йил аввал бошлаган.

— Лекин икки йил бурун ҳар жума куни туман марказига тушмаган? Шаҳарга ҳам тез-тез қатнаб турмаган, шундайми?

— Билмадим, энди менга барибир.

— Тавсия этилган дориларни, — деди терговчи, — бу ердаги аптекалардан ҳам олиб турган. Шу орада Сиддиқ билан танишиб қолган. Сиддиқ аёлларга суяги йўқ кимса бўлган. Узр, бизнинг касбимизда ўлган одамлар ҳақида фақат яхши гап-гапирилмайди, бор ҳақиқатни сўзлашга мажбурмиз. Ўлимидан бир кун аввал ҳам хотини уни бошқа бир жувон билан тутиб олиб, аразлаб кетиб қолган.

— Сиддиқ ҳам ўлганми? — сўрди Абдурахим сергак тортди.

— Ваҳшиёна ўлдирилган.

— Ваҳшиёна деганингиз қ... қанақа?

— У уч кунга жавоб олиб, Қашқадарёга кетган. Уйи сой бўйига яқин экан. Ўлимидан бир кун аввал ўзларидаги туман марказида синфдошлари билан ароқхўрлик қилган, балиқ еган. Зиёфат тугаганидан кейин ҳамма уй-уйига йўл олган, Сиддиқ эса иши борлигини баҳона қилиб, жўралари билан қишлоғига қайтмаган. Бахтга қарши хотини рўзгор буюмлари олиш учун бозорга чиққан. Сиддиқ маошининг бир қисмини хотинига берган бўлган.

Хуллас, қозон-товоқ, чўмич-капгир кўриб юрган хотини бозор чеккасига бориб қолган. Ўша ерда қурилиши ташлаб қўйилган дўконлар олдидаги шағал устини ҳам тақир-туқир моллар эгаллаган, савдо авж экан. Бир пайт қурилишнинг нариги томонида, бозор орқасидаги кўча бошида эрини кўрган, кайфи тарақ. Эрининг олдида бир лўли йигит. Афсўски, лўли бозорга тескари ўгирилиб турган, Сиддиқнинг хотини эрининг юзини кўрган, лўлини эса кўролмаган. Гапираётганда юзини сал бурганида унинг қоп-қора лўли йигит эканини билган, холос. Бизнинг тахминимизча, у афғони лўли бўлган.

— Нега айнан афғони лўли? Балки мўғоти ҳиндидир? Оддий мўлтонилар орасида ҳам қоралари кўп.

— Шунинг учун ҳам сизни ёрдамга чақирдик-да, Абдурахим. Ҳалиги лўли Сиддиқни кўча охирига бошлаб кетган. Эрининг мастлиги, бунинг устига бозор орқасидаги хилват кўчада лўли билан юргани хотинини ниҳоятда ажаблантирган. Қурилишни айланиб ўтгунча, эри ҳам, лўли ҳам кўздан йўқолган. Хотин дуч келган одамлардан сўраб-суриштириб кетаверган. Бир одам «ҳозиргина икки кишини орқасидан кўриб қолдим, калтача кийгани чапга, оқ кўйлақлиси ўннга бурилди», деган. Сиддиқ оқ кўйлақда бўлган. Хотин ўнгдаги кўчага кириб, яна сўраб-суриштирган, лекин энди эрини кўрган биронта одамни учратмаган. Изига қайтаётганида эса кўча деворлари нураган чоғроқ ҳовлидан аёл кишининг қаҳқаҳ кулгисини эшитиб қолади. Кулги жуда ҳам беҳаё экан, шу сабаб хотин тўхтаб, минг бир шубҳада кўча эшик тирқишидан мўралаган. Не кўз билан кўрсинки, эри ҳовлидаги тоқ тагида бир аёлни кучаётганмиш.

— Илтимос... Ўша аёл Шарифа эмас, тўғрими?

— Албатта, у эмас. Мен Сиддиқни Қашқадарёга кетди, дедим. Бу воқеа Шарифа ўлдирилган куннинг эртасига уйингиздан икки юз чақиримча нарида содир бўлган. Шунда Сиддиқнинг хотини аламдан йиғлаб юборган. Бирпас кўчада ўтирган, ахийри журъат этиб, кўча эшикни

бузиб кирган. Ҳозир уни хиёнат устида ушламасам, кейин тан олмайди, деб ўйлаган. Иркит ҳовлини кесиб ўтиб, харобгина уйга кириб, эри билан ўйнашини тутиб олган. Бироқ бу хиёнатнинг қотилликка кўп ҳам алоқаси йўқ, калтача кийган дўли йигит билан бир-икки оғиз суҳбатлашганини ҳисобга олмаганда, албатта.

Терговчи бир зум сукут сақлаб, Абдураҳимга тешиб юборгудек тикилди.

— Кейин нима бўлибди? — сабрсизланиб сўради Абдураҳим.

— Хотини уйига келиб, нарсаларини йиғиштириб, икки боласини етаклаб онасиникига жўнаворибди. Сиддиқ ёлғиз қолибди. Унинг уйи сой бўйига яқин эканини айтдим. Қишлоқда сув бўлмаган кунлари сой бўйидаги булоқдан сув ташиларкан. Одамлар юравериб, тор сўқмоқ ҳосил қилган экан. Юз берган воқеадан хабар топган Сиддиқнинг ота-онаси кечқурун келиб, бетавфиқ фарзандни роса қойишибди, айтмаган гаплари қолмабди. «Ҳозир кайфинг бор, эртага эрталаб хотининг билан болаларингни олиб келасан!» — деб дўқ уришибди. Сиддиқ бошини ҳам қилиб ўтирибди, бир оғиз гап қайтармабди. Унинг бир баджаҳл акаси бор экан. Ярим кечаси ишдан келса, хотини Сиддиқнинг бузуқчилик устида қўлга тушганини, овсини болалари билан кетиб қолганини айтибди. Ака овқат-повқат емай укасиникига жўнабди. Қараса, уй эшиклар ланг очиқ, чироқлар ёниқ, ўчирилмаган телевизор экрани бижирлаб, пишиллаган овоз уйни тутганмиш. Эшик-дераза очиқ бўлса-да, сигарет ҳиди ҳали кетмаган экан. Яна маст бўлиб олибди, деган хаёлда «Сиддиқ! Сиддиқ!» деб чақириб, хоналарга бир-бир кириб чиқибди. Укаси ҳеч қаерда йўқ эмиш. Телевизорни ҳам ўчирмай қаёққа гойиб бўлиши мумкин? Ака ҳовлини ҳам, молхонаю сомонхонани ҳам қарабди. Шунда нимагадир боя телевизор олдига солинган кўрпача устида илонга ўхшаш нарсага кўзи тушганини эслабди. Уйга югуриб қайтиб кирса, чиндан ҳам кўрпача устида

илон ётганмиш. Илоннинг боши кесилган бўлиб, кулча қилиб ўраб қўйилганмиш. Кулдонга кўз ташлаб, укаси ҳозиргина шу ерда ётиб, телевизор томоша қилиб, сигарет чекканини тушунибди.

— Илоннинг бошини ким кесган экан? Нега уни кўрпачаси устига ташлаб қўйибди?

Терговчи саволни эшитмагандек давом этди:

— Шундан сўнг акаси ташқарига чошиб чиқибди. Жигарига қандайдир балои қазо ёпишганини кўнгли сезибди. Шу хаёлда сўқмоқ томонга юрибди ва бир шарпани кўриб қолибди. Шарпа мункиллаган кампирга жуда-жуда ўхшаб кетармиш. Оёқлари ерга тегмагандек, худди ер бўйлаб бир текисда сўзиб кетаётгандек эмиш. Ака катта таёқни олиб, шарпанинг ортидан қувибди. Бир пайт шарпанинг тезлиги ошиб, сой бўйига эниб кетибди. Ака эниш жойга етиб борибди, аммо зулматга чўлганган сой бўйида ҳеч нимани пайқай олмабди. Ялтироқ тасма каби оқаётган сойга тикилибди, балки сув ёқасига келган шарпани кўзим илғаб олар, деган умидда экан. Шу пайт эркак кишининг ёввойиларча бўкиргани эшитилибди. Ака умрида бундай аянчли овозни эшитмагани учун бошдан-оёқ қалтираб кетибди. Назарида, бир одамни бўрилар ёки илонлар ўраб олиб, секин-аста ғажимоқда эди. Йўқса, кап-катта эркак ҳам шунчалик ваҳимага тушиб, шунчалик жон аччиғида-қичқирадимми?! “Хўв-в!.. Нима бўлаяпти?!” — бақирибди ака. Бунга жавобан зулмат қўйнидан жон ҳолатдаги: “Ака! Тезроқ қочинг!..” — деган овоз эшитилибди. Бу — Сиддиқнинг овози экан. Ким ўз жигарини хавф остига ташлаб кетади? Ҳазабдан қоплондек қутурган ака қўлидаги таёқни баланд кўтариб, бор овози билан бўкириб сой бўйига югуриб тушибди. У ёққа чошибди, бу ёққа чошибди, укаси ҳам, кампир шаклидаги шарпа ҳам йўқ эмиш. “Сиддиқ! Сиддиқ!” деб ҳар бир дўнгликни, чуқурни қараб чиқа бошлабди. Ва бирдан укасини топиб олибди. Укасининг кўкрагини пастидан бошлаб то сонигача терисини шилиб олишган ва

шилинган тери оёқларига чувалашиб ётган экан. Бу ҳам етмагандек бўзига пичоқ тортиб кетишган эмиш. Бироқ ҳали жони узилмагани учун акаси унга: “Ким қилди, Сиддиқ? Айт, укажон! Ҳаммасини сўяман!” дебди. Укаси эса: “Жангга...” деб пичирлабди-ю, ўлибди.

– Қотиллар лўлилар эканми? – Абдурахимнинг қоши чимирилди.

– Нимага асосланиб лўлилар деяпсиз?

– Бир киши қилмагани билиниб турибди. Улар кўпчилик бўлишган. Кейин гап айланиб барибир бизга... лўлиларга тақалаяпти.

– Лўлилар эканлиги исботланмаган, аммо қотил битта одам эмаслиги аниқ, улар жаллодлар ва кузатувчилардан иборат бўлишган. Сиддиқнинг акаси кўрган шарпа шахсан қотилликнинг бошида турмаган. Уни Сиддиқ уйдан олиб чиқиб кетилгач, одамларда ғалати таассурот қолдириш, боши кесилган илонни ташлаб, кўркув уйғотиш учун орқада қолдиришган. Абдурахим, сизнингча, марҳум нега акасини жангга чорлаган бўлиши мумкин?

– Бунақа жумбоқларга тишим ўтмайди, – деди Абдурахим.

– Кўрқманг, қотилликда сиз ҳам иштирок этгансиз, демоқчимасман.

– Худо сақласин-э! Лўлилар эканми, деб сўраганим, у кундузи бир шубҳали лўли йигит билан учрашганини айтдингиз. “Бошимда йиғлагунча жангга киришинг, улар кўпчилик”, дегандирдир-да, эҳтимол. Бекорга “жангга”, демайди-ку!

– Йўқ, – деди терговчи ва бирдан хурпайиб олди. Кўзларидаги чўғни кўриб, Абдурахим қайсидир иш бўйича нишонда эканини тушунди.

– Бўлмаса нима? – деди овози сезилар-сезилмас қалтираб.

– Шу вақтгача бу “иш” билан шуғулланган терговчилар марҳум сўнгги сонияларда акасини жангга чорлаган деган

сода бир гумонда эдилар, худди сизга ўхшаб. Энди билдикки, Сиддиқ “жангга” демаган, у ўлим олдидан алаҳсирамаган ҳам.

Абдурахимнинг юраги шув этиб кетди.

— У, — деди терговчи еб қўйгудек тикилиб, — акасининг овозини эшитганиданок қочишга ундаган эди, нега энди жангга даъват этиб қолди? Қолаверса, акаси сой бўйини айланиб, Сиддиқни зўрға топди. Қотиллар пойлаб турганида, ака чор-атрофни кезиб юрганида, тўқнашув содир бўларди. Энди эшитинг, Сиддиқ “жангга” эмас, балки “чанга” деган. “Чанга” лўлиларнинг афсонавий пичоғи, тилладан ясалган. Сиз буни жуда яхши биласиз, Абдурахим, тўғрими гапим?

— Нега мен... биларканман? Нима у?..

Терговчи истехзоли кулди.

— Чанга пичоғи ҳақида биронта китобда, биронта халқ оғзаки ижодида айтиб ўтилмаган, шунинг учун биз, ҳаттоки, бундай атама борлигидан ҳам беҳабар эдик. Бироқ икки вилоятда рўй берган қотилликлар таққослаб чиқилганда ҳамда чанга пичоғи ҳақида маълумот олинганда, калаванинг учи топилди. Яна бир тахминни қўшимча қилмоқчиман. Бир вақтлари отангиз ҳам чанга пичоғи туфайли ўлдириб кетилган, чунки уйингизда ўша хосиятсиз пичоқ сақланган. Ва-еиз-уни топиб олгансиз, деб бемалол айта оламан.

— Ҳеч қанақа пичоқ ҳақида билмайман, ака. Бу гапни қаердан олдингиз?

— Бир йилдан бери ўйнаб юрганим йўқ. Калаванинг учи қўлимда, қайсарлик қилманг!

— Калаванинг учи менманми? — бўғриқди Абдурахим.
— Нега энди мен... фақат мен?!

— Йўқ, калаванинг учи мана шу уй. Сиддиқ ва Шарифа аптекада танишиб қолишгач, шу уйда учрашишни одат қилишган. Маҳмуд ака бир аёлникида яшагани учун уйига баъзи-баъзида келарди, холос. У Сиддиққа анави хонани ижарага берган. Бир куни темирчимиз устахонадан

қайтаётса, йўлини бир лўли йигит тўсган ва отига тақа ясаб беришни илтимос қилган. Бироқ “Устахонага боролмайман, жума куни туш чоғи уйингизга элтиб бераман, шунга қараб янгисини ясайсиз”, деган.

Гап ўзани тўсатдан тақага бурилгач, Абдурахим буларнинг бари бир-бирига чамбарчас боғлиқлиги ҳақида бош қотира бошлади.

- Нимани ясайсиз, деган?
- Нимани бўларди, синган тақа ўрнига бошқасини, — деб тақага им қоқди терговчи.
- Синган тақа?.. — гарангсиди Абдурахим.
- Баҳайбат отнинг синган тақасини.
- Кейин-чи?
- Лўли йигит уйга кириб, мана шу ерда ўтирган. Буни қарангки, Сиддиқ ва Шарифа ўша пайтда ичкари хонада бўлишган. Оёқ кийимларини ҳам ётоқхонага олиб киришгани учун лўли бошқа одам бор, деб ўйламаган. Қолаверса, пинҳона учрашаётган Сиддиқ билан Шарифа ўзларидан кўрқишган, тиқ этган овоз чиқармай, бекиниб олишган. Айни шу дамда темирчининг яқин ошнаси маст ҳолда келиб қолган. Уни алдаб-сулдаб кўчага чиқариб юборишни лўли йигит қаттиқ илтимос қилган. Маҳмуд ака ошнаси билан подъездда андармон бўлиб турганида, лўли йигитнинг ташқаридаги шеригига кимдир чанга пичоғи ҳақида муҳим хабарни етказган. Тахминимча, ташқаридаги лўли қараса, уй эгаси бўлмиш темирчи подъездда бир хирапашша одам билан турибди, ҳадеганда кетадиганга ўхшамайди. Фурсатдан фойдаланиб, у иккинчи қаватга лип этиб чиқади-да, темирчини қутаётган лўлига чанга ҳақидаги хабарни етказди. Балки у “Чанга пичоғи Маййит қишлоғидаги Абдурахим исмли отбоқар мўлтонида бўлиши мумкин”, деб ичкаридаги Шарифани ҳайратда қолдиргандир, балки чанга пичоғини пуллаш режасини гапиргандир? Нима бўлганда ҳам улар ичкарида одам борлигидан беҳабар ҳолда эҳтиётсизликка йўл қўйишган. Кейин шериги югуриб чиқиб кетган. Маҳмуд ака қайтиб

келиб, лўли билан янги тақа нархи хусусида савдолаша бошлаган. Лўли учун битта тақанинг пули ҳеч нима эмасди, айтилган нархга “бўпти” дейди. Лекин Маҳмуд аканинг тентак феъли бор. Шу пайт айлантириб, лўли йигитдан шубҳаланаётганини юзига гапиреди. Гап орасида уйининг бир хонасини аптекачи йигитга ижарага берганини, ижарачи ҳар замонда бир аёл билан келиб, “дам олишини”, ҳозир ҳам ичкарида ётган бўлиши мумкинлигини, лекин улардан шубҳаланмаслигини қистириб ўтади. Табиийки, бу хабардан лўли йигитнинг эхонаси чиқиб кетади. Ахир, ҳозиргина ўта муҳим сирни овоз чиқариб гапирдилар-да! Ушаларни кўрсатинг, деб туриб олади. “Балки кетиб бўлишгандир? Улар кўп ўтиришмайди бу ерда”, деб Маҳмуд ака ётоқхона эшигини очиб қарайди. Ҳеч ким йўқ эди. Бироқ пойабзалларга лўлининг кўзи тушади ва каравот тагига энгашиб, иккисининг ҳам биқиниб ётганини кўради. Иш пачава эди. Шу заҳотиёқ лўли хайр-маъзурни насия қилиб, уйдан чиқиб кетади.

Шарифа ва Сиддиқнинг ранглари мурданикидай оқариб кетган бўлган. Улар аслида икки лўлининг гапини эшитиб, шу даражада даҳшатга тушганларки... Қандай сирли ва мудҳиш гап бўлган, афсуски, аниқ билмайман. Маҳмуд ака икковининг кўрққанларини кўриб, бошқа нарсага йўйган, “Келган киши кўшни районлик ғирт бегона лўли, у сизларни танимайди, кўрқманглар”, - деган. Синган тақа эса стол устида қолган кўйи қолиб кетаверади. Ўша куни кечаси Шарифа, эртасига, шанба куни эса Сиддиқ ўлдирилган. Лўли йигит шу-шу қайтиб қорасини кўрсатмаган, синиқ тақа эса далилий ашёга айлангунча Маҳмуд аканинг қўлида сақланган.

— Нега Маҳмуд акага индашмаган? — Абдурахим уй эгаси ўтирган хона эшигига қараб кўйди.

— Менимча, қотиллар Шарифадан ёки Сиддиқдан сирни кимларга айтишганини сўнгги дақиқаларда сўрашган.

Хотинингиз ҳам, аптекачи ҳам сир бой бермаганини билишгач, уларнинг ўзларинигина йўқ қилишган. Энди айтарсиз, чанга пичоғи қаерда?

— Мен унақа пичоқни билмайман, дедим-ку.

— Пичоқ қаерда, Абдурахим? Бу яхши савол, жавоби ҳам яхши бўлиши керак.

— Ака, унақа пичоқдан хабарим йўқ.

— Ҳаётингиз қил устида эканини унутманг.

— Агар шунақа пичоқ бўлганида-ю, менда сақланаётганида, аллақачон ўлдириб юборишмасмиди?

— деди Абдурахим тутақиб. — Нима учун бир йилдан бери тирикман? Шарифани уйимда, ўйнашини сой бўйида пичоқлаган эканлар, мени-чи? Нега овлоқларда тутиб олишмади? Шу вақт ичида қаерларда юрмадим тентираб? Нега уйимга бостириб киришмади? Йўқ, сиз қаттиқ адашяпсиз!

— Адашяпманми? — бошини орқага ташлаб, гердайиб боқди терговчи.

— Ҳа, — бош силкиди отбоқар. — Биринчидан, мен тирикман, иккинчидан бойиб кетганим йўқ. Мана, сизга исбот.

— Уйингизга ўт қўйишгани-чи? Мол-қўйларингизни осонгина заҳарлаб эмас, ёввойи викинг жангчиларидек чавақлаб ташлашгани-чи? Зарзар лўлиларининг безорилари дедик, энг шубҳалиси “КПЗ”да ўлиб қолди-ку!

— Лекин қани ўша қотиллар? Қани ўша шубҳали йигит? Синган тақага ҳам келишмабди-ку! — бўш келмади Абдурахим.

— Қотилларнинг ўзларини ҳам ўлдириб юборган бўлишлари мумкин. Мана, сиз тирик юрганингизнинг сабаби!¹ Фикримча, учта лўли эмас, ундан кўпроқ одамлар тилла пичоқнинг изидан тушишган. Мени ташвишлантираётган яна бир томони, уч лўлининг тепасидаги одамлар лўли эмас, бошқа халқлардан чиққан тажрибали ва хавfli жиноятчилар бўлиб чиқиши мумкин. Сиз омон қолганингизнинг сабаби,

улар уч лўли йигитни ўлдиришган ва бир-бирига боғлиқ занжир узилиб, натижада сизни йўқотиб қўйишган. Агар лўли биродарларингиз ўлими олдидан исмингизни тилга олишганида, аллақачон гўрда ётган бўлардингиз. Бундай мудҳиш жиноятлар оддий йигитларнинг қўлидан келмайди. Киллерлар ҳақида эшитганмисиз?

— Мен ҳеч нарса билмайман, — Абдурахимнинг пешонасини совуқ тер босди.

— Энди сизга ростини айтай. Чанга пичоғи Буюк Британия музейида сақланади.

— Нима?

— Чанга пичоғи Англияга олиб кетилган. Қачонлигини айтайми? Отангиз ўлдириб кетилишидан олти ой аввал, яъни чорак аср муқаддам. Тарихий буюмларни чегарадан ўтказиб, пуллаш ўша пайтда унчалик қийинчилик туғдирмаган кўринади.

— Демак, у отамнинг пичоғи бўлган экан-да?

— Шундай пичоқ борлигини тан оласизми?

— Тан олиш... Бу нима? Отам менга кўрсатмаган, эшитмаганман ҳам... Лекин у отамнинг пичоғи, тўғрими? Бизда тилладан ясалган пичоқ борлигини... қандай тан оламан? Камбағал яшаганмиз... Ҳеч нарса билмайман...

— Нега бундай деяпсиз? — терговчининг кўзлари сезиларли даражада кулди. — Гапингизни йўқотиб қўйяпсиз. Шуни унутмангки, сизни ҳеч ким тилла пичоқни яширишда, сотишда айблаётгани йўқ. Ундан ҳам жиддий масалалар устида сўз бораяпти. Биз билан ҳамкорлик қилинг, Абдурахим.

— Узингиз айтаяпсиз-ку, отангиз ўша пичоқ чет элга жўнатилганидан кейин ўлдирилган, яна бир нусхаси сизда, деб...

Терговчи ошкора кулиб-юборди.

— Қачон шундай дедим?

— Гапнинг маъноси тортаяпти, ака, — деди Абдурахим кўзи пирпираб. — Энди раҳматли отамни ҳам жиноят ишига тиркаб қўймоқчисиз.

— Сизнингча, пичоқнинг яна бир нусхаси борми?

— Мен ҳеч нарса билмайман, — тақрорлади Абдурахим.
— Билганим шуки, сиз мендан чанга пичоғини талаб қиляяпсиз. Талаб қила туриб, у Англияда эканини айтаяпсиз. Миям ачиб кетаяпти! Жавоб беринг, уйга кетай.

Шундан сўнг терговчи узоқ ва синчков тикилиб қолди, бошқа савол бермади. У бугун афсона ва илоҳиётга ҳақиқатан ҳам муккасидан кетганга ўхшарди. Қўл бериб хайрлашиш асносида тақага имлаб, деди:

— Филдек келадими ўша от?

— Топсам, кўрасиз... — ўрнидан турди Абдурахим.

— Топсам? — ажабланди терговчи.

— Мен отбоқарман. Тақани сиздан кўра мен яхши биламан. Тўғриси, ҳаммасидан тўйдим. Қотилларни топган куним ўлдириб, ўзимни ҳам... тинчитаман.

— План чаккимас. Аммо ваъдангизнинг иккинчи, учинчи бандига ўта кўрманг... — пўписа қилди терговчи.
— Уйга кетоласизми?

Абдурахим кўчада ёлғиз қолгачгина, қорни ўлардай очиққанини сизди. Ҳувиллаган қоронғи кўчада кўнишибгина одимларкан, даставвал мархума хотини ва сирли жиноий тўда ҳақида ўйлади. Шарифа шунчалик хиёнаткор хотин бўлган экан-да! Мана, унинг ўлим топиш тарихи: лўли йигитларнинг сирини тасодифан эшитиб қолишгач, ўйнаши иккови итдек ўлдириб юборилган. “Хиёнаткор хотин учун қасос олиб, иккинчи турмушимни, Зарина билан ўғлим Жамбонинг ҳаётини хароб қиламанми?” — дея савол берди ўзига.

Икки кўчадан ўтди. Шунда у Шарифанинг ҳар жума куни узлуксиз хиёнат қилгани шубҳали эканини ўйлади. Терговчининг гаплари қандайдир детектив романни эслатиб юборарди.

— Синган тақани ташлаб кетган лўли ҳаммасидан бохабар, — деди ўзига ўзи. — Уни топаман. Шарифа ҳақида сўрайман... Экспертиза раҳматли Шарифанинг қорнидаги ҳомила меники эканини исботлади-ку...

Кейин бошини солинтириб, ҳокимият майдонигача судралиб борди.

“Наҳотки кеча мен ўғилли бўлдим?! Ҳозир бориб кўрсаммикан?” деди бирдан кўнгли равшан тортиб.

Абдурахим майдонни кесиб ўтиб, туғруқхонага яқинлашди. Чанга пичоғи сохта экани деярли исботланди, демак, зурриёди қарғиш олмагани ҳам ҳақиқат. Мамай кўрнинг энтак-тентак бащоратларига ишониб, шунча сарсон-саргардончиликда юрди-я.

Бироқ у туғруқхона тагида анча вақт туриб қолди. Шифокорлар назоратида бўлган оиласини бемаҳалда безовта қилишни истамеди. “Уйга қайтаман, — деб мингиллади. — Айтгандай, кўлда еттинчи марта чўмиллолмадим. Бунинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ энди...”

IV БОБ

Абдурахимнинг уйида чақалоқ йиғиси янгради. Деворлари оҳакланмаган, сарғиш сувоқли хона деразасидан Хотин кўли кўринмаса-да, соҳил бўйидаги жийдазор оқариб кўзга ташланарди. Олислардаги қишлоқлар кўрки — яшил тераклар сайру саёҳатларга чорларди гўё. Бироқ аллазамонлардан бери ўтроқлашиб қолган қавм бу чорловларга шунчаки энтикиб кўярди, холос.

Шарифанинг қотиллари топилишидан сал аввал шундай воқеа бўлиб ўтди. Одатда туғруқхонадан чақалоқ келганда, кўни-кўшнилари муборақбод этиш учун ташриф буюришарди. Ҳуриллаган шамол йўлидаги янги иморатга кирган хотин-халаж бир-бирига гап бермай, Заринани уй билан ҳам, чақалоқ билан ҳам табриклай бошлашди. Кўлга телбаларча олти марта чўмилиб, милицияга тушиб, бунинг устига мияси зўриқишдан шекилли, кўл тубида чақалоқ арвоҳини кўрган Абдурахим нариги хонада мазаси бўлмай, чўзилиб ётарди. Фала-ғовур овоздан кўзини очиб, “булар чақалоқни уйғотиб юборишни ҳам ўйламайди”, деб таъби баттар тирриқ бўлди.

Туғруқхонанинг оқиш рўмолини ечмаган Зарина мадорсизликни унутиб юборган, тетик эди. Янги

келинчаклик бир севинтирса, болали бўлиш ун севинтирмоқда эди. Мўлтон аҳли исириқ иси тутган хона ўргасида бешикни қуршаб олишиб, ҳаммалари гўдакка термилишди.

Бирпас утмай Жамбо йиғлаб юборди.

— Овози йўғонгина экан, — деди хотинлардан бири. — Ўғил бола-да!

— Нега исмини Жамбо деб қўйишди? — сўради кўринишидан мўлтониларни эмас, мўғоти ҳиндиларни эслатиб юборадиган қора хотин. — Умрим бино бўлиб, кўп жойларда яшадим, кўп одамни кўрдим, аммо бунақа исми эшитмадим. Отнинг лақаби эмасми?

— Куёвнинг орзу қилгани шу! — шанғиллади бошқаси. — Буям улғайса, катта от бўлади-да!.. Лекин тўғри айтасиз, куёвнинг ўзи ҳам ғалати, топган исми ҳам! Утган куни кўлда қутқарган аёли кимлигини эшитгандирсизлар?

— Эшитдик, — дейишди хотинлар.

Абдурахим “оббо” деб қўйди.

— Туғруқхонада ҳамшира эмиш! — деди Ашраф тоғасининг хотини. — Жонидан тўйганларга туғруқхонада ишлашга ким рухсат берган, ҳайронман! Нега ҳамма бало Абдурахим қайнимнинг йўлидан чиқади-я? Кутқаргани учун раҳмат айтишнинг ўрнига машинага тиқиб, мелисахонага топширибди. Чўкиб ўлсин эди, ношукр!

— Ашур қассобнинг иши! — шанғи овоз ҳамманикени босиб кетди. — Нега деганда, унинг катта қизини Сирдарё томонда мўлтонилар иситиб, хотин қилиб олган. Шундан бери мўлтониларни кўргани кўзи йўқ. Бизда нима айб?

Дастурхонга қанд-қурс, бўғирсоқ, қатлама ва аччиқ кўк чой қўйилди. Хотин-халаж, бола-бақра дастурхонга чўзилди. Ғала-ғовур шунда ҳам тинмади. Тўда бўлиб, говурлашиб таом ейишнинг ўзгача завқи бор эди.

— Иби, бу бача отасига ҳам, онасига ҳам ўхшамабди, — деди бир пайт Ашраф полвоннинг хотини бешикдаги чақалоққа синчиклаб қараб. — Туф, сассиқча! Фирт бегонасан-ку бизга! Отанг ким сенинг?

– Худди отасини танимайдигандай боламга бунча ёпишдингиз?! – Зарина бўш келмади. – Ўзингизнинг Ақобицингиз кимга ўхшашлигини айтайми?

– Айтинг, келинжон! Мен ҳам бунинг кимга ўхшашлигини кейин айтаман!

– Айтсам, ўзингизни осасиз!

– Ҳай, бир эркак учун ўзини осадиган аҳмоқ йўқ!

Бир уй хотин хахолаб кулди. Шифтдан осилган кўкимтир қамишларга қараб ётган Абдурахим ёнига ағдарилиб, деворга кўз тикди. Чумоли жадал юриб борарди: на қадам товуши, на ҳансираши эшитилади. Қўшни хонада эса бир уй одам дунёни бошига кўтариб чувиллашмоқда. Уларга қолса, болани отага, отани болага бегона қилиши ҳеч гап эмас. Жамбонинг териси хиёл оқроқ, гўёки мўлтонилар орасида оқ танли аждод ўтган дейди киши. Шу билан бегона бўлиб қоладими у?

– Товуқмиялар, – гўлдиради Абдурахим.

Хотин кўлига чўмилиб, ҳибсхонада ҳўл кийимда ётгани боис уч кун иситмалади. Тўртинчи кун оёққа туриб, ярим кечаси чанга пичоғини пахталик чопон жандасига ўрадида, томорқасига кўмди. Белги бўлсин, деб ёнига эски темир сандон ўрнатди. Бу сандонни жамоа хўжалигидан қолган эски гараждан олиб келганди. Кетмон, белкурак кабиларнинг учи кемтилганда, шу сандонда текисланарди. Ҳақиқий чанга пичоғи Буюк Британия музейида экан, олтиндан ясалган пичоқни тиллафурушларга сотиб, мўмайгина пул ишлаб олса бўларди. Қалбаки пичоқ учун қарғиш урармиди? Бироқ терговчи билан учрашиб, билдики, у энди кузатувда. Деворнинг қулоғи, шамолнинг оёғи, осмоннинг кўзи бор. Шундай кунда таваккал қилса, тилла сотаётган чоғда қўлга тушиши аниқ эди.

Ўйлар уммонига фарқ этган яна бир жиҳат шу эдики, отаси уйдаги имрон сандиғидан чанга пичоғини топгач, дастадаги ёзувни ўқиган ва хазинани ахтарган кўринарди. Зарзар жамоаси лўлилари чанга пичоғи ҳақида учта афсона айтишганди. Кўриниб турибдики, икки афсона

ёлгон бўлиб чиққан. Отаси дастада кўрсатилган манзилга бориб, шубҳасиз, хазинага дуч келган, йўқса, чанга пичоғининг тилладан ясалган қалбакиси учун ярим килога яқин олтинни қаердан оларди? Шундай экан, хазинадаги олтин-жавоҳирлар қаерда? Нега ҳеч кимга васият қолдирмасдан ўлиб кетди? Ёзишга улгурмадими? Балки ўғлим Абдураҳим одам бўлгач, ўлимим олдидан мерос қолдираман, дегандир? Кутилмаганда қотил қўлида ажали етиши тушига ҳам кирмаган.

“У ҳолда чанга пичоғини ким чет элга сотди? — ўйлади Абдураҳим. — Отамми? У нега бундай жиноятга — ўз халқининг меросини сотишга қўл урди? Йўқ, отам палид эмас эди. Отамнинг шериги бўлганмикан? Тиллани бўлишолмагани учун олти ойдан сўнг ўлдириб юбордими? Отам ҳеч кимга ишонмайдиган инсон эди, хазинани ҳам ишонмаган. Лекин отам уста ҳам эмас эди. Бу дегани у тилладан пичоқ ясатиш учун қайсидир уста билан юзма-юз келган. Ўша устадан гап қочдимикан?..”

Кейинги ҳафта уйда пул тугади. Абдураҳим деразадан ҳовлига термилиб ўтираркан, кўзи ҳадеб сандон томон югурарди. Бир қадам нарида тилла пичоқ. Нима қилсин? У ўғлини қўлга олиб, суяр, эркалар, қўлида аллалаб, дунёдаги энг бахтиёр отага айланарди. Боланинг нақадар ширинлигини энди билди, оталик туйғусини туя бошлади. Бу шундай туйғу эдики, ҳеч ким тайинламаса ҳам, Абдураҳим табиий бир интилиш билан боласини кўргиси, авайлагиси, унинг келажаги ҳақида қайғургиси келарди. Мамай кўрнинг ҳузурига борганда, бемаъни фолга ишониб, жигарбандини қатл этишга тайёрлигини сўйлаганини ўйлаб, ўзидан наф-ратланди ҳам.

Шундай кунларнинг бирида кечқурун бир машина уй ёнида тўхтади. Келган Ашур қассоб эди. Саврияни қутқарган кун дағдағалари анча ошиб тушгани учун бўлса керак, Абдураҳимнинг кўнгли ғашланди. Бу одам яна қандай хиралик қилмоқчи? Мўлтони деб истаган вақтда асабига ўйнайверадими?

— Қалайсиз, душман? — ҳазиллашди қассоб. — Тухмат қилиб, гуноҳга ботдим, узр, жўра. Айбимни ювиш учун сизга тоғдай ойлик тўланадиган иш топдим. Эшитишимча, ҳозир тоза ҳаво директори экансиз.

Абдураҳим қассобнинг ёнидаги одамнинг кимлигини билмоқчи бўлиб, бошдан-оёқ сер солди: фермер эди. Адашмаса, отхона ҳиди ан-қимоқда эди ундан.

— Бу Шавкатжон, бизнинг яқин қадрдонимиз, — таништирди қассоб. — Ўзи Музтепада яшайди, бу ердан узоқмас. Утган йили ўн бош от олганди, зўр отлар! Лекин ҳеч яхши отбоқар тополмаяпти. Сизни отнинг тилини биладиган деб эшитдик. Ўша куни кайфда ёмон ҳақорат қилганимни ўйлаб, виждоним қийналиб юрганди, ишнинг додасидан топиб берай, дедим. Ишлайсизми?

— Қанақа отлар? — сўради Абдураҳим. Юраги тошиб, енгил ҳаяжон томирлари оралаб югурди. Уни севган касби бўйича ҳеч ким иш таклиф этмай кўйганди-да.

— Семиз отлар, ориқ отлар... — деди қассоб. — Ҳаммаси отмисан от-да!

Фермер кулиб кўйиб, Абдураҳимга деди:

— Қассоб дўстим ўз касбидан келиб чиқиб, семиз-ориқлигини ҳисобга олади. Келинг, биз ўз тилимизда гаплашайлик...

У отлари ҳақида ёниб-жушиб гапирди. Ҳар бир гапи Абдураҳим учун қизиқ эди, аммо битта жойи ниҳоятда ҳайратга солишини хаёлига ҳам келтирмай, фермер билан бамайлихотир гаплашаверди.

— Хафа бўлмайсиз, бир куни лўлилар ҳақида гап чиқиб қолди, — деди Шавкат фермер. — Урта Осиё лўлиси ҳеч қачон отга Европа лўлисидек қизиқмаган, деб бир танишим ҳаммани оғзига қаратди. Бу гапга барчамиз кўшилдик. Чунки Урта Осиё лўлилари циганларга ўхшаб от боқиб, от ўғирлаб, отга жон дилини бермаган. Лекин кўпқарида қатнашган самарқандлик лўли полвонлар ҳақида эшитганман. Шундаям бизнинг лўлиларимиз отга унчалик қизиқмайди, деган фикрда қолдим...

— Мен лүли эмасман, — деди Абдурахим. — Бирга ишлайдиган бўлсак, бошидан айтиб қўяй, ака, мен мўлтониман. Агар мўлтонини ҳам, жўгини ҳам бирдек лүли деб атасангиз, одамни қаттиқ хафа қилган бўласиз.

— Узр, узр, мен ўшаларнинг гапини айтмоқчийдим, холос. Энциклопедияда ҳам “лүли” дейишган экан-да.

— Олимлар ўзларига осон атамани хуш кўради, ака.

— Майли, олимлар ўз йўлига. Хуллас, биздаги лүлилар отга қизиқмайди, деб гаплашиб турганимизда, узоқдан чанг кўтарилди. Энди у чангни кўрсангиз, қиёмат дейсиз. Нима бало бу, деб кўз узмаяпмиз. Не кўз билан кўрайликки, девордай от қуюн бўлиб келаяпти. Яна денг, тим қора. Оёқлари устундай-устундай. Чавандозини кўрсангиз, хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, ўн олти-ўн етти ёшлардаги лүли йигит...

— Ким дедингиз? Қанақа от? — Абдурахим шундай тўлқинланиб кетдики, фермер нотўғри гапириб қўйдим деган хаёлда:

— Ҳа, энди, мўлтони билан жўгининг фарқига бормаймиз, лүли деб қўя қоламиз-да! — деди.

— Отни айтаяпман! У кимники экан?

— Ҳали ўзини кўрмасдан бунча ҳаяжонландингиз-ей! Кўрсангиз...

— Ҳа, кўрмоқчиман! Қаерда ўша лүли биродарим? Қаерда ўша қора от?

— Музтепада эмас. Тоғ томонда. Бизнинг олдимиздан тўхтамай ўтиб кетди.

Ашур қассоб Абдурахимнинг елкасига қўл ташлаб, деди:

— Бор бўлинг-э! Одам деган шунчалар от жинниси бўладими? Тоғ томон дегани тоғ этагидаги бирор қишлоқ-да. Ўша от ўзиям бир тонна келади. Айтишига қараганда...

— Акалар, менга ўша отни топиб бероласизларми? — Абдурахим икковига ҳам ялт-юлт қаради.

— Ўшандан бери кўрганимиз йўқ, — деди Шавкат фермер. — Бир сафар мелисалар ҳам излаб келганди.

Фермамга борсангиз, балки ўзингиз тоғ тарафлардан суриштириб топарсиз. Чавандоз аниқ лўли эди, менимча, уни топиш сизга осонроқ.

— Ҳа, нима у топиш! — деди қассоб.

Абдураҳим сирли қотил ва қора от дарагини эшитгач, бу ёғига ҳам сабр билан кутиш кераклигини тушунди.

— Ҳар ҳафта уйингизга келасиз, — деди фермер. — От бераман. Отга йўлнинг жони йўқ.

Кўп ўтмай Абдураҳим Музтепа қишлоғига ишга жўнади. Катта йўлдан ўнгда, тоғ олди далаларидан ўн чақиримча ичкарида мўъжазгина турк қишлоғи бор эди. Шавкат фермер шу ернинг бойи эди. Фермасидан то олисдаги тоғ этагигача бепоён далалар, яйловлар ястланиб ётарди. Мўлтонилар, товоқтарошлар ҳамда ҳар замонда кўчманчилик одатини ирим қилиб, от-аравада ёз бўйи атроф-жавонибни кезадиган насли номаълум лўлилар қавми ҳам яшаркан ўша ерларда. Абдураҳим сизди: Шарифани ўлдириб кетган қотилларга жуда-жуда яқинлашди, тақдирнинг ўзи улоқтириб келди уни лўлилар водийсига.

Бир ҳафта сўраб-суриштирди, бақувват отларнинг оёқ чигили ёзиладиган яйловларга борди, изларни кўрди. Минг ҳаракат қилмасин, қотилларнинг баҳайбат қора тулпори бу атрофларда йўқлигига амин бўлди. Назарида, афсонавий қора от афсун маҳсули бўлиб, одамларнинг кўзига ҳайбатли кўринаётгандек эди.

Ҳафта ўтиб, саманни минди, отхонага ёрдамчисини қоровулликка ташлаб, уйига йўл олди. Заринага пул бериб қўйиши керак эди. Қишлоқда пулсиз ҳам бемалол яшаб юраверишарди, аммо Абдураҳим чақалоқни зориқтиришни истамади. Оталик меҳри кундан-кунга ошиб борарди.

Урчуқ дарёси ёқалаб юрди. Сув ҳайрон қоларли даражада камайганди, истаган жойдан узангига дарёни ўптирмай ўтиб олиши мумкин эди. Бу Абдураҳимни қувонтирди. Бироқ дарё ортада қолгач, кўп юрмай, от

жиловини тортишга мажбур бўлди. Қаршисида Хотин кўлининг аянчли манзараси жонланди. Ё алҳазар, кўл қуриб бораётган эди.

— Кўлга нима бўлди? — сўради у ғозларини ифлос сувдан ҳайдаб чиқаётган боладан.

— Нима бўларди, кўрмаяпсизми? — деди-бола. — Хотин ўлди! Чириган мурдаси қолди! Пуф, сасишини қаранг!

Абдураҳим кўлдан кўз узмай анча турди. Кейин отга қамчи босиб, уйи сари чоптириб кетди. “Минг лаънат! — деди қамчини маҳкам қисиб. — Хотин кўли қуриди... Мамай кўр айтганди, кўйлагингни ювган хотин ўлади, деб! Наҳотки мудҳиш башорат рост бўлса?! Унда Жамбонинг бошига ўз онасига уйланишдек жирканч қисмат тушадими?!”

Уйида чўғ устида ўтирган каби ҳаловат тополмади. Туғилганига бир ой ҳам бўлмаган жигарбандининг овозида қандайдир бегоналик, совуқлик ҳиссини илк бор туйиб, кўзига дунё тор кўриниб кетди. Қайфияти йўқлигидан ташвишланган Зарина кечки овқатдан сўнг иш ҳақида сўради.

— Чарчадим, — оғир хўрсинди Абдураҳим.

— Шунчалик қийин ишми? Севган касбингиз-ку!

— Зарина, мён будунёдан-ахтарганимни тополмаяпман... Ахтариб-ахтариб чарчадим...

— Қўйинг ўшаларни! — Зарина зардали оҳангда сўзлади.
— Милиция барибир топади.

— Қотилларни айтаётганим йўқ! Ўз умримни, бахтимни, тинч ҳаётимни тополмаётганга ўхшайман. Мана, эндигина яхши иш учраганида, кўл қурий бошлади.

— Анави Хотин кўлими? Унинг нима дахли бор сизга, иби?

— Қўй, сўрама, — оёғини узатиб, кўзини юмди Абдураҳим.

— Қиблага оёқ узатманг, — танбех берди хотини.

Абдураҳим оёқ учигами, қиблагами кўз ташлади, сўнг оёғини йиғиштириб оларкан, ўз саволига жавоб топгандек кўзлари ярқ этиб очилди. У ҳамма нарсани ахтарибди-ю, Худони унутиб қўйибди.

Шу пайт дераза тақиллади. Абдурахим ташқарига кўз ташлади: уй пештоқидаги икки юз йигирма вольтли чироқнинг сарғиш ёруғида ҳеч ким кўринмади. Оёғига калиш илиб, эшикдан чиққанида, бир шарпа томорқа ўртасига сингиб борарди. Отхонанинг кучли фонарини ёритиб, югурди.

— Тўхта, эй-й!..

Бу ўша кампир — никоҳ кечасида Мамай кўрдан мактуб келтирган Элчи хотин эди. У Абдурахимдан кўз узмай кутди.

— Сизга нима керак? — сўради отбоқар. — Яна Мамай бобо юбордимми?

— У ўлган. Ўликлар одам юбормайди.

— Қачон ўлди? — Абдурахим юзига фотиҳа тортмоқчи бўлди-ю, тўхтади.

Кампирнинг кўзлари йилтиллаб, бир қадам ташлади, мункайган қаддини хиёл кўтарди. Абдурахим терговчи ҳикоя қилган фожиа — Сиддиқ ўлдирилган кечадаги шарпани эслаб, беихтиёр оёқларига кўз ташлади. Йиртиқ калишдаги бу банда оёқда зўрға юрибди, наҳотки, қотилларга шерик бўлса?!

— Хотинингдан ҳам аввал.

— Шарифадан аввалми? Нималар деяпсиз? Нега бошимни қотираяпсиз?

— Элчи хотин деб эшитганмисан? Мен — ўша.

— Ўша бўлсангиз ўша-да! Менда нима ишингиз бор? Кетмон билан уриб ўлдириб, шу ерга кўмсам, кутуламанми?

Кампир ишонч билан тез-тез гапиришга тушди:

— Ўзинг мен билан учрашиб, кимлигимни сўрадинг. Мамай кўр умри бино бўлиб фолбинлик қилмаган, ҳеч бир каромат ҳам кўрсатмаган. Жони узилиш арафасида ичига ёвуз руҳ кириб олган, чунки Мамай кўзи ожиз ҳолида, авлиё даражасига чиқиш ўрнига Яратганга шак келтириб яшаган эди. Тўсатдан фолбин бўлиб қолгани жумбоқ бўлиб туюлмадимми? Мана сенга жумбоқ, билдингми! Ҳаётингни жинлар ўйин қилди. Сен дўзахисан.

– Йиғиштиринг сафсатани!
– Майли, ишонма. Сенга айтадиган сўнгги хабаримни эшит! Улар шу кеча Аросат сойда гулхан ёқиб ўтиришибди.

– Кимлар?

– Сен излаган осий бандалар.

Абдурахим сирли кампир сари қадам ташлади.

– Қандай ишонтирасиз?

– Сен икки ҳақиқатни тушунмайдиганлар тоифасидансан. Бири илоҳий ҳақиқат, иккинчиси кўзинг билан кўриб, ушлаб бўладиган нарсалар ҳақиқати. Иккови ҳам бор нарса, айри-айри кўринган битта нарса. Неча кунлар тоғаннинг уйи атрофидан тентираб юрганларимни биласан. Мени кўп безовта қилгансан, оворамни чиқаргансан.

– Ҳа, тентираб, ўғридай пусиб юрганингизни янгалардан бири кўрганди, юраги ёрилганди. Лекин мен қачон сизни безовта қилибман? Нима ишим бор сиз – девонада?!

– Истасанг, қора от минган чавандозлар билан гаплаш. Энди бир-биримизда ишимиз йўқ. Мен ўлик кутаётганларданман.

– Тўхтанг-тўхтанг! Хотин кўлига бир бўлак тиллани отиб юборганман. Мени пойлаб юрган экансиз, мабодо сиз...

– Мен?! – кампир чўччайиб, кўрсаткич бармоғини лабига босди. – Гуноҳга ботма! Худонинг бандасини йўлдан урадиган жонсиз буюмга мени ишқибоз қилма. Қабристонда яшаганингда, бу ҳақда сўраб ҳам ўтирмасдинг. Ғуристондан ташқарида керак у нарса.

Мамай кўрнинг яна бир башоратига кўра Абдурахим фарзандини ахтариб юрган дамда Элчи хотин қотилларнинг манзилига бошлаб бориши керак эди. Гарчи ҳозир боласини ахтармаётган бўлса-да, манзил айтилди. Абдурахим қоронғилик кўйида абадий йўқолиб бораётган шарпанинг ортидан бир муддат кўз узмай турди.

– Дадаси, ким у? – сўради Зарина эшикни очиб.

Абдурахим умрида биринчи марта эшитган “дадаси” деган сўздан шунчалар мутаассир бўлдики, устунга

боғланган оти томон югурмоқчи бўлган жойида тўхтади. Кейин гўёки руҳи ортда қолиб, вужуди саман от сари чопиб кетаверди. Сўнгра ҳайратда қолган муаллақ руҳ ўз вужудига етиб олиб, яна ҳаммаси бирлашди, кўнглига чўғ тушса-да:

— Ҳеч ким! — деб жеркиб берди. — Уйга кир! — Отга ўзини отиб, яйдоқ минди. — Зарина, эшик-деразани маҳкамла деяпман! Ташқарига чиқманглар! Мен эрталабгача келаман!

Отнинг биқинига ниқтаб, молхона бўғотига қистирилган ўроқни юлиб олди. Кўчага чоптирди, аммо ортга қайтиб, Элчи хотиннинг изидан қоронғилик қўйнига кирди. Таажжубки, сирли кампир ер ютгандек ғойиб бўлган эди.

— Шунисига ҳам раҳмат! — бақирди Абдураҳим ва от сағрисига ўроқнинг тескари томони билан урди. Туёқлар дупури саман қанчалик тезлик ила олислаб бораётганидан дарак берарди. Ўз навбатида шамол кўзидаги иморат ва сарғиш шуълада қотиб турган бодрингдай хотин секин-аста гугурт чўпига айланиб, ахийри бир нуқтага сингиб кетди.

Абдураҳим дарёга тиккасига от солди, сон-саноқсиз томчилар юз-кўзига дувиллаб урилди. Қасос завқидан бўкириб юбораёзди у. Янги оила қургани, фарзандли бўлгани, қолаверса, Шарифанинг хиёнаткорлиги — ҳеч бирини ўйламас, хаёлида сирлидан-сирли уч йигит жо эди. Қани, кўрсин-чи? Ким ўзи улар? Шарифада нима қасдлари бўлганини ўз оғизлари билан айтишсин.

Музтепага элтувчи йўлда, деҳқонлар чайласи томондан келган итлар вовиллаб қувишди, лекин шу заҳотиёқ чангда қолиб кетишди. Абдураҳим сўлдаги дала йўлига от бурди. Икки чақиримдан кейин Аросат сойи бошланади. Қулоғи тагида шамол ғувиллаб, тугмаси чиқиб кетган кўйлак бари ҳилпиради. Бироқ бу ўша кўйлак эмасди, арабча ёзувли. Бу вужуд ҳам бошқаникига ўхшарди.

Сойга яқинлашиб, жиловни тортди. Қотиллар анойи эмас. От туёқлари дупурини пайқаб, жуфтакни ростлаб қолишлари мумкин. Аросат сойига икки кун бурун Шавкат

фермернинг жияни билан келиб, отларни чўмилтириб кетган эдилар. Ҳозир шошганидан анча юқоридан қийиб чиқибди. Сув ёқалаб шарққа бир чақиримча юришига тўғри келади. Назарида, йўли унмаётган эди.

Қўриқ ердан ўтаётганида, дўнглик ёнида нимадир қорайиб кўринди. Яқинроқ борди, машина томи юлдузлар ёғдусида ялтиради. Оқ “Жигули” экан. Бундай пайтда ким сой бўйига машинасини ташлаб кетган? Абдурахим пода йўлидан от қўйиб, чим босган майдонга чиқди. Бу ердан атрофни синчиклаб кузатса бўларди. Бироқ гулхан кўзга ташланмади. Қотиллар ҳаммага кўринарли очиқ жойда ўт ёқмаслигини Абдурахим фаҳмлади. У ҳавони исковуч ит каби ҳидлади ва гумони ўз исботини топди: қўшни тепалик томондан тутун иси келмоқда эди.

Қияликдан отни секин туширди. Сой ёқалаб юриб, сўнг дўнгликка чиқмоқчи эди. Бироқ ёмғир ва сизот суви сариқ тупроқни тонна-тонна лойга айлантириб, сой бўйига оқизиб келиб ботқоқ ҳосил қилганди. Саман қорнигача ботиб қолди. Абдурахим қутқаришга уриниб кўрди, аммо ёлғиз ўзи ботқоқдан чиқаролмаслиги аён эди.

— Улар яқин... яқин... — гудранди Абдурахим ўпкаси бўғзига тикилиб.

Эшакмия ўсган шўрхок қияликдан ҳансираганча дўнгликка чиқди ва ниҳоят гулханни кўрди. Уч йигит ниманидир қизгин муҳокама қилишарди. Абдурахим ўроқни маҳкам ушлаб, оҳиста яқинлаша бошлади. Шу дам гумбурлаб ўқ узилди, йигитлардан бири ёнбошига ағанади.

— Қимирлама! — қичқирди милтиқ ўқталган киши омон қолган йигитга.

Қоронғидан яна бир киши отилиб чиқди. Абдурахим у лўлининг ёқасидан бўғса керак деб ўйлаганди, аммо шартта пичоқ урди. Гарчи қасос олиш учун келган бўлса ҳам, Абдурахим бундай ваҳшийликни кутмаган эди.

Учинчи йигит афсунгар сингари кўздан ғойиб бўлди. Абдурахим шатир-шутир чопиб келаётган шарпани

пайқади. Пайқадию нақ рўпарасига келганини кўрди. Ажал хизматчилари унинг изидан тушишган эди. Воқеликни тафаккури таҳлил қилиб улгурмаган отбоқар ўроқ дастасидан маҳкам тутганча қолаверди.

— Чанга!.. — қичқирди йигит Абдурахимни пайқаб, эшакмия ўсган қияликдан ўзини отаркан. Афтидан у отбоқарни ҳам босқинчиларнинг шериги билиб, “бизни куршаб олишган экан-да”, деган ўй кўнглидан ўтганди.

Бундан-да ғалатиси кейин содир бўлди: етиб келган икки босқинчи Абдурахимни уриб йиқитишди. Отбоқар ўзини ҳимоя қилмоққа не чоғлик уринмасин, бўлмади, босқинчилар ҳаддан ташқари кучли эди. Шафқатсизларча тепкилаб, сулайтиришди.

— Лўлини ўлдирма! Аввал айтсин! — деди таниш овоз.

Оғир зарбалардан бўлари-бўлган отбоқарни қўлтиғидан тутиб, гулхан олдига судраб келишди.

— Ие, бу Абди-ку! — бақирди таниш овоз. — Сенга айтгандим-ку Шавкат фермернинг отбоқари, деб. Ўша! Ҳой, мўлтони дўст, ўзингизмисиз?

Абдурахим ихраб, бошини кўтарди ва Ашур қассобни таниди.

— Менман... Ашур ака... — гулдиради Абдурахим. — У сой ёқалаб қочди...

— Нима қилиб юрибсиз бу ерда?

— Мен ҳам уларни ахтариб келгандим.

— Э, ким ҳам ишонади шу гапга?! — хитоб қилди милтиқли киши. — Уч лўлига бу ҳам шерик!

— Қанақа шерик? — эътироз билдирди қассоб. — Бу ҳам бизга ўхшаб ахтараётганди. Агар излаб юрганини аввал эшитмаганимда эди, мен ҳам шу гумонга борардим.

— Ишонмайман! — деди милтиқли киши дарғазаб бўлиб.

— Қаранг, тахмин қилганимдек, уларнинг оти ниқобли!

— Сал нарида турган баҳайбат қора отнинг ёнига бориб, милтиғи билан туртди. — Оддий отга шунақа “либос” кийдиришиб, циркдагидай ҳаммани лақиллатишган. Афсонавий от эмиш! Устидаги анави алламбалоларни

ечсак, оддий от бўлади-қолади. Бу отбоқар ҳам шундай. Нега айнан биз уч қонхўрни топган пайтимизда етиб келди? Сизга бу ғалати туюлмаётими, Ашур ака?

— Содиқ, кўриб турибсан, у жабр кўрган бир бечора банда.

— Яхши! Унда мана милтиқ. Жингалаксочни отсин!

Абдурахим инқиллаган овоз келган тарафга бошини бурди ва ўлим олдидан калима қайтараётган йигитга кўзи тушди. Ов милтигининг ўқи кўксини дабдала қилиб юборганига қарамай, шўрлик лўли тирик эди.

— Отса отсин, менга фарқи йўқ, бу унинг иши, — деди қассоб ишончсизлик билан. — Лекин у отмайдиганга ўхшаяпти.

— Отмаса, уни ҳам ўлдиришимиз керак. Гувоҳни нима қиламиз? Отса, қотил, яъни бизнинг шерик бўлади-да, бир умр тилини тийиб юради.

— Ростдан... шу пайтда бу ерда нима бор эди? — Ашур ака отбоқарнинг олдига тиззалаб ўтирди. — Тасодиф десам, бу шубҳали тасодиф, Абди! Энди ўзингиздан кўринг.

— Мен ҳам уларни топмасам бўлмасди... Улар хотинимни ўлдириб, бор-будимдан айирдилар... Бир оғиз сўрамоқчи эдим, нега хотинимни ўлдирганлар... У менга хиёнат қилиб юргани ростмиди... билишим керак...

— Мен қизимни йўқотганман, — деди қассоб. — Бу одам эса укасидан айрилган. Укаси районингиздаги аптекада ишлаган, асли Қашқадарёдан.

— Сиддиқнинг акаси экан-да? — бурилиб қаради Абдурахим.

Нотаниш кишининг кўзлари ярқ этиб очилди.

— Укамни танир эканми? Айтдим-ку, бунга ишонмаслик керак! Ашур ака, нима қиламиз уни, гапиринг!

— Шарифанинг эриман, ахир, — қон туфлади Абдурахим. — Укангиз билан хотинимни... ўлдиришган... Хабарингиз йўқми бундан?

— Нима-нима? — Сиддиқнинг акаси ҳам Абдурахимнинг ёнига тиззалади.

Шундан сўнг отбоқар терговчидан эшитган янги далилларни сўзлаб берди. Сиддиқнинг акаси янада қаҳрли тусга кирди. Гарчи қоронғида унинг кўзларини кўриб бўлмаса-да, ғазаб уммони сокинлик билмаётгани овозидан далолат эди.

— Демак, укам бояқиш битта лўли хотинни деб ўлиб кетдими?! — деди у. — Эҳ, аҳмоқ!

— Улар ўзлари пиширган ошни ўзлари едилар, — жавобан сўзлади Абдураҳим. — Тўғри юрганларида, ҳеч гап бўлмасди. Кейин... мени лўли десангиз ҳам, хотинимни лўли деёлмайсиз. У биздан эмасди... Бу йигитдан сўрайман, иккови тақачининг квартирасида учрашиб юргани... ҳаммаси ростмикан?..

Шоша-пиша ярадорнинг устига энгашган Абдураҳимнинг кўлига Сиддиқнинг акаси милтиқ тутқазди.

— У гапиролмайди, — деди қасоскор ака, — вақтни чўзмай, тепкини бос, ҳаётига нуқта қўй.

— Қийналмасин бечора, — маъқуллади қассоб.

Абдураҳим кўлини тортиб олмоқчи эди, улгурмади: Сиддиқнинг акаси бармоғини куч билан тепки устига қўйдирди. Ваҳшатли гумбурлашдан отбоқарнинг қулоғи битиб қолди. Бир он ҳеч нимани англолмади. Сўнг димоғига тутун ва куйган гўшт ҳиди урилиб, ўқчиб юборди.

— Ўзингни кўнгли бўш қилиб кўрсатма, — деди унга Сиддиқнинг акаси.

Абдураҳим секин-аста қадини ростлаб, Ашур қассобга гандираклаб яқинлашди.

— Улар бу атрофнинг одамлари эмас, — деди қассоб. — Мурдаларни сойга отиб, қуённинг расмини чизамиз. Сиз ҳам танимадингизми, Абдураҳим?

— Йўқ.

— Агар оғзингдан гулласанг, ўлдим деявер, — эслатиб қўйди қасоскор ака.

Ўликларнинг қўл-оёғидан кўтариб, бирма-бир сувга

отишди. Қора отни эса боплаб савалаб, ҳайдаб юборишди. Сўнгра “Жигули”га ўтириб, жўнаб қолишмоқчи бўлишди, аммо Абдурахим ботқоқ тарафга имо қилди.

— У ерда отим бор. Лойга ботиб ётибди.

Учалови отни чиқаришга боришди, қизиқ, самандан дом-дарак йўқ эди. Абдурахим ҳамон карахт эмасми, изларга қарашга-да тоби бўлмади. Сиддиқнинг акаси гугурт чақиб тимирскиланиб кўрди ва деди:

— У ҳақиқатан учар экан, ўқдан соғ қолгани етмагандек отни ботқоқдан чиқариб, сурворибди. Милиция бизни топиши мушкул эди, лекин энди асосий душманамиз — от бор экан, тамоммиз.

— Қамоқдан кўрқмайман, — деди қассоб хотиржам оҳангда. — Чунки қизим учун қасос олдим, юрагимдаги дард-аламдан қутулдим. Иссиқ-совуқ қилганларидаёқ ўлдиришим керак эди. Мана, ўчимни олдим, улар ўлди, энди қавму қариндошим олдида юзим шувут эмас.

— Нима кераги бор эди бунчалик... — гўдранди Абдурахим.

— Тўғри, — Ашур ака елкасига уриб кўйди, — афсуски, ҳеч нима ўзгармаганга ўхшаяпти.

Абдурахим ҳеч қандай қасос ҳиссини туймаётган эди.

— Қизингиз мўлтонига турмушга чиққани учун шунчалик оғир жиноят қилдингизми? — деб қассобга қаради.

— Нега энди... Истаганига тегаверсин... — қуруққина жавоб эшитилди.

— Ашур аканинг қизи кеча қудуқдан сув олиб қайтаётганида, йўлда ўлган, эшитмадингми? — деди Сиддиқнинг акаси. — Ҳалиги қутурган шоввозлар от билан босиб кетган. Бизнингча, бу тасодиф эмас, ўйлаб қилинган. Нега шунча қавмдош турганда, четдан келган келин ўлади?

— Қотиллар бошқа бўлса-чи? — ишонқирамади Абдурахим. — Мен уларни шунча вақт тополмадим, сиз эса Ашур ака...

— Кўп мингиллаб қолдингми? — жеркиб берди Сиддиқнинг акаси.— Қани, сурдик бу ердан. Аслида ўша қора отнинг ўзи қотил! Нега деганда, уч лўли эмас, от ўз туёқлари билан босиб ўлдирган. Лекин от, бу — от! Дунёда ҳамма нарса учун одам жавоб беради. Одам эканингдан фахрлан, Абди!

Оқ “Жигули” қасоскор аканики эди. Айёрлик билан бошқа рақам қўйиб олган экан.

— Абди, — деди машинани вангиллатиб ҳайдаб, сигарета буруқситаркан, — биз сени, сен бизни танимайсан. Отни эса ўғирлашди, де. Жийдазорга етайлик, ҳар ким ўз йўлидан кетади.

— Балки ҳеч гап бўлмас, — деди Абдурахим.

Қасоскор ака захарханда кулиб юборди.

— Иккита одамни ўлдириб, сувга отдик, нега ҳеч гап бўлмас экан? — Бирпас ўтиб, сўради: — Учинчи лўли ростдан сен эмасмисан? Негадир ҳадеб ўхшатаяпман-да. Лаънати жуда устомон экан. Худди ҳаммасини сезгандек оловдан узоқда қочишга шай ўтирганди. Юзини ҳам яхши кўролмадим.

— Гапингда жон бор, Содиқ, — деди қассоб. — Лекин у Абди эмасди. “Жон бор” деб иккимизни пайқаганини айтаяпман. Назаримда, бизнинг қўлимиз билан шерикларини ўлдирди. ~~Шу кетганча милицияга ҳам чақмай, изсиз йўқолади. Қачондир, қаердадир кимнингдир бошига бало ёғдирмагунча пусиниб яшайди.~~

Қуёш қийнала-қийнала бош кўтарди. Тунги хунрезликдан сўнг бир кун ҳам тинч ўтмади. Абдурахимнинг қўлига ярқироқ пўлат кишанни тақдилар-да, олиб кетишди. Ашур қассоб ҳам ҳибсхонада экан. Судгача ўтган бир юз ўттиз етти кун ичида Абдурахим тўрт девор орасида ўз ҳаётини бот-бот тафтиш қилди. Энг сирли, энг даҳшатли қотилликлар, инсон зотининг ақли етмаган жумбоқлар, оддий ва чигалли тасодифлар — барчаси қоришиб, унинг қисмат даласига ёмғир каби ёққан эди. У шунинг учун афсус чекдики, моҳиятан олганда, бирор воқелик унинг

тақдирига куч ила ёпиштирилмаган эди, ҳаммасини ўзини олибди. Не важ туфайли Шарифанинг ўлиmidан сўнг барчасини милицияга, терговчиларга очиқ-ойдин айтмади? Чанга пичоғидан фойдаланмоқчи эдимиз? Ёки Мамай кўрнинг башоратларига ишонгани-чи? Сўнгги саргузашти — Аросат сойидаги қотилликка шерик қилиниши. Ҳа, бу кўргиликлар бошига тушмаслиги, у тинч ва осуда яшаб, Зарина билан бахтли бўлиши мумкин эди.

— Отмоқчи эмасдим, мени мажбурлашди, — деди Абдурахим.

Ҳаётидаги жамики сир-асрорни бир бошидан очиб ташлайверди. Ниҳоят чанга пичоғига гал келди. Терговчининг қулоғи динг эди, компьютерга ёзиб олаётган йигит ҳам худди буюк мусиқий асарни чалмоқчи бўлган бастакор каби клавиатура узра бармоқларини кериб ҳозирланиб турарди. Ҳовлига кўмилган сандондан бир қадам нарини қазисса, тилла пичоқни топишлари мумкин эди. Тилла васвасаси иккиланишга гирифтор этди, тилла бир юз ўттиз етти кунлик ҳибс учун арзон кетадигандек туюлди, назарида.

— Пичоқдан хабарим йўқ. Буни аввал ҳам айтганман.

Тергов шанба-якшанбадан ташқари, ҳафтанинг қолган беш кунда, исталган вақтда давом этарди.

— Учинчи йигит ким бўлиши мумкин? — сўрашди Абдурахимдан, чамаси, ўнинчи марта.

— Билмадим. “Чанга” деганини эшитдим, холос.

— Демак, чанга пичоғи ҳақида бирон нарса биларкансиз-да?

— Нега биларканман?

— У нима учун сизни кўрганда “чанга” деб қичқирди?

— Қоронғиликда мени қандай танисин?! Балки у “Жангга”, яъни “Урушга!” дегандир?

— Демак, у сизни таниганда “Чанга” деб қичқирарди.

— Тухмат қилманг, командир!

— Ўзингиз тан олаяпсиз. “Мени қандай танисин,

таниганда қичқирарди”, деб. Тилла пичоқни яхшиликча топширсангиз, ҳаммаси яхши бўлади. Мен сизга ваъда бераман. Ёки у ҳақда нимаики билсангиз, гапириб беринг.

– Қанийдир бирор нима билсам?

– Негадир бизга мархум хотинингиз Шарифанинг “иш”и бўйича шуғулланаётган терговчининг гапини айтаяпсиз. «Жанга» деб қичқирган эмиш.

– Йўқ... Ўша Сиддиқ ўлими олдидан “чанга” деган, лекин акаси “жангга” деб эшитган. Мен билан ўша йигит ўртасида эса бунинг бутунлай тескариси бўлган, акалар.

– Пичоқ сизда экан, унутманг, балои қазодан бошқа ҳеч нарса келтирмайди.

– Пичоқ менда бўлса, бойиб кетардим-да! Собиқ хотиним учун ўч оламан деб қамоқда ўтириш, мана шунақа асабий терговлар нима зарил? Учинчи йигитнинг гапини яширмаганимдан ҳам билаверинг.

– Сизнингча, учинчи йигит талаффузига кўра лўлими, ўзбекми ёки бирор хорижлик?

– У шарпа каби лип этиб ўтиб кетди. Ўттиз ёшлардаги абжир йигит эди.

– Нега ўттиз ёшларда деяпсиз?

– Овозидаги оҳанг ўспиринларники эмасди.

– Мархум йигитчалар ҳақида кўп маълумот тўпладик.

Лекин сиз тасвирлаган кимса билан ҳеч ким уларни бирга кўрмаган. Учинчи-одам борлиги ростми ё буни учалангиз тўқиб чиқараяпсизми?

– Қотиллар билан тилим бир эмас.

V БОБ

Суд Абдурахимнинг устидан ҳукм чиқарди. Ҳар ҳолда у Ашур қассоб ва қасоскор ака каби узоқ йилга қамалмади. Нукул Жамбони ўйлаб яшади. «Жамбо мактабга боргунча қамоқдан чиқсам зўр иш бўларди-да», деб кўп ўйларди. Зарина бир неча марта ўғлини қамоқхонага олиб келди. Абдурахим суйиб-суйиб ўтирарди боласини.

Муддат тугаб, қамоқ эшиклари бирин-кетин ғийқиллаб очилди. У олис йўлда хотини ва ўғли сарсон бўлишини истамас эди. Шунинг учун қамоқдан чиқишига ҳеч кимни чақирмади. Заринадан бошқа кими бор? Маййит қишлоғидаги мўлтонилар уни бошқа миллат вакиласига — Шарифага уйлангани, кейинчалик тергов жараёнида қишлоқ аҳлига келган дилхираликлар учун ёқтирмай қолишган эди. Устига-устак, Шарифа хиёнаткор хотин бўлиб чиқиши мўлтон халқининг янада ғазабини кўзғади.

Қотилликдан сўнг тоза қонли мўлтони, яъниким отаси ҳам, онаси ҳам қадимги Мўлтон аҳли авлодидан бўлмиш Заринага уйланганида ҳам кечиришмади шекилли, тўйга бирортаси келмаган эди.

Эгарсоздаги тоғаси — Ашраф полвон пешвоз чиқадими? Панжара ортида ўтган кунлари мобайнида ҳолидан бир марта хабар олмади-ку! Заринанинг айтишича, эр-хотин тижоратни йўлга қўйиб, жарақ-жарақ пул ишлаб, одамни танимай қолганмиш. “Тилла пичоқнинг бир бўлак синиғига шунча қутуриб кетишди-я?!” уйларди Абдурахим. Тоғасидан бошқа ҳеч кимдан пичоқ бўлагини ўғирлашда гумон қилмай қўйганди.

Катта шаҳар шоҳбекатидан кирақаш ёллади. Эгарсозга келиб, уйини танимади. Атрофни қўшниларнинг иморатлари ўраб олибди, томорқадаги дарахтлар том бўйи ўсиб, шоҳлари тарвақайлаб кетибди. Ёмғирлар ювавериб, уйни ҳам эскиртириб юборибди.

Ашраф полвон ўғли Ақобир билан қорасини кўрсатганида, Абдурахим томорқасидаги сандон ёнида эди. Одамга мансаб бер, бойлик бер, сўнг ҳолига боқ экан. Бир чимдим ўғирланган тиллага шунча ваҳимами? Айниқса, вағир-вуғур қилиб уйни тўлдириб кириб келган янгасини танимади: бунчалар семирибди. Уст-боши буткул ялтир-юлтур. Тақинчоқлар оғирлигидан ёғ бойлаган бўйинга сингиб, бўйин чизиклари қатида кўзга ташланмай қолгани-чи.

— Сиз ҳам яна бир оз семириб, янгамулломга дам берадиган бўлиб қоласиз-ов, — деди тоғасига Абдурахим.

— Э, семизлик курсин, — қўл силтади Ашраф полвон.
— Ошқозон оғрийдиган бўлган. Худди бу қорин каттакон мешу, кимдир бир бўлак гайкани ташлаб юборгандек, туби оғрийди-да, жиян.

Абдурахим учун Зарина, ўғли Жамбо ва жонажон иморати қадрли эди. Шу эди ватани. Жамбо “Дадажоним келдилар!” деб кучоғига отилганида, бахтдан маст бўлиб қолди.

Кутилмаганда эртасига Маййит қишлоғидан тутинган амакиваччалари ва Айюб разбор ташриф буюрди. Абдурахим эндиликда ҳаёти ўзгариб, қора кунлар бутунлай ортда қолганига амин бўлди. Бундай дамлар умр уммонининг чекка соҳилларида улоқиб юрган отбоқар учун улуг неъмат эди.

— Қишлоқда нима гаплар? — сўради қавмидан.

— Тинчлик... — дейишди амакиваччалари. — Уйингизнинг жойи, томорқангиз шундоқлигича ётибди. Биласиз, ҳозир план ҳам фалон пул бўп кетди. Асли Маййитда туғилгансиз, маййитликсиз. Балки кўчиб борарсиз, ака?

— Йў-ў-қ, — чўзиб рад этди Абдурахим.

— Ахир, ота ҳовлингиз.

— Боламнинг ота ҳовлисида яшаганим тузук, укалар.

Шу дам Жамбо дадасининг тиззасига ўтириб, көнфет сўра бошлади. Айюб разбор болага синчиклаб қараб, томоқ қириб олгач, деди:

— Уғлингизми, Абди ака?

— Ҳа, полвоним менинг.

— Бугун Салай раис ўғлига тўй қиляпти, роса ҳақ бераяпти! Ароқларни тўкиб ташляпти, қисталоқ!

— Ҳали ҳам эгардан тушмагандир? Ўша-ўша гуриллаш, ўша-ўша бойлигини кўз-кўз қилишми? Айтгандай, ўғлим билан унинг боласи битта туғруқхонада, бир кунда туғилган.

— Эгарини бошқа отга урган, — сўйлади Айюб алланечук сирли оҳангда. — Ундайлар доим ўзига от топиб олаверади.

Шу он Жамбони онаси чақирди. Айюб разбор бир

гапни айтишга чоғланди-ю, Заринадан ийманди. Она-бола чиқиб кетишгач, Абдурахимга яқинроқ сурилиб, деди:

— Одамларнинг гапига қараганда, сиз ундан ўч олганмишсиз. Бу гапда жон борга ўхшаяпти... Гап шу ерда қолсин лекин.

— Кимдан ўч олибман? Салайданми?

— Ҳа. Тўй бошлаб қўйди-ю, кўнглига қил сиғмайди. Айниқса, бугун бу ёққа келаётиб йўлда ҳам эшитдик, умуман кайфияти йўқмиш...

— Айюб ака, балки керакмасдир-а? — уни тўхтатиб қолмоқчи бўлди Абдурахимнинг амакиваччаси.

— Йўқ-йўқ, гапираверсин, — монелик қилмади отбоқар.

— У сизга ўхшармиш, қуйиб-қўйгандек! — кўзлари йилтиради Айюбнинг. — Эл оғзига элак тутиб бўладими? Худо раҳматли Шарифа янгамизни йўлдан урганига жавоб тариқасида сиз раиснинг хотинини...

— Эй, эй... — Абдурахим шамол қаёқдан эсаётганини тушунди. — Ким менга ўхшармиш?

— Салай раиснинг ўғли.

— Нима-а? Менга ўхшармиш? Шарифани йўлдан ургани учун мен ҳам хотини билан юрганманми? Бу гапни бир айтдинг, иккинчи айтма, Айюб!

— Хафа бўлманг, ака, мен ҳеч нарса даъво қилганим йўқ, одамларнинг гапини айтаяпман, холос. Эртамикечми, барибир ўзингиз ҳам эшитардингиз.

— Лекин бу гапинг... — ўйланиб қолди Абдурахим.

— Балки оғзимни ҳам очмасдим, ўғлингизни кўриб...

Айюб разборнинг кўзлари совуқ боқди. Бу унинг ниҳоятда жиддийлашгани эди. Абдурахим болалигидан билади, Айюб ақли етмаган ишга аралашмайди, айтган гапига боши билан жавоб беради. Мана, узоқдаги Маййит қишлоғидан меҳмон бўлиб келиб, ҳам тап тортмай гап бошлади. Аслида у миш-мишни пойдевор қилмаслиги турган гап. Абдурахим шунисидан чўчиди: яна қандай маломатга қолар экан?

— Ўғлимга нима қилибди, Айюб? — Абдурахимнинг оғзи бир томонга қийшайди.

— Бир текширтириш керак, Абди ака. Салай раиснинг хотини билан хотинингиз битта туғруқхонада кўзи ёриган экан, чақалоқлар алишиб қолганга ўхшайди.

— Буниси энди бутунлай фантастика! — кўл силқиди Абдурахим.

— Салай раисга одамлар “боланг мўлтониларга ўхшайди”, дейишибди. Ҳақиқатан бола Салайнинг уруғдошларидек сариқдан келган эмас, қора эмиш. Киприклари, сочи, кўзлари...

Абдурахим Мамай кўрнинг гапини эслади. Ўғлига Жамбо деб исм қўйганида, чол “Абдурахимнинг ўғлининг исми Жамбо бўлмайди, унинг бошига дарбадарлик тушади”, деб башорат қилган эди.

— Исми нима экан? — сўради Абдурахим.

— Саид шекилли.

— Саид, — бош қимирлатиб тасдиқлади амакивачча ҳам.

Меҳмонлар кетгунча Абдурахимнинг ичини ит тирнади. Бугун Салай ўғлига дабдабали тўй қилмоқда, аммо тўй арафасида раис эшитдики, Саид тобора мўлтониларга ўхшаб бораётганмиш. Абдурахим эшик кесакисига суяниб, Жамбога термилиб қолди. Наҳотки, у душманининг ўғли бўлса?

Эртасига Зарина чой-қўйиб узатгач, рўмолини яхшилаб танғиди-да, деди:

— Қачон чупрон қиламиз, дадаси? Жамбо ҳадемай мактабга боради. Қўшнилари ҳам пичингини бошлади.

— Мактабгача неча йил бор, ваҳима қилма; — дарҳол тутуни чиқди Абдурахимнинг.

— Вой-вой, сизга нима бўлди? Ҳафсаласи ўлганга ўхшаб намунча?

— Семириб кетибсан...

— Нима?! Семириб кетибсан? Семирсам, яхши яшаётганим учун семираяпман. Ҳақиқий эркакка семиз хотин ярашади. Қилтириқликдан Худо асрасин!

— Гапни охиригача эшитмай, кўп жаврама! Семирганинг менга ёқаяпти, демоқчиман.

Абдураҳим бахтиқаро ўгли ўз онасига ошиқ бўлиши ҳақидаги мудҳиш башоратни эслаб, юраги эзилмоқда эди. Кўнглининг бир четидаги онга бўйсунмайдиган, айна чоғда онг маҳсули бўлмиш ўй измида эди у: “Хотиним қанчалик тез қариса, қанчалик семириб, хунуклашиб кетса, шунча яхши...”

— Бу йил чупрон қиламизми, йўқми? Севги изҳор қилгунча тўйдан гапиринг.

— Йўқ, — шартта рад этди Абдураҳим.

— Чап томонингиз билан турибсиз, дадажониси, майли. Кейинги йил кўпқари тўй қилиб берасизми? Биттаю битта ўғлимиз бўлса!

— Қанақа кўпқари, калланг жойидами?

— Одамлар суннат тўйларда кўпқари беришяпти-ку, бизнинг улардан қоладиган жойимиз йўқ. Сиз қамоқдалигингизда ҳўкизни иккита, сигирни учта қилдим. Энди уйдасиз, қўй-қўчқор ҳам боқамиз. Ҳаракат қилган бандага Худо беради.

Абдураҳим жўяли жавоб қайтармади, ичидан зил кетмоқда эди. Бағамом қуриб-битган Хотин кўли ёнидан ўтаётиб, эски ваҳималар кўнгил диёрига дайди шамол сингари қайтди. Кўйлагини ювган хотин ўлиши керак эди, мана, кўл ўлди. Агар кўйлакни етти марта ювмаса, мудҳиш башоратдаги воқеа юз бериши муқаррар эди. Ҳақиқатан у кўйлакни олти марта ювишга улгурди, кейин эса чўкаётган аёлни қутқарди ва кўйлак еттинчи марта ювилмай қолди.

— Ўша аёл туғруқхонада ишларди, — деди Абдураҳим ўзига ўзи. — Зарина ҳам, Салайнинг хотини ҳам унинг бўлимида ётганди. Тўхта-тўхта, бу ерда тақдирнинг менга аталган яна бир “совғаси” борга ўхшайди! Наҳотки, мен яхшилик қилган аёл боламни бошқа оиланики билан алиштириб қўйган бўлса?!

Шу заҳотиёқ уйига келиб, ўғлини етаклаб чиқди. Зарина

молхонада эди, эрининг дарров қайтганига, Жамбони аллақандай шубҳали силтаганига тушунолмади. Ўғли томорқада ўйнаб, у ер-бу ерни кетмончаси билан қазиб ташлагани учун кеча койигани ёдига тушди. “Тавба, одам қамоқдан шунчалик асабий бўлиб қайтаркан-да!”

— Зарина! — хитоб қилди отбоқар. — Сен билан гаплашиб олишимиз керак.

— Тинчликми? Нега Жамбони бунча жеркиясиз? Арпангизни хом ўрдими болам бечора?

— Ўғлим, менга қара... энди онанг томон бурил, ана шундай.. — Абдурахим хотинига ўгирилди. — Унга яхшилаб тикил, яхшилаб!.. Жамбо, бориб қўшнинг болалари билан ўйнаб келгин, хўпми? Онанг тушликка овқат тайёрлайди, ўзим сени чақираман.

Бола шортигининг чўнтагидан тўппончасини олиб, уй ёнига чопиб ўтиб, кўздан йўқолди. Эр-хотин бир зум бир-биридан кўз узмай туришди.

— Сизга нималар бўлаяпти? — зорланди Зарина.

— У... у... Жамбо... — дея отбоқар остонага чўкди. — Хуллас, у... бизнинг ўғлимиз эмас.

Заринанинг пешонасига чизиқлар чизилди. Кўзлари қуралай бўлиб:

— Тушунмадим, дадаси, — деди. — Қамоқдан жиннипинни бўлиб қайтмадингизми мабодо?

— Қамоқни юзимга солма! У бизнинг боламиз эмас!

— Бизники бўлмай, кимники? Кўчадан орттириб олганманми?! У ёруғ дунёга келиб, бешикда “инга”лаб ётганида қамалгансиз!

— Ичкарига кир! Ҳовлида дунёни бошингга кўтарма!

Бўялмаган эшик тарақлаб ёпилган эди, тахта ёриқларидан қазғоққа ўхшаш губор ўйнаб кирди.

— Жамбо мўлтони эмас, у Салайнинг ўғли. Чақалоқлар алмашиб қолган! Бизнинг ўғлимизнинг яқинда думбаданғарс тўйи бўлди. Исми Саид! Лаънати Мамай кўр “Абдининг боласининг исми ҳеч қачон Жамбо

бўлмайди” деганини эшитиб, ўзимча кулиб қўйгандим! Мана, оқибати! Фолга ишондим, расво бўлдим! Фолга ишонмадим, яна расвом чиқди!

Зарина:

– Нега фақат сиз... – деб маломат қилмоқчи эди, Абдураҳим пуфакдек ёрилиб кетди:

– Ҳа, фақат мен! Фақат мен! Онадан бахтсиз бўлиб туғилганман, нима қилай? Нима? Нима?! Ўзимни ўлдирсам қутуламанми?

– Қизишманг! Буни ким айтди?

– Эркак кўчанинг одами. Мен энди билдим, сен-чи? Онаси бўлиб сезмадингми? Шунча гапдан кейин ҳам ишонмоқчи эмассан!

– Қандай ишонаман?! “Ўғлинг” деб қўлимга муштдай чақалоқни беришди, эмиздим, катта қилдим, кечаю кундуз меҳримни бердим... – Зарина кўз ёшларини артиб, бир нафас гапиролмай турди. – ...энди уни бошқанинг боласига чиқараяпсиз... Худо олсин ўша одамларни...

– Аммо у Салайнинг боласи! Бу – ҳақиқат! Қаёққа қочамиз?!

– Кўзимга сизга ўхшаш кўринди...

– У сенга айтиб юрганим ўша Салайнинг ўғли деяпман, Зарина! Мен билан тортишма! Бу яққол кўриниб турибди, одамлар ҳам бекорга гапиришмайди.

– Мен туққан бола... туққиз ой қорнимда кўтариб юрганим ростдан бегона хонадонда яшаётган бўлиб чиқса, чидолмайман!.. Эй Худо, бу нима кўргилик? Ишқилиб ёлғон бўлсин! Илойим, ёлғон бўлсин! Айтинг, ким етказди шум хабарни? Борайлик, исботласин!

– Исботланган! – деворни муштлади отбоқар.

Зарина юзини тўсиб, пўстакка утирди, сўнг бошини хонтахтага қўйди.

– Айтиб қўяй, Жамбони ўлсам ҳам бермайман, – деди бўғиқ овозда.

– Зарина, ўзинг туққан боладан воз кечаяпсанми? – ўшқирди Абдураҳим. – Сенинг боланг у ёқда! Салай деган итникида!

Абдурахим алам ва ғазабини тиёлмай, қафасдаги шер каби у ёқдан бу ёққа юрди. Хотини эса бошини кўтармай, хонтахтага ярим гавдасини ташлаб, ҳиқиллаганча елкаси силкина бошлади.

— Икковини ҳам катта қиламан. Ака-ука бўлади! — деди бир пайт бошини кўтариб.

— Калланг жойидами?! Салай оғзини очиб ўтирадимиз? Бунинг учун Салайни ҳам, уруғ-аймоғини ҳам қириб ташлашинг керак!

Зарина инграниб тебраниди.

— Қандай исботланди? Ергина ютсин алмаштирганни! Ергина ютсин ўша гўрсўхтани! Йўқ, Жамбони бериб қўймайман! Ўлдираман уларни!

— Салайни танимайсан, мен эса танийман. Яқинда Салай тўй қилганида, одамлар “ўглинг мўлтонига ўхшайди” деб гапирибдилар. Жамбони кўриб, Маййитдан келганлар ҳам Салайга ўхшатдилар. Мен шундан сўнг сездим. У Салайнинг нусхаси! Никоҳ кечамизда хат ташлаб кетган кампир эсингдами?

— Эсимда.

— Аросат сойидаги хунрезлик бўлган тунда бизникига келган одам ҳам ўша эди. У билан Мамай кўр қанақадир жодугарсифат кимсалар! Касалманд кампир ҳолида икки юз километр йўлни ярим кечаси босиб ўтади, Шарифани ўлдирган йигитлар қаерда ўтирганини билади, бу ҳам етмагандай қабристонда яшайди. Гўристон фуқароси у!

— Бехосият!

— Кампир никоҳ кечамизда келтирган мактубда Мамай кўр сенга талоқ беришимни ёзганди.

— Уни ҳам соғ қўймайман! Маргимуш бериб ўлдираман!

— Чунки... чунки биздан туғилган болага қарғиш тегиб, ўз онасига кўз олайтирармиш... келажакда... Эшитаяпсанми? Сенга кўз олайтиради!

— Э, ўчиринг овозингизни!

— Менга бақирма! Унинг башоратлари бирма-бир ҳақиқатга айланаяпти!

– Бўлиши мумкинмас! Боламдан дунёдаги энг ақлли инсон чиқади! Ота-онасининг бир тола сочини туширмайди!

– Қичқирма, деяпман! Тўйдан кейин Жўгидонога борганим эсингдами? Биз Мамай кўр билан шартлашдик. У бир амални бажарсам, қиз туғилишини айтди. Лекин шартини бажарсам ҳам барибир ўғил дунё-га келди. Шунда ҳам Мамай кўрни айбламайман! Нега деганда мен бир бўлак тиллани кўлга олишим, тилла бўлаги сув тагида ётиши керак эди, афсуски, изимдан тушган ўғри дарров ахтариб топган. У Ашраф тоғам бўлиши керак. Бошқа ҳеч кимдан гумоним йўқ! Бирдан тижорат билан шуғулланиб қолганини кўр!

– Тиллани қаердан олгансиз? Пичоқ ҳақидаги мишмишлар тўғри экан-да?!

– Пичоқ ҳақида гапирмаган битта сен қолдинг! Тиллани қаердан топганимни ҳам, пичоқ ҳақидаги мишмишни ҳам унут. Худо берди, мен уни Худо йўлига улоқтирдим.

– Ишонмайман. Гапларингиз алаҳсираш...

– Қулоқ сол! Ўғилли бўлганимиздан сўнг яна Жўгидонога бордим. Мамай кўр агар кўйлагингни хотин етти марта ювса, бало даф бўлади, деди. Шу билан бирга кўйлакни ювган албатта ўларкан. Мен ҳеч кимни ўлдиришни истамадим. Шартта Хотин кўлига чўмилдим. Ҳарқалай кўл бўлса ҳам, “Хотин” деган номи бор. У айтгандай етти марта чўмилиб, кўйлакни етти марта қуритолмадим. Ўша куни олтинчи чўмилишдан сўнг кўшни қишлоқлик Саврия деган аёлни қутқариб, туҳматга қолганим, милицияга тушганимни ҳам эсла!

– Томингиз кетган! Ўзингизни ўқитинг!

– Мамай кўр...

– Уни гапирманг менга! Бас! Уйимда исмини ҳам тилга олманг!

– Ишонмасанг, кўлнинг ҳолига бок! У қуриб қолди! Бу ўлгани эмасми? Яна қанақа далил керак сенга? Тоғам ҳам кундан-кун бойиб борапти. Ортиқча пул жамғаролмай

юрган одам “Деҳқончилик касодга учради, бу йил сув кам бўлармиш”, деган баҳонада қандай қилиб, кимнинг соққаси эвазига бизнесга ўтиб кетди?

— Ўғри бўлса, ёқасидан олинг! Ҳаққингизни талаб қилинг!

— Ким ўғри бўлса, жазосини Худодан олади! — деди Абдураҳим худди художўйлар каби.

Бақир-чақир узоққа чўзилмади. Ўпкадан отилиб чиқаётган ҳавога сингган маънолар аввало икки мўлтонининг ўзларига тутуруқсиз туюла бошлади. Туғруқхонада чақалоқлар алмашиб қолган экан, эндиликда ғавғо-тўполон ила вақтни ортга қайтариб бўлармиди? Ҳар бир нарсадан башорат асоратини ахтариш ҳам яхшиликка олиб келмаслигини кўнгил тубидаги мудроқ сезгилар билан англаб туришарди.

— Ая! — эшикни очди Жамбо.— Нон!

Оила хонтахта атрофида жимгина тушлик қилишди. Жамбо ҳадеб бурнини тортаркан, ота-онаси уришиб қолганини сезиб, хавотир инган нигоҳини дам унисига, дам бунисига югуртирарди. Гапиришга журъат этолмай, шу ҳолида ҳам иштаҳа билан овқатланарди. У ота-онаси билан нақадар бахтли эди.

Абдураҳим хотинига ҳам, ўғлига ҳам раҳми келиб, ичидан эзилди. Зарина ҳақ, деб уйлади, энди Жамбодан айрилиш осон эмас. Жамбо ҳам Салайнинг хонадонига кўниккунча бағри хун бўлиб кетиши муқаррар.

— Қайси бири? — деб сўради ярим кечаси Зарина эрини туртиб.

— Нималарни валдираяпсан? — жеркиди отбоқар уйқусираб.

— Менга кўз олайтирадиган нокаси қайси бири? Кўкрак сутимни бериб катта қилганимми, ё тўққиз ой қорнимда кўтариб юрганимми?

— Билмайман, Зарина.

Хонага омонат жимлик чўкди. Ҳаял ўтмай Заринанинг овози эшитилди:

– Салайнинг қулида ўғлим қанақа одам бўлиб чиқаркан, дадаси?

– Сехргарманми? Жим ёт... – Абдураҳим хотинининг гапини қайтариб ташлаб, уйқусини узмоқчи эмасди, бўлмади. Дарҳақиқат, калондимоғ, юлғич, баднафс Салайнинг оиласида вояга етган ўғли одам қиёфасидаги махлуққа айланиб қолмасмикан?

– Ухляяпсизми?

– Ҳа, ухляяпман, – тескари ўгирилиб ётди Абдураҳим. – Ҳеч бўлмаса, кечаси тушагимда тинчгина ухлай.

– Майли, гижинманг одамга... – Бирпасдан сўнг шивирлади: – Узр, қўшни қишлоқлик Саврия деганингиз “роддом”да ишлаган, ўтган йили дарёга чўкиб ўлган савдойи аёлми?

Абдураҳимнинг кўзи ярқ этиб очилди.

– У ўлганми?

– Ҳа. Ўзини ўлдирган. Сизга ўхшаб қутқариб қолиш бошқаларга насиб қилмаган, дадаси.

Эрталаб Абдураҳимнинг боши лўқ-лўқ оғриб уйғонди.

– Гап бундай, – деди нонуштадан кейин юзига фотиҳа тортиб, – тақдирга тан берамиз. Саидни мен ҳам, сен ҳам унутасан, тушундингми?

– Нега?

– Кўп хато қилганман. Шарифанинг ўлими, Мамай кўрга эътиқод қўйганим, айрим маълумотларни терговчилардан яширганим, иримлар, Аросат сойига борганим. Хуллас, ҳаммаси хато, хато, хато! Буниси ҳам бир фалокат келтиради. Жамбони яхши кўрасанми?

– Жонимдан ортиқ.

– Ундай бўлса, жуда яхши. Худо бизга ҳали яна фарзандлар беради. Жамбони сен туғмаган бўлсанг ҳам, у сени эмиб катта бўлди. Ҳақиқий она ўрнидасан. У ҳам, Саид ҳам эсини таниди, энди бола алмашиш ақлга тўғри келмайди.

Зарина ғамгин бўлиб қолди. Бир нуқтага тикилган кўйи сўзлади:

— Яна жанжал, яна кўнгилсиз воқеалар бўлишини мен ҳам истамайман, лекин Саид мен туққан бола. Тиланчи қиёфасида Салайникига борсам, боламни бир бор кўрсам майлими? Кўп эмас, атиги бир марта.

— Хаёлингга ҳам келтирма! Ўралашма у ёқда! Кеча нима дединг? Болангни кўриб, Салайни ўлдиришдан ҳам тоймайсан, ахир феълингни жуда яхши биламан-ку! Ваъда бер!

— Бўпти, бўпти! — Зарина уйқудан уйғонгандек бирдан тетикланиб, маҳзунлик булутини ҳайдаб юборди. — Молларга қарай. Жамбога ҳам Саидникидек данғиллатиб тўй қиламиз. Сиз ҳам шунга ваъда беринг.

Хотинининг қистови билан Абдураҳим хонаки чорвадорлик ва кичикроқ ердаги деҳқончилик билан кун кечириш йўлини танлади. Эгарсоз мўлтониларининг кўпчилиги шу тахлит пул топишар, бинойидай рўзғор тебратишарди.

Абдураҳим Жамбога яна меҳр қўйиб қолди. Боланинг кўзларида Салайни эслатишдан кўра, “Менинг севимли дадажонимсиз” деган беғубор маъно кўпроқ зухурланарди. Агар унга “Кет, болам эмассан” деса, ёруғ оламни жаҳолат зулмати қоплаб, Жамбо ҳасратда ўлиши шубҳасиз эди. Шунингдек, Абдураҳимнинг кўнглини яна бир ўй оғир тошдек босиб ётарди: модомики Салай раис ҳам ўгли бошқаники, яъни мўлтониларники эканини билган экан, Саиднинг бошига азобли кунларни солмаётганмикан? Балки қўшни туманга ўғринча бориб, жигарбандининг ҳолидан хабар олиши даркордир?

Бир куни уйида хаёл суриб ўтирган эди, кимдир баланд овозда чақирди. Ўтирган жойидан деразага узаниб, бош чиқариб, “Ҳўв, ким у?” деди. Нотаниш мўлтони йигит экан, қўли кўксига салом бериб, тикка келаверди. Абдураҳим “ҳозир” деб оёғига бўсағадаги калишлардан бирини кийиб, ташқарилади.

— Мени танияпсизми? — деди йигит.

У отбоқарнинг кўзига иссиқ кўринди.

— Медхунман, Абди ака, ҳамсоянгиз.

Маййит қишлоғидаги Рашод гапчининг ўғли эди у. Эсида, Медхун туғилганида, “Диско раққоси” фильми роса урф эди. Маййит қишлоғи мўлтонилари туман марказидаги кинотеатрга, қўшни хўжаликдаги кино-клубга эринмай бориб томоша қилиб келишарди. Илгари Медхун деган исм Бухоро лўлилари орасида кўп учрарди-ю, аммо Маййит мўлтонилари орасида йўқ эди. Айрим лўлилар эса ҳиндларни ўзларининг уруғдошлари ҳисоблаб, фахрланиб юра бошладилар.

— Чакраборти, сенмисан? — деб Абдурахим кўл узатди, аммо қучоқлашиб кўришмади. Чунки бу йигитнинг раҳматли падари ҳаётлигида ҳам, вафотидан кейин ҳам кўнглидан жой ололмаган эди.

Медхун Абдурахимнинг амакиваччаларининг гапини айтди, аммо сал бошқача мазмунда:

— Кучиб бормайдиган бўлсангиз, “план”ингизни бизга сотсангиз, — деди.

Бу таклиф Абдурахимда бутунлай бошқа истакни — ота қишлоғига уй-жой масаласида боришни, қайтишда Салай раиснинг уйини кузатиб, ўз пушти камаридан бўлган зурриёдини кўрмоқлик хоҳишини жунбишга келтирди. Улар Медхун кира қилган машинада қўшни туманга йўл олишди. Орадан йиллар ўтиб кетган, болалиги, йигитлиги кечган қишлоққа яна қадами етмоқда эди.

— Мен ҳақимда одамлар кўп гапирадиларми? — сўради Абдурахим йўлда.

— Одамларни биласиз-ку, — қисқа қилди Медхун.

— Нариги қишлоқда боласи бор экан, деган гапларни ҳам эшитдим.

Медхун мийиғида кулиб қўйди.

— Салай аканингми? — деди мужмал қилиб.

— Ҳа.

— Катта фарзандларининг ҳаммаси қиз эди. Ёлғизгина ўғли қорачадан келган, кўзлари ҳам тим қора. Шунга одамлар “мўлтонидан бўлганмиш” деб миш-миш тарқатиб юборишди.

— Салай-чи? — иддао билан сўради Абдураҳим. — Миш-мишларга бeфaрқ қараб ўтирмагандир?

— Қайдам, — елка қисди Медхун, — мен, очиги, миш-мишларга қизиқмайман.

— Отангга ўхшамабсан, баракалла, — деди Абдураҳим беихтиёр. Шунда Медхун сабза урган мўйловини муштуми билан силаб, отбоқарга норизо нигоҳ ташлади.

— Э, Рашод акаям зўр одам эди, — гапга қўшилди ҳайдовчи, — нима бўлганда ҳам, ҳақ гапни гапирарди. Салайга қизиқаяпсиз-а, Абдураҳим ака? Мен эшитганимни айтай. У бошида одамларнинг гапига ишонмади. Кейин диққат-эътиборини мундоқ қаратса, ўғли туппа-тузук мўлтони! Данғиллатиб тўй бошлаб қўйган эмасми, татимади бечорага. Ҳозир жанжаллари анча босилди. Ичиб олиб, хотини билан кун-кун ора бақир-чақир қиларди. Сочиям анча оқариб қолган.

— Ўғлига нима бўлди? Юрибдими ишқилиб?

— Юрмай, қаёққа ҳам борарди! Ҳар ким чақалоқлигидан ўзи катта қилган болани “болам” дейди, тўғрими?

— Тўғри, — деди Абдураҳим. — Лекин одам ўз пушти камаридан бўлган фарзандни бир сония ҳам эсдан чиқармайди.

— Яширмайман, сизни “қасос олган” дейишади. Менимча, сиз эмас, тақдир ўч олган.

— Ў-ў, тарихим халқнинг оғзига муҳокамага бериб қўйибдими? Ҳатто сиз ҳам мен ҳақимда хоҳлаганча гапираяпсиз!

— Шопирмиз-да, Абдураҳим ака, кун бўйи кўп одамни кўрамиз. Салай сизни ёмон ерга урган, мўлтонисан, деб ҳақорат қилган, дейишади. Энди эса битта мўлтонини катта қилапти. Вақти-соати келса, раисни мўлтони боқиб, мўлтони кўмади.

— Болани камар билан саваларкан, — гап қўшди. Медхун ҳомуза тортиб.

Абдураҳим сесканиб тушди. Жамбо ким, ҳали ҳечам. Кўрмагани Саид ким, сиймолар чаплашиб, фарқлаёлмай

қолди. Бола йиғиси эшитилди, ёшга тўлган кўзлар жонланиб, илгижолди термилди. “Болада нима айб?! Болада нима айб?..” — дунё акс садодан бир лаҳза тебранди.

— У аввал ҳам одам эмасди, бундан кейин ҳам одам бўлмайди, — деди Абдураҳим машина катта йўлга чиққач.

Медхун ва ҳайдовчи жимликдан сўнг ўз хаёлларига чўмган шекилли, индашмади. Айниқса, Медхуннинг мияси сотилажак ер хаёли билан банд эди. Зеро, янги аср одамлари ўзларига ризқ-насиба берадиган ерларга уй-жой қуриб, юз йилдан кейин инсониятни очликка рўпара қилишни қасд этганди.

— Кўп хатолар қилганман, десам, унақалар зиғирча қолишмайди мендан, — ҳовуридан тушмади Абдураҳим.

— Нима? Ким дедингиз, ака? — қайрилиб қаради Медхун.

— Ҳеч гап... Айтдим-қўйдим-да, — юзини бурди Абдураҳим ҳам.

Ҳайдовчи сигарет тутатди, Медхун эснади.

— Қамоқда ҳозир “пахан” йўқ дейишади? — деб сўради ҳайдовчи. Абдураҳим одамлар ҳамма нарсани билишини ва билган нарсаларини сўраб, хотиралари тагига тепкилаб пойдевор қилишларини, бундан ҳузурланишларини тушунди.

— Бунинг менга нима дахли бор? — деди кўрс оҳангда.

— Узр... — ҳайдовчининг овози ўчди.

— “Пахан” йўқ... — яна эснади Медхун.

Маййит қишлоғига бир соатда етдилар. Қишлоқ ўзгариб кетгандек кўринса-да, бирпасда эски қиёфа касб этди. Кўчадаги тол, унинг тагидан ўтган ариқ, ҳатто ариқдаги толнинг чириган чўплари, хас-барглар, қурбақасаллалар — барчаси ўша-ўша. Назарида, йиллар мобайнида тўхтаб қолган соат тўсатдан ишлаб кетгандек. Рашод гапчи, Шарифа, Айюб разборнинг отаси, амакиларининг хотинлари — кўплаб марҳумлар анави деразалар ортида, пўстак ёки кўрпачаларда ўтириб, чой хўплашаётгандек туюлди. “Абди келибди”, деб бир-бир бўй кўрсатишларини беихтиёр соғинди.

Бироқ...

Вақт — олий жазо. Бирон кимсани аямайди, ҳеч кимни мукофотсиз қолдирмайди, ҳисобидан адашмай ҳар бир бандани чўтга солади. Дарҳақиқат, бани башар Аллоҳ таоло ёруғ дунёни, ҳайвоноту қушларни, одамзодни яратди, деб кўп ҳайрату шукрона қиладилар, аммо ҳаммаси ҳам яна бир мўъжиза — ВАҚТ қандай яратилганини ўйлаб кўрмайдилар. Гўё вақт сув билан ҳаводек оддий нарса, унинг борлигига ҳеч ким ҳайрон қолмайди. Қачонки, вақт умр аталмиш омонат тухфани ўз аравасига илдириб, текис-норавон йўллардан учиртириб олиб кетаётганини фаҳм-лагандагина дунё моҳиятини англайдилар. Абдураҳим қишлоққа келган куни вақт ўз ишини бажарган эди, вақтнинг кўпчилик қисмат деб атайдиган иккинчи шакл-шамойили воқе эди.

— Уйим... — деб Абдураҳим ташландиқ томорқасининг четига ўтирди. Кўшни ҳовлида ёқилган хазон тутуни сузиб юрарди. — Эсиз, уйим... эсиз, умрим... Аллоҳу акбар!

Юзига фотиҳа тортиб, хароба сари аста қадам ташлади. Турли ёввойи гиёҳлар қовжираб ётган томорқани кесиб ўтди. Уй, ошхона, сомонхона ва оғилдан қолган чордеворларнинг сўнгги букриларини ҳам қор-ёмғир ювган, мозорга айлантираётган эди. У отаси пичоқланган жойни чамалади, лекин энди аниқлаб бўлмасди. Ҳатто Шарифа ўлдирилган хона ҳам секин-аста ер қаърига сингиб, ўзидан янтоқли дўнгликлар қолдирган эди.

Рашод гапчининг уйига кириб, дастурхон атрофидан жой олишди. Овқат едилар. Суҳбат мавзуси пул, уй-жой, машина ҳақида бўлди. Бу қишлоқдаги ҳар бир мўлтонининг яшашдан учта мақсади бор эди: пул топиш, уй-жой қуриш, машина олиш. Қолганлари ўз-ўзидан бўлаверадиган нарсалар гўё.

— Қанча дейсиз? — қўл қовуштиришди Медхуннинг амакиваччалари.

Абдураҳим дарҳол жавоб бермади.

— Сотмайман, — деди чуқур тин олиб.

— Ўзингиз кўчиб келасизми? — кўз уриштиришди мезбонлар.

— Йўқ... Бу ер мен учун жуда қимматли... Йўл бўйи ўйладим, бир қарорга келдим. Менга пул керак, лекин отамнинг арвоҳини чир-қиратишни хоҳламайман. Ўрнимда бўлганларингда, сизлар ҳам шундай қилардингиз.

— Энди бу ерда яшамайсиз-ку? Бир марта хабар олмадингиз.

— Мана, хабар олдим. Энди ҳаммаси бошқача бўлади.

— Отангиздан бир уюм тупроғу даста-даста янтоқ қолдириб, шу вақтгача қаерларда юрибсиз? — деди Медхуннинг баджаҳл акаси. — Шуми меҳр-оқибатингиз?

— Меҳр-оқибат ялтироқ сарой билан ҳам, хароба билан ҳам, қамоқхонада бирор яқинингни кутиб ётиш билан ҳам ўлчанмайди, — деди Абдураҳим. — Сотиш ёмон нарса, оғайнилар. Бор гап шу.

— Балки нархни оширмоқчидирсиз? — мийиқларида кулишди амакиваччалар.

Абдураҳим уларга бир-бир қаради. Рашод гапчининг уруғ-аймоғи иноқ. Ўзиники эса тутинган амакилардан иборат, холос. Улар ҳам яқинда Эгарсозга борганларини ҳисобга олмаса, меҳр кўрсатишмаган. Бир замонлар мўлтони қиз ҳомиладор бўлиб, чақалоғини маййитлик кампирга ташлаб кетган эди. Вояга етган чақалоқ, яъни Абдураҳимнинг отаси шу ерда илдиз отди, Абдураҳим дунёга келди. Агар бир сеҳргар пайдо бўлганида, асли аждоглари кимлигини сўраган бўларди. Сеҳргар ўша мўлтони қизни ким йўлдан урганини кўрсатиб берарди. Бироқ минг битта сеҳргар келганида ҳам қондошларининг қонига меҳр-оқибат солиб қўя олмасди. Абдураҳим шулар ҳақида ўйлаб, меҳр-оқибатли дўст орттириш ҳаётда биринчи масалалардан эканини фаҳмлади, аммо у вафодор хотин ҳам, ўз пушти камаридан бўлган фарзанд ҳам тополмади.

— Йўқ, — деди бош чайқаб. — Сизларга нархни ошириб нима қиламан! Пул мисоли бир хазон, истасам, супуриб олишим мумкин, хоҳласам ариққа оқизиб юбораман.

— Абди акамиз хазинани зап топганлар-да, — Медхуннинг акаси оғзини қийшайтириб кулган эди, мўйлови тагидан тилла тишлари ярақлади.

— Қанақа хазина? Пулим кўп деган маънода гапирмадим. Пул — хазон, бошқа ўхшатиши йўқ унинг.

— Ҳамма айтади-ку, уйдан тилла пичоқ топган, деб.

— Тилла пичоқ, тилла пичоқ... Кўп эшитдим у ҳақда. Бора-бора тилла болтаси бор экан, дейишади бу одамлар. Нега шунақа миш-мишларга ишониб юрасизлар-а?

— Эҳтимол, раҳматли отангиз шу томорқанинг қаеригадир хазинанинг қолган қисмини ҳам кўмиб кетгандир? Тилла пичоқ тугул, тилла болта борлигига шахсан мен ишонаман. Бекорга ерни қизганмайсиз!

— Чой учун раҳмат, — ногаҳон юзига фотиҳа тортиб, отбоқар оёққа турди. — Кўнглим сезаяпти, бир кун келиб, отамнинг ерида яна уй қураман. Мен қурмасам, ўғлим қуради. Сизлар билан ҳазиллашиб ҳам бўлмай қолган.

— Айтгандай, ўғлингиз катта бола бўлиб қолдими?

— Ҳа, — деди Абдураҳим. Кейин бўсағада тўхтади. — Аждодларимиздан тилла мерос қолганига ишонар экансиз, нега ҳовлимни қазиб, изламадиларингиз? Эгасиз ётган бўлса! Қазинглар. Қабристонда ҳам барибир гўр қазийсизлар-ку!

— Жойини билсак қазиймизми? — ўлганинг кунидан кулишди ака-укалар. — Ё юмронқозикқа ўхшаб ҳамма жойни қазиб ташлайверамизми? Ерингиз ҳам кам эмас, ўттиз сотих!

Абдураҳим бошқа қўшнилар билан ҳам ҳол-аҳвол сўрашгач, тош кўчага чиқди. Шу ердан қабристон тепалигининг бир қисми сарғайиб кўринарди. “Шарифанинг қабрини зиёрат қилсаммикан?” деган уй кўнглидан кечди. Ота-онаси эски қабристонда эди, у ёққа-ку албатта боради.

— Бульдозер чақиртириб, харобани сурдираман, — деди кишлоқ оқсоқолига. — Баҳорда мевали дарахт экаман. Ҳовлимизда болалар кулгиси жаранглайдиган замонлар келсин. Нима дедингиз, ака?

— Баракалла, шундай қил. Халқни биласан, кечаси биров шайит деб уйингдан қўрқса, номларинг беҳосиятга чиқиб кетади. Вақтида обод қил-да, бир уй, бир ошхона қуриб, ижарага бериб қўй.

— Шундай қиламан.

— Эшитдингми, Жўгидонода бугун жаноза бўлибди, — деди оқсоқол кафтига нос ташлаб. — Мамай кўр деган фолбин бор эди. Сен ҳақингда, раҳматли келин ҳақида фоллар очган. Уша ўлибди.

— Аниқми?

— Аниқ. Фол очиришга борганлар оғир эмиш, деганди. Бугун жаноза устидан чиқишибди. Буни сенга гапираётганимнинг сабаби, у “Хотини ўлдирилган йигит уйимга кўп келарди, афсус, унга айтадиган гапим ичимда қолиб кетаяпти”, деб ўлганмиш. Сени назарда тутган-да, тўғрими?

— Ким билибди? Унинг мижозлари кўп эди. Қайтиб боргулик қилмасин.

Абдурахим ҳамқишлоқлари билан хайрлашиб, бекат сари жўнади. Салай раиснинг қишлоғига шу кўйи ўтиб кетмоқчи эди. Ер сотилмагач, Медхун ҳалиги машинанинг бузилиб қолганини баҳонаи сабаб қилди.

— Шундоқ ҳам овора қилдирмасдим, — деди Абдурахим, — қишлоқда бошқа ишларим ҳам бор. Йўлнинг мошини билан кетавераман.

Бироз юргач, тутинган амакиваччалари етиб олишди. Томорқани Рашод гапчининг ўғилларига сотибди, деб эшитган эканлар, “Сизни барибир кўчиб келади, деб индамагандик, нималар қилиб қўйдингиз, ака?” дейишди аччиқланиб. Аслида улар харидор эканлару Рашод гапчининг зурриёдлари отни қамчилашибди. Абдурахим уҳ тортиб, ер сотилмаганини маълум қилди.

— Янгамнинг мозорига бораяпсизми? — сўрашди ўпкасини босиб олган амакиваччалар нима дейишни билмай.

Абдурахим ноилож бош силкиди. Энди у мозорбошига бориши шарт эди.

— Қариндошлари тош қўйиб кетишган. Адашмай топиб оласиз. Агар боғ қилсангиз, биз қараймиз, ижарада ҳам биз турамиз.

— Ҳовлидами?

— Мозорни айтмаяпмиз-ку, ака.

Ҳеч ким қабристонни гўзал ёки “анча ўзгариб кетибди” демайди. Абдурахим эса гўзаллик ва ўзгаришни юракдан туйди. Ҳарқалай, ота қишлоғининг қабристони бошқа барча “ўликлар шаҳри”дан гўзал, тароватли ва муқаддас эди.

Сал бўлмаса, Шарифанинг қабрини тополмай сарсон бўлаёзди, дўппайган тупроқлар, қад ростлаган тошлар бурунгидан анча кўп. “Қишлоқ кенгайса, қабристон ҳам кенгайди”, — ўйлади Абдурахим.

Шарифа илк танишган кезларидагидек жилмайиб боқиб турарди. Оқ тошдаги қора сурат мазоротга ниҳоятда ярашган.

“Қағ-ғ...” — қарға қанот қоқиб учди. Абдурахим тиззалаб ўтирди, тўртта сура ўқиб, қўлларини юзига сурди.

— Ўзинг раҳматингга ол, — шивирлади яна бир бор. — Мен учрамаганимда балки бу қишлоққа келин бўлмасмиди? Балки яхшироқ одамга турмушга чиққанида, хиёнат ҳам қилмасди... ўлдирилмасди...

Кейин оғир ўйларга толиб, атроф-жавонобни кузатиб тепаликда узоқ ўтирди. “Менга турмушга чиққани учун хиёнат қилдимиз? — деди ичида. — Йўқ, бу бир баҳона. Шарифага меҳр керакмиди? Бу ҳам бир баҳона. Нима, мен меҳр бермаганмидим?! Ҳар куни қамчи билан савалармидим? Ё мендек мўлтонига турмушга чиққани учун афсусланиб, бошқа миллатдан эр қидириб қолдимиз? Асло. Ўша Сиддиқ ким эди ўзи? Фирт хотинбоз, тайини йўқ одам. Хотинбознинг сохта меҳри шунчалик зарилмиди? Қизиқ, мен қамоқдалигимда Зарина худди Шарифадек хиёнат қилганмикан? Ишонмайман. У бунақа пасткашликка бормади. Нега биринчи хотиним хиёнат қилиб, ўлдирилди-ю, иккинчиси вафодор? Бу икки

аёлнинг бир-биридан нима фарқи бор? Ёши, миллати, гўзаллиги турлича бўлган аёллар... Зарина на хиёнат қилди, на ўлдирилди... У яшашда давом этади, узоқ яшайди. Мамай кўрнинг фоли рўёбга чиқмаса, унга жин ҳам урмайди... Демак, янги хавф, бу — авлодимиздан... Ҳар қандай хавфнинг олдини олса бўлади... Мен ҳозирча ололганим йўқ, чунки нима чора кўрган бўлсам, ирим, башорат, ёвузлик кабилардан фойдаланганман... Аслида мен ҳам соғ эмасман!..”

Қишлоққа тушганида қорни очиққан эди. Ботаётган қуёш булутларни бўғирсоқдек қизартириб юборди. Салай раисникига бориш учун яна ўзининг мўлтони қишлоғидан ўтиши керак. Бундай вақтда қабристон томондан асосан мол боқувчи болалар қайтишарди. Ана, улар Абдурахимни, яъники лўлилар қавмидан бўлмиш, аммо нотаниш амакини қизиқсиниш билан кузатдилар. Айримлари салом беришди, ҳатто биттаси нос ҳам сўради.

— Шу юришинг бўлса, — деди Абдурахим тўхтаб, — сендан одам чиқмайди. Эртага ўзингни ҳам, ота-онангни ҳам бадном қиласан. Умрингнинг охиригача бу дунёни тушунмай яшайсан. Айт, нега яшаяпсан? Ниманга нос чекасан?

— Тентакми бу одам? Ўзингнинг болангни бил!

У эшагини чоптириб, кўздан йўқолди. Эшаги чопаетиб, қувониб ҳангради.

— Ўзимнинг боламни... — гудранди Абдурахим. — ... болам ким бўлиб чиқиши, тўғри, менга боғлиқ... Тўғри айтади у.

Салай раиснинг қишлоғига етди, кун ҳам ботди. Бир уйдан жаз-жуз овози қулоққа чалиниб, димоғига ёқимли ҳид урилди. Қулт этиб ютинди отбоқар. У боягина ўз қишлоғидан, ўз уйи ёнидан ўтаётиб ҳам шундайин очиққан эди, аммо овқатланолмади. Кимникига киради? Шарифа мазали-мазали таомлар пишириб берарди, кўни-қушнилар овқат маҳал кўриб қолса, Абдурахимни ҳам, Шарифани ҳам дастурхонга таклиф этишарди. Энди эса

бегона. Туғилиб-ўсган қишлоғидан дайди ит каби ўтиб кетди. Қамоқхонада бир ўрис чол билан битта камерада анча вақт ўтирганди. Чол “Пенсиям нариги ойгача чўчка гўшти ва ароқ олишга етмайди, охири нашафурушлик қилишга мажбур бўлдим”, деганди. Абдурахимнинг қишлоқдошлари-чи? Пенсияни деярли ишлатишмайди, бунга ҳожат ҳам йўқ. Рўзгорни ўғли қўлга олган бўлса, томорқада турфа мевалар; оғилда сигир-қўй. “Бу чоллар ёмон чоллар... — деб Абдурахим фольклор қўшиғини эслади. — Дарҳақиқат, егани олдида, емагани ортида, жаннатда яшашаяпти. Лўли қавми тўнғиз гўштидан, ароқдан ҳазар қилади, келажаги учун ишлайди, “қариганимда фарзандим мени боқадиган бўлсин”, деб тарбиялайди, камерадошимга ўхшаб пенсияга қараб қолмайди. Отасини қаровсиз ташлаб кетиш, пенсияга кун қолдириш — шармандалик! Қариганимда ёлғиз қолар экансан, нега яшадинг?”

Абдурахим камерадош чолнинг асл фожиасини энди тушунди: у умр бўйи қарилик даврида йиқилиб ўлиш учун ўзига чоҳ қазиб яшаган. Қандай телбалик! Ким унга фарзандларини оқибатсиз ўстирсин дебди? Ким унга қариганда ҳам ичишни қўйибди? Қайси мафкура, қайси дин, қайси тарбия?

Ҳа, Абдурахим мўлтони шундай фикрлади.

Салай раиснинг муҳташам дарвозаси кўриниб, унинг қадами секинлашди. Тўхтади. Яна озроқ юрса, Саидни кўриши мумкин. Томирида Абдурахим деган отбоқар мўлтонининг қони оқаётган болани...

— Ҳой, отинг нима? — Абдурахим бир болани тўхтатди.

— Шерзод.

— Шердай экансан, ўзиям! Саидни танийсан-а?

— Ҳа, — деди бола, — жўрам бўлади. Нима ишингиз бор?

— Ма, миңг сўм. Уни чақириб чиқ. Фақат уйдагилардан ҳеч ким билмасин.

Бола лўлидан пул олиб ўрганмаган чоғи, довдираб

қолди. Атрофда ҳеч ким йўқ, барибир уялди. “Керакмас, чақириб чиқаман”, деди у. Абдурахим алдаб чақириш кераклигини қаттиқ тайинлаб, симёғоч тагига ўтирди. Қўшни симёғочда кўча чироғи ёнди. Уғлинг билан ёруғда учраш, дийдорини кўр, дегандек тақдир саховат қилди.

Орадан уч-тўрт дақиқа ўтди. Дарвозадаги эшик қия очилиб, сарғиш ёруғликдан икки бола чиқди. Абдурахим оёққа турди. Болалар кўча чироғи тагига дадил юриб келишди-да, баб-баравар тўхташди. Шунда Абдурахим билдики, улар бутунлай бошқа бир хаёлда тил бириктиришган.

– Мана, ўша одам, – деди Шерзод.

– Ҳа, нима дейсиз? – керилди Саид.

– Ҳеч нима... Сенда ишим бор... – Абдурахим унда Заринанинг қулоқ-бурнини, ўзининг қош-кўзларини кўрди. Ич-ичидан қувонч тошиб, тиззалаб қолаёзди. – Саид... Оббо, Саид-ей!..

– Урмоқчимисиз? Аввал ўғлингиздан сўранг кимдан бўлганини!

– Йўқ, – деди Абдурахим, – мени бошқа одам билан адаштираяпсан. Қўшни қишлоқдан келган эмасман, бошқа ерликман. Бутунлай бошқа иш билан юрибман, ўғлим!

Абдурахим жигарбандига яқинлашди, бола ҳам бир қадам ташлади. Воҳ, бунинг қўрқмаслигини. Муштчаларини маҳкам қисиб, лабини қимтиб олибди. Абдурахим Шерзодга:

– Сен кетавер, – деди. – Жўрангда ишим бор.

– Мен кетсам урасиз-да! – қайсарлик қилди ўртоғи.

– Улай агар урсам! – онт ичиб юборди отбоқар. Ва шу заҳотиёқ афсус чекди. Ҳаётда нималар бўлиши мумкин, uriш ҳам гапми!

– Бўпти, – Шерзод аста узоқлашди.

Абдурахим бор кучи билан Саидни қучоқлаб олди, ҳидлади, ўпди. Ундан овқатнинг ҳиди келди.

– Болам... болажоним... – деди Абдурахим. – Бу мен... отангман... сенинг ҳақиқий падаринг... Онангнинг исми Зарина! Истайсанми уни кўришни? Сени жуда соғинган!

– Э-э, қўйворинг!..

— Онанг ҳам шу ерда яшашингни билади! Салай отангмас! Қара, кўринишинг ҳам айтиб турибди! Бошқалар ҳам гапиргандир мўлтонилардан эканингни! Кўрқма, мўлтони ёмон халқмас, обрўсиз ҳам эмас. Сен баъзи бир тиланчиларга қараб иш тутма! Ўқимаган, қолоқ одамларга ҳам нисбат берма! Биз, истасанг, Тошкентга кетамиз, институтда ўқийсан! Ўзим ўқитаман, ўғлим! Ҳамма инсон биродар, ҳаммамиз битта одамдан — Одам. Атодан тарқаганмиз! Мен билан кетасанми? Ҳозир! Ҳозироқ!

— Мен мўлтони эмасман! Қочинг-е!

— Чақалоқлигингда туғруқхонада алмашиб қолгансан! Салайнинг ўғли ҳозир менинг уйимда. Исми Жамбо! Кўрсанг, нақ Салайнинг ўзи! Эрта-индин Салай барибир ўз боласини биздан тортиб олиб, сени ҳайдаб юборади. Онанг уни ҳам бермаймиз, сени ҳам, деяпти. Ҳозир борсанг, жуда хурсанд бўларди-да! Севинчдан юраги ёриларди!

— Йўқ... — бола бошини мужмал чайқади.

— Наҳотки, ўз туққан онангни кўришни хоҳламайсан? Агар алмашиб қолганларингдан Салай ҳам хабар топса, суд бўлади. Балки судда икковингга — Жамбо билан сенга “ота-онанларингни ўзларинг танланглар” дер? Нима, шунда Салайни танлайсанми? Тўғри, у обрўли, бой, ўзича насли-тоза, лекин ўз отанг эмас-ку! Эс-ҳуши кирди-чиқди бўлиб қолган бир аёлни ўлимдан қутқардим. У икковингнинг ўрнингни алмаштириб қўйган. Агар қутқармаганимда, чўкиб ўларди. Сенлар ҳам алмашмасдиларинг. Лекин мен қутқардим.

— Менинг мўлтони онам йўқ, — деди Саид янада бўшашиб. — Мўлтони отам ҳам йўқ. Билдингиз!

— Ўз ота-онангдан тонма, болам! Бу жуда ёмон! Салай сени урар экан-ку! Бир-икки марта урса майли. Қайси ота ўз ўғлини ҳар куни қийнайди, ҳақоратлайди?! Ҳеч бўлмаса, ойнага қара, сен мўлтонисан! Мен алдасам ҳам ойна алдамайди, болажоним!

— Э-э...

— Миллатингни тан олмаяпсан! Ҳақиқий мўлтони ҳеч қачон миллат сотмайди! Мени қўшни қишлоқдан келган деб ўйладинг-а? Маййитдаги ким биландир уришгансан, чунки у сени мўлтони деган, тўғрими? Асли-да ҳам шундай-да! Нега “мўлтонисан” деганларни ёмон кўрасан? Қара, афт-ангоринг ўзгариб кетганини!

— Қўйворинг!

— Агар ҳамма одам ўз миллатидан шундай ор қилаверса, оқибати нима бўлишини биласанми? Европага борганда ўзини европалик, Америкага борганда америкалик қилиб кўрсатишга тиришаётганлар қанча?! Сен ўшаларга ўхшаш миллатфурушмисан? Салай тарбиянгни бузибди. Йўқ, бузмабди, умуман, тарбия бермабди.

Шу пайт дарвоза эшиги тарақлаб очилди. Кўчага чиққан басавлат, қориндор эркак Салай раис эди.

— Саид! — бақирди у. — Саид деяпман! Қай гўрга кетди шу маҳалда!.. Ҳов Саид! Сенмисан?

— У чақираяпти, — деди Абдурахим, — нима қиласан? Борасанми?

— Бу ёққа кел-е, эшак! — бақирди собиқ раис. — Сенга айтаяпман! Ким у олдингдаги?

Саид бурилиб қаради. Раисдан бирпас кўз узмади. Абдурахим чўк тушган кўйи фарзандининг бағрига оҳиста бош қўйди. Боланинг юраги ўз ватанини, ўз ота-онасини қўмсаб ураётгани аниқ эди.

— У сени шундай ҳақорат қиладими? — ўксиб сўради Абдурахим.

— Майли, ака, — деди Саид Абдурахимнинг бошини нари итариб, — мен мўлтони бўла қолай...

— Баракалла, Саид! — титраб бош кўтарди Абдурахим.

— Мўлтони эканимни ўзим ҳам биламан.

— Раҳмат, ўғлим... ўзимнинг болажоним!

— Лекин ҳозир кетмайман... Агар ўз онам ростдан бор бўлса, эртага келинлар... Ўша бола ҳам келсин... Сизсиз ҳам барибир уйдан қочиб кетаман... Бу ерда қамоқда яшаётгандай яшаяпман...

— Худди менга ўхшабсан! — кўзларида ёш йилтиради отбоқарнинг. — Мен ҳам доим қочиб кетиш, узоқ-узоқларда дайдиб юриш ҳақида ўйлардим. У сени урса, бугуноқ қоч! Исми Абдурахим, онангнинг исми Зарина! Нариги қишлоқда эмас, қўшни туманда, Урчуқ дарёси томондаги Эгарсоз қишлоғида яшайман. Дуч келган машинани, истаган нархингда савдолашиб, бизникига — ўз ота-онангникига борсанг, кира ҳақини ўзимиз тўлаймиз. Унутма, Тошкент йўлидан ўнгга қараб кетилади. Бу ердан юз-юз йигирма километр! Мен тез орада бой бўламан. Менга, сенга, энди туғиладиган укаларингга, сингилларингга бобонг, яъни менинг отам катта хазина мерос қолдириб кетган. Сенга машина ҳам олиб бераман. Эркин куш бўлиб яшайсан. Борасан-а?

— Аввал ўзларингиз келинг.

— Эртага... албатта... Хўпми?

У Саидни қўйиб юборди. Бола ортга тисарилиб, билаги билан бурнини артди. Кичкинагина бўлса-да, катта одамларга ўхшарди.

— Анави ким? — ўшқирди Салай. — Сендан сўраяпман!

Саид дарвоза тагида тўхтаб, раисга нимадир деди ва Абдурахимни қўли билан кўрсатди.

— Ўв, бу ёққа кел! — бақирди Салай раис собиқ отбоқарига.

Абдурахим қоронғилик қўйнига кириб тўхтади. У душманидан, қолаверса, ўз ўғлидан қочадими? Қачонгача ҳақиқатни яшириб яшайди? Эртагачами ё яна йиллар ўтиб кетадими орадан? Жамбони болам дейишга, Саидни эса унутишга Зарина билан аҳдлашган эди, аҳдини бузди. Бир умр шундай яшади: бўйдоқлигида ҳам, уйланганида ҳам, қотиллигу қамокдан сўнг ҳам. Энди ўзгарармиди?

У кўча чироғи тагига қайтди. Салай раис тошларни ғижирлатиб устига бостириб келди. Мўлтони эканини билди, аммо Абдурахимни танимади.

— Ўғлимда нима ишинг бор? Қимсан? — ўдагайлади у.

— Эртага гаплашамиз, раис...

Салай таниди шекилли, илкис тўхтади, яна бир қадам ташлаб, хужум қилмоқчидек хиёл энгашди. Бир қоши шундай кўтарилдики, Абдураҳим у қанчалик қариса, шунчалик баджаҳл кимсага айланганини фаҳмлади.

— Сен?! — деди у кўзлари чақчайиб. — Ҳалиям тирикмисан, ит боласи?

— Оғзингга қараб гапир! — Абдураҳим ҳам ўзини тутиб туролмади, ҳатто пичоғим йўқмикан, деб камарини пайпаслади.

— Сенсираклама, мараз! Нега келдинг?

— Яхшилаб эшит! Йиқилиб қолма! Сен дабдабали тўй қилиб берган бу бола — Саид менинг ўғлим!

Салай раис ёқасидан гиппа бўғди. Икки газабнок кўз тўқнашди. Бир сония, икки сония...ўн сония... Раис қўйиб юборди.

— Уйга кириб кийимимни алмаштириб чиқай, — деди у негадир ҳовуридан тушиб, — чеккароқ жойда гаплашиб оламиз... Чақалоқлар алмашиб қолганини сен қаёқдан эшитдинг?

— Сен-чи? — деди Абдураҳим.

— Мен қамалганим йўқ, ҳаётнинг ичида юрибман.

— Ўғлинг сенга ўхшайди. Исми Жамбо. Қамоқдан қайтганимдан сўнг эшитдим. Саид эса менинг ҳақиқий ўғлим.

— Уни, Жамбони танийман! — хирллаб қўйди раис.
— Кўрганман! Мени аҳмоқ деб уйлама. Кўр ҳам эмасман.

— Жамбони қаерда кўргансан?

— Уйингга борганман, — ишшайди раис. — Қамоқда экансан, кутиб олмадинг.

— Ҳар бир гапинг учун жавоб берасан... — Абдураҳим газаб туғенидан сезилар-сезилмас тебранди. — Тезроқ кийиниб чиқ! — Яна камарини пайпаслади, пичоғи йўқ эди. — Гаплашамиз... гап кўпга ўхшайди, раис.

— Кўрқма, мўлтони хотинингга қўлимни ҳам теккизган эмасман. Сен мен билан эмас, мен сен билан гаплашаман!



Ҳаял ўтмай иккови далани умуртқадек кесиб ўтган асфальт йўлда кетиб боришарди. Абдурахим эски душманининг қўлтигида нимадир дўппайиб турганини кўрди.

– Қаергача борамиз? – тўнг оҳангда сўради Абдурахим.
– Сабрим чидамаяпти.

– Юравер, Абди, юравер. Ҳали темирйўлдан ўтамиз. Шунча йил чидадинг, яна бир оз сабр қил.

– Мен-ку юравераман, сен изингга қайтишни ўйла.

– Изингга қайтишни? – энсаси қотди раиснинг. – Шунақаям аҳмоқ бўласанми? Изингга қайтишни сен ўйла!

– Майли, нима ҳам дердим. Сенинг миянгга буйруқ бериб бўлармиди.

– Сенлашинг ёқмаяпти, Абди.

Темирйўлгача ҳали узоқ эди. Бири ғолиб аскарга, иккинчиси асирга ўхшарди. Бир соат йўл юришди. Узумзор этагидаги дўнглик ёнида семофорнинг қизил чироғи ўчиб, яшили ёнгани кўринди. Бу атрофда инсон зоти учрамаслиги муқаррар эди. Семофор машинистлар ва... изгиринли тунларда адашган бўрилар учун ўрнатилган эди гўё.

Кесакларга қоқилиб, узум шохларига оёқларини дамбадам уриб, темирйўлга шошилишарди. Олам зулматга бурканган, осмон тоқидаги юлдузлар тиниқлашган, теварак-атрофни эса олисдаги қишлоқларнинг сон-саноксиз чироқлари қуршаган кимсасиз маконда кетиб борардилар. Қаердадир шоқол чийиллади.

– Мақсадинг нима ўзи? – сўради Абдурахим узумзор тугаб, янтоқзорга етганларида. – Айтиб қўяй, қўлингдан ҳеч нима келмайди. Сен аллақачон тамом бўлган бир бечора.

Салай тўхтади.

– Нега уйимга келдинг? – деб у қўйнига қўл солиб, қирқма милтиқ чиқарди.

– Мени ўлдирмоқчимисан? – Абдурахим секин-аста Салайга яқинлашди.

— Афсуски, ҳа! Ўз оёғинг билан келдинг, ярамас мўлтони! Ўзингча мен билан муштлашмоқчимидинг?

— Сендан қўрқмайман, — деди Абдурахим, — чунки калондимоғсан, бир жирканч кимсасан, ўзингга ўзинг маҳлиё бўлиб юрасан. Нима, мени етаклаб келаман, деб ўйловмидинг? Ўз оёғим билан келдим, кўрмаяпсан-да кўзларимдаги нафратни! Энг жирканчлиси, сен раис бўла туриб ҳам бу ҳаётда ҳеч ким эмасдинг. Ростдан мени ўлдирмоқчимисан?

— Кутмагандинг-а, шўрлик мўлтони? Ҳазилакам ўлдирмайман, ҳаёт театр эмас-ку!

— Уйингдан нимадир олиб чиққанингни сездим! Аммо бу даражада аҳмоқ эканингни билмаган эканман! Қандай қилиб одамларга раис бўлгансан, тушунмайман ҳеч.

— Бу гапларинг тирик қолишингга хизмат қилмайди, ҳов тентак! Барибир сени ўлдираман! Кунинг битди!

— Тўғри қиласан! Қачон мени ўлдирсанггина одам эканингни бутун дунё билади! Сени одам ўрнида қамоққа олиб, одам қатори суд қилиб, ертўлага ташлашади! Бундан бошқа йўл билан одамликка эришолмайсан! Ҳаётнинг ичидаман, дейсан, аслида тириклару ўлиқлар сафида умуман йўқлигингни яхши биласан! Ҳеч бўлмаса, “қонхўр” деган ном қолдирсам ҳам майли, ишқилиб ўрним бўлса бас, деган сенга ўхшаганлар исталган ердан топилади! Сен битта эмассан! Сендақалар кўп! Ҳамманг бир хил фикрлайсан! Бировнинг хотинини йўлдан уриш, сўкиниб гапириш, зўравонлик, бойиш, авторитет бўлиш!

— Отбоқар бир думалаб файласуфга айланибди! Қанийди бирон одам кўрса шу ҳолингни! Эсингдами, отхонамда қанақа ишлардинг? Кўзимга тик қараёлмасдинг! Мен шунинг учун ҳам хотинингни қўлимда ўйнатдим! Кўзимга тик қараёлмайдиган эркакларнинг, мижғовланадиган қўрқоқларнинг, пул топишни билмайдиган камбағалларнинг хотинларини худди сичқонни ўйнаган мушукдек ўйнатишни хоҳлаганман! Уларга эркакча меҳр керак, эркакчасига дангал пул топадиган эр керак! Мен

қачон камбағал яшадим, бирор марта кўрдингми? Қачон ўзимни аёлларга ўхшаб тутдим? Ҳозир ҳам, шўро даврида ҳам бой яшаганман! Кунимни кўришни билганман! Менга ўхшаганларни йўқотмоқчи бўласан, йўқ, сенга ўхшаганларни йўқотиш керак! Дунё сенинг фалсафангни тан олмайди. Сен тарбияли бўлсанг ҳам дунё тарбиясиз! Шарифани мен...

— Марҳумларни тинч қўй! — хитоб қилди Абдурахим.
— Шу гапларингга ишониб яшаб юрибсанми?! Ўғлимни эшак дединг! Аслида ўзинг эшакдан баттарсан! Ўз тилинг билан айтиб турибсан!

— Хўп, охирги марта ҳақорат қилиб олинг, жаноби олийлари! — масхараомуз кулди Салай сақлагични ширқ этиб тушириб, милтиқни жанговар ҳолатга келтираркан.
— Саид сенинг ўғлинг, менинг кимим бўлади? Кулим, хизматкорим, беминнат малайим! То ўлгунимча товонимни ялайди, отхонамдан чиқмай яшайди! Мен шунинг учун ғолибманки, уни бўлажак раис қилиб эмас, отбоқар қилиб тарбиялайман! Бир умр қулвачча бўлиб яшайди!

Абдурахимнинг қўллари мушт бўлиб тугилди. Қочишни мўлжаллаган каби оргига — яшил ёнган семофор чироғига кўз ташлади. Темирийўлдан ўтса, у ёғи жийдазор, Салай раис тополмайди. Темирийўл икки тақдирни айро туширадиган из эди. Ўтиб олса, раис билан эртага бошқача гаплашиши мумкин.

— Бекорларни айтибсан! — деди Абдурахим.

— Ўғлингни сен ишлаган ўша отхонада катта қиламан, умри ҳам ўша ерда ўтади! Энди қулоқ сол, мен ҳам охирги сўзимни айтаман...

— Охирги сўзингни айтмоқчимисан? Айта қол! — қулочини ёйди Абдурахим. — Ниятингга ет, илойим!

— Барча лўлиларга ўхшаб қарғашни ҳам қойиллатаман, де! Чаккимассан! — Салай раис томоқ қирди. — Энди эшит, ўв! Сени тинчитаман, лекин қамаладиган аҳмоқ йўқ! Ўқни юрагингдан суғуриб олиб, мурдангни темирийўлга ташлайман! Отиб ўлдирилганингни ҳеч ким билмайди! Мажақланиб кетган тананг гапирармиди!

— Шуми охирги гапинг?! — бир қадам тисланди Абдурахим.

— Ҳой-ҳой, қочишни хаёлингга ҳам келтирма! — Курол оғзини отбоқарга қаратди Салай. — Милтиққа “чўчқа ўқ” жойлаштирилган. Охирги гапимни эшит! Мен Шарифани қандай ўлдираётганларини кўрганман. Шунча вақт сир сақладим! Бундан кейин ҳам сирлигича қолади!

Шу дам узумзордан қандайдир шовқин қулоққа чалиниб, иккисинниг ҳам диққати бўлинди. Бирок борлиқ яна сукунатга чўмди.

— Ким ўлдирди уни? Лўли йигитларми? — сўради Абдурахим сабрсизлик ила.

Раис ерга туфлади. Унинг қути учгани яққол сезилди. Узумзорда кимдир кузатиб турган бўлса, ўқ узолмайди.

— Шарифадан ўзинг сўрайсан, ахир ҳозир ёнига борасан-ку! Қани, кетдик, бу ер ҳам...

— Инсон қавмидан бўлсанг айт, Салай! — бақирди отбоқар.

— Ие, энди инсон қавмидан бўлиб қолдимми? Қочма, ҳой...

— Тан оламан, башаранг одамники. Чунки онангнинг гуноҳи йўқ!

— Вой, аблаҳ-ей! Хўп, гапни қисқа қиламан. Хуллае, тиз чўкиб, оёғимни ўпсанг, ярашаман, ўлай агар! Кўлингни боғлайман, тагин оёғимни ўпаётиб, қутурган итга ўхшаб ўз эганга ташланиб қолма! Розимисан? Жон ширин, кел бу ёққа!

— Тупурдим сенга!

— Пичоқ бориб суякка, суяк-эса туёққа тақалди...

Айни шу дамда узумзор томонда “дада!” деб қичқирди бир бола. Иккиси ҳам қоронғилик бағрига аланг-жалаң боқишди. Туман марказидаги станция томондан чароғон чироқ кўриниб, унсиз яқинлашаверди: поезд Тошкентга шошилмоқда эди.

— Саид, сенмисан? — фикрини сўради Салай бўғиқ овозда.

– Дада! Бу – мен, Саидман!

– Э, сендақа болани!.. – сүкинди раис. – Бало еб юрибсанми бу ерда?!

“Наҳотки, мўлтонининг омади чопди!” – отбоқар томон кўз ташлади, аммо Абдураҳим ғойиб бўлганди. Энгашиб, темирйўл тарафга қарай бошлади. Шунда мўлтонининг шарпаси темирйўлга илдамлаб кетаётганини кўрди. Бир кўнгли шу заҳотиёқ ўқ узмоқчи бўлди, нишонга теккизишига ишонмади чоғи, тепкини босмади. Поезд ҳам яқинлашмоқда эди. «Қочаяпти, ярамас! Ўзича мендан ҳақиқат, гурур, иззат талаб қилди, овозини баландлатганига, сенсиракалаганига ўлайми? Менга бўйинйўғонлик қилгунча оёғимга йиқил, ялин, ўла-ўлгунча ҳурматимни қил! Қизиғи, нега у билан душманман? Мендан нима талаб қилди ўзи?»

Салай раис буриини тортиб, бирпас кузатиб турди. Тўсатдан нега собиқ отбоқарини ўлдириш пайига тушиб қолди, тушунмасди. Ўзини битмас-туганмас ҳақоратларга кўмилгандек ҳис этмоқда эди.

– Тўхта, Абдураҳим! – деди раис. Ва ўглининг шоҳидлигида айёрлик ишлатмоқчи бўлди: – Омонатингни олиб кет! Нима бало, кап-катга одам мендан аразладингми? Ўзини поездга ташламоқчи шекилли! Ўв жинни, қайт орқангга!

Салай милтиқни қўлдан қўймай отбоқарнинг изидан шошилди. Бола уларнинг ортидан бўзлаб, чопди. Бироқ узумнинг чирмовуқдек шохига қоқилиб, кесакка юзтубан йиқилди. Оёққа турганида, Тошкентдан ҳам поезд келаётганини олма боғлари ортидаги чироқдан билди. Саид фалокатни қишлоқдаёқ сезган эди, хўнграб йиғлаб юборди. Семофор эса ҳамон яшил ёнмоқда эди.

– Дада! – чинқирди Саид.

Поезд чироғининг кучли ёруғида икки шарпа темирйўлга шитоб билан шошилар эди. Туман марказидан чиққан поезд шарпалар ёнидан ўтиб, машриқдаги олма боғ ортида Тошкентдан келаётган поезд билан учрашди,

аммо йўллари бўлак эди: ҳар бири ўзига тегишли темир издан қарама-қарши томонларга ўқдек учди. Вагонлари саломлашишга-да улгурмай лип-лип этиб ўтарди.

— Тур жойингдан, ўғлон, — деди бир пайт шундоққина кулоғи тагида биров.

Сапчиб тушган Саид бурилиб қараб ёпинчиқ ёпинган кампирни кўрди, қўлида узун заранг асо. Сал нарида, ундан-да ҳайратланарлиси, бир чол ҳансираб ўтирарди. Бошини жинча кўтарганди, темирйўлдан урган шуъла юзини хира ёритди. Ё алҳазар, унинг кўзлари йўқ эди. Бироқ чол чиройли жилмайди.

— Падарингнинг орқасидан қолма, — деди у. — Югур, бўтам. Зора этиб олсанг.

Саид кучини тўплаб, темирйўл сари чопди. Туман марказидан чиққан поезднинг охири вағони ҳам ўтди-кетди. Поезднинг сўнги вағони ўтишини кутаётган шарпа темирйўл устига лапанглаб чиққан дамда иккинчи йўлдан — Тошкентдан келаётган поезднинг кучли ёруғи уни шунчалик кучли ёритдики... Саид ўз кўзи билан кўрди: ҳалиги шарпа ғилдирақлар тагида лип этиб ғойиб бўлди.

Бола шўрлик бораверди, бораверди. Поездлар икки томонга равона бўлишган, жимлик чўккан, фақат бу жимликни рельсларнинг сезилар-сезилмас визиллаши бузарди, холос. Кимсасиз худуддаги семофор қизил ёнди.

— Дада... — деди Саид чўзилиб ётган одамга.

Поездлар охири вагонларидаги қизил чироқларини чақнатиб, анча олислаб кетди, рельсларнинг заиф ноласи ҳам секин-аста сўнди. Ағанаб ётган нарвонга ўхшаш темир излар семофор ёруғида хув наригача ялтираб кўринди. Енгил шамол эсди, туман марказидаги чироқлардан илма-тешик бўлган зулмат пардаси ҳилпиради. Саид атрофга кўрқа-писа аланглади. “Дада...” деди яна бир марта. Йўқ, бу сафар ичида гапирди. Улик уни бутунлай сеҳрлаб қўйганди.

Ҳиқиллаб йиғлаб, шпалдан шпалга бир-бир одимлаб мурдага яқинлаша бошлади. Сал юриб, оёқ тагидан

қирқма милтиқ топиб олди. Бошқа пайт бұлганида, у қанчалик қувонарди. Ахир, милтиқ, пул, эркинлик — унинг жони дили эди-да.

— Саид! — деган овоз эшитилди мурда томондан.

Бола чўчиб тушди. Зулмат пардасидан бир одам — Абдурахим чиқиб келди. Мурдани айланиб ўтиб, жигарбандини маҳкам қучди. “Сенга ҳеч нарса қилмадимми?” деб сўради меҳрибон овозда. Кейин Салайнинг ёвуз ниятини, у поезд тагида қолиб ўлганини, одамларга хабар бериш кераклигини тушунтирди.

— Яқин-атрофдаги қишлоққа борайлик, телефон топиб, мелисага хабар бериш керак, — деди Абдурахим ўғлини етаклаб.

— Анави ерда чол-кампирни кўрдим, — гудранди Саид.

— Қаерда?

— Узумзорда.

Бироқ Абдурахим узумзордан ҳеч кимни тополмади.

Эртасига Салай раисни дафн этишди. “Яқинда тўй қилган эди-я!” дейишди одамлар. Юз берган воқеа тафсилотини эшитганлар Абдурахимга таъна қилишмади.

— Тугруқхонадаги ўша ҳамшира айбдор, — шангиллади маъракада бир муаллим. — Бу дунёда бировнинг вужудини алмаштириб қўйишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ! Ҳамманинг ўз вужуди, тили, дини, ватани бўлиши керак. Тугрим, биродарлар?

Ҳеч ким тўғри демади. Чунки маъракадагилар бундай гапларни тушунмайдиган бир авом эди.

Фарзанд можароси шу билан якунландики, Салайнинг ўлиmidан сўнг Саид униб-ўсган уйида қолди. Зарина ва Салайнинг хотини опа-сингил тутиниб, борди-келдини узмасликка қарор қилишди. Ахир, уларнинг қўлларида бир-бирининг фарзанди вояга етмоқда эди-да.

Бир гал Абдурахимнинг йўли Жугидонога тушганида, Мамай кўрнинг қабрини сел оқизиб кетганини эшитди. Салай ўлган кеча ўгли узумзорда учратган чол-кампири Мамай кўр ва Элчи хотин эканига отбоқарнинг имони

комил эди. «Арвоҳлар нега безовта? Раис ўладиган жой атрофида не боис болага кўринди экан?» — ўйларди у.

Қишлоқ лўлилари қабртошдаги суратга улуғ башоратгўйни кўзлари очиқ ҳолда чиздиришган экан. Селдан сўнг мрамар тошни сой тубидан топибдилар. Қарасаларки, қаттиқ қиррага урилганидан шекилли, баайни кўзларининг ўрни ўйилиб қолганмиш. Элчи хотиннинг гўри эса ер юзидан бутунлай ювилиб кетгани унинг тириклигидаги ҳаёт тарзига нақадар ўхшаш эди.

ХОТИМА

Қиссам шу жойда ниҳоя топди. Балки дўстим билан учрашиш учун шифохонага бормаганимда, лўли чол — Ашраф полвон ва ўғли Ақобирга дуч келмаганимда, лўлилар ҳақида бутунлай бошқа асар ёзилармиди. Дарвоқе, ҳурматли ноширим қиссани ўқиб, у кутган асар эмаслигини очиқ айтди.

— Мистика реализмга ёпишмаган, — тумшайди у.

— Мен ҳам бунақа чиқишини кутмагандим, — дедим. — Асар ҳам овқатга ўшаркан. Ё кўп қайнатиб юбордим, ё кам.

— Бемаза овқат! Менга ёқмади! Лўлиларнинг уйига, ётоғига, ички дунёсига кириб боришингиз керак эди, — деди асарнинг принтердан чиқарилган қораламасини столга тап этиб ташларкан. — Ҳатто бунда лўлича шева ҳам берилмаган. Ё тавба, ҳаммаси адабий тилда гаплашган-а! Бу қанақаси?

— Атайин битта тилда гаплаштирдим.

— Нега ахир?

— Нега энди лўлилар фақат аллақандай бузилган лаҳжада гапириши керак? Бирор халқни ҳар доим шевада тасвирлаш инсофдан эмас, ҳурматли ношир.

Лўли чолнинг учта дафтарининг биттасини ўқидим ва битта қисса ёздим. Тушунган бўлсангиз, Ашраф полвон билан сирлашган иккинчи чол Мамай кўр эди. Дафтар қаҳрамони эса Абдурахим отбоқар бўлиб,

сўнги саҳифалардаги битикда шундай сатр бор эди: «Бу жияним Абдураҳимнинг кўзи билан кўрилган ҳодисотлар. Иккинчи дафтар келиним Шарифанинг ҳаёти, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган сирлари. Учинчи дафтар меники. Уларга қараганда кўп нарсани биламан, ҳақиқатга яқинман...»

Хулласи калом, учала дафтар ўқиб чиқилгандагина Абдураҳимнинг ҳаётида юз берган воқеаларни тўлиқ англаш мумкин эди. Афсус, бунинг иложи йўқ. Аслида Шарифага нима бўлган эди, кўл тубидаги тилла бўлагини Ашраф полвон ўғирлагани ростми, шунинг учун ошқозони тешилиб, умрининг охирида азоб чекдими, жийдазордаги кампирлар кимлар эди, тилла пичоқ Абдураҳимнинг қўлида эканидалигини Ашраф полвон қачон, қандай хабар топганки, дафтарига батафсил ёзиб қолдирган – барчасини ўшанда билармидик. Бироқ ҳалиги икки дафтар топилмаган эса-да, бошимизда хаёлотимиз бор. Биз кўпинча унга суянамиз, ҳатто эътиқодимизу муҳаббатимиз ҳам хаёлот пойдеворига қурилган.

Қиссага нуқта қўйиб, ўйлаб қолдим: сой бўйида қочиб қолган учинчи лўли ким эди? Тақачи Маҳмуд ака лўлилардан бирини Абдураҳимга ўхшатганига қараганда, жиноятчи қариндошмиди? Энг қизиғи, Сиддиқнинг акаси «қора от атайин баҳайбат қилиб кўрсатилган» деб даъво қилган, уни исботлашга ҳам уринган эди, аммо Маҳмуд акага олиб келинган синган тақа ҳақиқатан баҳайбат отники эмасмиди?!

Бир куни яна олис тумандаги шифокор дўстимнинг поликлиникасига бордим.

– Абдураҳим миллионер бўлиб кетганмиш, – деди дўстим.

– Тилла пичоқни сотибди-да?

– Битта пичоқ нима унга! Мўлтониларнинг айтишича, отаси ростдан ҳам пичоқдаги битикка қараб хазина топган экан. Унинг сирини биладиган шериги бойликни ёлғиз ўзлаштириб, шунча йил Москвада бола-чақаси билан ялло қилиб яшаётган бўлган. Лекин Ашраф полвон

ўлдирилгач, инсофга келиб, Абдурахимни чақиршибди, улушини беришибди. Бечора Абди отбоқар бир умр миллионер бўлиб яшаши керак экан-у, хазинадан беҳабар умрини отбоққарликда ўтказиб юраверган экан.

— Ие, унда сирли қотилликнинг бой лўлиларга алоқаси бор экан-да?

— Ҳа, — деди дўстим, — милиция яқинда ўша эгарсозлик бир йигитни ушлашибди. Лўли чол ўлиб-ўлолмай қийналиб яшаётганини кўриб, афсоналардагига ўхшаб ўлдириб кетганмиш. Сал анақароқ йигит дейишди.

Шу билан ҳаммаси тамом, деб ўйлагандим. Бироқ йигит айбсиз экани исботланганини эшитиб, ҳайрон қолдим. Кейинги ой эса у ёмғирли кечада ялангоёқ тентираб юрганида, жарликка йиқилиб, ўлганини эшитдим. Мишмишларга қараганда, жарлик лабида эшак туёқлари излари бормиш.

Дафтарлар топилмади, қотиллар ҳам.

Ким бахтли бўлишни истаса, бахтли яшай бошлади.

Адабий-бадиий нашр

Азамат КОРЖОВОВ

СИРЛИ ПИЧОҚ ИЗИДАН

Қисса

(Қайта нашр)

Муҳаррир: О. Қанаев
Тех.муҳаррир: Ш. Ҳошимов
Саҳифаловчи: Н. Муҳитдинова
Рассом: Д. Эшматов

Босишга берилди 30.03.2016. Қоғоз бичими 60x84 $\frac{1}{16}$ “Virtec Times UZ” гарнитураси. Шартли босма табоғи 14,5. Нашр босма табоғи 14,5. Адади 4000. Буюртма № 8

*«IJOD-PRESS» нашриётида нашрга тайёрланди.
Нашриёт лицензияси: АІ №270*

*«Dizayn-Print» МЧЖ УИЧК босмахонасида чоп этилди.
100054. Тошкент шаҳри, Чўпон ота кўчаси, 28а-уй.*